

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ**

**ВАЗИРЛИГИ**

**“Минтақавий иқтисодиёт” кафедраси**

**“Миллий ва жаҳон иқтисодиёти” фанидан**

**маъруза матнлари тўплами**

**Тошкент 2011**

## **1-мавзу: Миллий ва жаҳон иқтисодиёт фанининг мақсади, мазмуни ва моҳияти**

Режа

1. Миллий иқтисодиёт тушунчаси, мазмуни, курснинг предмети.
2. Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиши ва миллий иқтисодиётни шаклланиши.
3. Миллий иқтисодиётни бошқарув тизими ва унинг вазифалари.

**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг** 20 йиллик тарихий даври давомида бу фан таркиб ва тузилиш жиҳатидан такомиллаштирилдио Иқтисодиёт кенг маънода - бу бир томондан, ўзига хос қонунлар асосида ривожланадиган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларини бирлаштирган хўжалик бўлиб, иккинчи томондан иқтисодиёт, юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, аҳолини турмуш даражасини яхшилаш ва чекланган ресурслардан унумли фойдаланиш мақсадида иқтисодий қонунларни ўрганиш билан шуғулланадиган энг ўдимий фанлардан биридир.

Миллий иқтисодиёт фани эса - иқтисодиётинг шаклланиш ва ривожланиш муаммоларини янги шароитда, мустақиллик шароитида ўрганиладиган иқтисодий фанлар тизимидағи Ёш фандир.

Миллий иқтисодиёт иқтисодиётни ҳам миллий (nomos), ҳам иқтисодий (oikos) қисмларини бирлаштиради.

«Миллий» сўзи лотинча сўздан олинган бўлиб «natio»- ҳалқ сўзини англатади. «Иқтисодиёт» эса грекча сўздан олинган бўлиб, «oikonomike»- уй хўжалигини бошқариш санъати маъносини англатади.

### **Иқтисодиётни З хил тушунчаси бор:**

- Ишлаб чиқариш муносабатларининг йиғиндиси;
- Туман хўжалиги, мамлакат ёки мамлакатлар хўжалиги ёки дунё хўжалиги;
- Иқтисодий муносабатларни тармоқлараро ёки функционал аспектларини (томонларини) ўрганадиган фан тармоғи.

**Миллий иқтисодиёт-** бу тармоқлар хусусиятини бирлаштирган, мужассамлаштирган комплексдир.

Миллий иқтисодиёт- бу мамлакат хўжалигини, унинг таркибини, унинг айрим элементларини ўзаро боғлиқлигидир.

Иқтисодиёт, Миллий,- деб аталса ҳам, у маълум бир миллат манфаатини ифодаламайди, балки умуммиллий манфаатларга хизмат қиласди.

Иқтисодиёт инсон фаолиятининг асосий жиҳати, жамият хаётининг пойдеворидир. Шу боисдан «аввал иқтисод, кейин сиёsat» дейдилар. Инсон тирик жон бўлгани учун, биринчи навбатда, унинг моддий талаб эҳтиёжи қондирилиши керак, чунки унга фақат иқтисодий фаолият орқали эришилади. Кишилар ҳамиша иқтисодиёт билан машғул бўладилар, чунки шу йўл билан ўз рисқ-насибасини яратадилар. **Иқтисодий фаолият**-у ёки бу мамлакат, бутун инсоният алоҳида индивидлари, гурӯҳлари, ижтимоий қатламларнинг фаолиятидир.

**Иқтисодий фаолият – бу моддий ва маънавий неъматларни яратиш, хизматлар кўрсатиш, истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган хатти-харакатлардир.** Бундай ҳолатнинг мавжудлиги туфайли, иқтисодий фаолият **биринчидан**, у ёки бу эҳтиёжларни қондиришнинг устувор аҳамиятга эгалиги, **иккинчидан**, мақсаднинг долзарблиги ва **учинчидан**, бошқа муқобил мақсадларга қараганда унга эришиш учун тўланадиган ҳақнинг нархини танлаш билан боғлиқ муаммони ҳал этади. Бу уч ҳолат иқтисодий фаолиятнинг мазмунини ифодалайди. Иқтисодий фаолиятни ўрганишда миллий чегараларини танлаб олиш ҳозирги замон техникасини, сиёсатини ривожланишини ҳамда умуммиллий кўрсаткичларини таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир давлат маълум **бир соҳани ёки умуман иқтисодий фаолиятни муваффақиятли** ривожлантиришни у ёки бу шароитларини яратади. Бу ўз навбатида мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётида маълум ўрин эгаллашида катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон **Миллий иқтисодиёти** мавжуд бўлган барча соҳалар, бирлашмалар, корхона ва ташкилотларнинг йиғиндисидир. Улар ягона иқтисодий тизимга, умумий қонунларга ва ривожланиш мақсадларига асосланган ҳолда бирлашган.

Миллий иқтисодиёт **курсининг предмети** алоҳида мамлакат микёсидаги иқтисодий фаолиятни, иқтисодий жараёнларни унинг тармоқларини, худудий ва функционал таркибини қамраб олади.

Миллий иқтисодиёт курси:

1. Мамлакатнинг ягона ҳалқ ҳўжалиги мажмуи каби **Миллий иқтисодиётни шаклланиш жараёнини ўрганади**;
2. Иқтисодиётни бошқаришда ҳаддан ташқари марказлашган тоталитар тузумдан тубдан фарӯ қиладиган **бозор иқтисодиётини шаклланиш жараёнини ўрганади**;
3. Мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш принципларини ўрганади.
4. Мамлакат иқтисодиётининг ислоҳ қилишни миллий ўзбек моделини моҳиятини ўрганади.
5. Иқтисодиётнинг бошқариш шаклларини қайта қуриш, янги бошқарув ташкилотлари тизимини яратиш ҳамда мустақиллик шароитида давлат бошқарувини ташкил қилишни ва бозор иқтисодиётига аста-секин, босқичма-босқич ўтиб бориш жараёнларини ўрганади.

Миллий иқтисодиёт бошқа **иқтисодий фанлар билан чамбарчас боғлиқдир**. Миллий иқтисодиёт иқтисодий фанларнинг таркибий қисми сифатида умумий қонунлар асосида ривожланади. У аввало иқтисодиёт назарияси билан боғлиқ. Маълумки иқтисодиёт назарияси фани инсоннинг, жамиятнинг иқтисодий фаолияти, яъни моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш жараёнларини, шу билан бирга, иқтисодий қонунлар, категориялар ҳамда уларни амал қилиш механизмини ўрганади. У кишилик жамияти пайдо бўлгандан буён ривожланиб такомиллашиб келаяпти.

Миллий иқтисодиёт курси иқтисодий ривожланишни ва такомиллашишининг бир, маҳсус даврига яъни марказдан туриб бошқариладиган иқтисодиётни бозор иқтисодиётига ўтиш даврига тўғри келади. Бу эски иқтисодий тизимни тубдан ислоҳ қилиш ва янги ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратиш даврини ифодалайди. Ижтимоий-иктисодий жараёнларни такрор ишлаб чиқариш Миллий иқтисодиётнинг предмети бўлиб ҳисобланади.

Миллий иқтисодиёт курси макроиктисодиёт, молия ва кредит, ва бошқа иқтисодий фанларнинг назарий томонларини маълум давлатнинг-масалан, Ўзбекистон Республикасининг хусусияти ва шароитига боғладайди. Бўлажак иқтисодиёт мутахассислари эътиборини ўз мамлакатининг иқтисодини чуқур ва ҳар тамонлама ўрганишга қаратади. Миллий иқтисодиёт фанини ўрганиш социология, тарих, иқтисодий география, статистика, информацион технология ва бошқа фанларни чуқур билишни тақозо қиласади. Чунки, иқтисодчи-мутахассис иқтисодий фаолиятни барча жараёнларини тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиш учун иқтисодий, хуқукий, техника ва бошқа фанларни ҳам билиши лозим бўлади. 1991 йил 31 август куни Тошкент шаҳрида Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонни давлат мустақиллиги эълон қилинди.

Маҳсус ўарор билан Ўзбекистон ССР «Ўзбекистон Республикаси», деб аталадиган бўлди. **1 сентябрь-Мустақиллик куни**, деб белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг **Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида қонун** қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси **унитар давлат** бўлиб, давлат ҳокимияти ҳокимиятнинг таўсимланиш назариясига биноан мустаҳкамланган. **Унитар давлатда** давлат тузилиши шакли, давлат худуди таркибида, федерациядан фарӯли равишда, федератив бирликлар (штатлар, ерлар) бўлмайди, балки у **маъмурий-худудий бирликлар** (вилоятлар, туманлар, ва ҳоказо) га бўлинган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси худудий жиҳатдан бўлинмас ягона давлатни ташкил қиласади. Унинг таркибига ЎраўалпоЁистон Республикаси, 12 та вилоятлар, 163 та туманлар, 120 та шаҳарлар, қишлоқлар ва овуллар киради. **Майдони** – 448,9 минг кв. км, **аҳолиси** – 28 млн.\*

\* Республика аҳолисини ўсиш сурати пасайиш тенденциясига эгадир.

Масалан: 1970-1979 йй.да ўсиш сурати 3%ни ташкил килган.

1980-1989 йй.да 2,6%ни ташкил килган.

1990-2001 йй.да ўсиш сурати 1,8%ни ташкил килди.

БМТнинг маълумотига қараганда Ўзбекистоннинг аҳолиси 2010 йилда 3 млн. кишига ўсади.

киши, ундан 9358,7 минг киши ёки 38 % шаҳар, 15502,0 минг киши Ёки 62 % қишлоқ аҳолисини ташкил қиласди. 1 км<sup>2</sup> га тўғри келадиган аҳоли сони 53,3 кишидир. Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлари – 27,9 млн.га, шундан сүЁоришга яроўли ерлар 5 млн.га, сугориладиган ерлар 4,2 млн. га ни ташкил қиласди.(Журнал. «Бизнес куръер»<sup>1</sup> 31. 2003 й 23 октябр 6-бет)

- 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасдиқланган;
- 1992 йил 2 март Ўзбекистон Республикаси БМТига азо бўлиб қабул қилинган;
- 1992 йил 2 июляда Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасдиқланган;
- 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган;
- 1992 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадхияси тасдиқланган;
- 1994 йил 1 июляда Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси муомалага киритилган.

**Ўзбекистон – суверен демократик республика.** Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънени англатади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурӣ-ҳудудий тузилишини ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг тизимини белгилайди, **ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади**. Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди даҳлсиз ва бўлинмасдир. Ўзбекистон Республикасининг давлат тили **ўзбек тилидир**. У ўз ҳудудида истиёмат ўйловчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари хурмат килинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

Мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ўамраб олган **иқтисодий сиёsat** шаклланиб, истиўбол йўналишлари белгилаб олинди. Собиқ иттифоўнинг парчаланиши оқибатида Ўзбекистонга ўта марказлашган, директив усул билан бошқарилган, мулкчиликнинг чекланган турларига асосланган иқтисодиёт мерос қилиб ўлдирилган эди. Бу эса чукур иқтисодий инўирозга олиб келди. Ишлаб чиқариш ҳажми, миллий даромад кўрсаткичлари пасайиб кетди ва ҳоказо.

Республика Президенти ва ҳукумати зудлик билан қатъий чоралар кўриш натижасида, энг аввало, янгича **иқтисодий сиёsat** ишлаб чиўилди. Унинг негизига **бозор иқтисодиёти асос қилиб олинди**. Дунёдаги барча ривожланган мамлакатлар тажрибасидан, айниўса, Туркия, Жанубий Корея ва бошқа қатор Осиё давлатлари намуналаридан тўғри фойдаланилган ҳолда, мумкин қадар тезроқ, **аҳолининг ҳеч бир табаўасига катта зиён етказмасдан бозор иқтисодиётига ўтиш кераклиги давлат сиёсатининг мазмунини ташкил ўйлди**. Бунинг учун ҳар тарафлама кенг иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш режалаштирилди ва республикада бозор муносабатларига ўтишнинг қуидаги назарий **асослари ва мезонлари аниқланди**:

- иқтисоднинг мафкурадан холи бўлиши ва унинг сиёсатдан устуворлиги;
- давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши;
- конунлар ва уларга риоя қилиш устуворлиги;
- халқ манфаатларига қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни юргизиш;
- бозор иқтисодиётига аста-секин, босқичма-босқич ўтиб бориш.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти илгари сурган ривожланишнинг бу **беш тамойили** амалда ўзининг хаётийлигини тўла тасдиқлади. Амалий иш жараёнида Ўзбекистон туб иқтисодий ислоҳотларни ўтказишни ўзига хос йўлини тўғрилиги ва таъсирчанлиги тасдиқланди. Бу тамойиллар жаҳон жамоатчилиги томонидан маъъулланди. Мазкур тамойилларни амалга ошириб, республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик, энг муҳими – бозор муносабатларини жорий этиш сари босқичма-босқич илгарилаб бориш таъминланди.

Ўзбекистонда ўтиш даврининг ўзидаёқ иқтисодий барқарорликни таъминлабгина қолмай, мамлакатни **иқтисодий ўсиш сари олиб чиўди**, келгусида уни янада жадалроў ривожланиши учун мустаҳкам замин яратди. Натижада жаҳон иқтисодий адабиётида ҳақли равишда тараққиётнинг «Ўзбекистон модели», «Ўзбекистон феномени» деган тушунчалар пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги яқин ўтмишда умумиттифоқ халқ хўжалиги мажмуининг ташкилий қисмига кирар эди. Шу билан бирга Собиқ иттифоқдаги **мехнат тақсомотига асосан хом ашёни етказиб берувчи** мавқеини эгалларди. Бундай шароитда халқ хўжалигини “**миллий иқтисодиёт**” тушунчаси билан таққослаш мумкин эмас эди.

Эндиликда Ўзбекистонда сиёсий ва давлат мустақиллиги камол топиши, иқтисодий ривожланишнинг ўз йўлини танлаш имконияти яратилиши билан республикада ҳозирги замон **миллий иқтисодиёти шакллана бошланди**.

Республикада иқтисодиётга оид бир қатор қонунлар қабул қилинди: «Мулкчилик тўғрисида», «Корхоналар тўғрисида», «Кооперациялар тўғрисида», «Ижара тўғрисида», «Тадбиркорлик тўғрисида», «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Чет эл инвестициялари ҳаёда», «Ташқи иқтисодий фаолият асослари тўғрисида», «Солиқ солиш тўғрисида» ва ҳоказолар каби 400 дан ошиў қонунлар қабул қилинди.

12 та кодекс қабул қилинди. Кодекс бу соҳалар бўйича қабул қилинган қонунларни мужассамланишидир.

Ўзбекистонда иқтисодиётинг асосини ташкил этувчи **ишлаб чиқариш соҳасига** алоҳида эътибор берилди ва берилмоқда. Ушбу соҳанинг энг асосий тармоғи **саноатнинг анъанавий ривожланган турлари** – қишлоқ хўжалик машинасозлиги, кимё саноати кабилар билан бир қаторда мутлаёу янги саноат соҳаларини ташкил этиш зарур бўлди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири **қишлоқ хўжалиги ҳисобланади**. Унинг асосий бўғини бўлган пахтачилик энг рентабелли ва харидоргирдир. Шу сабабдан, келажакда ҳам пахтачиликни ривожлантириш, унинг тармоқ инфраструктурасида ўулай, мос ҳажмини, салмоғини аниқлаш, шунингдек, тола сифатини тубдан яхшилаб, дунё стандарти даражасига келтириш энг долзарб муаммодир.

Давлатимиз нисбатан катта ҳудудга эга ва унинг географик ўрни ҳам алоҳида хусусиятларга молик. **Бу ҳолат қурилиш ва транспортни** ҳам жадал суръатлар билан ривожлантириш вазифасини қўяди. Ялпи ишлаб чиқариш майдонларини, **уй-жой, маданий-маиший муассасалар, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг** мустақил моддий-техник пойдеворини яратиш қурилиш соҳасининг мазмунини ташкил этади. Траспортнинг муҳим тури бўлган денгиз транспортига эга эмаслигимиз, темир йўлнинг эса паст даражадалиги ва **фақат бир томонга, шимолга қаратилганлиги** ушбу жабҳаларда чукур ўзгаришларни амалга оширишни назарда тутади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳаво транспорти республика хаётида муҳим ўрин эгаллади. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳозирнинг ўзидаёқ дунёning ўнлаб мамлакатлари билан пассажир ва юк ташиш алоқаларини ўрнатди.

#### **Давлат иқтисодий сиёсатининг асослари қилиб қўйидагилар белгиланди:**

- а) қисқа муддат ичida республикамизни **хом ашё ишлаб** чиқарадиган давлатдан дунё бозорларида рақобат ўила оладиган, **тайёр** маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган мустақил иқтисодиётга эга, ўудратли давлатга айлантириш;
- б) **истеъмол бозорини, аввало, ички ресурслар ҳисобига тўлдириш**, аҳолининг озиқ-овқат, кундалик саноат товарларига бўлган эҳтиёжини жуда қисқа вақт ичida тўлиў таъминлаш;
- в) аҳоли даромадларининг **нарх-наво билан мутаносиблигини** таъминлаш, бунинг учун зарур бўлган ижтимоий тадбирларни амалга ошириш;
- г) пухта ишланган қонунларга **асосланган ҳолда** давлат суверенитетини (дахлсизлигини) таъминлаш, биринчи навбатда, халқ манфаатларини ҳимоя қиладиган **тeng хуқуқли, ўзаро фойдали ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш**;
- д) ички истеъмол бозори ҳимоясини таъминлаш, давр талабига жавоб берадиган **молия-пул сиёсатини ишлаб** чиқиши ва ҳоказо.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукӯрлаштириш йўлида» деган асарида «Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик хуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир» деган эди (179-бет).

**Республикада бозор иқтисодиётiga босқичма-босқич ўтиш уларни ҳар бири учун конкрет мақсадларни, уларга эришиш воситаларини белгилаб олишни тақозо этади.**

**Биринчи босқич** бутунлай янги иқтисодий тизимнинг хуқуқий негизларини яратишга, давлатчиликни шакллантириш ва мустаҳкамлашга, эскича фикрлаш тарзларини онгимиздан чиқариб ташлашга қаратилган эди. Бу босқичда янги тузум учун ишончли пойдевор яратиш вазифаси ўйилди. **Биринчи босқичда:**

1. Ўтиш жараёнини хуқуқий асосларини шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний-хуқуқий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

2. Қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириш, маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат корхоналарини, уй-жой фондини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, шунингдек, **енгил саноат, қурилиш ва транспорт соҳасидаги айrim корхоналарни акциядорлик асосида қайта қуриш** ҳисобига кўп укладли иқтисодиёт негизларини яратиш. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;

3. **Молиявий аҳволни** барқарорлаштириш, молия ва солиқ сиёсати; кредит-пул сиёсати, нарх-наво бўйича ва пулнинг ўадрсизланишига ўарши сиёсат ва ҳоказо ишлар амалга оширилди.

Республикада жамиятни ислоҳ қилишнинг **иккинчи босқичининг** вазифалари **қуийдагилар деб белгиланди:**

1. Давлат мулкларини хусусийлаштириш соҳасидаги бошланган ишни охирига етказиш;

2. Ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, корхоналар, тармоқларнинг ҳам умуман давлатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигига эришиш;

3. Миллий валюта – сўмни янада мустаҳкамлаш унинг конвертациясига, қатъий валюталарга эркин суръатда алмаштирилишига бутун чоралар билан эришиш. Бу вазифа 2003 йил 15 октябрдан бошлаб ҳал қилинди.

4. Иқтисодиёт таркибини тубдан ўзgartириш, ҳом ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, унинг сифатини ва рақобатга бардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан давлат бошқарув органлари қуийдагича:

1. Ўзбекистон фуқароларининг умумий сайлов йўли билан тайинланадиган Президент (1-илова).

2. Умумхалқ сайлови йўли билан сайланадиган – Олий Мажлис депутатлари, Олий Мажлис сессияси, шу оралиқда Олий Мажлис Президиуми, тегишли ҳайъат ва қўмиталари (2-илова).

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси – унинг раиси Президент ҳисобланади (3-илова).

Булардан ташқари **хуқуқий органлар** мавжуд бўлиб, булар қаторига Ўзбекистон **Конституцион назорат қўмитаси**, **Конституцион суди**, Ўзбекистон Республикаси **Олий суди**, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, **Давлат Арбитражи** киради. Бевосита иқтисодий бошқарувга оид давлат маҳкамалари мавжуд бўлиб, улар бошқарув олий органларининг учаласида ҳам мавжуд. Президент девонида иқтисодий масалалар бўйича Давлат маслаҳатчиси мавжуд. Ушбу шахс давлатнинг иқтисодий стратегиясини ишлаб чиқишида иқтисодий қўмита ва бўлимларни ҳам назорат қилади.

Олий Мажлис ва унинг Президиуми таркибида ҳам иқтисодиётга оид қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқадиган, шунга оид масалаларни Олий Мажлис сессиялари кун тартибига киритадиган бир неча қўмиталар мавжуд.

**Бевосита иқтисодиёти бошқарадиган**, давлат иқтисодий сиёсатини хаётга тадбиў этадиган бошқарув бўғинларининг асосийлари **қуийдагилар ҳисобланади**. **Бош вазир**, бош вазир ўринbosари, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Марказий ва Миллий банклари, Халқ жамғарма банки, Давлат бож, солиқ ва хусусийлаштириш қўмиталари, барча вазирликларнинг иқтисодий бошқармалари ва ҳокимликлар (4, 4.1, 4.2, 4.3 -иловалар).

## **Миллий иқтисодиётнинг бошқарув вазифалари умумий тарзда қуидагича белгиланган:**

1. Бозор иқтисодиётининг хукуқий асосларини ва ижтимоий муҳитни яратиб бериш.
2. Мулк дахлсизлигини таъминлаш.
3. Рақобат ҳалоллигини сақлаш ва уни ҳимоя қилиш.
4. Даромад ва миллий бойликларни таўсимлаш ва қайта таўсимлаш.
5. Миллий маҳсулот таркибини яхшилаш мақсадида ресурслар тақсимотини тартибга солиш, устувор йўналишларни белгилаш.
6. Иқтисодиётни баркарорлаштириш, иш билан таъминлаш, инфляция жараёнларини назорат қилиш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
7. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ўтиш даврининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тегишли чора-тадбирлар, хусусан, аҳолининг маълум бир табаўаларини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш.
8. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш босқичларининг узвийлигини таъминлаш.
9. Республика аҳолисининг таркибий ўсиш суръатлари ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда янги иш жойларини ташкил этиш, аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат биржалари ва меҳнат бозорларини ташкил этиш. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш.
10. Истеъмол бозорининг ҳимоясини ташкил этиш.
11. Миллий пул бирлиги курсининг қатъийлигини таъминлаш ва ҳоказолар.

Бозор иқтисодиётига оғишмай боришни таъминлаш учун, биринчи навбатда, ана шу ўайд этилган ишларни амалга ошириш лозим бўлади. Шу билан бирга маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олиш, олдинги марказлашган давлат бошқарув тизимининг ҳам мақсадга мувофиқ жиҳатларини сақлаб қолиш керак.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий жиҳатдан ўн иккита вилоят ва ЎораўолпоЁистон Республикасини ўз ичига олади. Маълумки, вилоятлар яна туманларга бўлинади. Ушбу минтаўаларнинг бошқарув органлари ва уларнинг хукуқий, мулк чегараларига ўзгартаришлар киритилди. Маҳаллий аҳамиятга молик бўлган қонунлар ва фармонлар қабул қилиш халқ томонидан сайланган туман, вилоят депутатлари, уларнинг кенгашлари зиммасига юклатилган. Маҳаллий даражада Олий бошқарув ва ижрочи орган – **вилоят ва туман ҳокимият органлари тузилган**. Ҳокимлар республика Президентининг жойлардаги вакили бўлиб, улар Президент томонидан тавсия этилади ва маҳаллий депутатлар кенгашида тасдиқланади. Шу билан бирга улар маҳаллий **кенгаш раислари этиб сайланади**. Маҳаллий ҳокимиятнинг мулк хукуқлари асосий қонунда қатъий белгиланиб, уларнинг шаклланиш манбалари ҳам аниқ кўрсатилган. Муниципиал мулк деб аталмиш ушбу мулк маҳаллий саноат, тижорат ва бошқалар ҳисобига ташкил этилади ва улар тўлиў маҳаллий ҳокимиятлар тасарруфида бўлади. Маҳаллий ҳокимиятларнинг иқтисодиётнинг бошқарув бўғинлари юқорида санаб ўтилган республика органларининг бўлимлари ҳисобланади.

### **Таянч иборалар**

- Миллий иқтисодиёт
- Давлат мустақиллиги
- Сиёсий мустақиллик
- Иқтисодий мустақиллик
- Иқтисодий сиёсат
- Унитар давлат
- Суверен демократик республика
- Маъмурий-ҳудудий бирликлар
- Миллий иқтисодиётнинг шаклланиши жараёни
- Бошқарув тизими

### **Ўз-ўзини текшириши учун саволлар**

1. *Миллий иқтисодиёт деганда нимани тушунасиз?*
2. *“Миллий” сўзининг маъноси нимада?*
3. *Иқтисодиётнинг уч хил тушунчаси хусусида нима дея оласиз?*
4. *“Миллий иқтисодиёт”ни «Халқ хўжалиги» иборасидан фарқи нимада?*
5. *Миллий иқтисодиётнинг шаклланиши жараёни қандай?*
6. *Миллий иқтисодиёт курсининг предмети ва уни бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги нимада?*
7. *Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари нимада?*
8. *Унитар давлат деганда нимани тушунасиз?*
9. *Ўзбекистон-суверен демократик республика эканлигини маъноси нимада?*
10. *Бозор муносабатларига ўтишининг ўзбек модели, унинг моҳияти ва аҳамияти нимада?*
11. *Давлатнинг иқтисодий сиёсати ва унинг асослари тўгрисида нималар дея оласиз?*
12. *Бозор муносабатларига ўтишининг қандай босқичларини биласиз?*
13. *Миллий иқтисодиётни бошқарув органлари қандай тизимга эга?*
14. *Миллий иқтисодиётнинг бошқарув тизими қандай таркибга эга?*
15. *Миллий иқтисодиётни бошқаршида қандай вазифалар ҳал қилининии лозим?*

## **2-мавзу. Миллий ва жаҳон иқтисодиётнинг кўрсаткичлари**

Режа

1. Миллий иқтисодиётнинг фаолиятини таъминловчи омиллар.


2. Иқтисодиётнинг ривожланишини белгилайдиган макроиктисодий кўрсаткичлар тизими.

Маълум бир давлатнинг иқтисодий фаолиятини чегаралаб уни жаҳон ҳамжамиятидан ажратиб олиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам миллий иқтисодиёт жаҳон иқтисодий тизимини бир бўлаги сифатида ўаралиши лозим. Демак, миллий иқтисодиётнинг хусусиятлари на факат ички, балки ташқи омилларга ҳам боғлиқдир. Шундан келиб чиўён ҳолда миллий иқтисодиётга таъсир этадиган омиллар икки гурухга бўлинади: **Ташқи ва ички**. Улар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқдир.

**Ташқи омилларни қуидаги гурухларга бўлиш мумкин:**

1. Иқтисодий
2. Сиёсий
3. Демографик
4. Маданий

- Жаҳон ҳамжамиятини **иқтисодий омилларига**, энг аввало, у ёки бу давлатнинг миллий иқтисодиётини ихтисослик - йўналишини белгилайдиган халқаро меҳнат тақсимоти киради.
- **Сиёсий омиллар** хар хил шаклларда намоён бўлиши мумкин. Масалан у ёки бу маҳсулот етказиб бериш ёки хизмат кўрсатишни таъқиқлаб қўйиш; эмбарго эълон қилиш, у ёки бу савдо-сиёсий уюшмаларига қабул қилиш ёки ўйлласлик; дипломатик мунособатларни ўрнатилиши ёки бузилиши; у ёки бу ҳарбий-сиёсий ташкилотларга кириш, у ёки бу давлат билан бораётган уруш ҳолати ва ҳоказо.
- Жаҳон ҳамжамиятида намоён бўладиган **демографик омиллар**, энг аввало, ишсизликни келтириб чиқариши мумкин бўлган ишчи кучларининг миграциясини (бир жойдан иккинчи жойга кўчиши) билан боғлиқдир. Бундай ҳолат ўайси давлат учун яхши кўрсаткич бўлиши мумкин, ва унинг акси-ўайсири давлат учун Ёмон кўрсаткич бўлиши мумкин.
- Миллий иқтисодиётга **маданий омиллар** ҳам кучли таъсир ўтказиши мумкин. Масалан: умуммаданияти кучли бўлган давлатларни бошқа давлат маданиятига таъсири (босқинчилиги-экспансия) туфайли унинг иқтисодини пасайишига (фойда келтириб турган маданият ва санъат тармоқлари даромадларини пасайиб кетиши туфайли) олиб келади. Миллий иқтисодиётга таъсир қилувчи **ички** омиллар:
  - Шахсий-инсоний омиллар
  - Моддий-ашёвий омил
  - Миллий иқтисодиётни ташкил қилиш шакллари
  - Мамлакат миқиёсида иқтисодий фаолиятни таҳлил қилиш имкониятини берадиган усууллар (методлар) киради.
- **Шахсий-инсоний омил**- бу меҳнат қилиш қобилиятидан иборат бўлмиш **ишчи кучи** ва унинг фаолият қилишидир. Шахсий инсоний омил меҳнатга лаёқатли аҳоли, унинг жисмоний ва ақлий қобилияти, билим ва савияси, малака ва маҳоратидир. 2003 йилда Ўзбекистонда мазкур аҳоли 12 000 млн. кишини ташкил ўйлган.
- **Моддий ашёвий омил**-бу ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча моддий шаклдаги воситалардир. Унинг таркибига табиий бойликлар, улардан олинган хом ашёлар, машина-механизм, асбоб-ускуна, курилмаган иншоотлар киради. Улар ишлаб чиқариш воситалари, деб ҳам юритилади. Уларнинг маълум нарҳда ҳисобланиб, пулга чаўилган шакли, яъни қиймат-пул шакли МДХ мамлакатларида ишлаб чиқариш фондлари номини олган. Моддий омиллар таркибан уч қисмдан иборат:



Моддий-ашёвий омил билан шахсий-инсоний омил бирикиб меҳнат жараёни, яъни ишлаб чиқариш юзага келади. Бунинг натижасида турли-туман маҳсулотлар ва хизматлар яратилади.

**Тадбиркорлик қобилияти** оддий ишчи кучидан фарқ қилиб, ишлаб чиқаришда бошқаришдан иборат бўлган алоҳида вазифани бажаради. У табиатан ишбилармонлик қобилияти бўлиб, алоҳида бир истеъдод, юксак билим, маҳсус тайёргарлик ва маъсулият мужассами, демакдир.

Тадбиркорлик қобилияти моддий омиллар билан бирикмайди, балки шу омиллар билан ишчи кучининг самарали бирикишини, иқтисодий фаолиятдан яхши натижа олинишини таъминлайди.

#### • **Миллий иқтисодиётни ташкил қилиш шакллари.**

Инсоният тарихи хўжалик юритишни турли хил шаклларини билади:

##### **Анъанавий ёки натурал иқтисодий тизим**

Бу ўта кўхна ва қолоқ иқтисодий тизим, узоқ вақтгача ўзгармай қолгани учун архаик (эски) тизим деб баҳоланади. Бу тизимда қўл меҳнати ҳукмрон, ишлаб чиқариш натурал характерга эга: меҳнат унумдорлиги ва турмуш даражаси ғоят паст. Иқтисодий алоқалар хўжаликнинг ўзида юз беради. Бошқалар билан олди-сотди муносабатлари бўлмайди. Бу табиатан берк иқтисодиёт давлат сиёсати таъсиридан ҳоли бўлади. Анъанавий иқтисодий тизимнинг аломатлари ҳали цивилизация гирдобига тортилмаган, уруғ-аймоқчилик шароитида яшаётган баъзи бир Африка ҳалқларида учраб туради.

##### **Бозор иқтисодиёти тизими**

Бу бозордаги талабни қондиришга қаратилган, бозор орқали ҳамкорликни тақозо этувчи эркин ва демократик тизим. У хусусий мулкчилик, бозор учун ишлаш, чекланмаган иқтисодий танлов, наф кўриш ва рақобат каби тамойилларга асосланади. Бозор тизимида даромад топиш чегараланмайди, бой бўлиш таъкиқланмайди, ўзига тўқ, фаровон яшовчи одамларнинг моддий тенгизлиги мавжуд бўлади. Бозор тизими асосида товар ишлаб чиқариш, пул ётади. Бозор тизими дунёning барча мамлакатларида бор, лекин унинг ривожланиш даражаси бир хил эмас.

##### **Тоталитар-режали ёки буйруқбозлий-маъмурӣ иқтисодиёт тизими**

Бу тўла тўқис давлатлаштирилган иқтисодий тизимдир. Унинг асоси давлат мулки ҳисобланади, ишлаб чиқариш давлатнинг режа-топширикларига биноан юргизилади, нима ишлаб чиқариш масаласи давлатнинг буйруғига биноан ҳал қилинади. Бой бўлиш таъкиқланади, камбағалларнинг тенглиги ҳукм суради. Бундай иқтисодий тизим собиқ социалистик мамлакатларда бўлган.

##### **Аралаш иқтисодий тизим**

Бу ҳар хил даражада бозор ва нобозор алоқа-муносабатларининг ўришмасидан иборат тизимдир. Бу тизимда бозор воситалари билан биргаликда режалаштириш, ҳамкорлик ва саҳоватга асосланган иқтисодий алоқалар мавжуд бўлади. Иқтисодиёт юксак технология, ғоят юқори меҳнат унумдорлигига асосланади, бу эса моддий тўқинчиликни таъминлайди. Аҳолининг кўпчилиги мулк соҳибига айланади.

#### • **Иқтисодий фаолиятни таҳлил қилиш имкониятини берадиган усуллар:**

- Халқаро бозорда рақобатбардошлиқ афзаллигини кўрсаткичи миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини баҳолайдиган муҳим кўрсаткичdir. Миллий иқтисодиётда у

йиллик миллий даромад хажмини йил давомида сарфланган барча ресурсларнинг қийматига бўлган нисбатидир.

### **Мамлакатнинг бойлиги қуйидаги кўрсаткичлар йиғиндиси билан баҳоланади:**

1. Аҳолининг жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)
2. Табиий ресурслар қиймати
3. Мехнат ресурсларининг қиймати
4. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва турлари корхоналарининг қиймати.

Мамлакат ихтиёридаги мавжуд ресурслар юқоридаги кўрсатилган усувлар билан аниқланиши мумкин.

Миллий иқтисодиёт фаолияти ҳар хил макроиктисодий кўрсаткичлар билан ифодаланади. Ўанчалик маҳсулот кўп ишлаб чиқарилса, шунчалик мамлакат бой бўлади, иқтисодиёт самарали фаолият кўрсатади ва ҳоказо. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот хилма-хилдир. Унинг сони ва хиллари миллионлар билан ўлчанади ва хилма хил ўлчов бирликлари билан ифодаланади (дона, метр, тонна, киловат соат ва ҳоказо) уларни бир-бiri билан таққослаб ёки қўшиб бўлмайди. Шунинг учун уларнинг ҳаммасини ягона асосга келтирадиган, ягона ўлчов бирлиги зарур бўлади. Ана шундай кўрсаткич бўлиб амалиётда қиймат кўрсаткичлари қўлланилади (сўм, доллар, евро, рубл, фунт стерлинг ва ҳоказо).

Макроиктисодиётда қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида иқтисодиётнинг ривожланиши ёки пасайиши, унинг ютуқ ва камчиликлари аниқланади, ўлчанади;

- Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)
- Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)
- Инфляция, унинг ўсиш суръати
- Давлат бюджети тақчиллиги
- Дефлятор-инфляциянинг хақиқий даражасини ифодаловчи

$$\text{кўрсаткич} = \frac{\text{ЯИМнинг амалдаги баҳоларда}}{\text{ЯИМ солиштирма баҳоларда}}$$

Истеъмол баҳолар индекси

- Ишсизлик даражаси ва ишсизлик сони, аҳолининг иш билан бандлилиги даражаси
- Аҳолини моддий неъматлар ва хизматлар истеъмоли ҳажми, унинг жамғармалари, иш ҳақининг қути миқдори ва қатор бошқалар.

Ишлаб чиқаришнинг натижаларини ифодалайдиган макроиктисодий кўрсаткич бу **ЯЛПИ МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ** (ЯММ) ҳисобланади. ЯММ бир йил ичida миллий хўжаликда яратилган, тақсимланган ва фойдаланиладиган пировард якуний маҳсулотлар қийматидир. ЯММ мамлакатда ишлаб чиқарилган барча маҳсулот ва хизматлар йиғиндининг пул шаклидаги ифодасидир (мамлакатда ёки унинг ташқарисидагидан қатъий назар). Миллий хўжаликда яратиладиган жуда катта ҳар хил маҳсулот ва хизматлар истеъмол товарларига ва инвестиция товарларига ёки ишлаб чиқариш воситалари маҳсулотларига бўлинади. Бу кўрсаткич, яъни ЯММ кўрсаткичи 1987 йилдан БМТ методологияси бўйича ҳисобланади.

$$\text{ЯММ}=\text{ЯИжM} +$$

Шу мамлакат юридик ва  
жисмоний шахсларининг  
хориждан оладиган фойда ва  
даромадлари

—

Хорижий инвесторлар ва  
ишлиларни шу мамлакатдан  
олган фойда ва даромадлари

Мальумки ҳар хил давлатларда ташқи савдо сальдоси (қолдиғи) бир хил эмас ва у ЯММ таркибиға қўшилади. Бу, ўз навбатида, ЯММ ҳажмини ўзгартириб юборади. Натижада ЯММ кўрсаткичи таққослаб бўлмайдиган ҳолга келиб қолади. Шунинг учун мамлакат иқтисодини ривожланиш даражасини аниқ ифодалайдиган кўрсаткич бўлиб, **ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи** (ЯИЧМ) ҳисобланади.

ЯИМ- бу мамлакатнинг иқтисодий фаолиятини умумлаштириб ифодаловчи кўрсаткичайр. У мазкур **мамлакат ҳудудида пировард истеъмол учун ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар қийматига тенгдир.**

ЯИМ жами ижтимоий маҳсулот- ЯИМ (C+V+M) дан тубдан фарқ қиласи. Бу фарқлар қуидагилардан иборат:

ЯИМ- бу истеъмолга тайёр хаётини неъматларни билдиради. Шу сабабли унинг таркибига қайта ишлаш ёки қайтадан сотишга мўлжалланган маҳсулотлар кирмайди. Масалан: хом ашё, материал, ёнилЁи, энергия, уруғлик, озуқа, транспорт хизмати, улгуржи савдо, тижорат, молиявий хизматлар ва бошқалар ЯИМ қийматига қўшилмайди. Акс ҳолда ЯИМ ҳам тақорорий ҳисоблардан ҳоли бўлмас эди.

ЯИМ- бу ички маҳсулотдир. Чунки у мазкур мамлакат худудида жойлашган барча резидентлар (кайси миллат ва қайси давлат фукаросига мансуб эканлигидан қатъий назар) томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар қийматини ифодалайди.

ЯИМ натура ва пулда ҳисобланади. Натурада айрим маҳсулотларнинг ҳажми, миқдори, сони аниқланади. Масалан: кўмир, пахта, дон, цемент кабиларнинг миқдори тоннада, тахта, газ эса кубометрда аниқланади.

Маҳсулотлар хилма-хил бўлганидан уларни ягона моддий- натурада аниқлаб бўлмайди. Масалан: ўқитиши ёки даволаш хизматини тонна, м, м<sup>3</sup> орқали ўлчаб бўлмайди. Шу сабабли уларнинг кўлами (ҳажми, миқдори, сони) неча пуллик хизмат кўрсатилганига қараб аниқланади.

Ялпи ички маҳсулот ҳажми яратилган маҳсулотлар (M) ва хизматлар миқдорини (X) уларнинг бозор нархига (P) кўпайтмасидан иборат:

$$\text{ЯИМ} = \Sigma MP + \Sigma X P$$

Мазкур мавзуни якунлар эканмиз қуидаги хulosаларни чиқаришимиз мумкин:

1. ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳаларининг ахамияти орта боради. Охириги 30-40 йил ичида жаҳон миқиёсида Фан-техника тараққиёти ривожланиши моддий неъматлар ишлаб чиқарадиган соҳани тубдан ўзгартириб юбораяпти. Моддий неъматлар ишлаб чиқарадиган соҳанинг чегараси кенгайиб, ортиб бораяпти. ФТП янги технологияларни яратадиган бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиб бораяпти.

2. 80-йиллар охиридан бошлаб АҚШ ва бошқа ривожланган давлатларда ахборот ишлаб чиқариш кенг ривож топмоқда. У кишиларни меҳнат фаолиятини учинчи кучли соҳасига айланиб қолаяпти. АҚШ миллий иқтисодиётида янги тармоқнинг улуши ЯММ ҳажмида шу давр ичида 50 % гача ошган.

3. Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам хизмат кўрсатадиган соҳаларни улуши ортиб бораяпти ва ҳоказо.

### **Таянч иборалар**

- Миллий иқтисодиётни таъминловчи ташқи омиллар
- Миллий иқтисодиётни таъминловчи ички омиллар
- Бозор иқтисодиёти тизими
- Буйруқбозлик-маъмурӣ иқтисодиёт тизими
- Ялпи миллий маҳсулот
- Инфляция
- Дефлятор
- Истеъмол баҳолар индекси

### **Ўз-ўзини текшириши учун саволлар**

1. Миллий иқтисодиётга таъсир қуловчи ташқи омилларга қандай омиллар киради?
2. Миллий иқтисодиётга таъсир қуловчи ички омилларга қандай омиллар киради?
3. Макроиқтисодий кўрсаткичларга қандай кўрсаткичлар киради?
4. Ялпи ички маҳсулот тўйғрисида нималар дея оласиз?

### **З-мавзу. Миллий бойлик ва унинг таркиби.**

#### **Режа**

1. Миллий бойлик тушунчasi, унинг таркиби.
2. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш асослари.

**Бойлик**, деган тушунча иқтисодий назарияда кенг қўлланилади. Биринчи марта **бойлик** деган тушунчани англиялик иқтисодчи А.Смит киритган. У яратилган маҳсулотларнинг жамғарилиши бойлик деб атаган ва уни ишлаб чиқарувчilar меҳнати оширади деб уқтирган. 1664 йилда инглиз олими Уильям Петти миллий бойликни хисоблаган олимдир. У биринчи марта бойликнинг **отаси меҳнат, онаси эса ердир**, - деган.

Хозирги замон назариётчилари ҳам яратилган маҳсулот ишлаб чиқариш ресурсига айланиб, бойлик ҳосил этишини эътироф этадилар. Миллий бойлик Ёки ижтимоий бойлик умуниқтисодий категориядир. Ишлаб чиқариш бор жойда миллий бойлик вужудга келади.

**Миллий бойлик инсоният жамияти тараққиёти давомида яратилган ва жамғарилган моддий, номоддий ва интелектуал бойликлар ҳамда табиат иномларидан иборатдир.**

Миллий бойлик ўз ичига моддий ва номоддий неъматларни, яратилган санъат асарларини интелектуал салоҳиятни ҳамда барча табиат ресурслари ва бойликларини олади.

Миллий бойликни шартли равишда қуйидаги учта йирик таркибий қисмларга ажратиш мумкин:

1. Моддий буюмлашган бойлик;
2. Номоддий бойлик;
3. Табиий бойлик;

**Моддий буюмлашган бойлик** ишлаб чиқаришнинг, унумли меҳнатининг натижаси хисобланади. У ишлаб чиқаришда яратилган маҳсулотларни жорий истеъмол қилишдан ортиўча қисмини **жамғариш оқибатида вужудга келади ва ўсиб боради**. Бойликнинг бир қисми ҳар йили ишдан чиқарилиб ва қайтадан янгиланиб туради (ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари). Шу сабабли ишлаб чиқариш воситаларининг ўрнини ўоплаш билан бир вақтда ялпи маҳсулотнинг фақат бир қисми моддий буюмлашган бойлик сифатида жамғарилиб борилади. Миллий бойлик меҳнат натижасида яратилади ва кўпайиб боради.

Миллий бойликнинг **инсон меҳнати билан яратилган қисми**, ўз ичига қуйидагиларни олади:

- **ишлаб чиқариш характеридаги асосий фондлар**
- **ноишлаб чиқариш характеридаги асосий фондлар.** Асосий фондларнинг бу турига давлатнинг уй-жой фонди, ижтимоий маданий характердаги объектлар киради.
- **айланма фондлар.** Миллий бойликнинг бу қисми меҳнат предметларидан иборат, бўлиб асосий фондларнинг таҳминан 1/4 қисмини ташкил қиласди.
- **тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган қисми.** Улар ишлаб чиқариш босқичида меҳнат жараёни таъсири остида бўлиб, потенциал **тайёр маҳсулот** хисобланади.
- **моддий заҳиралар ва эҳтиёжлар.** Бунга муомала босқичидаги тайёр маҳсулот, корхоналар ва савдо тармоқларидағи моддий заҳиралар, давлат эҳтиёжлари ва резерв фондлари киради. **Моддий заҳиралар** иқтисодиётда рўй бериши мумкин бўлган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавўулотда холатларда фойдаланиш мақсадида ушлаб туриласди. **Давлат эҳтиёжларига** олтин заҳиралари, суғурта ва мудофаа эҳтиёжлари учун зарур заҳиралар киради.

- аҳолининг уй, томорёа ва ёрдамчи хўжаликда **жамғарилган мол-мулк**. Бунга уй-жой, автомобиль, маданий-маишӣ буюмлар, кийим-кечаклар ва шу кабиларнинг қиймати киради.

Моддий буюмлашган бойлик **таркибий қисмларининг** мазмuni ва уларнинг салмоғи ўзгаришсиз қолмайди. **Асосан фан-техника тараққиёти шароитида моддий, буюмлашган бойлик таркибида йирик ўзгаришлар рўй беради.**

Моддий буюмлашган **бойлик ўсишининг асосий омиллари** бўлиб ўйидагилар ҳисобланади:

- меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортиши;
- миллий даромадда жамғариш нормасининг ортиши;

Моддий буюмлашган бойликнинг ўсиши жамият моддий ўимматликлари кўпайишнинг асоси ҳисобланади. Агар фан-техника тараўқиёти юқори суръатлар билан ривожланса маданият, санъат, фан каби номоддий соҳалар ҳам ўсиб ва такомиллашиб боради.

**Миллий бойлик** нафақат моддий ишлаб чиқариш соҳаларида яратилади, балки унинг бир қисми номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида вужудга келтирилади ва жамиятнинг номоддий бойлиги ҳисобланади. Улар ҳам моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг фаолият килиши ва ривожланиши учун, шунингдек, бевосита ахолининг турмуш даражасини таъминлаш ва ошириб бориш учун зарур бўлади. Бундай бойликларга **таълим, соғлиқни саклаш, фан, маданият, спорт** соҳаларида вужудга келтириладиган номоддий ўимматликлар киради. Унинг такибида тарихий Ёдгорликлар, архитектура обидалари, ноёб адабиётлар ва санъат асарлари алоҳида ўрин тутади.

Жамиятнинг номоддий бойликларида маданият ва санъатнинг ривожланиш даражаси, жамият аъзоларининг тўплаган **илмий билимлари ва интелектуал даражаси**, ишловчиларнинг ихтисослиги ва малакавий билим даражаси, соғлиқни саклаш, таълим ва спортнинг ривожланиш даражаси ўз ифодасини топади.

Миллий бойликнинг бошқа қисми **табиий бойликлар** ишлаб чиқаришнинг моддий шарт –шароитини ва инсон фаолиятининг ташки мухитини ташкил қиласди. **Табиий бойликнинг вужудга келиши инсоният жамият ривожига боғлиқ эмас, у табиат қонунлари асосида рўй беради.** Фойдали ўазилма бойликлар, ўрмонлар, сув ва ер ресурслари худди шундай вужудга келиб ишлаб чиқаришдан ташқарида туради.

**Табиат инъомлари ўзларининг дастлабки кўринишида табиий бойлик бўлиб**, шу ҳолатида инсон фаолиятининг натижаси ҳисобланган ижтимоий бойлик таркибига кирмайди. Бунинг маъноси шуки, **табиий бойликлар жамият учун фақатгина потенциал бойлик ҳисобланади. Улар реал бойлика инсон меҳнатининг таъсири оқибатида айланади.**

Ўзбекистон ер ости бойликлари билан хақли равища фаҳрланади. Машхур Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган. Ўзбекистон ҳудуди доирасида шакллантирувчи йиллик сув оўими 10 куб км.га яқин. Бошқа мамлакатлар ҳудудидан оўиб келувчи сув оўими 89 куб км.ни ташкил қиласди

Ўзбекистон ҳудудида **олтин, мис, рух, вольфрам, молибден**, алюминий ва магний рудалари, нодир металлар, олtingугурт, ош тузи, калийли ва бошқа табиий туз қатламлари, каолин, ўтга чидамли хом ашёлар, бентонит, мармар ва бошқа безак тошлари топилган. **ресурслари бўйича эса кўмир, табиий газ конлари очилган.**

Ўзбекистонда 100 га яқин минерал-хом ашё турларининг мавжудлиги республика иқтисодиётининг муҳим тармоқларини, айниқса, газ, олтин ишлаб чиқариш, энергетика, кимё, рангли металлургия, қурилиш материаллари саноатларини тез суръатлар билан ривожлантириш имкониятини беради.

Шу кунгача республикада ҳаммаси бўлиб **минерал-хом ашё турларидан 70га яқини ишлаб чиқаришга жалб этилган.**

Ҳозирги даврга келиб аниқланган миллий бойлик манбалари ишлаб чиқариш корхоналарини узоқ муддат давомида олтин, мис, табиий газ, кўрғошин, рух, кўмир ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлабгина қолмай, ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконини ҳам бераяти.

Ўзбекистоннинг ер ости бойликлари пахта далаларининг ҳосилдорлигини оширишга муҳим ҳисса қўшади. Турон ёнувчи сланецларидан маҳаллий сланец конлари базасида ўғит сифатида ишлатиладиган ва пахта ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим омили бўлган смола олиш масаласи ҳал қилинган. Кўп микдорда янги қурилиш материаллари, **масалан**, керамзит ишлаб чиқариш учун керак бўлган бетонитлар, Тошкент метрополитени учун зарур безак тошлари ва бошқалар ишлаб чиқарилиши ташкил қилинган.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган бақувват иқтисодиётинг асоси яратилди. Ўнлаб янги тармоқ ва соҳаларга асос солинди, маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскириб қолган минглаб ишлаб чиқариш корхоналари бутунлай қайтадан замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жихозланди.

Миллий бойлик жамиятнинг иқтисодий қуч-кувватини кўрсатади ва иқтисодий потенциални ташкил этади. **Жамиятнинг ишлаб чиқара билиш қобилияти иқтисодий потенциал деб аталади.** Бу қобилият ишлаб чиқариш ресурслари миқдори ва сифати билан белгиланади, яратилган маҳсулотлар ва хизматлар миқдори билан ифода этилади. Шу сабабли унинг муҳим кўрсаткичи бўлиб- **ялпи миллий маҳсулот** кўрсаткичи ҳисобланади. Бу маҳсулотни ишлаб чиқариш эса - миллий бойликнинг ҳажми ва структурасига, ундан яхши фойдаланилишига боғлиқдир. Шундай экан, иқтисодий потенциал юксалган сари жамият тобора бойиб боради.

Иқтисодий потенциал жамият аъзоларининг эҳтиёжини қондириш учун ишлатилади. Агар эҳтиёжлар тўлароқ қондирилса, иқтисодий потенциал самарали ишлатилган бўлади. **Иқтисодий потенциалнинг тўрт хил унсури** (элементи) мавжуд.

1. Мехнат потенциали
2. Илм-маърифат потенциали
3. Техника-технология потенциали
4. Табиий потенциал

**Мехнат потенциали** — жамиятдаги меҳнатга лаёқатли, билим ва малакага, ишлаб чиқара олиш қобилиятига эга бўлган кишилардир. Меҳнат потенциалининг миқдорий ўлчами ишга яроўли кишилар сони бўлиб, унинг ўсиб бориши аҳолининг кўпайишидан келиб чиқади. Сифат жиҳатидан меҳнат потенциали мазкур аҳолининг билим савияси, касбий малакаси ва тажрибасини билдиради. Меҳнат потенциали ишлаб чиқариш орўали Миллий бойликни оширишга ўз ҳиссасини қўшади.

**Илм-маърифат потенциали** - илм-маърифатга хизмат ўилувчи моддий ва инсоний ресурслар, фан эришган даражадир. Илм-маърифат потенциалини унга сарфланган маблағлар ва илмий педагогик кадрлар сони ва малакаси белгилайди. Илм-маърифат ривожига ўанчалик кўп маблағ сарфланса, уни самарали ишлатиш таъминланса, иқтисодий ўсиш шунчалик тезлашиб, миллий бойлик кўпаяди.

**Техника-технология потенциали** — жамиятдаги машина-механизмлар миқдори, уларнинг таркиби, техникавий даражаси ва технологик тизимлар мажмуини ўз ичига олади. Бу потенциал фан ютуўлари наўадар янги техника ва технологияда моддийлашгандигини билдиради. Техника-технология даражаси фан тараққиётига монанд тушиши шарт, аммо бунинг учун фан ютуўларини амалиётта жорий этишни таъминловчи иқтисодий воситалар амал қилишни талаб қилинади. Агар бундай восита бўлмаса, фан ва техника потенциали бир-бирини таъминламай кўяди. Масалан, собиў СССРда ер юзидағи олимларнинг 25 фоизи ишлаган, лекин фан билан техникани боёловчи восита заифлигидан, улкан мамлакат ишлаб чиқариш даражаси бўйича дунёда 68 ўринни эгаллаган. Техника-технология потенциали илмий потенциалдан юқори бўлиши ҳам мумкин, аммо бу ҳол ишлаб чиқариш импорт қилинган техника-технологияга асосланганда юз берди.

**Табиий потенциал** — табиий ресурслар миқдори ва сифати, ишлаб чиқаришнинг об-хаво шароити. Табиий потенциал чекланган ва нотекис жойлашган бўлади. Табиий потенциални ер, сув захиралари, ўрмон ва ер ости бойликлари, сув бойликлари, иўлим ўулайликлари ташкил этади. Улар иқтисодиётга кўмаклашуви ёки унга ўйинчилик туЁдириши мумкин. Аммо табиий ресурслар яратган тўсиўларни илмий ва техникавий потенциал бартараф этиши мумкин. Масалан, Япония табиий ресурслари камёблигини юксак техника-технология потенциали воситасида ортиЁи билан ўоплади.

Иқтисодий потенциал унсурлари биргаликда амал қилиб, бир-биридаги этишмовчиликни тўлдира олади. Уларнинг самарали амал қилиши учун жамиатдаги иқтисодий шароит улардан ттўлароқ фойдаланиш юзасидан **ҳам манфаатдорлик, ҳам жавобгарликни юзага келтириши зарур**. Иқтисодий патенциалнинг ўсишини ва самарали ишлашини таъминловчи куч-бу эркин бозор механизмидир.

### **Таянч иборалар**

- Бойлик
- Миллий бойлик
- Моддий буюмлашган бойлик
- Номоддий бойлик
- Табиий бойлик
- Итисодий потенциал
- Мехнат потенциали
- Илм-маърифат потенциали
- Табиий потенциал

### **Ўз-ўзини текшириши учун саволлар**

1. Бойлик ва миллий бойлик тушунчалари ўртасида қандай фарқ бор?
2. Миллий бойлик таркибига нималар киради?
3. Моддий буюмлашган бойлик деганда нимани тушунасиз?
4. Номоддий бойлик таркибига нималар киради?
5. Табиий бойлик таркибига-чи?
6. Иқтисодий ривожланиши даражаси ва миллий бойлик ўртасида қандай боғлиқлик бор?
7. Иқтисодий потенциал деганда нимани тушунасиз?
8. Иқтисодий потенциал қандай унсурлардан ташкил топган?
9. Мехнат потенциалининг моҳияти нимада?
10. Илм-маърифат потенциалининг моҳияти нимада?
11. Техника-технология потенциалининг моҳияти нимада?
12. Табиий потенциалнинг моҳияти нимада?

## **4-мавзу. Фан – техника тараққиёти ва уни миллий ва халқаро иқтисодиётни ривожланишидаги роли**

### **Режа**

1. Фан-техника тараққиёти, унинг моҳияти.
2. Янги техника ва технологиянинг иқтисодий самарадорлиги.

Фан-техника тараққиёти фан ва техниканинг муттасил равиша ва ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланишидир. Ижтимоий талаб ва эҳтиёжларнинг ўсиши таъсирида Фан-техника тараққиёти жадаллашади. Бу ўз навбатида табиий кучлар ва ресурсларни инсонга хизмат ўйлдириш, ишлаб чиқаришда зарур маълумотларни аниқ мақсадни кўзлаб қўллаш имконини беради.

#### **Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш туфайли:**

- Мехнат унумдорлигини оширишга эришилади;
- Асбоб-ускуналардан, моддий ресурслардан хом ашёлардан оқилона фойдаланиш зарурати янги технологиянинг вужудга келишини таъминлайди;
- Ишлаб чиқаришни самарали ташкил қилиш имкониятларини яратади;
- Техника тараққиёти мутахассисларни касбий маҳоратини ўзгартиради, шунингдек, янги касблар вужудга келишини таъминлайди;

Фан техника тараққиёти ўзаро бир-бирини тақозо этадиган **икки шаклда амалга оширилади:**

- 1) Фан ва техниканинг анъанавий негизларини нисбатан секинроқ ва қисман такомиллаштиришни билдирувчи **эволюцион шакл**;
- 2) Принципial жиҳатдан янги техника ва технологияни вужудга келтирадиган, жамият ишлаб чиқарувчи кучларини тубдан ўзгартиришга олиб келадиган **инўилобий шакл**.

Иқтисодиёти ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини оширишнинг ҳал ўйлувчи воситаси фан-техника тараққиётини бутун чоралар билан жадаллаштиришни зарурат қилиб қўяди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш миллий иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши ишлаб чиқаришни **электрлаштиришни, роботлаштиришни, компьютерлаштиришни** кенг миқиёсда амалга оширишни тақозо этади. **Фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланади.**

#### **Фан - техника тараққиётини жадаллаштириш учун:**

- илм-фанни устувор йўналиш сифатида ривожлантириш;
- илмий ходимлар таркибини қайта тузиш.
- миллий иқтисодни ривожлантириш учун аҳамиятли ихтиrolарни ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилиш;
- саноатни етакчи тармоқларини, энг аввало, машинасозлик маҳсулотларини ўсиш суръатларини ва янгиланишини таъминлаш;
- янги техниканинг иқтисодий самарадорлигини ошириш;
- инсон омилидан **тўғри фойдаланиш, бошқариш ва таълим тизимини қайта қуриш** ва хоказо каби тадбирларни амалга ошириш зарурдир.

#### **Фан-техника тараққиётининг ҳозирги даврдаги асосий йўналишлари:**

1. Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш.
2. Компьютерлаштириш.
3. Энергетикани ва энг аввало атом энергетикасини ривожлантириш.
4. Транспорт ва алоқанинг янги турларини вужудга келтириш.
5. Янги техника ва технологияларни тезроқ ўзлаштириш.
6. Янги конструкцион материалларни вужудга келтириш ва фойдаланиш.
7. Биотехнология, чиўтсиз технологик жараёнларни ишлаб чиқаришга татбиў этиш.
8. Алоқа атроф-мухитни муҳофаза қилиш мақсадларида космосдан кенг фойдаланиш ва бошқалар ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фан билан ишлаб чиқариш интеграцияси кучаймоқда, улар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг янги самарали шакллари вужудга келмоқда,

техника янгиликларини, илмий кашфиётлар ва ихтиrolарни хаётга тадбиқ қилиш муддатлари қисқармоқда.

Республика миллий иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантириш фан-техника тараққиёти ривожи билан чамбарчас боғлиқдир.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш фан-техника маҳсулотини барпо этишни тақозо этади. Илмий-техникавий фаолиятни бозорга ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Давлат назарий изланишларни ҳаммавақт қўллаб-кувватлаб, молиявий томондан таъмин этиб туради.

Янги техника ва ишланмаларни бунёд этиш ва уларни кенг кўламда амалиётга жорий қилиш, албатта, бозор механизмини қўллаш натижасида, яъни хўжалик шартномалари асосида амалга оширилади ва олинган натижалар маҳсулот сифатида қабул қилинади. Фан ва техникани замон талабига мос тарзда ривожлантириш учун унинг ҳозирги ва келажакдаги ўрнини аниқлаб берга оладиган илмий изланишларни олиб боришни кенгайтириш зарур.

Фан самарадорлигини оширишдаги асосий омил фан ва техника учун **бўлган жавобгарликни оширишдир**. Ана шундагина фандаги илмий хуносаларни техникага маҳсулот сифатида ўтказилиши ва хақиқий бозор иқтисодиёти рўёбга чиқиши, институтлар ўзларига хос бўлмаган жорий ишлардан халос бўлишлари мумкин.

Бозор иқтисодиёти кенг ривожланган баъзи мамлакатларда илмий тажриба, конструкция ишлари институтларига қилинган умумий харажатларнинг 20% ва ундан ҳам кўпроғини давлат молиялаштиради. Бизда ҳам давлат маблағларини анчагина қисми фан-техника тараққиётига сарфланаяпти.

Фан-техника тараққиёти соҳасида кредитлаштириш узоқ давр мобайнида фақат янги фан-техникани жорий қилишга қаратилган эди. Янги маҳсулотнинг яратилиши турли босқичларда харажатлар тузилмасини оқилона ўзгартириш, илмий текшириш институтларига кредит беришни тўғри йўлга қўйиши, шу билан бирга, жаҳон тажрибаларининг ижобий томонларини ҳам амалда қўллашни тақозо қиласи.

Солиқлар тизими ва имтиёзли солиқлар илмий тажриба, конструкторлик ишлари институтни бошқаришнинг муҳим эгри воситалари хисобланади. Бирўанча ривожланган мамлакатларда илмий тажриба, конструкторлик ишлари институтларига тўғри мутаносиб харажатларнинг ўсиб бориши билан бирга солиқлар чегирмаси жорий қилинган (бу чегирма жуда ёрдам беради, 20-50% ни ташкил этади).

Фан-техникани ривожлантириш учун сарфланаётган маблағлар, табиий равища, иқтисодий самара бериши керак.

**Фан-техника тараққиёти самарадорлиги янги техникани ўйлаш натижасида олинган иқтисодий самарани уни ишлаб чиқаришга қилинган барча харажатлар миқдорига бўлиш ўзиши билан аниқланади.**

**Йиллик иқтисодий самара** дейилганда миллий иқтисодиёт миқиёсида олинган иқтисодий тежам тушунилади.

Янги техниканинг иқтисодий самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичлар бўлиб **фойданинг ўсиши, таннархнинг камайиши хисобланади**. Бу ишлар асосан янги техникани қўллаш натижасида амалга оширилади.

Фойданинг ўсиш кўрсаткичи қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\Delta \Pi_{it} = (\Pi_t - C_t) - (\Pi_1 - C_1) A_t$$

бунда:  $\Pi_{it}$ - Прогнозлаш даврида фойданинг ўсиши ( $t$  йил), сўм хисобида;

$C_t$  ва  $C_1$ - Улгуржи баҳо ва бир бирлик маҳсулотнинг таннархи (техника киритгандан кейингиси);

$\Pi_1, C_1$ - Улгуржи баҳо ва бир бирлик маҳсулотнинг таннархи (янги техника киритилмасдан аввалгиси);

$A_t$ - янги маҳсулотнинг  $t$  йилдаги ҳажми.

Янги техникани жорий қилиш натижасида маҳсулот таннархининг камайиши қуйидагича аниқланади:

$$\Delta C = (C_1 - C_t) A_t$$

бунда:  $\Delta C$ - Янги техникани жорий қилиш, таннархни камайтиришдан келиб чиқадиган самарадорлик;  
 $C_t$ - янги маҳсулот таннархи ( $t$  йилдаги);  
 $C_1$ - Эски маҳсулот таннархи;  
 $A_t$ - янги маҳсулотнинг  $t$  йилдаги ҳажми.

**Таянч иборалар:**

- *Фан-техника тараққиёти*
- *Фан-техника тараққиёти самарадорлиги*

**Ўз-ўзини текшириши учун саволлар**

1. *Фан-техника тараққиётининг аҳамияти*
2. *Фан-техника тараққиётини жадаллаштириши учун қандай омиллар таъсир кўрсатади?*
3. *Фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари*
4. *Фан-техника тараққиётининг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуллари.*

## **5-мавзу. Миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилиши**

### **Режа**

1. Миллий иқтисодиёт таркиби, унинг мазмуни ва асосий шакллари.
2. Иқтисодий фаолият таркибини таҳлил қилиш.
3. Миллий иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

Иқтисодиёт мураккаб ва кўп қиррали хусусиятга эга. У ҳар бири аниқ функцияни бажарадиган ва шунинг билан бирга бошқа бўғинлар ҳаракатини таъминлайдиган кенг тармоқли турли хил бўлимлар тизимидан иборат. Шунинг учун иқтисодиётнинг таркиби доимо ривожланишда ва такомиллаштиришда бўладиган мураккаб организмдир.

**Иқтисодиётнинг таркиби (структураси)** деганда маълум омиллар таъсирида юзага келган ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат таҳсимотини ифодалайдиган иқтисодиёт тармоқларининг нисбати тушунилади.

Маълумки, Марказлашган **бошқарув тизимида муайян мамлакат иқтисодиёти** “халқ хўжалиги” ибораси билан ифодаланар эди. Бундай ёндашувда мамлакат иқтисодиёти икки соҳага, яъни:

- Ишлаб чиқариш
- Ноишлаб чиқариш соҳаларига бўлинган халқ хўжалиги тармоқлари таснифига асосланар эди.

### **Ишлаб чиқариш соҳаси:**

- Саноат;
- қишлоқ хўжалиги;
- ўрмон хўжалиги;
- курилиш;
- юқ транспорти;
- ишлаб чиқаришга хизмат ўйлувчи алоқа;
- моддий техника таъминоти;
- савдо ва тайёрлов ташкилотлари;
- умумовқатланиш корхоналари;
- бошқа ҳар хил ишлаб чиқариш фаолиятлари;

### **Ноишлаб чиқариш соҳаси:**

- уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш;
- соғлиқни саклаш, жисмоний тарбия ва социал таъминот;
- халқ таълими;
- маданият ва санъат;
- молия, кредит ва давлат суғуртаси;
- бошқариш;
- мудофаа;
- ҳар хил ноишлаб чиқариш фаолиятлари.

Халқ хўжалигини бу тартибда гурухлаш иқтисодиётни маъмурий буйруқ билан бошқариш шароитида вужудга келган бўлиб, ҳаддан ташқари марказлашган режалаштириш услугига асосланган эди. Бундай тасниф бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берса олмайди. Чунки унга асосланиб:

- ноишлаб чиқариш тармоқларида яратилган ижтимоий қийматни аниқлаш;
- тармоқларни мулк шаклларига ажратиб ўрганиш;
- тадбиркорликнинг янги структурасига оид кўпгина кўрсаткичларни аниқлаш имконияти бўлмайди.

**Бозор иқтисодиёти шароитида халқ хўжалигининг икки соҳасидаги чегара йўқолади, янги турли-туман мулкий тизим вужудга келади. Натижада, турли мулк шакллари кўринишида бозор иқтисодиётининг қуидаги субъектлари шаклланади:**

- Иқтисодий мустақил **мулк эгаси**, яъни истеъмолчи бўлган айрим кишилар ёки гурухлар. Буларга одатда ёлланиб ишловчилар, ер эгалари, капитал соҳиблари, ишлаб чиқариш воситаси эгалари киради. Улар тадбиркорлик қилмай, ўз мулкидан даромад топади ёки ёлланиб ишлайди.
- Фирма, корхона, хўжаликлар ва уларда банд бўлган **тадбиркорлар**. Улар фойда олиш йўлида мустақил иш юритадилар, ишлаб чиқариш омилларини ишга соладилар.
- **Давлатнинг барча маҳкамама-идора ташкилотлари**. Улар ҳам ишлаб чиқариш, ҳам истеъмол билан шуғулланадилар, бозор ва унда қатнашувчилар фаолияти устидан назорат қиладилар.

Бозор иқтисодиёти иштирокчилари ўзаро алокага киришадилар. Ишчи кучи, ер, капитал ва бошқа восита эгалари уларни корхона, фирмаларга сотади. Улар ўз навбатида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиб товар ишлаб чиқарадилар ва хизматлар кўрсатадилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1993 йилда қабул қилинган МСТИНИНГ З-тахририда Миллий иқтисодиёт икки қисмга ажратилган:

1. Ички иқтисодиёт
2. Колган дунё (ташқи дунё)

**Ички иқтисодиёт 5 секторга ажратилган:**

1. Товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари (номолиявий корхоналар);
2. Молия ташкилотлари;
3. Давлат ташкилотлари;
4. Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотлар;
5. Уй хўжалиги;

Т/р	Секторлар	Институционал бирликлар (корхоналар)	Секторларнинг вазифалари
1.	2	3	4
1.	▪ Товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сектори (номолиявий корхоналар)	▪ Фирмалар ▪ Корхоналар ▪ Корпорациялар ▪ Концернлар ▪ Концорциумалар ва бошқалар.	▪ Товар ишлаб чиқариш ва молиявий бўлмаган хизмат кўрсатиш
2.	▪ Молиявий ташкилотлар сектори	▪ Марказий банк ▪ бошқа банклар ▪ суғурта компанияси ва пенсия фонди	▪ мамлакатда пул муомаласини тартибига солиш ▪ суғурталаш ва нафақаларни белгилаш
3.	▪ Давлат ташкилатлари сектори	▪ қонун чиқарувчи органлар ▪ ижро этувчи органлар ▪ назорат этувчи органлар ▪ миллий даромад ва бойликни қайта тақсимлашда қатнашувчи бошқа ташкилатлар (молия вазирлиги, солик, божхона қўмитаси ва ҳоказо)	▪ миллий даромадни ва миллий бойликни қайта тақсимлаш: ▪ Макроиктисодий мутаносибликларни таъминлаш ▪ Солик, бож, турли бадал ва тўловларни тўланишини назорат қилиш
4.	▪ Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи ижтимоий	▪ Нотижорат ташкилотлари – касалхоналар – дам олиш уйлари	▪ ахолининг талабини қондириш ▪ бепул даволаш

	ташкилотлар сектори	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ўкув юртлари</li> <li>- осойишталиктин мухофаза қилувчи ташкилотлар ва бошқалар</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ белупул таълим бериш</li> <li>▪ белупул майший хизмат кўрсатиш</li> <li>▪ белупул тинчлик ва осойишталиктин таъминлаш</li> <li>▪ хайрия ишларини бажариш</li> </ul>
5.	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Уй хўжалиги сектори</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи бўлган якка ва гуруҳ шахслар</li> <li>▪ Оиласлар</li> <li>▪ Ибодатхоналарда яшовчилар</li> <li>▪ Узоқ муддат руҳий касалхоналарда даволанаётганлар</li> <li>▪ қамоқхоналардагилар</li> <li>▪ қариялар ва болалар уйидагилар</li> <li>▪ армиядагилар ва ҳоказо</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Бозор эҳтиёжи ва хусусан шахсий эҳтиёжни қондириш учун товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш</li> </ul>

Миллий иқтисодиётинг иккинчи қисми - **қолган дунё ёки ташки дунё** секторидир. Унга ташки иқтисодий алоқалар киради. Бу сектор асосан чет давлатлар ва мамлакат институтционал бирликлар (резидентлари) ўртасидаги муомалаларни ҳисобга олиш учун хизмат қилади.

Ишлаб чиқариш жараёни, товар ресурслари, хизмат кўрсатишда ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги мутаносибликни тавсифлаш мақсадида МСТда институционал бирликлар тармоқлар таснифининг халқаро стандарти (ТТХС)га биноан қуидаги тўрт гурухга бўлинади:

- бўлимлар (жами 17 та бўлим);
- бўлимчалар (жами 20 та блок);
- тармоқлар туркумлари (жами 169 та фаолият тури);
- тамоқлар туркумлари (жами 292 та синф).

Бундай гурухлаш тармоқлар бўйича товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш жараёнидаги оқимларни таҳлил қилишда қўл келади.

**Макроиқтисодиётни секторларга бўлиб ўрганиш** бозор муносабатларини тартибга солиш учун зарур бўлган макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишида, макроиқтисодий таҳлилни амалга ошириш ва макроиқтисодий қонуниятларини аниқлашда, макроиқтисодиётни бошқариш учун зарур бўлган тегишли тавсияларни тайёрлашда катта аҳамият касб этади.

Булардан ташқари ҳар бир секторнинг ўз вазифалари бор.

### Секторлар ва уларнинг вазифалари

Юқорида ўайд этилганлардан ташқари БМТининг 1993 йилда қабул қилинган МСТИда **бозор иқтисодиётига ўтаётган малакатларда** ягона иқтисодиётни икки соҳага ажратиш тавсия қилинади, яъни:

- a) **Товар ишлаб чиқариш соҳаси**-бунда буюм, газ, сув, ва энергия шаклида маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, ишлаб чиқариш хизматлари кўрсатилади. Бу соҳага саноат, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, курилиш тармоқлари киритилади.
- b) **Хизмат кўрсатиш соҳаси**, бунга хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган тармоқлар киритилган.

Хозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси статистика хизмати ЯИМ, бандлик, меҳнат ҳақи ва бошқа кўрсаткичларни соҳа ва тармоқлар бўйича ҳисоблайди ва эълон қилади.

Шундай қилиб, Миллий иқтисодиёт турли қисм ва бўлаклардан ташкил топган мураккаб тизимdir. Иқтисодиётнинг турли қисм ва бўлаклари ўртасидаги ўзаро нисбат **иқтисодиётнинг таркибий тузилиши** деб аталади. Иқтисодиётни алоҳида қисмларга бўлиш асосида турли белгилар ётади, шунинг учун **таркибларнинг тузилиши** бир неча турларга ажратиб ўрганилади.

1. Ижтимоий тузилиши.
2. Тармоқ тузилиши.
3. Такрор ишлаб чиқариш тузилиши.
4. Худудий тузилиши.

**Ижтимоий тузилиш-** бу иқтисодиётнинг турли **мулкчилик шакллари** ўртасидаги ўзаро нисбатdir.

Ўзбекистонда мулкчилик турлари давлат, жамоа, хусусий ва аралаш мулкчилик тарзида шаклланган.

Иқтисодиётни барча тармоқларида иш билан банд бўлганлар сони, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш бўйича бу бўғинларнинг ҳар бирини улуши,-Республика иқтисодиётининг ижтимоий тузилишини акс эттиради.

Иқтисодиётнинг **тармоқ тузилиши** бу турли **тармоқлар** ўртасидаги ўзаро нисбатdir, яъни саноат, қишлоў хўжалиги, курилиш, транспорт ва алоҳа ўртасида ёки қазиб оловчи ва қайта ишловчи тармоқлар ўртасидаги, моддий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар ва ҳоказолар ўртасидаги нисбатdir. Тармоқ тузилиши миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини ифодалайдиган муҳим кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Юксак ривожланган мамлакатлар<sup>\*</sup>да хизмат кўрсатувчи соҳаларнинг ҳиссаси юкори, қайта ишловчи тармоқларнинг ҳиссаси эса- қазиб оловчи тармоқлардан устун бўлган иқтисодиёт тузилишига хосдир.

У меҳнат ва капиталнинг юкори даражада унумдорлигидан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланганлигидан ва пировард натижада аҳолини турмуш даражаси юкорилигидан далолат беради. Иқтисодиётнинг **такрор ишлаб чиқариш** тузилиши бу кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни асосий нисбатлари, яъни ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ва истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш ўртасидаги, истеъмол ва жамғариш ўртасидаги ўзаро нисбатлардир. Такрор ишлаб чиқариш тузилиши иқтисодий ўсишнинг имкониятларини ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг **худудий** тузилиши ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишининг худудий жиҳатларини акс эттиради ва алоҳида худудларнинг умуммиллий кўрсаткичлардаги ҳиссасини аниқлайди. У бутун мамлакат бўйича турмуш шароитини барқарорлаштириш мақсадида аниқланади ва тадқиқ қилинади. Маълумки, маъмурӣ жиҳатдан Ўзбекистон 12 вилоят ва 1 та автоном республикадан иборатdir. Унда 119 та шаҳар, 163 та қишлоқ **маъмурӣ туманлар** мавжудdir.

Иқтисодий районлаштириш белгилари бўйича мамлакатимиз **6 та иқтисодий регионга бўлинади:**

1. **Тошкент иқтисодий региони.** У Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри худудларидан иборатdir. Бу регионга республикани 3.5% майдони ва 18.5% аҳолиси тўғри келади. Бу регион ўрта ҳисобда Мамлакат миллий даромадини 25.9% ва 32.5% саноат маҳсулоти ишлаб чиқаради.

2. Ишлаб чиқариш потенциали бўйича иккинчи ўрин **Фарғона иқтисодий регионига** тўғри келади. Бу регион Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларини ўз ичига олади ва 19.2 минг м<sup>2</sup> территорияга эгадир, ёки 4.3% республика худудини эгаллайди. Унда аҳолини 27.6% яшайди. Бу регион Ўзбекистон миллий даромадининг 26 %ини, саноат маҳсулотини 31.5% ини, 36.8% қишлоқ хўжалик маҳсулотини, 28.3% товар оборотини ишлаб чиқаради.

3. **Марказий иқтисодий регион** ўз ичига Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятларини ўз ичига олади. Бу регион худуд жиҳатдан энг катта ва кенгdir. У республиканинг 37%

\* Дунёда 230 дан ортиқ давлат мавжуд бўлиб улардан фақат 23 давлат ривожланган давлат ҳисобланади.

худудини эгаллайди, аҳоли сони жиҳатидан 19.9%, миллий даромадини 18.6%, саноат маҳсулотини – 14.6%, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотини – 20.8% ини ишлаб чиқаради.

**4. Жанубий иқтисодий регион** - Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан иборатdir. У республиканинг 11% худудини ва 15.8% аҳолисини ташкил қилади. Бу регионда қишлоқ хўжалиги, айниқса, чорвачилик ривожланган. Унда республика қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини 19.4%, саноат маҳсулотини 12.4% ини, миллий даромадини 14% шу регион етиштиради.

**5. Мирзачўл иқтисодий региони** ўз ичига Жиззах ва Сирдарё вилоятларини олади. У республика худудини 5.7%ини, аҳолисини 6.6%ини олади. Бу регионда ўрта хисобда республиканинг 6.1% миллий даромади, 2.7% саноат маҳсулоти ва 8.6% қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотини етиштирилади.

**6. Оролбўйи иқтисодий региони.** Унга Қорақалпоғистон Автоном республикаси ва Хоразм вилояти киради. Бу регионда республикани 38.4% худуди ва 11.5% аҳолиси жойлашган. Бу регион республика саноат маҳсулотини 6.3%ини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини 12.5% ини етиштиради.

Иқтисодий фаолиятни таҳлил қилиш умумий тизим фаолияти даражасини, миллий иқтисодиёт таркибидаги мавжуд камчилик ва қолоқ томонларни англаш имкониятини яратиб беради. Таркибий таҳлил асосида иқтисодий сиёsat ишлаб чиқлади.

Миллий иқтисодиётни таҳлил қилиш қуидаги тартибда амалга оширилади:

### 1. Мулкий муносабатлар таҳлил қилинади.

Республикамизда мулк муносабатларини такомиллаштириш бўйича маълум ишлар амалга оширилди. Xусусан, Ўзбекистон Республикасида “Мулкчилик тўғриси”да, уни “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонунлар ва “Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришни таъминлаш тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони ва бошқа хуқуқий хужжатларни қабул қилинди

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида давлат ва нодавлат секторларининг улуши

	Давлат сектори(%)	Нодавлат сектори(%)
Ялпи ички маҳсулот	25,9	74,1
Саноат маҳсулоти	28,6	71,4
Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	1.0	99,0
Чакана товароборот ҳажми	2,4	97,6

### 2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик даражасини таҳлил қилиш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, қимматбаҳо қофозлар бозорини шакллантириш ислоҳотлар тақдирини белгиловчи шартлардан бири хисобланади.

Ўзбекистонда қисқа вақт ичига кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни хуқуқий шарт-шароитлари ва ташкилий тузилмалари яратилди. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-куватлаш бўйича хукumat комиссияси, Бизнес-Фонд, “Мадад” суғурта агентлиги, консалтинг, инжиниринг, лизинг, фирма ва компаниялар, бизнес-инкубаторлар иш олиб бормоқдалар.

Хусусий корхона тўғрисидаги қоидалар қонун нуқтаи-назаридан мустаҳкамланди. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тартиби тубдан янгиланди ва соддалаштирилди.

Бугунги кунда рўйхатга олиш ва расмийлаштириш жараёни етти кундан бир ойгача бўлган муддат ичига бажарилиши шарт.

Айни вақтда мамлакатимизда 250 мингга яқин кичик бизнес корхонаси фаолият кўрсатмоқда, бу соҳада 5,5 миллион киши ёки иш билан банд бўлган одамларнинг 57 фоизи меҳнат қилмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг 35 фоизи ана шу корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда. Аҳоли, бу кўрсаткич 1999 йилда 29.1 фоизни ташкил қилган эди.

Биргина 2003 йилда тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 375 мингта янги иш ўрни ташкил этилди.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш уч муҳим масалани ечишни кўзда тутади:

**Биринчи масала-яқин** беш-үн йил ичидаги ушбу соҳада ялпи ички маҳсулотнинг 50-60 фоизини ишлаб чиқаришга эришиш.

**Иккинчи масала-** бу соҳани ривожлантириш аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадлари ўсишининг энг муҳим манбааларидан бирига айланиши лозим.

**Учинчи масала-** мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг пойдевори бўлмиш кичик ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборатdir.

## 2. Устувор йўналишларни тўғри белгилаш

**Устувор йўналишларни, соҳаларни тўғри белгиланиши нафақат илгари тақчил ҳисобланган маҳсулот турларини** кенг ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга, балки ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштиришга ҳам имкон беради, шу билан бирга, бутун иқтисодиётинг ривожланишига олиб келади.

**Хозирги даврда устувор йўналишлар қаторига қўйидагилар киритилган:**

- аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, янги иш ўринларини яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш, пенсия таъминотини янада яхшилаш ва ҳоказо.

- иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш (корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, рақобатбардош ишлаб чиқариш тизимларини кўпроў бунёд этиш ва ҳоказо);

- қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш;

- кичик ва ўрта бизнесни кенг кўламда ривожлантириш;

- кадрлар тайёрлаш миллий дастурини иккинчи сифат босқичи вазифаларини изчиллик билан бажариш;

- соғлиқни сақлаш бўйича ислоҳотларни янада яхшилаш ва ҳоказо.

## 3. Ишлаб чиқариш самарадорлигини таҳлил қилиш

Маълумки, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ўстириш халқнинг турмуш даражасини ошириш имкониятини беради. Ўзбекистонда 1997 йилда биринчи марта ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли сонининг ўсиш даражасидан юқори бўлди. Бу ўта муҳим ижтимоий-иктисодий кўрсаткичdir.

Хозирги вактда ЯИМнинг ҳажми 4,1-4,5% ва ундан ҳам ошиқ кўрсаткичга эришилди.

Миллий иқтисодиётни таркибий бўлимлари, тармоқлар ва уларнинг ўсиш суръатлари, маҳсулот турлари бўйича ўсиш даражалари ва ҳоказо кўрсаткичлар таҳлил қилинади.

## 4.Ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажмини миқдор ва сифат жиҳатидан ўсиш суръатлари таҳлил қилинади

Ўзбекистондаги изчил иқтисодий сиёсат, ўтмишдан мерос қолган ўйин оғир аҳволдан тезда чиўиб кетиш ва муттасил ривожланиш туфайли МДҲ давлатлари орасида 2004 йилдаёқ 1990 йилги даражага етиш имкони яратилди. Ваҳоланки, ишлаб чиқариш бўйича Россия 2001 или 1990 йилги даражанинг 64%, Украина 46%, Қозоғистон -72%, Қирғизистон 69%га эришди холос.

МДҲ мамлакатлари орасида Ўзбекистон иқтисодий танглиқдан энг кам талофатлар билан чиўди, у бошидан кечирган иқтисодий тушқунлик даври энг қисқа бўлди. Ўзбекистондаги иқтисодий янгиланишнинг муҳим ва эътиборли яна бир томони борки, у ҳам бўлса, мерос қолган анъанавий тамойиллардан ташқари, иқтисодий ислоҳотлар юзага чиқарган янги омилларга ҳам таянилди. **Иқтисодий ўсиш кейинги 5 йилда бир меъёрда 4,0-4,5% атрофида бўлди**, чунки у ишончли ички кучларга таянди, улар барқарор ва ишончли бўлганидан ташки кучларнинг иқтисодиётимизга кўрсатган салбий таъсирини сезиларли даражада кеса олди. Шу сабабли, жаҳон бозорида **пахта, олтин ва мис нархининг жиддий пасайишига қарамай**, Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари барқарор бўлиб, жон бошига **товар ва хизматлар яратиш йилига 3%** ва ундан ҳам юқорироў даражани ташкил этмоқда.

Бошқа МДХ мамлакатларидан фарқлироқ, Ўзбекистонда сакраб ўсишга ҳаракат қилинганийт. Бошқаларда иқтисодий ўсиш хом-ашё ёки ёқилғи-энергетика ресурсларининг жаҳон бозоридаги нархига қараб, бир юқорилаб, бир пасайиб туради. Иқтисодий ўсиш бирданига 10-12%га қадар юқорилаб борса, сўнгра пасайиб 2-3%га қадар тушиб кетади.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг жаҳон бозори конъюнктурасига боғлиқ томонлари билан биргаликда, ундан ҳоли бўлган соҳалари ҳам ривож топмоқда. Улар мамлакат ички бозори учун ишлайди ва тез суръатларда ривожланиб боради, ташки бозорга қарамлик кучсизланиши эса, унинг барқарорлигини кафолатлади. Аммо, глобализация шароитида экспортга ишлаш зарур бўлади, чунки экспорти йўқ мамлакатнинг келажаги бўлмайди.

## **5. Иқтисодиётни бошқариш тизимида рўй берадиган ўзгаришларни таҳлил қилиш**

Собиқ иттифоқ парчаланиб кетгач, Ўзбекистонда умумиттифоқ вазирликлари тугатилди. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган иттифоқ ва иттифоқ-республика бўйсунувидаги корхоналар миллийлаштирилди. Бу корхоналар ўз фаолият соҳаларига қараб ихтиёрий равишда давлат тармоқ концернлари, давлат уюшмаларига айлантирилди. Ислохотларни биринчи босқичи мобайнида тармоқ вазирликлари уюшмаларга, концернларга, корпорациялар, иттифоқлар ва бошқа хўжалик бирлашмаларига айлантириш йўли билан батамом тугатилди. Автомобиль транспортида, қурилишда, қишлоқ хўжалигида бошқарув тизими қайта тузилди. Умуммиллий аҳамиятга эга бўлган тармоқлар ва фаолият соҳаларида, масалан, саёҳатчилик, транспорт, маданият, кинолаштириш тизими ва бошқаларда миллий компаниялар тузилди.

Уларни бошқа бошқарув тизимидан фарқи шундаки, улар иқтисодий жиҳатдан батамом мустақиллар. 1992 йил январ ойидан бошлаб вилоят, туман ва шаҳар жойлардаги вакиллик ҳамда ижроия-бошқарув ҳокимиятига раҳбарлик қилувчи ҳокимлик жорий этилди.

Иқтисодиёт таркибини қайта қуриш иқтисодий ислохотларни муваффақиятли ҳал қилишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиёт таркибини қайта қуриш иқтисодий мустақилликка эришиш, миллий иқтисодиётни барпо этиш, иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шартларидан биридир. Ўзбекистон ҳалқ хўжалигининг амалдаги таркиби собиқ Иттифоқдаги меҳнат тақсимоти ва ихтисослашуви тамойиллари асосида ўнлаб йиллар мобайнида шаклланган эди. Унда Ўзбекистонга:

- арzon хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар ва стратегик минерал ресурслар етказиб бериш;
- саноат марказларида ишлаб чиқарилган тайёр молларни сотишнинг кенг бозори мавқеи ажратилган эди.

Мамлакат иқтисоди озиқ-овқат маҳсулотлари, энергоресурслар импортига ва қишлоқ хўжалик хом ашёси ва қимматли металлар экспортига асосланган эди. Ҳалқ хўжалигининг бундай мустамлака таркиби шароитида жаҳон бозорида рақобат қилиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳолини турмуш даражасини кўтариш имкониятини бера олмас эди. Шунинг билан бирга Ўзбекистон рақобатбардош таркибга эга бўлган миллий иқтисодиёт таркибини ташкил қилиш имкониятларига эга эди. Мамлакатнинг ер ости ва ер усти бойлик ресурсларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, вужудга келган номутаносибликлар ва зиддиятларга барҳам бериш, ижтимоий ишлаб чиқарishнинг тармоқ ва худудий таркибини қайта қуриш лозим эди.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда таркибий тузилиш сиёсати аниқланди. У, энг аввало, республиканинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини, шунингдек, аҳолига муносаб турмуш шароитларини яратишни назарда тутди. Таркибий сиёсат, қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлашга, технологик жараёнларни тутгалланганлик даражасини оширишга, мамлакат ёқилғи – энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминлашга қаратилди. Илгари ташқаридан келтирилган юзлаб маҳсулот турлари шу ернинг ўзида ишлаб чиқарила бошланди.

Республикада индустрянинг таянч тармоғи ҳисобланган, яъни ёқилғи энергетика, авиация ва автомобил қурилиш, машинасозлик, химия ва нефтехимия саноатидан ва ҳоказодан

тортиб, то енгил саноат корхоналариға ҳамда жуда күп қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар қурилди.

Республикада энг катта саноат тармоқлари бўлиб енгил ва ёқилғи энергетика саноати ҳисобланади. Охирги йилларда машинасозлик саноатини улуши 1,5 баробарга ошган ва ҳоказо. Бунинг сабаби мамлакатимизда ички ва ташки кредит воситаларининг асосий қисми ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун база ҳозирлашга қаратилганлигидадир. Бу автомобиль ва нефтни қайта ишлаш заводлари, янги автомобиль ва темир йўллар, енгил, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатини ўнлаб янги ва замонавийлаштирилган корхоналарни қуришга имкон берди. 1997 йилнинг ўзидаёқ Кўкдумалоқ конида компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Фарғонада ип йигирув фабрикаси ишга туширилди. Маълумки, Ўзбекистоннинг саноат қудрати асосан бир неча йирик шаҳарларда тўпланган эди. Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган йирик **курилишларни географияси** анча кенгайди. Бу сиёsat узок вактдан бери ҳукм суреб келаётган саноат тараққиётидаги **минтақавий номутаносиблик ва зиддиятни сезиларли юмшатди**. Табиийки, иқтисодиётни таркибини такомиллаштиришда компаниячиликка йўл кўйиб бўлмайди, у бирданига такомилига етиб ҳам қолмайди. Бу ўзгаришлар мунтазам давом этадиган ижтимоий-иктисодий жараён бўлиб, улар давр талаби ва иқтисодий сиёsatдан келиб чиқиб, тармоқлараро ҳамда тармоқлар ичida тўхтовсиз давом этаверади.

Президент И.Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” китобида “**Иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартирмай туриб чинакам мустақилликка эришиб бўлмайди**” деган эди (333-бет). Иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартиришнинг асосий вазифаси **ҳом ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, унинг сифатини ва рақобатбардошлигини** жаҳон бозори талаблари даражасига етказишдан иборатdir. Ана шуни назарда тутиб республикамиз мустақиллигининг дастлабки йилларида анъанавий бўлган пахта ва олтиндан бошқа хил турдаги **экспорт мавжуд бўлмаган бўлса, эндиликда янги турдаги товарлар пайдо бўлди**. Бу – рангли металлар, автомашиналар, минерал ўғитлар, тўёнимачилик маҳсулотлари ва озиқ-овқат маҳсулотларидир. **Бу билан, экспорт-импорт таркиби янгиланди**.

Импорт ўрнини босувчи товарларнинг кўплаб яратилиши, мамлакатнинг импортга ўарамлигини анча чеклади, чунки бу билан, мамлакатимиз ўзини-ўзи маҳсулотлар билан таъминлашга бир ўадар эришди.

Илгари Ўзбекистон ўзини ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлаш учун уларни катта **микдорда импорт ўилар ва бунга 600 минг тонна пахта толаси қийматига тенг пул маблағлари сарфланар** эди. ёқилғи-энергетика мустақиллигига эришиш Ўзбекистонни бу соҳада четга ўарамлиқдан ва катта микдордаги валюта сарфидан холи этди. Таркибий ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон озиқ-овқат таъминотида ҳам, мустақиллик томон жиддий ўадам ташлади. Бунга биринчи навбатда, дон ишлаб чиқаришни ривожлантириш оруали эришилди. Натижада, Ўзбекистоннинг донга бўлган **талааб-эҳтиёжларининг 90%дан зиёд қисми ўз ишлаб чиқариши ҳисобидан қондириладиган бўлди**.

Таркибий ўзгаришлар мамлакатнинг салоҳиятидан самарали фойдаланишни кўзда тутади. Шу мақсад йўлида маҳаллий ҳом-ашёни чуқур қайта ишлаб, ундан тайёр ёки яrim тайёр, ҳатто, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлига ўтилди ва бу катта наф келтирди. Пахтани сотиши ўрнига ундан калава ип тайёрлаб, уни жаҳон бозорида сотишдан **3 марта кўп даромад олина бошланди**. Муҳими, бу соҳанинг ривожланиши янги ишчи ўринлар ҳисобига аҳолини банд қилиш, унинг даромадлари манбаларини ошириш имконини яратди.

Таркибий ўзгаришлар туфайли Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг **анъанавий соҳалари билан биргаликда янги соҳалари ҳам ривожлантирила бошланди**. Бундаги асосий омиллардан **биринчидан**, саноатлашув бўлса, **иккинчидан**, сервис секторининг тез суръатларда ўсишига аҳамият берилганлиги бўлди ва ҳоказо.

**Миллий иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш қуйидаги вазифаларни ҳал қилиши лозим:**

1. Республика учун энг асосий бўлган тармоқларни, жумладан, ёқилғи-знергетика ва ғалла комплексларини ривожлантириш, янги тармоқлар яратиш, фаолият кўрсатаётган саноат тармоқларини реконструкция қилиш;
2. Табиий, минерал-хомашё, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш;
3. Бошқа давлатлардан хом-ашё ресурсларини энг муҳим турлари, бутловчи ва озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келинишини қисқартириб, ана шу маҳсулотлар ўрнини босадиган корхоналарни ривожлантириш асосида республиканинг иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш;
4. Ўзимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига аҳолининг ва иқтисодиётнинг энг муҳим маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш;
5. Корхоналарни замонавий илғор технология, энергетика ускуналари, айниқса, кичик ва ўрта корхоналар учун мўлжалланган ихчам ускуналар билан жиҳозлаш;
6. Ходимлар малакасини ошириш ва миллий ишчи кадрларга эга бўлиш;
7. Аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш. Ташибускорлик ва омилкорликни рафбатлантириш;
8. Иқтисодиётнинг мутаносиб ривожлантиришни таъминлаш ва унинг бир томонлама ихтисослашувини, шунингдек, тармоқлар ичидаги ва ҳудудий номутаносибликларни бартараф этиш;
9. Республиканинг экспорт имкониятини кенгайтириш;
10. Аграр секторда қайта қуришни тугаллаш. Экин майдонларида пахта, ғалла, ем-хашак экинларини, сабзавот ва ҳоказоларни оптимал варианларини яратиш, қишлоқ хўжалигида бошқарув ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шаклларини такомиллаштира бориш;
11. Саноат, транспорт, алоқа, химия ва нефть химия саноатини, автомобилсозлик, телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш;
12. Чет эл туризмни ривожлантириш;
13. Янги бошқарув структурасини вужудга келтириш ва такомиллаштира бориш. Уларда ишлайдиган кадрларга, уларнинг касбий тайёргарлигига янада юқори талаблар қўйиш ва ҳоказо.

Президентимиз И.Каримов Олий Мажлис тўққизинчи сессиядаги маърузасида 2002 йил 29 август Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамият асосларини шакллантиришнинг еттига йўналишларини белгилаб берди.

**Биринчи муҳим устувор йўналиш - бу Мустақилликни бундан бўён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб хизмат қиласи.**

Мустақиллик биз учун муқаддас **маънавий қадриятлар ва миллий анъаналарга таянган** ҳолда ва тарзда яшаш, ана шу бебаҳо меросни асраб-авайлаб, уни келгуси авлодларга янада бойитган ҳолда етказиши демакдир.

Айни вақтда мустақиллик биздан зиммамизга олган халқаро мажбуриятларга риоя этиш ва уларни бажаришни, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми талабларига, халқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларга қатъий амал қилиб яшаш маъсулиятини сўзсиз юклайди.

**Бу - узоқ-яқин қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорлик асосида яшаш,** дунё ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб обрў ва ўрин эгаллаш учун доим интилиш ва курашиш демакдир.

Биз мустақил тараққиёт йўлини айнан мана шу маъно-мазмунда англаб, уни мамлакатимизни сиёсий жиҳатдан ривожлантириш, иқтисодиётни модернизация қилиш, жамиятни маънавий янгилаш борасида олиб бораётган барча ислоҳотларимизнинг меъзони, деб билишимиз керак.

**Иккинчи устувор йўналиш – бу-мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлиги, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат.**

**Учинчи устувор йўналиш - бу-бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам**

**иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлиб эркин иқтисодиётнинг тамойилларини жорий этишдан иборат.**

Бу йўналиш ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда етакчи ўринни эгаллайдиган, фуқароларнинг муҳим даромад манбаи ва мулқдорлар синфинг шакллантиришнинг асоси бўлган хусусий секторнинг мавқеини янада ошириш, кичик-ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантиришни тақозо этади.

Бу борада ташқи иқтисодий фаолият ҳамда валюта бозорини эркинлаштириш, миллий валютанинг эркин алмашувини таъминлаш, миллий валютамиз - сўмимизнинг барқарорлиги ва харид қувватини ҳар томонлама ошириш тараққиётимизнинг янги босқичидаги асосий вазифаларимиздан биридир.

**Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни** амалга ошириш ва уни модернизация қилиш, экспорт ривожи, импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашнинг муҳим шарти бўлган **хорижий инвестициялар**, аввалом бор **хусусий сармояларни жалб этиш**, бунинг учун тегишли инвестицион муҳит ва инвесторлар учун кафолатлар яратиш. Шунингдек, ташқи ва ички инвестицияларни бутун иқтисодиётимизни янгилашга, олтин-валюта захираларимизнинг барқарор ўсишига хизмат қиладиган етакчи тармоқларга биринчи навбатда йўналтириш.

Бундай вазифаларни амалга оширишда **халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигимизни янада кучайтириш**, дунё иқтисодий тизимига интеграциялашув, Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

**Тўртинчи устувор йўналиш-бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкороликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий хаётда жорий қилишdir.**

Оммавий ахборот воситалари том маънода «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилимоғи лозим.

**Бешинчи устувор йўналиш - фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлиб, бу жамият хаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат.** ёки бошқача қилиб айтганда, бу-«Кучли давлатдан кучли жамият сари» деган тамойилни амалда хаётга жорий этиш демакдир. Бу йўналиш ижтимоий иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-боқич жамоа ташкилотларига ўтказа боришни тақозо этади.

Бунинг учун аввалимбор давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юрутувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим.

**Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуий тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа боришни таъминлашdir.**

**Олтинчи устувор йўналиш-бу - суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттириш.** Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси ва уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади.

**Еттинчи устувор вазифа-бу барча ислоҳотларимизнинг бош йўналиш ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва меъзонидир.**

Бу-демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёsat олиб бориш демакдир.

Ижтимоий инфратузилмани таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантириш, нафақа билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолини экологик ва бошқа хавф-хатардан муҳофаза этиш, аҳолини социал соҳа бўйича талаб ва эҳтиёжларини қондириш масалаларига давлатнинг доимий этиборини ҳар томонлама кучайтириш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муҳим тамойил ва устувор йўналишларнинг барчасини изчил амалга ошириш натижасида ўзимизнинг асосий мақсадимизга-ривожланган, маърифий,

хукукий демократик давлатларда мавжуд бўлган хаёт даражасига эриша оламиз, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини таъминлаш имконига эга бўламиз.

### **Таянч иборалар:**

#### *Иқтисодиёт таркиби*

- Соҳа, комплекс
- Миллий ҳисоблар тизими
- Ички иқтисодиёт
- Ташиқи (қолган дунё)
- Секторлар
- Институционал бирликлар
- Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши
- Ижтимоий тузилиши
- Тармоқ тузилиши
- Такрор ишлаб чиқарии тузилиши
- Ҳудудий тузилиши
- Иқтисодий регион
- Устивор йўналиши
- Кичик бизнес ва тадбиркорлик
- Ишлаб чиқарии самарадорлиги
- Таркибий тузилиши сиёсати
- Инвестиция
- Хорижий инвестиция
- Хусусий сармоя

### **Ўз-ўзини текшириши учун саволлар**

1. Миллий иқтисодиётнинг таркиби деганда нимани тушунасиз?
2. Соҳа, сектор ва комплекс тушунчаларининг бир-биридан фарқи нимада?
3. Миллий ҳисоблар тизимида миллий иқтисодиёт қандай таснифланади?
4. Макроиқтисодиётни секторларга бўлиб ўрганишининг аҳамияти нимада?
5. Секторлар ва уларнинг институционал бирликлари тўғрисида нималар дея оласиз?
6. Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда ягона иқтисодиётни икки соҳага ажратиш тажрибаси, товар ишлаб чиқарии соҳаси ва хизмат кўрсатиш соҳаси, уларнинг моҳияти нимада?
7. Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши нимани англатади?
8. Ижтимоий тузилиши нимани англатади?
9. Тармоқ тузилишичи?
10. Такрор ишлаб чиқарии тузилишичи?
11. Ҳудудий тузилишичи?
12. Иқтисодий районлаштириши белгилари нималардан иборат?
13. Ўзбекистон қандай иқтисодий регионларга бўлинади?
14. Иқтисодий фаолият таркиби қандай таҳлил қилинади?
15. Мулкий муносабатлар таҳлилида нималарга эътибор берилади?
16. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик даражаси қандай таҳлил қилинади?

## **6-МАВЗУ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЖМУИ**

### **Режа**

1. Саноат миллий иқтисодиётнинг йирик соҳаси.
2. Республика транспорти мажмуи.
3. Алоқа инфраструктуранинг муҳим бўғини.

**Ишлаб чиқариш мажмуи** - бу жамият талабини қондириш учун моддий неъматлар ва хизматлар ишлаб чиқарадиган тармоқлар йиғиндисидир.

Ишлаб чиқариш мажмуи ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш тармоқларини олади. Маълумки, бу тармоқларда моддий неъматлар моддий буюм шаклида ишлаб чиқарилади. Ундан ташқари ишлаб чиқариш мажмуи ўз ичига юк ташиш транспортини, ишлаб чиқаришга хизмат ўйлувчи алоқа тармоқларини, савдо ва тайёрлов ташкилотларини, умумовқатланиш корхоналарини ҳам олади.

Ўзбекистон саноатида электр энергияси, газ, нефть, кўмир, бензин, пўлат, автомобиллар, тракторлар, пахта териш машиналари, электродвигателлар, трансформаторлар, аккумуляторлар, кабеллар, экскаватор, кўприкли кўтаргичлар, йигириув машиналари, самолётлар, олтингугурт кислотаси, минерал ўғитлар, сунъий толалар, цемент, турли қурилиш материаллари, газламалар, пахта мойи, ун, гуруч, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Саноат тармоқлари орасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ва агросаноат мажмуига хизмат кўрсатувчи тармоқлар тарихан етакчи мавъега эга. Булар пахта тозалаш, шойи тўёиш, консерва, ёЁ-мой ва бошқа саноат турларидир. Шунингдек, автомобилсозлик, кимё ва нефть кимёси, машинасозлик ва метални қайта ишлаш, электротехника, энергетика, металлургия, енгил саноат ҳамда истеъмол моллари ишлаб чиқариш жадал суръатларда ривожланмоуда.

Саноат тараққиётида **ёқилғи энергетика мажмуасининг** ўрни алоҳида. Унинг таркиби газ, нефть ва нефтни қайта ишлаш, кўмир ва энергетика киради. Бу мажмуанинг хиссаси саноат ишлаб чиқаришида 26,8%ни ташкил қиласи. Ўзбекистон жаҳондаги **ўнта йирик газ ишлаб чиқарувчи** мамлакатлар жумласига киради. Республикада ўудратли гидроэлектр станциялари ва иссиўлик электр станциялари мавжуд. Металлургия мажмуаси таркиби газ ўора ва рангли металларни ўазиб чиқарувчи, бойитувчи ва қайта ишлаб чиқарувчи корхоналар киради. Олтин, кумуш, мис, ўўрЁошин, рух, вольфрам, молибден, литий, уран, алюминий хом ашёси, нодир металлар ва бошқа қатор ўазилма бойликларининг аниқланган захиралари кўп.

**Ўзбекистонда олтиннинг 30 та кони топилган.** Ўазиб олинадиган **олтиннинг умумий миқдори бўйича** Ўзбекистон **МДҲ** мамлакатлари орасида **иккинчи**, кумуш, ўўрЁошин, рух ва вольфрам бўйича учинчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистон жаҳон хамжамиятида **олтин ишлаб чиқариш хажми бўйича саккизинчи**, уни аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш бўйича эса **бешинчи ўринда** туради.

Кимё ва машинасозлик мажмуалари саноатнинг муҳим соҳаларидир, янги иқтисодий шароитда бу тармоқларда чуқур таркибий қайта қуришлар амалга оширилмоуда. Улар мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Ишлаб чиқарилаётган истеъмол молларининг учдан бир қисми енгил саноат корхоналари томонидан амалга оширилмоуда. Бу ерда анъанавий етакчи соҳа тўйумачиликдир.

**Саноат ишлаб чиқариш** дастури саноат корхоналарининг хўжалик фаолиятларини якуний натижаларини ўз ичига олади ва жамият талабига мувофиў маълум номенклатурада ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг ҳажмини ифодалайди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш натура ва қиймат кўрсаткичларида ўлчанади.

**Натура кўрсаткичлари номенклатура ва ассортиментда** берилади.

**Номенклатура** бу саноат маҳсулотларининг турларидир. Масалан, трактор, экскаватор, пойафзал, мебель ва ҳоказо.

**Ассортимент**- бирон бир саноат маҳсулоти группасидаги айрим хил буюмлар таркиби, уларнинг нисбати ва сортлари. Масалан: Минерал ўғитлар- азотли, калийли, фосфорли ўғитлар; ёки **Костюмлар** ичида- эркаклар, аёллар, болалар костюмлари, **Пойафзал** ичида- эркаклар пойафзали, аёллар пойафзали, болалар пойафзали, ишчи пойафзал ва ҳоказо. Ассортимент, маҳсулот номенклатурасини конкретлаштиради, деталлаштиради ва истеъмолчиларнинг аниқ талабини қондиради.

Натуран кўрсаткичлар саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини аниқ ифодалайди. У конкрет маҳсулот ишлаб чиқаришни ифодалагани учун ҳам унга бўлган талаб ва ишлаб чиқаришни бир-бири билан баланслаш (мувофиўлаштириш) имконини беради.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳажмини аниқлаш учун товар ва ялпи маҳсулот кўрсаткичларидан фойдаланилади.

**Товар маҳсулоти** ўз ичига тайёр маҳсулотлар қийматини, сотиш учун мўлжалланган яrim фабрикатлар қийматини ҳамда капитал қурилиш учун ишлатиладиган саноат характеристидаги ишларнинг қийматини олади.

**Товар маҳсулоти** кўрсаткичи ҳажмига шу корхонада ишлаб чиқарилган ва ана шу корхонанинг ўзида бошқа маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган маҳсулотлар кирмайди. Бу усул завод услуби деб аталади.

**Ялпи маҳсулот кўрсаткичи** товар маҳсулоти кўрсаткичидан тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ўсиши ёки камайиши ҳажми билан фарўланади.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш дастури жамиятнинг саноат маҳсулотларига бўлган талаби ва бу талабни қондириш имкониятлари асосида тузилади.

Саноат маҳсулотларига бўлган талаб, эҳтиёж қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжи
2. Аҳолининг талаби
3. Экспорт
4. Давлат резервларини тўлдириш
5. Бошқа талаблар

**Ишлаб чиқариш эҳтиёжи** корхоналар, тармоқлар, бошқармалар, вазирликлар ва миллий иқтисодиёт бўйича умумлаштирилади.

**Аҳолини саноат молларига бўлган талаби** унинг сони ёки хар 100 ёки 1000 кишига тўғри келадиган меъёрлар (нормалар) асосида аниқланади. Бундай прогнозларни ишлаб чиқишида аҳолининг маҳсулотлар сотиб олиш қобилияти, пул даромадлари ва харажатлари ҳисобга олинади.

Саноат маҳсулотларининг **экспортга** бўлган эҳтиёжи ташқи савдо режаси асосида ташқи мамлакатлар билан тузилган шартномага кўра белгиланади.

Саноат маҳсулотларига бўлган **давлат резервни** тўлдириш ҳам саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш дастурини муҳим қисми ҳисобланади. Бу мамлакат иқтисодиётида хом ашё материал, ёнилЁи, ёқилғи, ускуна ва ҳоказолар билан таъминлашда ўйинчиликлар туЁилиб қолганда, табиий оғатлар юз берганда, халқаро вазиятлар оЁирлашганда ва ҳоказо вазиятлар юз берганда фойдаланилиши мўлжалланган маҳсулотлар фондидир. Унинг ҳажми ўша шароитдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятларга ўараб ҳал қилинади.

Саноат маҳсулотларига бўлган **бошқа талаблар** ҳам маҳсулотнинг турига ўараб, унинг у ёки бу мақсад учун ишлатилиши меъёрларига (нормаларига) ўараб аниқланади.

Саноат маҳсулотларига бўлган талаб аниқлангандан сўнг **ишлаб чиқариш имкониятлари** кўриб чиқилади.

Саноат маҳсулотларига бўлган талаб ва ишлаб чиқариш имкониятлари ўртасидаги нисбат моддий балансни тузиш ёрдамида аниқланади.

**Имкониятлар** қуйидагилардан иборат бўлади:

1. У ёки бу маҳсулот бўйича йил бошидаги қолдик
2. Маҳсулот ишлаб чиқариш
3. Импорт
4. Давлат резервларидан фойдаланиш
5. Бошқа тушумлар

Имкониятлар ичидә энг асосийси бу ишлаб чиқариш ҳисобланади. У ишлаб чиқариш қувватлари баланси тузиш йўли билан аниқланади.

**Ишлаб чиқариш қуввати** бу мавжуд ишлаб чиқариш воситаларидан белгиланган ихтинослашувга ва иш тартибига мувофиў тўла-тўқис фойдаланилганда бир йил ичидә (суткада, сменада) ишлаб чиқариш мумкин бўлган энг кўп маҳсулотдир.

Ишлаб чиқариш қувватлари баланси қуйидаги кўрсаткичлардан иборат бўлади:

1. Йил бошидаги ишлаб чиқариш қуввати.
2. Дастурлаштирилаётган давр мобайнида ишлаб чиқариш қувватларининг ўсиши (Ташкилий-техникавий тадбирлар; «Реконструкция ва модернизация;» Янги қурилиш ҳисобига ва ҳоказо)
3. Ишлаб чиқариш қувватларининг ишлаб чиқаришдан чиёуб кетиши
4. Йил охиридаги ишлаб чиқариш қувватлари
5. Ўртacha йиллик ишлаб чиқариш қувватлари
6. ртача йиллик ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти
7. Ишлаб чиқариш маҳсулотининг ҳажми

**Йил охиридаги ишлаб чиқариш қувватлари** йил бошидаги ишлаб чиқариш қувватларига янги киритилган ишлаб чиқариш қувватларини ўёшиб, ишлаб чиқаришдан чиқиб кетган қувватларни айириб ташлаганига тенгдир.

**Ўртacha йиллик киритилган (чиқарилган)** қувватлар янги киритилган (чиқарилган) қувватлар миқдорини йил охиригача қолган тўлиў ойлар миқдорига кўпайтириб, 12 га бўлиш йўли билан топилади.

Шундай қилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қуйидаги формула билан аниқланади.

$$M_x = \bar{Y}_{\text{ўй.}} \cdot x \cdot \bar{Y}_{\Phi.K.}$$

$M_x$  – Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми

$\bar{Y}_{\text{ўй.}}$  – Ўртacha йиллик ишлаб чиқариш қувватлари миқдори.

$\bar{Y}_{\Phi.K.}$  – Ўртacha йиллик ишлаб чиқариш қувватлардан фойдаланиш коэффициенти

Республикада автотранспорт воситаларининг бир қисми (автобуслар, юк ва енгил машиналар) жамоа хўжаликлари, фуқароларнинг мулки. Саноат ва қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришнинг ўсиши, кенг миқиёсдаги капитал қурилиши транспорт моддий- техника базасининг юксалиши билан юк ва йўловчилар ташиш ҳажмлари ҳам орта боради. Республиканинг умумий юк оборотида транспорт турларининг салмоғи ҳам ўзгарди. Бугунги кунда умумий фойдаланишдаги ва саноат транспорти турларида юк ва йўловчиларнинг асосий қисми автомобиль транспортида ташилади (юкларнинг 70%; йўловчиларнинг эса 30% и).

Республиканинг транспорт тизими **темир йўл**, автомобиль йўллари, замонавий ускуналар билан жиҳозланган **вокзаллар, станциялар, юк омборлари, пристанлар**, хаво флотининг йирик **аэровокзаллари** ва бошқа инфраструктура бўлинмаларини ўамраб оладиган мураккаб иқтисодиёт мажмуини ташкил этади.

**Темир йўл транспорти.** Темир йўл транспортининг йўловчилар ҳамда юк ташишдаги салмоғи каттадир. Ўзбекистон темир йўлининг 1972 йилда қурилган ЎёнЁирот-Бейнов магистрали ЎозоЁистон орўали Россиянинг марказий, Жанубий, Урал минтаўаларига туташган. Ховос-Арис магистрали ҳам мамлакатни ЎозоЁистон орўали яна Россиянинг Сибирь, Узоқ шарў минтаўалари билан, Ўўён-Душанбе йўналиши Тожикистон, Тошкент-Туркманбоши йўли Туркманистон билан боеёнайди.

Республика темир йўлларининг узунлиги 7,0 минг км.дан ошиқ, шу жумладан умумий фойдаланиладиган қисмининг узунлиги 3,8 минг км, асосан саноат корхоналарига тортилган (умумий фойдаланилмайдиган) темир йўлларнинг узунлиги 3,1 минг км ни ташкил этди.

Ўзбекистонда дастлабки темир йўл 1886-88 йилларда Фороб станциясидан Самарўандгача Ётўизилган (Красноводск-Чоржўй темир йўлининг давоми). Бу темир йўл 1895-1897 йилларда Кўқонгача, 1899 йилда Тошкентгача етказилди. 1906 йилда Тошкент-Оренбург темир йўли ишга тушди.

1994 йил ноябрда Ўзбекистон Республикасида жойлашган темир йўл корхоналари ва бўлимлари, лойиҳа-конструкторлик ва бошқа ташкилотлари ва муассасалари негизида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси мамлакат мустақиллиги ва иқтисодиёти учун улкан аҳамиятга эга бўлган Хитой, Корея, Япония, Эрон, Туркия ва Гарбий Европанинг жануби билан туташтирадиган Трансосиё магистрални (Истамбул-Тошкент-Олмаота-Пекин) қурилишида ҳиссабай иштирок этмоўда. Бу магистралнинг Дружба станцияси (Қозогистон), Туркманистанда Тажанг-Сераҳс ва Эронда Сераҳс-Машҳад қисмлари қуриб фойдаланишга топширилди (1996йил, 13май) ва йўлда поездлар қатнови бошланди. Республика қурувчилари узунлиги 133 км бўлган Тажанг-Сераҳс йўлини қуришда фаол иштирок этишди. Ўзбекитон Темир йўли келажакда бу катта йўлнинг марказий бўғини бўлиб қолади. Бу йўлдан Бухоро-Бейнов орқали Европага, Тажанг-Сераҳс орқали Яқин Шарқ мамлакатларига чиқиш мумкин. Республика темир йўл транспортини ривожлантириш истиқболлари Иқтисодий Хамкорлик Ташкилоти мамлакатлари (Эрон, Покистон, Туркия, Марказий Осиё давлатлари, Афғонистон, Озарбайжон) ўртасидаги Кветта режасида белгиланган вазифалар бўйича ҳамкорлик йўналишида ҳам ишлаб чиқилмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» 50 мингдан ортиқ турли типдаги юк вагони ва Германияда тайёрланган рефрежераторларга, 1450 йўловчилар ташиладиган вагонга эга. Компаниянинг темир йўлдан фойдаланишга масъул бўлган Тошкент, Фарғона, Бухоро, Орол бўйи, Қарши темир йўл бўлимлари бор.

Ташиладиган юкларнинг асосий қисмини қурилиш материаллари (умумий ташиладиган юк ҳажмининг 21%), пахта толаси (3%), нефть ва нефть маҳсулотлари (35%), ғалла, цемент, кимёвий маҳсулотлар ва минерал ўғитлар, кўмир, сабзавот ва бошқа юклар ташкил этади. Юк ташишда тепловозлар, йўловчилар ташишда тепловоз ва электропоездлар хизмат кўрсатади. Ўрта ҳисобда ҳар йили темир йўл транспортида 15,0 млн.дан ошик йўловчи ташилади. Йўловчиларга хизмат кўрсатишда, айниқса, шаҳарлар атрофидаги қатновда электропоездлардан тобора кенгрок фойдаланилмоқда.

**Автомобиль транспорти.** Республика иқтисодиётининг барча тармоқлари ва мамлакат аҳолиси эҳтиёжларини қондириш даражасида ривожланган автомобиль транспортига эгадир. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, сув хўжалиги, алоқа, савдо, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалиги, маданият, мудофаа ва бошқа тармоқларда ихтисослаштирилган йирик автотранспорт корхоналари мавжуд.

Республикада умумий фойдаланиладиган автомобиль транспортида йўловчилар ташишга мўлжалланган 15,0 минг автобус, 6 мингдан кўпроў енгил такси машиналари мавжуд. Республика бўйича 3000 дан ортиў автобус маршрутларида (жумладан 593 шаҳар, 1768 шаҳар атрофи, 532 шаҳарлараро) автобуслар қатнайди. Автобуслар билан ҳар куни 5 млн. га яқин йўловчи ташилади. Республикада 30 га яқин автовокзал, 120дан ортиў автостанция хизмат кўрсатади.

Ўзбекистонда турли мақсадларга мўлжалланган 200 мингга яқин юк автомобиллари, 35,4 минг автобус, 45,9 минг енгил автомобильлар хизмат кўрсатади. Республикада фуқароларнинг шахсий мулки бўлган 900 мингдан ортиқ енгил автомобиллар бор.

**Автомобиль транспорти тизимида «Йўловчи» Ўзбекистон акциядорлик сұғурта компанияси** йўловчиларни сұғурта қилиш билан шуғулланади.

Кейинги йилларда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиўиб **юк автомобиллари асосан газ Ёқилғисига ўтказилмоўда**.

**Автомобиль йўллари.** Республика ривожланган йўл хўжалиги ва замонавий талабларга жавоб берадиган халқаро, республика, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўлларига эга. Йўл хўжалиги тармоқларида 34,5 минг ишчи ва инженер-техник ходим банд. Республикада **автомобиль йўлларининг жами узунлиги 120 минг км.дан** ортиқдир. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларининг узунлиги 44,5 минг км, жумладан 3343 км халқаро, 18901 км давлат (республика), 21439 км маҳаллий (вилоят) аҳамиятига эга бўлган йўлдир. Шунингдек, республика идоралар (корхона, жамоа хўжаликлари, хўжалик ташкилотлари)га қарашли йўллар ҳам мавжуд.

## **1992 йил 3 июлда «Автомобиль йўллари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.**

1992 йил февралда Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва ундан фойдаланиш давлат-акционерлик концерни («Узавтойўл») тузилган. Концерн таркибида Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоят автомобиль йўллари бошқармалари, 163 туман автомобил йўллари бошқармалари, 532 йўлларни асраш ва улардан фойдаланиш бўлимлари, «Ўзйўллойиха» республика йўл ва иншоотлар қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш бўйича лойиҳа-кидирув институти, кўпприк темир-бетон қурилмалари заводи ва бошқа корхоналар бор.

**20-аср бошида Ўзбекистонда 27 минг км йўл бўлиб**, асосан от арава, карвон ва йўловчиларга мўлжалланган, шундан факат **2 минг км.га шағал ётқизилган эди**. Республика мустақилликка эришганидан кейин мавжуд автомобиль йўлларини халқаро андозаларга мослаш, йўлларни сақлаш ва таъмирлаш, янги барпо этилаётган саноат районларини халқаро магистраллар билан боғлайдиган йўллар қурилиши масалаларига эътибор кучайди. Бу борада Ўзбекистон Хитой ва Покистонга чиқиш имкониятини берувчи Андижон-Ўш-Эргаштому-Қашқар автомобиль йўлини ишга туширишди (1997 йил 21 июль), **Хинд океанига чиқиш имконини берадиган Термиз-Хирот-Карачи автомобиль йўли қурилишида ўз улуши билан қатнашмоқда**. Республика ўзида Фарғона водийси билан Тошкент воҳасини Қамчик довони оруали боғлайдиган йирик автомобил йўли ҳамда Қўнғирот-Бейнов автомагистрали қурилиши охирлаб қолди.

Республикада жами йўлларнинг 95,6%ига қаттиқ қопламалар ётқизилган, жумладан, цемент-бетон қопламали йўллар 0,8% (336 км), асфальт бетон қопламали йўллар 49,6% (21819 км), қора шағалли ва қора қопламали йўллар 40,6% (17796 км)ни ташкил этади.

**Ҳаво транспорти.** Ўзбекистон жаҳондаги кўп мамлакатларнинг пойтахтлари, йирик шаҳарлар, саноат марказлари билан ҳаво йўллари орқали боғланган.

**Республика ҳаво транспорти- фуқаро авиацияси тарихи 1920 йиллардан бошланади.** 1924 йил 12 майда узунлиги 800 км бўлган Тошкент-Авлиёта (Жамбул)-Пишпек (Бишкек)-Олмаота маршрути дастлабки йўловчилар ташиш рейси амалга оширилди. Ўша йили узунлиги 450 км бўлган Когон-Оқтўқай-Дарғонота-Хива ҳамда Бухоро Термиз-Душанбе ҳаво йўллари очилди. **1930 йилдан Тошкент-Москва йўлида самолётлар мунтазам қатнай бошлади.**

Авиациядан қишлоқ хўжалиги зааркунандаларига қарши курашда ва санитария мақсадларида ҳам фойдаланилади.

Республика мустақилликка эришгандан кейин, 1992 йилдан собиқ Иттифоқ тасарруфида бўлган Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси, фуқаро авиациясининг таъмирлаш заводи, «Авиакурилиш» бирлашмасига қарашли «Авиамахсусмонтажсозлаш» негизида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилди.

Республиканинг, айниқса, хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий, туристик алоқаларини йўлга қўйишида мамлакатнинг ўз ҳаво транспорти муҳим роль ўйнамоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг бирқанча Европа ва Осиё, Америка мамлакатларида ваколатхоналари очилди; янги халқаро маршрутларда самолётлар қатнови йўлга қўйилди: 1993 йилдан Тошкентдан МДХдан ташқари Лондон, Манчестер, Франкфурт-Майн, Тель-Авив, Шаржа, Жидда, Истамбул, Карачи, Дехли, Куала-Лампур, Бангкок, Пекин, Афина, Амстердам, Сеул ва Нью-Йорк шаҳарларига мунтаззам халқаро авиарейслар, Халаб (Алеппо), Сингапур ҳамда Осиё ва Европанинг кўпгина мамлакатларига чартер йўловчи ташиш рейслари бажарилади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Германия, Франция, Россия фирмалари билан турли соҳаларда ҳамкорлик ўйлмоўда.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» хилма-хил типдаги ҳаво кемаларига эга: қишлоқ хўжалиги ишларига мўлжалланган АН-2, маҳаллий (республика ичida) ҳаво йўлларида қатнайдиган АН-24, ЯК-40, халқаро классдаги ИЛ-76, ИЛ-62, ИЛ-86, ТУ-154, А-310 каби самолётлар, вертолёт паркида МИ-2, МИ-8, КА-26 каби машиналар бор. Республикада АН-2 самолётни, МИ-2, МИ-8, КА-26 вертолётларидан иборат маҳсус мақсадлардаги авиация парки қишлоқ хўжалиги, тиббий-санитария хизмати, метеорология, геология-ўидирув, газ саноати ва бошқа соҳаларда

унумли ишлатилади. 1996 йилдан «Боинг-757» ва «Боинг-764» самолётлари, маҳаллий ҳаво йўлларида ИЛ-114, RJ-85 самолётларидан фойдаланилмоуда.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси таркибида **12 замонавий аэропокзал (аэропорт) бор** (Тошкент, Самарўанд, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Нукус, Термиз, Урганч, Фарғона, Ўарши, Ўўюн шаҳарларида). Сергели, Учӯдуу Зарафшон, СариосиЁ, Шахрисабз, ЎёнЁирот, Тўрткўл, Мўйноў шаҳарларидаги аэропортлар вилоят марказларидағи аэропортларга ўарайди, ЯК-40, АН-24 самолётларини қабул қилишга мослаштирилган.

Вилоят марказларидағи аэропортлар ТУ-154, Самарўанд, Наманган, Урганч, Термиз аэропортлари ИЛ-62, ИЛ-76, Нукус аэропорти ИЛ-86, А-310 аэробусларини қабул қилишга ўодир. Тошкент, Самарўанд, Термиз аэропортлари халқаро маўомга эга. Республика ҳукумати ўарорига мувофиў янги йирик халқаро аэропорт, Учӯдууда жаҳондаги энг илЁор андозаларга мос келадиган катта аэропорт қурилиши бошланди.

**Сув транспорти.** 20-аср бошларида АмударЁ ва Орол дengизида сув йўллари бўйлаб юклар ва йўловчиларнинг анча қисми ташилган. 1924 йилда кема ва ўайиўлар қатнайдиган сув йўлларининг умумий узунлиги 887 км эди. АмударЁ ҳарбий флотилияси, «Хива», «Меркурий» акциядорлик жамиятлари кемаларида, шунингдек хусусий ўайиўларда йўловчиларга хизмат кўрсатилган, зарур юклар ташиб берилган. Ўша даврда Ўрта ОсиЁ сув йўлларида умумий юк ортиш қуввати 7 минг тонна бўлган 20 кема ва 50 баржа, умумий юк ортиш қуввати 24 минг тонна бўлган 1500 ўайиў бор эди. **1980 йилда Ўзбекистонда сув йўлларининг умумий узунлиги 2800 км.га етди.** АмударЁ Панж (Тожикистон) бандаргоҳидан Мўйноў ўа ўадар пароходлар қатнови амалга оширилди.

ДарЁ сувининг камайиши ва Орол дengизининг ўуриб бориши натижасида сув йўллари кескин қисқарди, аммо шунга ўарамай 1980 йил дарЁ транспотида 1420 минг тонна юк ташилди. Ўрта ОсиЁ республикалари мустақилликка эришганларидан кейин Ўрта ОсиЁ пароходчилиги Туркманистон, Ўзбекистон, Тожикистон ўртасида таўсимланди. 1994 йил май ойида Ўзбекистон Республикасида жойлашган дарЁ флоти бўлинмаларини бошқариш тартиби қайта ташкил этилди. Ўрта ОсиЁ пароходчилигининг Ўзбекистондаги бўлинмалари негизида «Термиз дарЁ порти», «Хоразм дарЁ флоти», «ЎораўолпоЁистон дарЁ флоти» ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этилди. «Ўавтотранс» корпорацияси хузурида дарЁ ишини мувофиўлаштириш бўйича бош бошқарма (Тошкентда) тузилди. Республика Термиз дарЁ порти, Шарлавуў, Тўрткўл, Беруний, Ўоратов, Хўжайли бандаргоҳлари, АмударЁ орўали Тўрткўл-Хонёа, Чалиш-Беруний сузма кўприклари, Хўжайли кема таъмирлаш заводи ишлаб турибди. Термиз дарЁ порти йилига 2,5 млн. тонна юкни қабул қилиш-жўнатиш қувватига эга, АфЁонистоннинг Хайратон бандаргоҳи орўали экспорт-импорт юкларини етказиб беришда халқаро аҳамиятга молик. Республика дарЁ флотида **150га яқин теплоход**, шунингдек баржалар, землесослар, сузувчи экскаваторлар, порт кранлари ва бошқа Ёрдамчи кемалар, техника воситалари бор. **Республикада сув йўлларининг умумий узунлиги 1000 км.дан ортиў.** Юклар асосан Термиз-Хайратон, Шарлавук-Тўрткўл, Хўжайли-Тўрткўл, Хўжайли-Беруний, Ўоратов-Тахиатош йўналишларида ташилади. Йилига дарЁ флотида 132,7 минг тонна юк ташилмоуда. Ўзбекистоннинг порт ва бандаргоҳлари темир йўллар билан боЁланган.

**Шаҳар йўловчилари ташиш транспорти.** Республика шаҳарларида аҳолига йўловчиларни белгиланган маршрутларда ташийдиган жамоа кўча транспорти- автобус, трамвай, троллейбус, ер ости транспорти (метрополитен), енгил автомобиль транспорти (такси) хизмат кўрсатади. Шаҳар йўловчилар ташиш транспортининг ибтидоий тури 19-асрнинг 2- ярмида йирик шаҳарларда пайдо бўлган кўп сонли извошлар эди. 1901 йилда Тошкентда конка-тор темир йўли изида отлар судрайдиган бир вагонли дастлабки шаҳар транспорти, 1912 йил биринчи трамвай ишга туширилди. 1913 йил тор изли трамвай йўли узунлиги 38 км .га етказилди, 68 трамвай вагони қатнади.

Троллейбус қатнови Тошкентда 1947 йилда бошланди (троллейбус йўли узунлиги 18 км; 10 та машина). Кейинги йилларда Самарўанд (1967), Олмалиў (1968), Фарғона (1970), Андижон (1971), Наманган (1973), Бухоро (1987), Нукус (1992), Урганч (1997), Жиззах (1997) шаҳарларида троллейбуслар қатнай бошлади. Троллейбус йўлларининг **умумий узунлиги 403 км** (1998; Тошкент шаҳрисиз), шу жумладан Андижонда (72,2 км), Бухорода (30,7 км),

Наманганда (65,5 км), Нукусда (15 км), Олмалиўда (53,2 км), Самарўандда (66,5 км), Фарғонада (56 км), Урганчда (25 км), Жиззахда (14 км). **Тошкент шаҳрининг ўзида троллейбус йўлларининг узунлиги 296,5 км.** 1997 йилда Хиванинг 2500 йиллигини нишонлаш арафасида Урганч шаҳрида аэропорт билан темир йўл вокзалини боёладиган троллейбус йўли ва 25 км.ли Урганч-Хива троллейбус йўли ишга туширилди.

**Трамвай** Тошкент шаҳрида ривожланган. Трамвай йўлларининг умумий узунлиги 293,1 км. Тошкент шаҳрининг ўзида трамвай ва троллейбуслар бир кунда 1 млн.дан ортиў йўловчиларга хизмат кўрсатади.

**Автомобиль** йўловчиларга хизмат қилишда мухим ўринда туради. 85 шаҳар ва шаҳарларда ички шаҳар автобус ва енгил такси катнови йўлга ўйилган, шаҳарларда 670 дан ортиў маршрутда автобуслар қатнайди. Йўловчилар умумий ҳажмининг 70% дан кўпроғи автобус ва енгил ҳамда микроавтобус таксиларга тўғри келади.

**Метрополитен** йўловчиларга хизмат кўрсатишда тобора катта аҳамият касб этмоўда. Республикада метро курилиши Тошкент шаҳрида 1972 йилда бошланди. **Унинг узунлиги 12,2 км бўлган «Собир Раҳимов»- «Максим Горький» станциялари биринчи йўлининг биринчи навбати 1977 йил 6 ноябрда, 4,6 км.ли 2-навбати 1980 йил 18 августда ишга туширилди. Тошкент метрополитенинг **иккинчи йўли** «Машинасозлар»- «Беруний» станциялари 1984-91 йилларда 4 навбат билан босқичма-босқич фойдаланишга топширилди (**узунлиги ўарийб 15 км**). Тошкент метрополитенининг 3-йўли шаҳар марказини Юнусобод даҳаси билан боёладиди. **Узунлиги 14 км.** **Метрополитенда суткасига ўртача 270-300 минг йўловчи ташилади.****

**Қувур транспорти.** Ўзбекистонда биринчи 20 км узунликдаги нефтепровод 1908 йил Чимён нефть конидан Ванновск (хозирги Олтиариў) нефтни қайта ишлаш заводига тортилган. Кейинчалик Фарғона водийси, СурхондарЁ вилоятидаги янги нефть конлари очилиши билан транспортнинг бу тури жадал ривожлантирилди. Нефть конларидан Фарғона ва Олтиариў нефтни қайта ишлаш заводларига умумий узунлиги 228,5 км бўлган нефтепроводлар курилди. Республика жанубида-СурхондарЁ вилоятида 1947 йил Лалмикор-Ўумўйрӯон, ва 1969 йил АмударЁ-Аму-Занг линиялари курилди (умуммий узунлиги 40 км). ЎашўадарЁ вилоятида янги нефть конлари очилгандан кейин 1977 йил ғарбий Тошлоў-ЎашўадарЁ станцияси (3,3 км), Шимолий Ўртабулоў-Олтингугурт заводи (72 км) нефтепроводлари ишга туширилди. 1994-97 йилларда узунлиги 100 км бўлган Кўқдумалоў-Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи нефтепроводи курилиб ишга туширилди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини хом ашё билан узлуксиз таъминлашга хизмат қиласиган Ўамчиў довони орўали ўтадиган Хонобод-Ангрен нефтепроводи қурилишини лойиҳалаш ишлари тутатилди. Бухоро, ЎашўадарЁ вилоятларида улкан газ конларини топилиши ва ишга туширилиши билан Ўзбекистонда **газопровод транспорти** ҳам ривож топди.

Транспорт тармоғининг асосий вазифаси миллий иқтисодиётнинг юк ташиш ва пассажир ташишга бўлган талабини қондиришдан иборат. Бу вазифани бажариш учун, энг аввало, **юк ташиш ҳажмини аниқлаш ва уни транспорт турлари ўртасида оқилона таўсимлаш керак бўлади.**

Юк ташиш ҳисоб-китобларида қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: ташиладиган **юкларнинг ҳажми, юк ташишнинг ўртача масофаси, юк оборотининг ҳажми.**

**Ташиладиган юкларнинг ҳажмини аниқлаш учун норматив ёки умумлаштирилган ҳисоб-китоблар ҳамда баланс усулларидан фойдаланилади.**

Биринчи усул асосан ташиладиган юклар ҳажмини аниқлашнинг дастлабки босқичларида кўлланилади. Шу коэффициент юкларнинг алоҳида турлари бўйича ҳисобланади ва бундан авввалги йиллардаги ташилган юклар шу маҳсулотни ицлаб чиқариш ҳажмига бўлинади. Масалан, 2002 йилда Ўзбекистонда 3292,5, млн. тонна кўмир ўазиб олинган, бундан 3087,7 млн. тонна ташиладиган бўлса, юк ташиш коэффициенти

$$K = \frac{3087.7}{3292.5} = 0.94 \text{ ни ташкил этади.}$$

Масалан, 2003 йилда 3384,2 млн. тонна кўмир ўазиб олинадиган бўлса, бунда ташиладиган юкларнинг ҳажми қуийдагича топилади ( $3384,2 \times 0,94 = 3181,15$  млн. тонна).

**Юкларнинг барча турлари бўйича ташиладиган юклар ҳажми аниқланаб миљий иқтисодиёт бўйича умумийлаштирилади.**

Хисобланган **сумманинг тўғрилигини исботлаш учун баланс усулидан фойдаланилади**. Бу усулни қўллаш баланс ҳисоб-китоблар тизимига ва энг аввало **маҳсулотни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансига асосланади**.

Туман ишлаб чиқариш ва истеъмол баланслари ишлаб чиўилгандан кейин масъул ташкилотлар томонидан республикага ташиб келинадиган ва ташиб кетиладиган юкларнинг умумий ҳажми **транспортнинг йиЁма баланси ёрдамида аниқланади**. Ташиб кетиладиган юкларнинг ҳажми аниқлаб берилгандан кейин **юк ташишнинг ўртacha масофасини аниқланади**. Ўртacha масофа туманлараро баланс ёки шахмат шаклидаги баланс ёрдамида аниқланади.

Ташиладиган юкларнинг ҳажми:

$$\sum P = 305 + 600 + 400 = 1305 \text{ млн. т.}$$

Ўртacha масофа:

$$\ell_{yprm} = \frac{(305 \times 50) + (600 \times 67) + (400 \times 30)}{1305} = 60,88 \text{ km}$$

яъни

$$\ell_{yprm} = \frac{\sum P \cdot \ell}{\sum P}$$

бу.

Маҳсулот ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга олиб боришдаги транспорт **харажатлари кам бўлиши керак**. Бу масалани ечишда айрим шарт-шароитларга амал қилиш керак.

1. Маълум бир пунктдан жўнатиладиган юкнинг миқдори шу пунктда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ҳажмига тенг бўлиши керак.
2. Барча жўнатиладиган жойлардан маълум пунктга келадиган маҳсулотнинг ҳажми шу пунктнинг эҳтиёжини қондириши керак.

Ташиладиган юкнинг ҳажми манфий бўлмаслиги керак (0 га тенг ёки ундан катта бўлиши керак)

Бунда транспорт масаласини ечиш истеъмолчилар билан маҳсулот ишлаб чиқарувчилар орасидаги алоқани ўулай равишда талаб этишга имкон беради ва ташиладиган юклар ўртacha миқдорининг камайишига олиб келади.

Юкларнинг оўимини ва уларнинг ташиш масофасини билиш учун уларга сарфланган харажатлар миқдорини аниқлаш керак. Бу харажатларнинг энг кам даражаси қуидагича аниқланади:

$$C_i + E_n K_i \rightarrow \min ,$$

бу ерда

1. Алоҳида туман ва минтаўалар миқиёсида ҳар бир транспортнинг техник иқтисодий ва эксплуатация хусусиятлари ҳамда афзаллиги аниқланади. Ҳар бир транспортнинг афзаллиги қуидаги кўрсаткичлар орўали баҳоланади. **Булар юкни етказиб бериш тезлиги, юкларни ташишнинг қиймати ва баҳоси, юк қўтара олиш имконияти, транспортнинг харакатчанлиги, юк ташишнинг узлуксизлиги.**
2. Аниқланган транспортнинг хусусиятлари ва афзаллиги асосида ўўшимча капитал маблағ сарфланмасдан юк ташиш ҳажмини кўпайтириш мақсадида ҳар бир транспортнинг ўтказиш ва ташиш резервлари аниқланади.
3. Юк ташишнинг барча турлари бўйича ташиш жараёнларининг тайёрлов ва охирги операцияларини, ортиш, тушириш, бошӯа жойга ўтказиш харажатларини ҳисобга олган холда тўлий эксплуатация харажатлари ҳисобланади.

4. Аниқланган ўтказиш ва ташиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, агарда ўтказиш хусусиятларининг етишмаслиги маълум бўлса, транспортни ривожлантириш учун керак бўлган капитал маблағлар ҳажми ҳисобланади.
5. Эксплуатация сарфи ва капитал маблағлар харажатларининг йигиндисини ҳисобга олган ҳолда юкларни транспорт турлари ўртасида таўсимлашнинг ўулай варианти топилади.

**Транспорт ишини иккинчи асосий вазифаси, йўловчилар ташишни тартибга солиш ҳисобланади.**

Йўловчиларни ташиш ҳажмини аниқлашда шаҳарлароро ва шаҳар ичидаги **йўловчилар ҳажми аниқланади**. Буларга таъсир этувчи асосий омил ахоли даромадлариридир.

Истиўбол ва жорий даврларда йўловчилар ташишни аниқлашда қуидаги кўрсаткичлар ишлатилади:

**Истиўбол даврда:** ахолининг сони; 1 йилда 1 кишига тўЁри келадиган йўловчи/км; 1 йилда 1 кишига тўғри келадиган истеъмол фондларининг ўсиши;

**Жорий даврда:** ахолининг даромадлари ҳаўидаги маълумотлар; даромадларнинг 1 сўмига тўғри келадиган йўловчи /км.

Ахолининг транспорт воситаларидан фойдаланишнинг интенсивлик даражасини белгиловчи кўрсаткич бўлиб ахолининг **транспорт қатнови кўрсаткичи ҳисобланади**.

**Транспортнинг ишини янада яхшилаш юқ ва йўловчилар ташишни тартибга солишда керакли ресурслар билан асослашни таўозо қиласи.**

Юқ ҳамда йўловчи ташиш ҳажми фақатгина миллий иқтисодиётни ва ахолининг талабларигагина эмас, балки шу **талабларни қондириш имкониятларига** ҳам боғлиқ. Шунинг учун миллий иқтисодиёт истиўболида юқ, йўловчилар ташишнинг ривожланиши фақатгина талаб томонидан эмас, балки керакли харакатдаги транспорт воситалари, Ёқилғи ва бошқа ресурслар томонидан ҳам асосланади.

Юқ ва йўловчилар ташишнинг ривожланиши керакли ресурслар билан асослаш жараёнида харакатдаги транспортга бўлган талаб ва уларни қондириш имкониятлари билан аниқланади.

Транспортнинг ҳар бир турларига бўлган талаб ташилиши керак бўлган юқ ва йўловчиларнинг ҳажмига ҳамда харакатдаги таркибининг техник- эксплуатация кўрсаткичларига боғлиқ.

**Техник-эсплуатация кўрсаткичлари** ҳар бир транспортнинг хусусиятига ўараб аниқланади. Темир йўл транспорти бўйича техник-эсплуатация кўрсаткичларига қуидагилар киради:

1. Вагонга тўғри келадиган статик ва динамик оЁирлик.
2. Поезднинг ўртача массаси (брutto, нетто);
3. Юқ вагонининг техник ва участка тезлиги
4. Вагоннинг айланиш вақти;
5. Локомотивнинг ўртача суткалик юриши(км)
6. Юқ вагонининг ўртача унумдорлиги.

**Вагоннинг статик оЁирлиги (Nc)** қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$N_c = \frac{\sum P}{K_b}$$

$\sum P$  -юклар ҳажми;

$K_b$ -юқ ортилган вагонлар сони.

**Вагоннинг динамик оЁирлиги** харакатдаги статик оЁирлигига teng. Вагоннинг айланиш вақти-бу юклангандан то уларни бўшатишгacha бўлган вақт.

**Юқ вагонининг ўртача унумдорлиги(Пр)** қуидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\Pi_p = \frac{N_c + 1_{ypt} \times K}{T_{ypt}}$$

Бу ерда:

Nc-статик оЁирлик;  
1 ўрт-ўртача масофа;  
К-коффициент;  
Тўрт-юқ вагонининг ўртача оборот вақти.

Юқ ташишга бўлган талаб ҳаракатдаги таркибнинг керакли сони, Ёқилғи, электроэнергия томонидан ҳам асосланиши керак. Юқ ташишни тартибга солишда транспорт воситаларига бўлган талабни аниқлашга, ундан фойдаланишини яхшилаш йўлларини белгилашга катта аҳамият берилади.

Юқ вагонларига бўлган талабни ( $\Pi_b$ ) аниқлашда қуйидаги формула қўлланилади:

$$Pr = \frac{P \times tB}{365 \times Nc} \cdot K$$

бу ерда:

tB- вагоннинг суткалик айланиши;  
Nc-статик оЁирлик;  
K-вагонларнинг резерв коэффициенти.

Алоқа Ўзбекистон Республикаси хўжалик ва ижтимоий инфраструктурасининг таркибий қисми бўлиб, аҳоли, хўжалик субъектлари, давлат идораларининг почта, телефон, телеграф, радио ва ахборотнинг ўзга турларини узатиш ва қабул қилиш ҳамда алоқа тармоғи орқали жўнатилаётган ашёларни етказиб беришга бўлган эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлайди. **Алоқа оммавий ахборотларни тарқатиш, шунингдек, иқтисодиётни бошқаришда муҳим роль ўйнайди.** Ўзбекистон Республикасида алоқа корхоналари **аҳолига ҳамда иқтисодиёт тармоқларига почта, телеграф ҳамда маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон алоқа хизмати кўрсатади**, шунингдек, республикада радиоалоқа, радиэшиттириш ва телевидениени техника воситалари билан таъминлайди. **Алоқа мажмуаси-матбуот тарқатиш, уяли (радиотелефон) алоқа, электр алоқа, космик йўлдошлар орқали алоқа республика хаётида катта роль ўйнайди.** Идоравий ички алоқа тармоқлари (айрим вазирликлар, ташкилотлар, ҳамда шахта, завод, хўжаликларнинг бевосита ўзига қарашли алоқа воситалари) ҳам мавжуд. Ўзбекистонда аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг умумий ҳажмида алоқа хизмати ҳиссаси 5% га яқин.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида миллий телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва уни мустақил равишда бошқариш муҳим вазифага айланди.

1992 йил 13 январда Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. 1997 йил 23 июнда Алоқа вазирлиги Почта ва телекомуникациялар Агентлигига айлантирилди. 2002 йил 30 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармонига асосан **Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги этиб қайта ташкил этилди.**

Ушбу Фармонга биноан ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият хаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишида жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлийроў қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун ўулай шарт-шароитларни яратишни назарда тутади.

Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда уларнинг замонавий тизимларини жорий этишнинг биринчи галдаги **энг муҳим вазифалари** деб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Замонавий ишончли ва хавфсиз миллий маълумотлар ахборот базаларини яратиш, ахборот ресурслари ва хизматларининг бозорини ривожлантириш, ахборот алмашувнинг электрон шаклларига изчиллик билан босқичма-босқич ўтиш;

2. Реал иқтисодиёт тармоқларида, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳаларида компьютер ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, аҳоли турли қатламларининг замонавий компьютер ва ахборот тизимларидан кенг баҳраманд бўлишлари учун шарт-шароитлар яратиш;
3. Мактаблар, касб-хунар коллажлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларининг таълим жараёнига замонавий компьютер ва ахборот технологияларини эгаллашга ҳамда уларни фаол кўлланишга асосланган илЁор таълим тизимларини киритиш;
4. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, биринчи навбатда, дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базаларини ишлаб чиқиш, республика, тармоқ ва маҳаллий ахборот-коммуникация тармоқларини шакллантириш, компьютер ва телекоммуникация техникасини ишлаб чиқиш соҳаларида ишлаш учун юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;
5. Мамлакатнинг барча худудида ахборот-коммуникация технологияларининг техникавий инфратузилмасини, маълумот узатиш воситаларини жадал ривожлантириш;
6. Миллий ва халқаро ахборот тармоқларига Ёоят тезкорлик билан кириб боришини жорий этиш, аҳоли пунктлари, шу жумладан қишлоқ аҳоли пунктларининг уларга кириб боришини таъминлаш;
7. Сифатли маҳаллий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва уларни экспорт қилишни рағбатлантиришнинг самарали механизмини яратиш;
8. Маҳаллий компьютер техникаси ва унга бутловчи буюмлар ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқишни ташкил этишга кўмаклашиш.

Мазкур Фармонга мувофиқ Ташкент электротехника алоқа институти Ташкент ахборот технологиялари университетига айлантирилди.

2002/2003 ўқув йилидан бошлаб Ташкент ахборот технологиялари университетида дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш, тармоқ технологиялари, кўчма радиотехника алоўлари, электрон тижорат ва ахборот хавфсизлиги соҳасида бўйича мутахассислар тайёрланиш ташкил қилинди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда алоқа тармоқларини ривожлантириш бўйича АҚШ, Германия, Япония, Италия, Туркия, Корея Республикаси, Индонезия ва бошқа давлатлар билан олиб борилаётган халқаро ҳамкорлик самарали бўлмоқда. 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Халқаро электралоқа иттифоқи аъзолигига қабул қилинди.

Ўзбекистонда алоқа соҳаси почта алоқаси, телефон (маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро) алоқаси, телеграф алоқаси, радиоэшиттириш, телевидение, матбуот тарқатиш каби тармоқларга бўлинади.

**Почта алоқаси.** Ўзбекистонда дастлабки **почта алоқаси 1865** йил Ташкент яқинидаги Ниёзбек қалъаси билан Чимкент шаҳри ўртасида йўлга қўйилган. Ўша йили август ойида Ташкентда биринчи почта станцияси очилди, почта йўли Ниёзбекдан Ташкентгача етказилди. 1868 йил Ташкент билан Самарқанд ўртасида почта алоқаси ишга тушди. 1868 йил февралда Ташкентда Россия почта ва телеграф вазирлигига бўйсунган Сирдарё ва Самарқанд вилоятлари почта идоралари бошқармаси ташкил этилди. Дастлаб почта от-уловда, темир йўл қурилгандан кейин темир йўл орқали ташиладиган бўлди. 1885 йил 1 январдан Ташкент почта идораси мижозлардан телеграммалар қабул қилишни бошлади. 1913 йил Ўзбекистонда жойлашган 17 почта-телеграф бўлими, 18 почта-телеграф идораси ишлади. Телеграф алоқаси, асосан тижорат мақсадларига хизмат қилди. 10 телефон станциясидан 9-таси хусусий кишилар қўлида эди.

**20-асрнинг 20-йилларидан бошлаб Ўзбекистонда почта хизмати тубдан қайта ташкил этилди, қишлоқларда почта бўлимлари очилди.**

Почта алоқаси республика аҳолисига хат, газета ва журналлар, жўнатма, пул ўтказмалари, пенсия тўловларини етказиб берди. 60-йиллар бошида барча вилоят марказлари ва 118 туманга вақтли матбуот босилган куни етказиб бериладиган бўлди. Почта ва матбуотни ташишда авиация, темир йўл, автомобиль транспортидан кенг фойдаланилди.

1974 йил Ташкентда темир йўл қошида почтампнинг очилиши, 1983 йил Ташкент почтампнинг янги биноси қурилиб фойданишга топширилиши билан хат, жўнатма, пул

ўтказмалар, матбуот нашрларини жўнатиш ва етказиб бериш янада яхшиланди. Почта алоқаси алоқанинг энг кенг тарқалган ва оммавий турига айланди.

Почта алоқаси тармоқларида механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларидан кенг фойдаланилади.

Ҳозир Ўзбекистоннинг барча аҳоли пунктларида почта корхоналари тармоғи билан қамраб олинган. Почта корхоналари «Ўзбекистон почтаси» концернига (1992) киради. Унинг таркибида 12 вилоят, Қорақолпогистон Республикаси давлат почта корхоналари бошқармаси, Тошкент ҳалқаро почтамти, **195 алоқа узели ва 3045 алоқа бўлими** ишлаб турибди.

**Телеграф алоқаси.** Ўзбекистонда телеграф алоқаси 19-асрнинг 80- йилларида, темир йўл қурилиши билан бир вактда вужудга келди. Дастребаки телеграф алоқа йўллари Тошкент-Хўжанд-Ўратепа-Ховас-Жиззах; Тошкент-Чимкент; Бухоро-Карки-Калиф йўналишида қурилди. Чоржўй-Самарқанд-Тошкент темир йўли бўйлаб телеграф қурилиши давом эттирилди. 1876 йил март ойида Тошкентни Хўжанд билан боғлаган бир симли телеграф алоқа йўли ишга туширилди. 1885 йил 1 январдан Тошкент почта идораси мижозлардан телеграммалар қабул қилишни бошлади. 1913 йил Ўзбекистонда 3 телеграф бўлими ва 2 телеграф идоралари ишлади. **1932 йили Тошкентда марказий телеграф ишлай бошлади.** 1978 йил Тошкентда бевосита уланиш ва ахборотларни узатишга хизмат қиласидан катта қувватли абонент телеграф-коммутация станцияси фойдаланишга топширилди. 1992 йилда Тошкент марказий телеграфи тезкор замонавий аппаратлар билан жихозланди; **ҳар суткада алоқа каналлари орқали 200 мингдан зиёд хабар ўтади, хориждан газеталар тасвирини фототелеграф орқали қабул қиласиди.** Унинг қошида сўзлашув пункти ва маълумотларни узатиш тармоқларидан жамоа тарзида фойдаланиш пункти бор. Республикадаги корхоналар хужжатли ахборотларни узатишида абонент телеграф тармоғидан кенг фойдаланадилар.

**Телефон алоқаси.** Ўзбекистонда умумий фойдаланиладиган 200 рақами дастребаки телефон станцияси Тошкентда 1904 йил 15 сентябрда ишга туширилган. Телефон тармоғи бир симли бўлиб, ер иккинчи ўтказгич вазифасини бажаради. 1924 йилга келиб телефон станцияларининг сифими 1700 рақам (номер)ни ташкил этди.

Ўзбекистонда умумий фойдаланиладиган тармоқларида 1,5 млн.дан кўпроқ телефон рақами (номери) бор. Шаҳар хонадонларининг 50% (Тошкент шаҳрида 70%) уй телефонларига эга. Қишлоқ хўялигига мавжуд 310 мингдан кўпроқ телефоннинг 226 мингтаси хонадонларда ўрнатилган.

Республикада телефон тармоғининг 87% ини координат ва механик системали станциялар ташкил этади (республика бўйича 1200дан ортиў шундай станция ишлайди). Квазиэлектрон ва электрон АТСлар 12 минг номерга эга. Махаллий тармоқларнинг 6%, шаҳарлараро телефонларнинг 13% рақами АТСлар билан жихозланган. Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида шаҳар абонентлари шаҳарлараро ва ҳалқаро телефон тармоғига автоматик уланиш тизимиға тўлиқ уланган. **1994 йилдан Республикадаги барча шаҳарлар, телефон тармоқларини автоматлаштирилган тизимга ўтказиш ишлари давом эттирилди.**

**Электр алоқа корхоналари «Маҳаллийтелеқом» компаниясига уюшган.** Ўзбекистон алоқа тармоғи жаҳон андозалари даражасига кўтарилимоқда. Ўзбекистоннинг Туркия, АҚШ, Япония, Германия, Италия, Буюк Британия, Корея Республикаси, Индонезия, Хитойдаги етакчи фирмалар билан электр алоқа тармоқларини ривожлантиришдаги ҳамкорлиги яхши самара бераяпти. Хорижий фирмалар билан ҳамкорликда ташкил этилган 10 дан ортиқ корхоналар ишламоқда. 1992 йил Ўзбекистон ва АҚШнинг «Интернейшнл Коммуникашн группи»(«Ай Си Жи») фирмаси билан ташкил этилган «Уздуунробита» кўшма корхонаси Тошкент, шунингдек Самарқанд, Урганч, Қарши, Андижон, Бухоро шаҳарларида ҳалқаро ва шаҳар, шаҳарлараро телефон станциялари билан боғланиш имкониятига эга бўлган уяли телефон (радиотелефон) алоқаси станцияларини ишга тушириди. **1997 йилда Ўзбекистон – Малайзия қўшма корхонаси «ЎзМоўом», Ўзбекистон – Индонезия қўшма корхонаси «Бустел» ва бошқалар шаҳарларида ва шаҳарлараро уяли телефон алоқасини ривожлантиришда фаолият кўрсатмоқда. Корея республикасининг «ДЭУ телеком», Германиянинг «Сименс», «Алкатель сел РФТ», Япониянинг «Мицуи» фирмаси, «НЭК»**

корпорацияси замонавий алоқа жиҳозлари етказиб беради, электрон рақамли АТСлар асосида республика шахарларида ҳалқаро ҳамда шаҳарлараро телефон станцияларини такомиллаштиради ва қуради.

Ўзбекистон мустақилликни кўлга киритишига қадар республиканинг жаҳон мамлакатлари билан чекланган даражадаги телефон алоқаси Москва орқали амалга оширилган. Мустақилликнинг дастлабки даврида ёк ҳалқаро телефон алоқасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. 1992 йили Тошкентда Япониянинг «НЭК» фирмаси етказиб берган асбоб-ускуналаридан абонентларнинг жаҳон телефон тармоғига чиқиши ҳамда икки томонлама ҳалқаро телекўрсатувларни таъминлайдиган 150 каналли рақамли ҳалқаро космик (фазовий) телефон станцияси қурилди ва фойдаланишга топширилди. 1997 йилда Хитой (Шанхай) билан Германия (Франкфурт-Майн)ни боғлайдиган шиша кабелли Трансосиё - Европа алоқа магистралининг Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтадиган қисми (926 км) қурилиши тамомланди. Кейинчалик Туркиянинг «Неташ», «Телеташ», «Симко» фирмалари 30 каналли яна бир ҳалқаро космик телефон станциясини Тошкентда курди. Бу станцияларнинг ишга туширилиш билан ҳалқаро телефон сўзлашувларининг 80% ини сунъий алоқа йўлдошлари орқали бевосита хорижий мамлакатларга узатиш ва улардан қабул қилишга эришилди.

Италиянинг «СТЕТ Интернейшнл» ва Германиянинг «Сименс АГ» компаниялари иштирокида тузилган «Удиней» қўшма корхонаси шаҳарлараро ва ҳалқаро телефон алоқасини ривожлантириш, қайта қуриш ва ундан фойдаланиш билан шуғулланади. Шаҳардаги телефон эгалари Ер куррасидаги барча мамлакатлар билан автоматик боғланиш имкониятига эга.

**Радио ва телевизион алоқа.** Тошкент тажриба радиоэшитиришлар дастлаб 1926 йил ўтказилган. 1975 йили Тошкент радиоэшитириш ва овоз ёзиш уйида стреофоник радиоэшитиришларни амалга ошириш имкон берадиган аппаратлар ўрнатилди. Ўзбекистонда радиолаштириш ишлари 1928 йилда бошланган. Шаҳар, туман ва қишлоқларда қурилган радиоузеллар хонадонлар, корхоналар, муассасаларни радиолаштириш ишига хизмат қилди, 90-йиллар бошида республиканинг 12,5 млн.дан ортиқ аҳолиси радиолаштириш хизмати билан таъминланди.

Республика радио маркази **суткасига 12 дастур бўйича 1700 соат эшиттиришлар олиб боришни таъминлаш қувватига эга.**

**1956 йилда Тошкентда (баландлиги 180 м.)** телевизион минораси қурилиб, Тошкент телевидение студияси ишга туширилди ва мунтазам кўрсатувлар бошланди. Кўрсатувларни Тошкент шаҳри ва унинг атрофида туманларда кўриш мумкин бўлди. **Икки йилдан кейин телекўрсатувлар** Андижон, Фарғона, Самарқанд шаҳарларида қабул қилинди. Кейинчалик Нукус (1961), Урганч (1964)да телемарказлар қурилди. 1966 йилга келиб ретрансляция станциялари ва радиореле алоқа йўллари (Тошкент – Андижон, 1960; Тошкент - Самарқанд, 1966) ёрдамида кўпгина вилоятлар алоҳида республика телевидениесининг 1-дастурини, Тошкент, Фарғона водийси ва Самарқанд алоҳида икки дастурини ҳам қабул қилиш имкониятига эга бўлди. **1965 йилдан** Ўзбекистондаги телетомошабинлар Москвадан олиб бериладиган **кўрсатувларни оқ-қора, кейинчалик рангли тасвирда кўра бошладилар.** 1974 йил Ўзбекистонда 18та катта қувватли, 37 кичик қувватли телевидение узаткичлари ишлади, республика аҳолисининг 94,7% биринчи, 87% иккинчи, 36% учинчи телевидение дастурларини кўришга эришди. 1977 йил Республика телевизион техника маркази ишга туширилди. Бу марказ бир йўла 5 дастурда кўрсатувлар олиб боришга мўлжалланган. Марказда 3 студия, аппаратхоналар, телекинопроекционхона, видеоёзув аппаратхоналари, кинопрекцион заллар, кўчма телевизион воситалар базаси ва бошқа ёрдамчи хизматлар мавжуд. Телемарказ радиореле йўллари орқали Ўзбекистон Республикаси вилоятлари марказлари, шунингдек Корақалпоғистон Республикаси билан боёланган. Кабель магистраллари, радио ва сунъий йўлдош йўллари ёрдамида кўп мамлакатлар шаҳарлари билан телевизион дастурлар алмашинади.

Телекўрсатувлар кўламининг кенгайиши муносабати билан кучли радио-телевизион узатиш станцияси қуришга эҳтиёж туёйди. Шу мақсадда **1978-85 йилларда** Тошкент шаҳридаги **Бўзсув каналининг ўнг соҳилида баландлиги 375 м бўлган иккинчи телеминора** - ҳозирги радио-телевизион узатиш маркази қуриб ишга туширилди. Бу

телеминора баландлиги бўйича жаҳонда Москвадаги Останкино, Торонто (Канада), Токио (Япония) телеминораларидан кейин **4-ўринда** туради, Марказий Осиёда 1-ўринда туради. Телеминоранинг 100 м ва 200 м баландлигида маҳсус бинолар жойлашган. Булардан энг юқорисида 5 дастурли кўрсатувларга мўлжалланган телевизион станция, ультра қисқа тўлўинли 4 дастурли эшилтиришга мўлжалланган радиостанция, метеорологик станция ва бошқалар, **100 м баландликда эса «Коинот» ресторани**, кузатув майдончаси ўрин олган. Радио-телевизион узатиш маркази Тошкент телевидениеси кўрсатувларини таҳминан **100 км радиусда** бевосита кўрсатилишини таъминлайди. Вилоятларга ва бошқа жойларга бу кўрсатувлар маҳсус ретрансляция станциялари орўали узатилади.

Ўзбекистонда Тошкент телестудиясидан ташқари Нукус, Урганч, Термиз, Наманганд, Андижон, Самарўанд, Кўқон, Фарғона, Бухорода вилоят телестудиялари ишлайди. Бундан ташқари 30 маҳаллий ва тижорат студиялари фаолият кўрсатади. Россия, ЎозоЁистон, Туркия теледастурларини мунтазам олиб кўрсатиш, Хиндистон, АҚШ ахборот дастурларини қабул қилиш йўлга қўйилган.

Республикада жаҳон мамлакатлари билан телекўрсатувларни бевосита алмашиб учун техник имкониятлар яратилган. 1994 йилдан Ўзбекистон-АЎШ ўйушма корхонаси «Камалак ТВ – Пейжинг» шаҳарларда кабель телевидениеси тармоқларини ташкил этмоқда. 1993 йилдан Ўзбекистоннинг 98% аҳолиси теледастурларини ишончли қабул қиласди, жумладан аҳолининг 98,5% - бир, 98,3% - икки, 67,7% - уч, 17,8% - тўрт ва ундан ортий дастурни томоша ўила олади.

**Матбуот тарқатиш.** Республикада алоқа органлари матбуот нашрларини тарқатиш ва етказиб бериш ишларини ҳам бажаради. Вақтли матбуотни тарқатишнинг асосий шакли обуна бўлиб, 1991 йилга ўадар газета ва журналлар тиражининг 85% обуна йўли билан тарқатилган. Ўзбекистонда алоқа вазирлиги тизимида обуна бўйича ва чакана савдо йўли билан вақтли матбуот нашрлари (маҳаллий ва чет эл газета, журнал, хафталиклари)ни тарқатиш маориф ва умуман маданиятни ривожлантиришда тарихан катта аҳамиятга эга бўлди. 1994 йил собиў «Союзпечатъ» республика бошқармаси ўрнида очиқ типдаги акциядорлик жамияти бўлган **«Матбуот тарқатиш ўюшмаси»** иш бошлади. Унинг 12 вилоят, ЎораўалпоЁистон Республикаси, Тошкент шаҳридаги корхоналари фаолият кўрсатади. Уюшма чакана савдо тармоқларига ҳам эга. Улар вақтли матбуот нашрлари билан бирга китоблар, таўвимлар, почта маркалари, нишонлар ва бошқа нарсалар ҳам сотади.

Республикада 2010 йилгача алоқа тизимини илғор технологиялар ва ечимлар базасида **халқаро алоқа тизимларига аста-секин ўшилишини таъминлайдиган дастур ишлаб чиўилган.**

Алоқани ривожланиш дастурини асосий вазифаси бўлиб иқтисодиёт тармоқларини ва аҳолини почта, телеграф, телефон, радио ва ҳоказоларга бўлган талабини тўлароқ кондириш ҳисобланади. Шу вазифани ҳал қилишда алоқанинг ҳар бир соҳасини ривожланиш даражаси ва уларнинг ўзига хос бўлган хусусиятлари эътиборга олинади. Масалан, газета ва журналларни аҳолига етказиб бериш дастурига қўйиладиган вазифа- бу газета ва журналларни чоп этилган куниёқ обуначиларга етказишидир.

Почтани ривожлантириш дастуридаги асосий вазифа бўлиб почта орқали юбориладиган хатларни, посылкаларни ва ҳоказоларни қисқа муддат ичida уларнинг эгаларига етказиш ҳисобланади.

Алоқани ривожлантириш **дастуридаги асосий кўрсаткичлар** қўйидагилар ҳисобланади:

1. Алоқанинг маҳсулоти
2. Шаҳарлараро телефон каналларининг узунлиги;
3. Шаҳарлар ва қишлоқ жойлардаги телефон станцияларини катталиги (сигими);
4. Телевизион станцияларнинг сони ва қуввати;
5. Комплекс механизациялашган алоқа корхоналарининг сони;
6. Таъриф даромадлари ҳажми, фойда, рентабеллик ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлар.

Алоқа **маҳсулотининг ҳажми** бу, ушбу тармоқ томонидан Миллий иқтисодиётга ва аҳолига кўрсатадиган барча хизматларини пул ўлчовида ифодаланган йиғиндисидир. Бу

натура ҳолида күрсатиладиган хизматлар ҳажмини уларга мос бўлган жорий баҳоларга кўпайтириш йўли билан топилади.

Шаҳарлараро телефон алоқаларининг ҳажми дастурлаш-тирилаётган даврдаги аҳолининг сони ва унинг ҳар бир кишисига тўғри келадиган телефон орқали гаплашишлар миқдорини ошиши асосида аниқланади.

**Телефон алоқаларини ўсиш даражаси** Миллий иқтисодиётда банд бўлган ишчи ва хизматчиларининг сонини ошишига мўлжалланиши лозим.

Ҳозирги даврда алоқа корхоналарининг асосий кўрсаткичлари бўлиб мана шу корхоналарнинг **тариф даромадлари** ҳажми ҳисобланади. Бу кўрсаткич алоқа корхоналарини ҳақ олиб кўрсатадиган хизматларини оширишни таъминлайди, тармоқни хўжалик фаолиятини баҳолашдаги камчиликларини бартараф этади ва ҳоказо.

Телефон станциялари **тармоқларини кенгайтириш** ҳар 100 ишловчини ва 100 хонадонни телефон номерлари билан таъминлаш нормаси асосида ривожлантирилиши керак. Айниқса, қишлоқ жойларида телефон алоқасини тез суръатлар билан ривожлантириш лозимдир.

### **Таянч иборалар**

- *Ишлаб чиқарии мажмуи*
- *Номеклатура*
- *Ассортимент*
- *Товар маҳсулоти*
- *Ялти маҳсулот*
- *Асосий ишлаб чиқарии фонdlари*
- *Меҳнат унумдорлиги*
- *Оборот маблағлари*
- *Фонdlар қайтими*
- *Фонdlар сизими*
- *Фойда*
- *Рентабеллик*
- *Ишлаб чиқарии эҳтиёжи*
- *Экспорт*
- *Импорт*
- *Давлат резерви*
- *Ишлаб чиқарии имкониятлари*
- *Ишлаб чиқарии қуввати*
- *Транспорт мажмуи*
- *Юк обороти*
- *Ўртача масофа*
- *Пассажир обороти*
- *Аҳолини транспорт қатнови*
- *Алоқа мажмуаси*
- *Алоқа дастури*

### **Ўз-ўзини текшириши учун саволлар**

1. *Ишлаб чиқарии мажмуи деганда нимани тушунасиз?*
2. *Нима учун саноат етакчи тармоқ ҳисобланади?*
3. *Саноат ишлаб чиқарии дастури нима?*
4. *Саноат маҳсулотининг қандай қиймат кўрсаткичларини биласиз? Улар қандай усулларда ҳисобланади?*
5. *Саноат маҳсулотларига бўлган талаб қандай аниқланади?*
6. *Саноат маҳсулотларига бўлган талабни ишлаб чиқарии имкониятлари билан таққослаши усули қандай?*
7. *Ишлаб чиқарии қувватлари баланси, уни тузили методикаси тўғрисида нима дея оласиз?*
8. *Республика транспорт мажмуи.*

- 9. Транспорт тармогида қандай ислоҳатлар ўтказилалыпти?*
- 10. Транспорт тармоқтарини ривожлантириши дастурининг кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш методи.*
- 11. Юк обороти қандай ҳисобланади?*
- 12. Пассажир обороти-чи?*
- 13. Алоқа тармогида ислоҳатларни янада чуқурлаштириши борасида қандай вазифалар белгиланган?*
- 14. Алоқа тармоги қандай кўрсаткичларда ифодаланади?*
- 15. Компьютерлаштириши ва ахборот-коммуникацияси технологияларини ривожлантириши борасида қандай вазифалар белгиланган?.*

## 7-МАВЗУ. АГРОСАНОАТ МАЖМУИ

### Режа

1. Агросаноат комплекси (АСК). Унинг тушунчаси ва таркиби.
2. Қишлоқ хўжалиги-агросаноат мажмуининг ҳал қилувчи тармоғидир.
3. Республикада қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг устивор йўналишлари.

АСМ бу йирик тармоқлараро макроиқтисодиёт мажмуи бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан банд бўлган тармоқлар йифиндисидир. АСМ-бу мураккаб тизим бўлиб уни ислоҳ қилиш қишлоқ хўжалигини бошқа тармоқлар билан таркибий боғлиқлигидан келиб чиқади. Шунинг учун бу тизим **3 соҳага ажратилади:**

1. **Биринчи соҳа-саноат тармоқлари.** Улар қишлоқ хўжалигини моддий-техника воситалари, хусусан, трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналари, чорвачилик ва ем-хашак ишлаб чиқариш учун зарур техника воситалари, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш учун химия воситалари ва ҳоказолар билан таъминлайди.
2. **Иккинчи соҳа-бу бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидир.** Унга ўсимликчилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалигига хизмат қиладиган агрохимия, ветеринария ва бошқа соҳалар киради.
3. **Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, траспортировка қилиш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланадиган тармоқлар киради.**

Шундай қилиб, АСМ иқтисодий ва технологик жиҳатдан бир-бiri билан боғлиқ бўлган тармоқлар йифиндисидан иборатdir. Уларнинг асосий мақсади, вазифаси аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатни қишлоқ хўжалиги хом ашёсига бўлган талабини қондиришдан иборатdir.

Миллий иқтисодиётда энг катта аҳамият касб этадиган ва техник жиҳатдан яқин интеграция бу икkinchi ва учинчи АСМ соҳаларидир. Албатта, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўп ва сифатли ишлаб чиқариш бу жуда муҳим масала. Шунинг билан бирга икkinchi муҳим масала уни сақлаш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни қайta ишлаш ва истеъмолчига етказиб бериш ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги узоқ ишлаб чиқариш жараёнига эгадир. Қишлоқ меҳнаткашлари ўз меҳнатлари натижасини асосан бир йилда бир марта олади. Истеъмолчилар эса йил давомида бир текис маҳсулот бўлишини хоҳлайди. **Шунинг учун ҳам бу масалани ҳал қилиш-учинчи соҳа тармоқларини, яъни ривожланган ишлаб чиқариш инфра-структурасини мавжуд бўлишини тақозо қиласди.**

Шуни қайд этиш лозимки, Собиқ СССР даврида икkinchi ва учинчи соҳани, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сақлаш, қайta ишлаш тармоқларини бирлаштириш мақсадида Госагропром ташкил қилинган эди. Бундан мақсад ягона раҳбарлик остида бир-бiri билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалик соҳаларини бошқариш, режалаштириш ва молиялаштириш имконини яратиш эди.

Мамлакатда бошланган қайta қуриш иқтисодий ва сиёсий демократлаштириш жараёни янги **аграп сиёсатни ишлаб чиқиши** зарурат қилиб қўйди. Бу сиёсатнинг асосий мақсади қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини қайta қуриш, хар хил мулкчилик, хўжалик ва хўжалик юритиш шакллари асосида агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ўтиш эди. Табиий равишда раҳбарликнинг маъмурӣ-буйруқбозлиқ усули ўрнига агросаноат мажмуига раҳбарлик қилишни янги шакллари ташкил топа бошлади.

Афсуски, тармоқни бошқаришдаги қайta қуришлар икkinchi ва учинчи соҳалардаги номутаносибликларни ҳал қила олмади. АСКнинг иkkinchi соҳасига **техник ва молиявий ёрдам, эътибор инфраструктурани учинчи соҳасига, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайta ишлаш тармоқларига кўрсатилмай қолаверди.** Натижада АСКни бу тармоқларнинг куввати қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг имкониятларидан орқада қолди. Оқибатда тез бузиладиган маҳсулотлар, яъни картошка, сабзавот, мева ва ҳоказоларнинг сезиларли қисми истеъмолчиларга етиб бормай қолаверади.

Қайта ишлайдиган корхоналарнинг сони кам, борларида эса кам самарали эски техника сақланиб қолинаверди. Буларнинг ҳаммаси катта муаммога айланиб қола бошлади ва тармоқни қайта қуришни зарурат қилиб қўйди. Бу муаммо ўзи ечимини **аста-секин мустақиллик даврида топа бошлади**.

1990 йил 8 декабрда Республика Президентининг фармонига биноан **Қишлоқ хўжалиги вазирлиги**, 1996 йил 1 ноябрдан бошлаб эса Президент фармонига асосан **Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги** ташкил қилинди. У икки вазирлик- Ўишлок хўжалиги ҳамда Мелиорация ва сув хўжалиги вазирликларини бирлаштириш асосида ташкил қилинди. Фармонга асосан унинг **аниқ вазифалари ва функциялари** белгиланди. Жойларда вилоят ва туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари ташкил қилинди.

Республикада қайта ишлаш тармоқлари учун янги ускуналар ва бошқа зарур воситалар сотиб олинди. Қайта ишлаш корхоналари бевосита ишлаб чиқариш жойларида ташкил қилина бошланди. Қўшма корхоналар тузила бошланди. Масалан: Тошкент вилоятининг ОққўрЁон туманида Истроил-Ўзбек-Америка лойиҳасига биноан “Оққўрғон” хўжалигига **сутни қайта ишлаш минизаводи** ишга туширилди. Сут заводи Истроил фирмасининг ускунаси билан жиҳозланган бўлиб, бир суткада 2,5 минг литр сутни қайта ишлайди ва қаймоқ, творог, сир, йогурт ва ҳоказолар ишлаб чиқаради. Ушбу лойиҳага асосан мазкур хўжаликда ем-хашак цехи, оила фермаси ҳам ташкил қилиш режалаштирилган эди. Уларда маълум пода моллари бўлиши ва етарли даражада ер ажратилиши ҳам кўзда тутилган. Шундай қилиб, бир хўжаликнинг ўзида тугалланган технологик тизим, яъни ем-хашак цехи, ферма ва суд заводи қурилиши мавжуд бўлади. Бу ва шундай бошқа тажрибалар республикамиз худудида аста-секинлик билан тарёалаяпти ва АСМ ривожланишини таъминлаб бораяпти.

Пахта дунёдаги 90 та мамлакатда етиштирилади. Ўрта хисобда йилига дунёда 18 млн тонна пахта толаси олинади. АҚШ ва Хитойда йилига 4 млн тоннадан, Ҳиндистон 3 млн тонна пахта толаси етиштиради. Дунёда етиштириладиган пахта толасини 6% ини Ўзбекистон Республикаси етиштиради.

Шунингдек республикада етиштириладиган мева, узум, сабзовот, полиз маҳсулотларининг талай қисми ўйни давлатларга чиқарилади. Республикада мева, узум, ва сабзавотнинг юқори сифатли навлари етиштирилади. Ўзбекистон ўзининг сифатли **пилласи ва қорақўли** билан дунёга машхур.

Республика **аҳолисининг** 60% дан зиёдроғи **қишлоқ жойларда** яшайди. **Ялпи ички маҳсулотнинг 30%и қишлоқ хўжалигига тўғри келади.** Чунки Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини **қишлоқ хўжалиги**, унинг асосини эса **пахтачилик ташкил этади.** **3,8 млн. киши** ёки республикада иш билан банд бўлганларнинг **43,7%и** қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига 28 млн.га яқин қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар мавжуддир. Шундан 4,2 млн.га суЁориладиган ерлар хисобланади ва улардан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 95-97% олинади. Археологик тадуиётларнинг кўрсатишича мил. ав. 2-минг йиллик ўрталарида Хоразмда **қайир** типидаги суёоришга асосланган **чопиқ қилинадиган** экинлар, Фарғона водийсида **лиман усулида** суёоришни қўллаб тариў, арпа ва бошқа донли экинлар экилган. **Чорвачиликда** узоқ асрлар давомида қорамол, қўй ва эчки, от, туяларнинг ўимматли хўжалик белгиларига эга бўлган кўплаб ноёб зотлари яратилган. Социалистик мулк қишлоқда иқтисодий муносабатларнинг асоси, деб қабул қилинди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини контрактация (шартнома тузиш) йўли билан тайёрлаш дехёнларни жамоа хўжаликларида бирлаштиришнинг ўзига хос мажбурий воситаси бўлган. Давлат, қишлоқ хўжалиги техникасини ҳам ўз ихтиёрига олиб, Давлат машина-трактор станциялари (МТСлар) ташкил этилди. Пахта хом ашёси жуда арzon нархларда сотиб олинар эди. Мустақилликка эришгунга ўадар Ўзбекистон Иттифоёнинг асосий пахта базаси бўлиб ўолди. Бу эса республикани хом ашё етиштириш билан чеклаб, бир ёқлама ривожланишига сабаб бўлди ва жуда кўп салбий оқибатларга олиб келди, **пахта монокультурасини яккаҳокимлигини мустаҳкамлади**.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш **хажми натура ва қиймат** **кўрсаткичларида** ифодаланади.

**Натура** кўрсаткичлари маълум давр ичида бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришининг ҳажмини аниқлайди ва у тонна, центнер, литр ва ҳоказоларда ифодаланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажми қиймат шаклида ўлчанадиган **Ялпи маҳсулот** кўрсаткичидаги ифодаланади. Ўсимликчилик маҳсулотининг **Ялпи маҳсулот** кўрсаткичи барча қишлоқ хўжалиги экинларидан олинган ялпи ҳосилга тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ўсиши (камайиши) ва боғлар, кўп йиллик ўсимликларни яратиш учун кетган харажатларни қўшиш йўли билан топилади.

Айрим олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ҳосилдорлик даражаси ва экин майдонига боғлиқ бўлади.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлик даражасига янги сара уруғлар, уларнинг сифати, экинларга минерал ва махаллий ўғитларни солиш, ўсимликчилик маданиятини ошиши, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш каби кўпгина омиллар таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми экин майдонларига ҳам боғлиқдир.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер давлат мулки ҳисобланади. Давлат қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган корхоналар ва хўжаликларга, шунингдек фуқароларга муддатсиз ёки вақтингчалик фойдаланиш учун ер ажратиб беради.

Давлатнинг ер фонди барча ерларни - ҳайдалма ерлар, дарахтзор, яйлов, пичанзор, ўрмонзор, кўриқ ва бўз ерлар қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган ерларнинг жамини ўз ичига олади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштиришнинг асоси бўлиб ҳайдаладиган ерлар ҳисобланади.

**Ўсимликчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги қўйидаги кўрсаткичларда баҳоланади:**

1. 1 гектардан олинган ҳосилдорлик даражаси;
2. 1 центнер маҳсулотнинг таннархи;
3. 1 га экиндан олинган соғ даромад ҳажми;

**Чорвачиликнинг ялпи маҳсулоти гўшт, сут, тухум, жун ва бошқа маҳсулотларнинг** ҳамда чорва молларидан олинган бузоқ, кўзи ва ҳоказолар қийматидан, мол ва паррандаларни ўстириш, семиртириш қийматидан ҳамда сув ҳавзаларида етиштирилган балиқчилик қийматидан иборатdir.

Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти ўсимликчилик ва чорвачилик ялпи маҳсулотлари ҳажмига боғлиқ бўлади.

Мустақиллик йилларида жамиятимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби қишлоқ хўжалигига ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди. Аввало, давлатнинг иқтисодий мустақиллиги ва аҳолининг юқори турмуш даражасини таъминлай оладиган, жаҳон андозаларига мос келадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқариш модели яратилди ҳамда изчиллик билан амалга оширила бошланди. Натижада давлат хўжаликлари тўла тутатилди, жамолар мазмунан тамомила янги асосда қайта ташкил этилди. Улар ўрнига учта замонавий шакл – ширкат хўжалиги, фермер хўжалиги ва дехқон хўжалиги тизими таркиб топди. Ишлаб чиқариши ташкил этишнинг ҳудди шу кўриниши эндиликда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асоси ҳисобланади. Улар сафида ўзбек халқининг асрлар давомида таркиб топган менталитетига, меҳнаткаш халқ турмуш тарзига мос келадиган дехқон хўжаликларининг мустақил ишлаб чиқариш субъекти сифатида мавжуд бўлиши жаҳон аграр фани назарияси ва амалиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқаришнинг мутлоқ янги тизими эҳтиёжларидан келиб чиқсан холда банк, моддий-техника таъминоти, агросервис, молия, солиқ, ташки иқтисодий алоқалар хизматлари фаолияти бутунлай ўзгартирилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар тезда ўз натижасини берди. Собиқ “қизил империя” даврида ҳатто сут-гўштни ҳам четдан импорт қилиш даражасига туширилиб қўйилган Ўзбекистон, қисқа фурсат мобайнида озиқ-овқат моллари бўйича четга **қарамликдан озод бўлди ва ўзини ўз маҳсулотлари билан таъминлай бошлади**. Бу борада пахта якка ҳокимлигидан қутилиш ва ғаллани етиштириш бўйича эришилган ютуқларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мустаққиллик йилларининг бошлариданоқ мамлакат қишлоқ хўжалигини чукур ислоҳ қилиш даври бошланди.

Республика қишлоқ хўжалигида туб бурилишларнинг хуқуқий асосларини яратадиган конунлар қабул килинди.

**Махсулдорлиги паст давлат ва жамоат хўжаликларининг норентабель қорамолчилик фермалари меҳнат жамоалари мулки қилиб берилди.**

Чорва моллари зотини яхшилаш тадбирлари ишлаб чиўилди. Андижон, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятларида ширкат хўжаликлари негизида ўрамолчилик **наслчиллик заводлари**, Андижон, Наманганд, Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятларида жамоат хўжаликларида **наслчиллик хўжаликлари** ташкил этилди. Республиканинг барча вилоятларидағи ихтисослашган хўжаликларида зотли моллар етиштириладиган ва сотиладиган таянч пунктлар иши йўлга ўйилди. Ким ошди савдоси орўали ўора моллар хўжаликларга ва аҳолига сотилди.

**Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18- марта даги Фармонига асосан 1998-2000 йилларга мўлжалланган қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш **Дастури ишлаб чиқилди**. Қишлоқда ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан бир қатор тадбирлар белгиланди. **Қишлоқ хўжалигини моддий ва молиявий, техникавий жиҳатлардан қўллаб-куватлаш чоралари кўрилди**.**

Картошка мева-сабзавот маҳсулотлари, чорва парранда сут, тухум ўоракўл тери ва жун маҳсулотларига эркин (келишилган) нархлар жорий этилди, бу эса хўжаликларнинг ўзи етиштирган маҳсулотларни ўз хоҳишича фойдаланишга имкон яратди. Давлат буюртмаси фақат паҳта ва донга нисбатан сақланиб қолди.. **Қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш аграр сиёsatдаги муҳим йўналишга айланди**. Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда **халқаро ташкилотлар дастуридан фойдаланиш йўлга кўйилди**.

Қишлоқ жойларига саноатни олиб кириш, замонавий технологияларга эга бўлган **кичик корхоналарни очиш ҳисобига янги иш жойларини яратиш устувор вазифадир**. Қишлоқда туб ислоҳотларни ўтказиш, қишлоқ хўжалигини тараўый ўйлдириш, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омили ва манбайдир.

Ўзбекистонда ҳамиша дехқон ер эгасига эмас, ернинг ўзига бириклилган. Россияда эса **крепостной дехён помешчикники** бўлиб келган. Биргина шу ҳодисанинг ўзи ҳам хусусий мулкчилик ерга эгалик қилишнинг ягона шакли бўла олмаслигини кўрсатади.

Дехёнчиликда оиласидан пудрат шаклини қўллаш, даромадни таўсимлашда пайчилик усулидан фойдаланиш, пай орўали мулкка эгалик қилиш, даромад олиш, шартнома асосида ишлаш бугунги кунда мақсадга мувофиўдир.

Республикада **сүёриш** дехёнчиликнинг зарурий шарти ва моддий асосидир. Суғориладиган ерлар майдонини кенгайтириш, сув таъминотини яхшилаш, дарёлар оўйинини мавсумий ва кўп йиллик бошқариш учун сув омборлари, тўёнлар қурилиши, ирригация шаҳобчаларини яхшилаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Ерларни мелиорациялаш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, электрлаштириш, кимёлаштиришда эришилган ютуўлар экинлар ҳосилдорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини кўтаришда ҳал ўилувчи аҳамиятга эга бўлди. Республиkanинг ўзида қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайдиган саноат тармоқларининг ривожланиши унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдаги асосий жараёнлар механизациялаштирилди ва ўйл меҳнатидан фойдаланиш анча қисқарди. Қишлоқ хўжалигидаги асосий дала ишлари (ер ҳайдаш, экиш, культивация билан бир вақтда ўғитлаш, дон экинларини йиғиб олиш ва бошқа) тўлиқ, экин қатор ораларини ишлаш юқори даражада (паҳтачилик соҳасида 78%) механизациялаштирилди. Республикада тайёрланган **паҳтанинг 30% дан** ортиўроёи машиналарда **териб** олинди; бу кўрсаткич Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида анча юқори.

Қорақалпағистон Республикаси ва 12 вилоят бирлашмаси, 163 туман ишлаб чиқариш корхонаси, 28 таъмирлаш заводи, 64 кичик корхона ва 13та құшма корхоналар бор. трактор, юқ автомобили, афтобус ва енгил автомобиль, бульдозер, пахта териш машинаси, ғалла комбайни, хашак үргич, трактор тиркамалари, культиватор, чигит екиш сеялкаси, пуркагиң ва бошқа күплаб қишлоқ хұжалигии тизимида қишлоқ тадбиркорлари ва қишлоқ хұжалиги корхоналарига сервис хизмати күрсатиши бүйіча “Үзтехчорвасервис” республика бирлашмаси ташкил этилган. Унинг барча вилоят ва туманларда 160 дан ортиў ишлаб чиқариш-техника марказлари ишлайди. Майда улгуржи дўконлар, ижара сервис шахобчалари орўали қишлоқ хұжалиги машиналари, эҳтиёт қисмлар, узеллар, бутловчи деталлар сотилади ва бошқа турли хизматлар күрсатилади.

Республикада мавжуд қишлоқ хұжалиги техникаси паркидан оқилона фойдаланиш, уни ишлатиш харажатларини қисқартириш қишлоқ хұжалиги техникаси хұжаликлардан үолдиў қиймат бүйіча машина-трактор парклари балансига берилади ва ерларни екишга тайёрлаш, қишлоқ хұжалиги әқинларига ишлов беришга ҳосилни йиЁиб-териб олишга доир механизациялашган ишларни **хұжаликлар билан шартномалар** бүйіча бажаради.

2003 йил 27 октябрда Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хұжалиги тұғрисидаги” қонунига мувофиқ қишлоқ хұжалигидаги иқтисодий истроҳотларни жадаллаштириш мақсадида “**2004-2006 йилларда фермер хұжаликларини ривожлантириш концепцияси тұғрисида**” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинди. Унга асосан фермер хұжаликларининг устувор йұналишлари сифатида ривожлантириб қишлоқ хұжалигидаги истроҳотларни жадаллаштириш асосий мақсад қилиб қўйилган.

#### **АСМни истроҳ қилиш қўйидаги принципларга асосланиши лозим:**

- 1.Кишлоқ хұжалигини ривожлантиришнинг асосий масалалари давлат аграр сиёсатини таъсирида ҳал қилинади;
- 2.Кишлоқ жойларидаги давлат корхоналарини ишлаб чиқариш воситаларига жамоа ва хусусий мулкчиликка асосланган хұжаликлар тузган ҳолда қайта қурилади;
- 3.Ерга давлат мулкчилигини қатъий равишида таъминлаш, унга хусусий мулк бўлишига йўл қўймаслик;
- 4.Кишлоқ хұжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларда мулк эгаси ҳиссини яратиш, уларни ўз меҳнати натижаларига эга бўлишигини таъминлаш;
- 5.Моддий рағбатлантириш ҳиссини ривожлантириш ва ҳоказо.

Юқорида келтирилган принципларга асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хұжалигига ўтказилаётган иқтисодий **истроҳотлар қўйидаги устувор йұналишларда кечиши керак:**

- 1.Ер муносабатларини такомиллаштириш;
- 2.Деҳқон фермер хұжаликларини ривожлантириш;
- 3.Кишлоқда кичик ва ўрта бизнесни ташкил қилиш;
4. Қишлоқ хұжалигига бозор инфраструктурасини ташкил қилиш;
5. Қишлоқ хұжалигига солиқ ва баҳо сиёсатини такомиллаштириш;
6. Қишлоқ хұжалик бошқариш тизимини такомиллаштириш;
7. Қишлоқ хўжалик моддий техника хизматини ривожлантириш;
8. Илмий изланиш ва кадрларни тайёрлаш, уларни малакасини оширишга эътиборни кучайтириш.

#### **Таянч иборалар**

- Агросаноат комплекси
- Аграр сиёсат
- Деҳқончилик
- Чорвачилик
- Мулкчилик шакллари
- Давлат сектори
- Нодавлат сектори
- Пахта якка ҳокимлиги
- Натура кўрсаткичи

- Қиймат күрсаткичлари
- Самарадорлик күрсаткичлари
- Ширкат хўжалиги
- Фермер хўжалиги
- Декон хўжалиги
- Машина трактор парки
- Хўжалик шартномалари
- Бозор инфраструктураси
- Солиқ сиёсати
- Баҳо сиёсати

### **Ўз-ўзини текшириши учун саволлар**

1. Агросаноат комплекси, унинг маркиби ва вазифалари ҳакида нималара деб оласиз?
2. Қишлоқ хўжалигининг маркиби қандай?
3. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжасиятида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдаги тутган роли тўғрисидаги фикрингиз?
4. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Республика қишлоқ хўжалигидаги мулкчилик шакллари қандай?
6. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги дехқончиликнинг маркиби, уни ривожлантириши дастурининг күрсаткичлари маркиби қандай?
7. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги чорвачиликни маркиби, уни ривожлантириши дастурининг күрсаткичлари қандай?
8. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришининг натура ва қиймат күрсаткичлари, уларни ҳисоблаш усуллари қандай?
9. Республика қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиши жараёни тўғрисида нима деб оласиз?
- 74
10. Қишлоқ хўжалигидаги ширкат, фермер, дехқон хўжалиги тизими. Уларнинг таърифини биласизми?
11. Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириши дастури тўғрисида нима деб оласиз?
12. Агросаноат комплексини ислоҳ қилиши принциплари ва асосий йўналишилари ҳакида фикрингиз?

## **8-МАВЗУ. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ МАЖМУИ**

### **Режа**

1. Курилиш комплекси: мазмунни, стратегик социал-иқтисодий вазифаларни ечишдаги ахамияти.
2. Капитал қўйилмаларнинг таркиби. Капитал қўйилмаларнинг манбалари. Унинг ҳажмини ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усуллари.

Курилиш - республикадаги моддий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим тармоқларидан бири. Республика иқтисодиётида ялпи ижтимоий маҳсулот таркибида солиштирма ҳиссасига кўра саноат ва қишлоқ хўжалигидан кейин З-уринда туради. Ялпи ички маҳсулотнинг 9%га яқини иқтисодиётда банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг тахминан 10,5% қурилиш ҳиссасига тўғри келади.

Курилиш иқтисодиётнинг барча тармоқларига хизмат кўрсатиб, асосий фондларнинг қайта такрор ишлаб чиқариш учун шароитларни таъминлайди, иқтисодиётнинг мақбул таркибини барпо этиш, ишлаб чиқарувчи кучларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш, республиканинг янги табиий бойликларини ўзлаштириш, бўш меҳнат ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишга ёрдам беради.

Курилиш мажмуи бу асосий фондларни бевосита қайта ишлаб чиқариш, моддий ишлаб чиқариш жараёнини таъминлайдиган моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг ва лойиҳа изланиш ишларининг йиғиндишидир. Курилиш мажмуи қурилиш обьектларини лойиҳалаштиришдан то ишга тушургунгача бўлган барча жараёнларини ўз ичига олади.

#### **Технологик жиҳатдан қурилиш мажмуи ўз ичига:**

- Бевосита қурилишни ёки қурилишни ишлаб чиқаришини;
- Курилиш материаллари саноатини;
- Конструкция ва деталлар қурилиши саноатини (йиғма темир-бетон, металл конструкияси, ёЁоч ва х.к.);
- Махсус лойиҳалаш ва изланиш ташкилотларини, корхона ва бирлашмаларни олади.

Шундай қилиб, қурилиш мажмуи – қурилиш ишлаб чиқаришини, лойиҳалаш ташкилотларини ҳамда зарур ускуналар, конструкция ва деталлар, қурилиш материалларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни ўз ичига оладиган мураккаб тизимдир.

Курилиш мажмуининг асоси бўлиб қурилиш ишлаб чиқариши ҳисобланади. **Курилиш ишлаб чиқариши бу доимий малакали ишчи ва мутахассисларга, зарур қурилиш монтаж ишларини олиб бора оладиган техникага эга бўлган қурилиш ва монтаж ташкилотларининг йиғиндишидир.**

Курилиш ишлаб чиқариши ёки капитал қурилиш доимий равишда бино ва ҳар хил мақсадлар учун қурилмалар яратади ёки реконструкция қилишни таъминлайди. **Унинг маҳсулоти** эксплуатацияга тайёр ишлаб чиқариш корхоналари, йўллар, тураг жойлар, жамоат бинолари ва бошқалар ҳисобланади.

Иқтисодий моҳиятига кўра капитал қурилиш жараёни бу асосий фондларни қайта такрор ишлаб чиқаришдир.

Курилиш жараёни **хўжалик ва пудрат** усулида олиб борилади.

**Хўжалик усули-** бу қурилишни бевосита қурувчиларнинг ўзлари (корхона, ташкилот, фирма ва ҳоказо) олиб борадилар. Бунда қурилаётган обьект ана шу корхонани (ташкилотни) ўзи учун мўлжалланган бўлади.

**Пудрат усули** буюртмачилар билан шартнома асосида доимий харакатдаги қурувчи ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган қурилишдир. Унда икки томон: биринчи-**пудратчи**, яъни қурилиш ташкилоти ва иккинчи-томон: **буюртмачи-** (давлат ташкилоти, кооператив, хусусий корхона, ташкилот ва ҳоказо) қатнашади.

Улар ўртасида муносабат шартнома асосида белгиланади.

Миллий иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида қурилиш соҳасида ҳам иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди ва бу жараён охирги йилларда чуқурлашиб бораяпти. Хусусан:

-Курилишнинг бошқарув таркибини кучайтириш;  
-Курилиш монополиясига барҳам бериш;  
-Курилиш ташкилотларини акциялаш ва хусусийлаштириши чукурлаштириш;

-Пудрат ишлари бозорини ташкил қилиш;

-Капитал қурилишни ташкил қилишда, инвестицион лойиҳаларни татбиқ қилишда тартиб ўрнатиш ва бошқа тадбирлар амалга оширилди.

**Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида** қурилиш ишлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида айрим қурилиш вазирликлари тугатилди. Масалан, Ўзсаноатфукароқурилиш, Ўзқишлоқхўжалик қурилиши, Ўзколхоз қурилиши, Ўзсувқурилиши давлат концерни ва ҳоказолар тугатилди. Мулкчиликнинг турли шаклларига ўтказилган **ихтисослашган давлат концернлари, компаниилар, давлат-акциядорлик бирлашмалари, уюшмалар** ташкил этилди. Уларнинг энг йириклари: «Ўзсаноатхўжаликкурилиш» корпорацияси, «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси, «Ўздехқончиликкурилиш», «Ўзжамоаҳужаликкурилиш» давлат-ширкат бирлашмалари, «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси ва бошқалар. Сув хўжалиги ва мелиоратив ишларни «Ўзсувқурилиш» давлат концерни олиб боради. «Ўзтрансқурилиш», «Ўзавтойўл» концерни. «Энергетика ва электрлаштириш» вазирлиги ҳам қурилиш ишларини бажаради. Бу ташкилотлар Республика иқтисодиётини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган катта қурилишларни олиб бормоуда.

Масалан, «Ўзсаноатхўжаликкурилиш» давлат

корпорацияси республикада саноат қурилиши, уй-жой ва бошқа ижтимоий мақсадлардаги объектларни қуриш билан шуғулланади. Қурилиш ташкилотлари, қурилиш индустрияси корхоналари, транспорт, лойиҳа-конструкторлик ва бошқа ташкилотларни ихтиёрий асосларда бирлаштиради.

**Қурилиш индустрияси негизини давлат, акциядорлик, ширкат, хусусий, қўшма ва бошқа пудрат қурилиш-монтаж ташкилотлари,** шунингдек, ўз моддий-техника ва ишлаб чиқариш базасига, малакали ишчи ва мутахассис кадрларга эга бўлган корхоналар, транспорт ва бошқа ёрдамчи хўжаликлар ташкил этади. Ўзбекистонда кўплаб қурилиш-монтаж трестлари, қурилиш саноати корхоналари, қуий пудрат ташкилотлари, кичик корхоналар, лойиҳа, илмий ҳамда қурилиш соҳасига мослаштирилган илмий тадқиқот институтлари фаолият кўрсатади. Қурилиш-монтаж ишларининг деярли барчасини ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотлари амалга оширади.

Қурилиш ташкилотлари - бу ихтисослаштирилган корпорация, компания, бирлашма, трестлар ва бошқармаларга уюшган.

Қурилиш моддий-техника базасининг муҳим таркибий қисмини қурилиш материаллари саноати ташкил этади. Республикада қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, уларнинг тур хилини кўпайтириш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Республикада маҳаллий хом ашё ресурсларидан бетон учун сунъий енгил тўлдирувчилар (керамзит, аглопорит), иссиқлик изоляцияси материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Қурилишда полимер материаллар, пластмасса маҳсулотлари, линолеум, полиэтилен қувурлар, синтетик смолалар асосидаги лак ва буёқлар тобора кўпроқ қўлланилмоқда.

Қурилиш индустриясида йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталларидан кўпроқ фойдаланилмоқда. Бино ва иншоотларнинг йирик қисмларини, уй пойдеворлари, девор панеллари, зинапоялар ва бошқаларни завод усулида тайёрлайдиган янги тармоқлар пайдо бўлди. Биноларнинг зилзилабардошлиги таъминланган. Қишлоқ жойларида лойиҳалаш-қурилиш тамойиллари ўзгарди. Имаратларни тиклашда енгил конструкциялар кўпроқ қўлланилмоқда, хўжаликлар қўрғонларини қуришда уй-жойлар билан бир пайтда маданий-маиший муассасалар, ишлаб чиқариш бинолари комплекс фойдаланишга топширилалаяти.

Ўзбекистонда құдратли иқтисодий салоҳиятни барпо этишдаги муваффакиятлар бевосита қурилиш билан боғлиқ.

Республика мустақилликка әришганидан кейин капитал қурилиши янги дастур асосида давом эттирилди. Республика иқтисодиети учун муҳим бўлган автомобиль, олтин қазиб олиш, нефть ва бошқа саноат тармоқларида янги корхоналарни қуриш бошланди. Барча вилоятларда саноат корхоналари, уй-жойлар, маданий-маиший бинолар, бозор ва савдо расталари, хаммол, чойхона, касалхона, маҳалла марказлари, масжидлар қурилди, ўнлаб меъморий комплекслар, тарихий ёдгорликлар, мадрасалар, масжидлар таъмирланди. Тошкентда «Туркистан» саройи, «Миллий банк» биноси, «Наврӯз» ресторани, Амир Темур, Мирзо Улугбек ҳайкаллари ва хиёбонлари, Алишер Навоий номидаги Миллий боф, Андижонда Бобур боғи ва музейи, Фарғонада «Рамзий дарваза» барпо этилди, Самарқанд вилоятининг Ургут шаҳрида кенг кўламда қурилиш ишлари олиб борилди; Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Тошкент трактор заводи, Паркент «Қуёш» мажмуаси (Тошкент вилояти), Тошкент «Зенит» заводи, Ангрен резина-техника буюмлари заводи, республика банклари асоциациясининг биноси, Асака автомобиль заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Учқўрғон - Наманган сув қувури, ғазалкент ойна заводи ва бошқа кўнгина объектлар қурилди.

Қурилиш соҳасида **халқаро ҳамкорлик яхши самара бермоқда**. Хорижий фирмалар билан ҳамкорликда Тошкент, Самарқанд, Бухоро шахарларида халқаро классдаги меҳмонхоналар қурилиши, хусусан Шератон меҳмонхонаси ҳамда, Россия, Дўстлик ва бошқа меҳмонхоналарни қайта таъмирлаш ишлари олиб борилди. Республика тарихида биринчи марта капитал қурилиши соҳасида чет эл инвестициялари жалб этилди.

Республика Президентининг 1996 йил 31 январдаги “Тошкент шаҳридан уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида” Фармонига кўра аҳолининг турар жой шароитларини яхшилаш мақсадларда Тошкент давлат-акциядорлик уй-жой жамғарма банки (“Тошкент уйжойжамғарма-банк”) ташкил этилди ва банк уй-жой облигацияларини чиқарди.

Бу банк Тошкент шаҳрида аҳолини уй-жой билан таъминлашда жуда катта роль ўйнади. Шуни эътиборга олиб бу ташкилотни **республика аҳамиятига молик банк** деб тан олинди ва барча вилоятларда шундай вилоят банклари ташкил қилинди.

Қурилиш мажмуи стратегик аҳамиятга эга бўлиб қуйидаги жуда муҳим **социал-иқтисодий вазифаларни бажаради**:

1. Қурилиш иқтисодиётнинг барча тармоқларини асосий фондларини янгиланишини ва ўсишини таъминлайди.
2. Иқтисодиётни таркибий қайта тузилишини таъминлайди.
3. Устувор тармоқ ва соҳаларни қуриш, реконструкция қилиш орқали макроиқтисодий пропорцияларни мунтазам равишда такомиллаштириб боради;
4. Қурилиш мажмуи ишлаб чиқаришни, маданий-маиший тармоқларни худуд жиҳатдан жойланишини яхшилади. Бу ўз навбатида вилоятлар аҳолисини иш билан бандлилик даражасини оширади.

Шундай қилиб, қурилиш мажмуи мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида жуда катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майда «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» Фармони қабул қилинди. Унда **капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди**:

1. 2003-2004 йилларда лойиҳа ва пудрат қурилиш ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш жараёнларини тўлиқ тугаллаш;
2. Уларнинг негизида асосан хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этиш;
3. Лойиҳа ва қурилиш ишлари бозорида рақобат мухитини яратиш;

4. Капитал қурилишда бошқарув ва хўжалик муносабатлари тизимиға бозор тамойиллари ҳамда механизмларини кенг жорий этиш.

5. Лойиҳа ва қурилиш ишларини бажаришга буюртмалар жойлаштиришда танлов савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш даражасини ошириш;

6. Қурилишни ташкил қилишнинг асосий шакли сифатида иншоотларни тўлиқ қуриб битказишга ўтиш, ишларни юқори сифатли бажариш ҳамда иншоотларнинг тўлиқ қуриб битказилиб топширилишини таъминлайдиган инжиниринг компаниялари ва лойиҳа-қурилиш ташкилотларини тузиш;

7. Қурилиш материаллари бозорини кенгайтириш, уларнинг илгор турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, қурилиш индустрияси корхоналарида замонавий технологияларни татбиқ этиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилган Фармони иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бири-капитал қурилишда бозор ислоҳатларини янада чуқурлаштиришнинг сифат жиҳатдан янги босқичи ҳисобланади.

Мазкур Фармоннинг қоидаларини хаётга татбиқ этиш, ҳеч сўзсиз, капитал қурилишда туб ўзгартиришларни амалга ошириш, тармоқ бозор иқтисодиёти тамойиллари ва талабларига мос келадиган хўжалик муносабатларини кенг жорий этишга имкон беради.

Янги қурилиш обьектлари мавжудларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш учун меҳнат ва моддий-техника ресурслари сарф бўлади. Пул шаклидаги бу харажатлар капитал қўйилмларни ташкил этади.

**Капитал қўйилмалар - иқтисодиётни барча тармоқларида асосий фондларни янгитдан яратиш, мавжудларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш учун йўналтириладиган харажатлар йиғиндиси**.

Капитал қўйилмаларининг ҳажми ҳар бир обьект бўйича лойиҳалар ва сметалар асосида белгиланади.

Барча харажатларнинг йиғиндиси ёки **капитал қўйилмаларининг ҳажми уларнинг фойдаланиш йўналишларига қараб қўйидаги таркибда ташкил топади**.

### 1. Технологик таркиб

### 2. Такрор ишлаб чиқариш таркиби

### 3. Тармоқ ва ҳудуд таркиби.

**Технологик таркибда** харажатлар мақсадли равища гурухланади:

а) қурилиш монтаж ишларининг (ҚМИ) қиймати. У ўз ичига қурувчиларни иш ҳақини, фойдаланадиган материал ва конструкцияларнинг қийматини, қурилиш техникасининг амортизациясини ва бошқа харажатларни ўз ичига олади;

б) ускуналар қийматини: қурилиш обьекти учун технологик, энергетик ва ускуналар қиймати;

в) бошқа харажатлар: лойиҳа - қидирав ишлари, қурилиш обьеклари учун кадрлар тайёрлаш ва бошқариш.

Капитал қўйилмаларининг умумий ҳажмида бу харажатларнинг нисбати технологик таркибни ёки уларнинг ички тузилишини ташкил қиласди.

Капитал қўйилмаларнинг технологик таркиби қурилишнинг тури ва характеристига боғлик бўлади. Масалан, Саноатда – харажатларининг кўпчилик қисми анти қурилиш учун ускуналар, инструмент ва инвентарлар сотиб олишга кетади. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида – харажатларнинг аксарият қисми қурилиш-монтаж ишларини эгаллади.

Такрор ишлаб чиқариш таркиби капитал қўйилмаларни асосий фондларнинг турлари бўйича такрор ишлаб чиқаришга йўналтирилиши ифодаланади. Унда **янги қурилиш**, мавжуд корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва уларни техник жиҳатдан қайта куроллантириш бўйича нисбат кўрсатилади.

Янги қурилишга, дастлабки тасдиқланган лойиҳага биноан, янги майдонларда олиб борилаётган корхона, бино, обьектлар қурилиш киради.

**Мавжуд корхоналарни кенгайтириш** янги лойиҳалар асосида иккинчи ва ундан кейинги тартибдаги қурилишларни, ўўшимча цехлар қурилишини англатади.

**Харакатдаги корхоналарни реконструкция** қилиш уларни түлигича ёки қисман қайта курилишини билдиради. Унда янги қурилиш ёки ҳаракатдаги асосий ишлаб чиқариш цехларини кенгайтириш мүмкін эмас. Реконструкция ишларини амалга оширишда маънавий ва физик жиҳатдан эскирган ускуналар алмаштирилади. Бу ўз навбатида янги ҳозирги замон технологияси асосида ишлаб чиқариш ҳажмини қўпайтиради ва уни техник даражасини ошириш имкониятини яратади.

Тажриба шуни кўрсатадики, индустрисал ривожланган иқтисодиётда янги қурилиш учун сарфланаётган харажатларнинг салмоғи, мавжуд корхоналарни техник жиҳатдан қайта ўуроллантириш ва реконструкция қилиш учун сарфланаётган харажатлар салмоғидан камроқ бўлади.

Давлатни бу йўналишда олиб бораётган **инвестиция сиёсати** технологик таркибни такомиллаштиришда ижобий таъсир кўрсатади. Чунки капитал ўйилмалар таркибида асосий фондларнинг актив қисмига харажатлар сарфланиши мақсадга кўпроқ мувофиўдир.

Таркибий қайта қуриш муоммаларини ҳал қилиниши янги тармоқларни яратилиши ҳамда мавжуд корхоналарни техник жиҳатдан қайта ўуроллантириш масаласини ечилиши-Республикада мустақиллик йилларида мисли кўрилмаган даражада қурилиш ишларини олиб бориш имконини берди.

Мамлакат иқтисодиётига капитал кўйилмаларни ажратиш сезиларли даражада қўпайди. Агарда Ўзбекистонда 1996йил капитал кўйилмаларнинг ҳажми 166,5млд.сўмга teng бўлган бўлса, у 1997йилда – 271,0 млд.сўм, 1999йилда 369,7млд.сўмни ташкил қилди. Капитал кўйилмаларнинг умумий таркибида асосий фондларнинг актив қисми учун сарфланаётган харажатлар ошиб бораётпти.

**Капитал қўйилмаларнинг тармоқ таркиби** иқтисодиётнинг тармоқлари ва соҳаларида фойдаланилаётган капитал инвестициялар салмоғини ва ҳажмини ифодалайди.

Тармоқ таркиби, энг аввало, маблағларни ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш обьектлари бўйича таўсимланишини, ундан сўнг тармоқ соҳалари, яъни саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, уй-жой ва ҳоказолар бўйича таўсимланишини конкретлаштиради. Инвестицияларни тармоқлараро таркиби маълум даврда ҳал қилинадиган вазифаларни характеристидан ва уларнинг устуворлигидан келиб чиўёнан ҳолда аниқланади.

Иқтисодиёт тармоқларини ислоҳ қилишнинг бошланиш даврида инвестиция маблағлари ишлаб чиқариш соҳаларига кўпроў ажратилган. 1994-1996йиллар капитал моблаётларнинг 2/3 қисми ишлаб чиқариш соҳасига ажратилган. Кейинги йилларда капитал маблағларнинг тармоқлар бўйича таўсимланишида ноишлаб чиқариш соҳаларига, хусусан, уй-жой, коммунал тармоқларига, таълим ва соғлиқни саклаш соҳаларига эътибор кучайиб бораётганини кўришимиз мүмкін.

2001 йилдан бошлаб чет эл инвестициялари сезиларли даражада қўпайди. Масалан, 2001йилда 2000йилга нисбатан уларнинг салмоғи капитал ўйилмаларнинг таркибида 30% яқинига ёки 1млд. АҚШ долларига teng бўлди. Бу ўз навбатида ишлаб чиқариш обьектларини реконструкция қилишни ва техник жиҳатдан қайта ўуроллантиришни кенгайтириш учун қулай имконият яратилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан академик лицей, профессионал коллежлар қуриш учун марказлаштирилган инвестицияларнинг 1/3 қисми ажратилди.

2003 йил мамлакат иқтисодиётга жалб этилган инвестициялар ҳажми қарийб 2 трилион сўмга етди. Бу эса 2002 йилга 4,5 фоиз кўпдир.

**Капитал қурилмаларнинг худудий таркиби** капитал қўйилмаларнинг туманлар, вилоятлар ва иқтисодий регионлар бўйича таўсимланишини билдиради. Бу масалани ҳал қилишда иқтисодиёт худудий таркибини такомиллаштириш вазифалари асосида ҳал қилинади.

**Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларини ишга тушириш ҳисоб-китоблари** капитал қўйилмаларнинг тақсимланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак. Капитал қўйилмаларга бўлган талаб зарур бўлган ишлаб чиқариш қувватлари, асосий фондларни ишга тушириш асосида аниқланади.

**Талаб ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш сарфлари бўйича алоҳида аниқланади. Ишлаб чиқариш соҳасида** капитал қўйилмаларга бўлган талаб алоҳида бир хил

маҳсулот ишлаб чиқарадиган тармоқларда ва номенклатураси кенг бўлган тармоқларда ҳисобланади.

Бир хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган тармоқларда **капитал қўйилмалар ҳажми** қўйидаги формула билан аниқланади:

$$K = K_{yd} \Delta K,$$

бу ерда:

- K**- капитал ўйилмалар;
- K<sub>yd</sub>**- капитал ўйилмаларнинг салмоғи (яъни бир бирлик қувватни ўсишини тъминловчи капитал ўйилмалар);
- ΔK**- Янги қурилиш ва кенгайтириш ҳисобига қувватларнинг ўсиши, яъни қувватларга бўлган ўёшимча эҳтиёж.

Капитал қўйилмалар ҳажмига бўлган умумий талаб ҳаракатдаги қувватларни ишга туширишга, техник жиҳатдан қайта ўуролланишига, янги ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш, прогнозлаштириш даврда киритилган ҳамда аввал ишга туширилган объектлар ишларини тамомлаш ва прогнозлаштириш йилининг охирида қурилиш заделини ташкил этиш учун капитал қўйилмаларни суммаси сифатида аниқланади.

Ноишлаб чиқариш соҳасидаги тармоқларда капитал қўйилмаларга бўлган талаб шу соҳа корхоналари сонини кенгайтириш ва капитал ўйилмалар салмоғига бўлган талаб асосида аниқланади. Масалан, **савдо** савдо майдонининг ўсиши ва капитал қўйилмалар салмоғи асосида, **табобатда** касалхоналардаги ўринлар сонининг ўсиши ва капитал қўйилмалар салмоғи асосида ва ҳоказо.

Капитал ўйилмаларнинг **асосий манбай миллий даромаднинг жамғарма фонди ҳисобланади**. Хозирги вақтда капитал ўйилмаларнинг асосий **молиявий манбалари қўйидагича**.

- Корхонанинг ўз маблағлари, бюджет, кредит, аҳолининг маблағлари, чет эл инвестициялари ва ҳоказо.

Капитал ўйилмаларининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари икки гурухга бўлинади:

- I. Умумий мутлаў самарадорлик кўрсаткичлари.
- II. Қиёсий самарадорлик кўрсаткичлари.

**Умумий мутлақсамарадорлик** кўрсаткичлари қўйидагича аниқланади:

1. **Миллий иқтисодиёт миқиёсида**, республика ва тармоқлар бўйича самарадорлик (Э<sub>нх</sub>) қўйидагича аниқланади:

$$\mathcal{E}_{nx} = \frac{\Delta D}{K}$$

бу ерда: ΔD - миллий даромаднинг ўсиши;

K - капитал ўйилмалар.

2. **Алоҳида тармоқлар бўйича:** (Э<sub>оҳ</sub>)

$$\mathcal{E}_{ox} = \frac{\Delta ЧП}{K} \quad \text{Ёки} \quad \frac{\Delta П}{K}$$

бу ерда: ΔЧП - соф маҳсулотнинг ўсиши;

ΔП - фойданинг ўсиши;

K - капитал ўйилмалар.

3. Мажмуий дастурлар, техник-иктисодий муаммолар, алоҳида лойихаланаётган корхоналар, **объектлар, тадбирлар** бўйича: (Э<sub>уҳ</sub>)

$$\mathcal{E}_{uh} = \underline{Ц-С}$$

бу ерда: Ц-йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;  
С-маҳсулот таннархи.

#### 4. Тармоқлар, корхоналар бўйича: (Эр)

$$\mathcal{E}_p = \frac{C_1 - C_2}{K}$$

бу ерда:  $C_1 - C_2$ -капитал ўйилмалар киритилгунча ва киритилгандан кейинги маҳсулот таннархи.

#### III. Сиёсий самарадорлик кўрсаткичлари.

Бу кўрсаткичлар ҳар бир вариантдаги минимумга келтирилган харажатлардир. Бу қўйидаги хисобланади:

$$C_i + E_n K_i \rightarrow \min$$

бу ерда:  $C_i$ -жорий харажатлар;

$K_i$ - і варианти бўйича капитал қўйилмалар.

Агарда ўислананётган варианtlарда капитал қўйилмалар ҳар хил вақтларда амалга оширилса, бундай шароитда варианtlар келтирилган коэффициентлар бўйича аниқланади:

$$B = \frac{1}{(1+E_{np})} t$$

бу ерда:  $E_{np}$ - ҳар хил вақтларда харажатларни келтириш нормативи;

$t$ - маблағларни ишга туширишдан самара олгунгача бўлган вақт.

Масалан: Тармоқ бўйича капитал қўйилмалар самарадорлигининг норматив коэффициенти 0,20<sup>1</sup>.

Вариант	Варианtlар бўйича смета қиймати	Йил ичида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи	Шартли харажатлар
I	6,2	5,5	6,74 (5,5-0,2 0,6)
II	6,8	5,0	6,36 (5-0,2 0,8)
III	7,4	4,5	5,94 (4,5-0,2 7,4)

Жадвалдан кўриниб турибдики, иқтисодий нуктаи назардан III вариант мақсадга мувофиқдир.

#### Таянч иборалар

- Курилиши комплекси
- Курилиши индустряси
- Хўжалик усули
- Пудрат усули
- Буюртмачи
- Танлов савдолари (тендер)
- Лойиҳа-курилиши ташкилотлари
- Капитал қўйилмалар
- Янги қурилиши
- Корхоналар реконструкцияси
- Инвестиция сиёсати
- Қиёсий иқтисодий самарадорлик

<sup>1</sup>

### **Үз-үзини текшириши учун саволлар**

1. Қурилиш комплекси. Үнинг мазмуны, таркиби ва иқтисодиётда тутган ўрни ҳақида нима дея оласиз?
2. Қурилиш жараёнида хўжалик ва пудрат усулини қандай тушунасиз?
3. Қурилиш соҳасида республикада ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар қандай кечаяпти?
4. Қурилиш индустрияси негизини қандай хўжаликлар ташкил қиласиди?
5. Қурилиш ташкилотлари ҳақида нима дея оласиз?
6. Қурилиш соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорлик қандай олиб бориласди?
7. Қурилиш қандай социал-иқтисодий вазифаларга эга?
8. Капитал қурилишида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришининг асосий йўналишлари қайсилар.
9. Капитал қўйилмалар тушунчаси тўғрисида нима дея оласиз?
10. Капитал қурилиши соҳасидаги инвестиция сиёсатининг моҳияти қандай?
11. Капитал қўйилмаларнинг худудий таркиби нимани билдиради?
12. Капитал қўйилмаларнинг ҳажми қандай аниqlанади?
13. Капитал қўйилмаларнинг манбаига нималар киради?
14. Мутлоқ ва қиёсий самарадорлик кўрсаткичлари қандай аниqlанади?

## **9-МАВЗУ. ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР МАЖМУИ ВА УЛАРНИ ИСЛОХ ҚИЛИШ**

### **Режа**

1. Ижтимоий тармоқлар мажмуйи ва уни ривожлантириш вазифалари.
2. Таълим тизими ва уни ислоҳ қилиш. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.
3. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш.
4. Уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш.
5. Аҳолига майший хизмат кўрсатиш тармоғини қайта қуриш.

Давлатнинг функцияларидан бири-уни ижтимоий сиёсати функцияси ҳисобланади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва улар ўртасидаги кучли иқтисодий тенгсизликнинг олдини олиш мақсадида даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш бўйича давлат чора-тадбирлари тизими **Ижтимоий сиёсат** дейилади. Кенг маънода ижтимоий сиёсат деганда шахснинг хаёт фаолиятини шундай шароитларини яратиш ва тутиб туриш бўйича кўрилган барча чора-тадбирлар тушунилади. Бу тадбирлар шахснинг ривожланишига ёрдам беради ва унинг ижодий имкониятларини тўлий намоён қилишни рағбатлантиради.

Аҳолини турмуш фаровонлиги даражаси мамлакатнинг факат иқтисодий тараққиёт даражаси билангира эмас, балки ижтимоий соҳалар тараққиёти даражаси билан ҳам ифодаланади. Ижтимоий соҳа давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг натижаси ўз аксини топади ва амалга оширилади. Иқтисодий сиёсат эса барча аҳоли манфаатини кўзлайди. Айнан ижтимоий соҳада давлатнинг инсонпарварлик даражаси ҳар томонлама яйўол намоён бўлади.

Ижтимоий соҳа Миллий иқтисодиётинг бажарувчи тармоқларини ўз ичига олади. Жумладан, у халқ таълими ва маъданияти, соғлиқни сақлаш, аҳолига нафақа тўлаш, коммунал хўжалиги, майший хизмат кўрсатиш, физкультура ва спорт хўжалиги каби қатор соҳаларни ўз ичига олади. Булардан ташқари ижтимоий соҳа хаёт даражасини яхшилаш, иқтисодиётда ижтимоий адолатни ўрнатишда муҳим аҳамият касб этади.

2002 йил август ойида бўлиб ўтган Иккинчи чауириў Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining тўёўизинчи сессиясида ўйлган маърузасида Ислом Каримов мамлакатимиз тараққиёти хаўида тўхталиб, **еттига устувор вазифаларни олға сурган эди**. Еттинчи устувор вазифа устида тўхталиб, **ижтимоий соҳаларнинг муҳимлигини таъкидлаб шундай деган эди**: “Ўйлайманки, ижтимоий инфратузилмани, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларни янада ривожлантириш, нафақа билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолини экологик ва бошқа хавф-хатарлардан муҳофаза этиш, қисқа қилиб айтганда, одамларимизнинг социал соҳа бўйича талаб ва эътиrozларини қондириш масалаларини ҳар томонлама кучайтириш лозимлигини исботлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак”.

Ижтимоий соҳа тараққиётнинг қай даражадалиги маълум жиҳатдан мамлакатдаги сиёсий ва психологик муҳитни, аҳолининг умумий кайфиятини белигилайди. Ижтимоий соҳаларнинг ўсиши ҳудудларнинг умумий иқтисодий тараққиёти даражасини кўрсатувчи белги бўлиб хизмат қиласи.

Миллий иқтисодиётинг асосий муаммоларига факат иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки ижтимоий тараққиёт нуўтаи назаридан ўаралиши лозим. Шундан кўриниб турибдики, ижтимоий соҳалар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масаласи бозор муносабатларига ўтишининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ўлади. Ижтимоий соҳалар фаолиятининг самарадорлиги унинг барча асосий таркибий қисмларининг комплекс ривожланишига боғлиқ.

Мустақиллик йилларида ижтимоий соҳанинг барча таркибий қисмларини ривожлантириш борасида муҳим, диққатга сазовар ишлар амалга оширилди ва оширилмоўда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга тиббий ёрдам ўўрсатиш, таълим-тарбия, маданият,

дам олиш, уй-жойлар шароитини яхшилаш, майший хизмат кўрсатиш каби қатор соҳаларни яхшилаш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

### **Ижтимоий соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар қўйидаги вазифаларни бажаришни таъминлаши лозим:**

1. Хар бир инсонни, энг аввало малакали тиббий хизматдан фойдаланиши, бепул умумий таълим олиши учун зарур шарт- шароит яратиши ва таъминлаши лозим.
2. Аҳолини кам таъминланган, яъни унинг моддий ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қисмини ҳимоя қилишга қаратилган, энг аввало аҳолини ночор гуруҳларини аниқ манзилли ва мақсадли ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини барпо этиш.
3. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни иқтисодий ислоҳотлар дастуридаги узлуксиз устувор йўналишлардан бири деб, ҳисоблаш.
4. Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, пенсиянинг реал миқдорини ошириш.
5. Мехнат қилиш қобилиятига эга бўлган аҳолига ўз даромадлари ҳисобидан юкорироў ижтимоий истеъмол қилишни таъминлайдиган иқтисодий шароит яратиш.
6. Аҳолини туар жойларга, майший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумовқатланиш корхоналарининг хизматларига ҳамда маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларга бўлган қонуний талабларини таъминлаш учун зарур шароитлар яратиш.
7. Ижтимоий-маданий институтларнинг ривожланишини хуқукий ва ташкилий асосларини шакллантириш ва бошқалар.

Таълим жамиятнинг ривожланиш тенденцияси ва ҳолатини акс эттиради ва унга таъсир кўрсатади. Миллатнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоўий қиёфаси кўп жиҳатдан унинг зиёлилар дунёйараши, билимдонлик савияси ва жасоратига боғлиқ. «Оlamга қуёш зиё таратса, одамзод ўалбига зиёли нур сочади», дейди ҳалқимиз.

Хозирги вақтда Республикада 63 та Олий ўқув юрти, жумладан, 16 та университет, 9575 та мактаб фаолият кўрсатмоўда. Умумтаълим мактабларида мустақиллик йилларида 300 дан ортиў янги типдаги таълим муассасалари очилди. Факат 1998-2002 йиллар мобайнида 216 минг ўқувчига мўлжалланган замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган касб-хунар коллежлари, академик лицейлар барпо этилди, Янги таълим стандартлари яратилди ва ўқув жараёнинг жорий этилди.

Ўрта маҳсус ўқув юртларига зарур бўлган жиҳозлар сотиб олиш учун жалб қилинган чет эл инвестицияларининг миқдори 150 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Иўтидорли талабаларни кўллаб-куватлаш мақсадида «Умид», Педагогик кадрларни хорижда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни таъминлаш бўйича «Устоз» жамғармалари ташкил этилди. Уч мингга яқин талаба ва аспирантлар чет мамлакатларда таълим олмоқдалар, 2,2 минг педагоглар малакасини оширилар. Бугунги кунда «Умид» ва «Устоз» жамғармалари бирлаштирилиб «Истеъод» жамғармаси тузилди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш давлат ва хўжалик қурилишининг барча соҳаларида юқори малакали мутахассислар мавжудлигини тақозо қиласди. Шундай шароитда таълим муаммоси давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаб-борлашга учун муносаб хаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам **маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйгониш гоясини рўёбга чиқаришдаги янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг мухим вазифаларидан бири бўлиб ўлди.**

Мамлакатимизда 1992 йилнинг июл ойидан бошлаб «Таълим тўғрисида»ги қонун амал ўила бошлади. Унга биноан таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асослари, ёшларни ўқитиши ва тарбиялашга қўйиладиган асосий талаблар аникланди. У, энг аввало, кишилик жамияти яратган бойликларни ва эришган миллий давлат ютуўларини назарда тутадиган болалар боғчасидан олий мактабгача бўлган узлуксиз бўлиши керак.

Ислоҳотларни бошланиш даврида Республикада мактаб таълимини ташкил қилишда қатор ижобий силжишлар юз берди:

1. 1996-1997 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг биринчи синфларида ўқиши янги алифбода олиб борилди. Янги имло, алифбода ўқиши учун зарур дастур, кўлланма ва дарсликлар яратилди.
2. Шу давр мабойнида 300га яқин янги турдаги таълим муассалари очилди. Олий ўқув юртлари ўошида 46 лицей ташкил этилди, 800 га яқин ўқувчи чет элларда таълим олди, кўпгина ўқитувчилар хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш мақсадида чет мамлакатларга бориб ўайтди.
3. Талабалар ва Ўқитувчи-мураббийларни, моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлга ўқийиди. Масалан, 1993 йилдан бошлаб охирги курс аълочи талабалар ва аспирантлари учун «Президент стипендияси» жорий қилинди; Беруний, Навоий, Улуғбек номидаги стипендиялар таъсис қилинди; конкурс ва мусобақа ғолибларига моддий-пул рағбатлантиришлари жорий қилинди. Профессор-ўқитувчиларга меҳнат шартномаларининг контракт тизими жорий этилди ва ҳоказо.
4. Ўрта маҳсус таълим соҳасида республикада жойларда бизнес мактаби, касб-хунар курсларининг очилиши, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиўёнан холда, янги мутахассисликлар (Фермер, Солик ва Божхона ходими, Аудит ва ҳоказо) киритилди.
5. Олий мактаб соҳасида **тест усуллари жорий этилди**; вилоятлар марказларидағи педагогика институтлари университетларга айлантирилди; Чет элларга тажриба алмашиш ва талабаларни ўзишга юбориш йўлга ўйилди; Иқтисод ва бизнес соҳасидаги мутахассис ва ўқитувчиларни қайта тайёрлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида 2 мингдан ортиў талаба ва мутахассислар чет элларда ўйиб келишди; 200 дан ортиў чет эл мутахассислари республикамиз ўқув муассасаларига жалб қилинди;
6. Давлат ва Жамият қурилиш академияси, Банк ва Молия ҳамда «Солик» академиялари ташкил қилинди.
7. «Маҳалла», «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Улуғбек», «Умид», «Устоз» жамғармалари тузилди.

Юқоридаги амалга оширилган ишлар дастлабки йилларда таълим жараёни тизимида кўпгина ижобий ўзгаришларни амалга ошириш имкониятини берди. Аммо ўтган давр мабойнида амалга оширилган бу тадбирлар бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера олмади, натижада **кўпгина муаммолар ҳал қилинмай ўолаверди**:

1. Собиқ Совет давридан қолган таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий қарашлардан ва сарқитлардан кутилиш имкониятини бермади.
2. Амалга оширилган ўзгаришлар ва тадбирлар таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммоларини еча олмади.
3. Амалдаги таълим-тарбия жараёни замонавий талабларга жавоб беролмаслиги, мутахассислар тайёрлаш, таълим-тарбия тизимини жамиятдаги бўлаётган ислоҳот, янгиланиш жараёнлари талаблари билан боғланмаганлиги кўриниб ўолди.
4. ёшларнинг сезиларли қисми (Ўрта мактабни битиргандарининг 70 фоизгача бўлган қисми) меҳнат бозорига киришга тайёр эмас, чунки улар маълум бир касб-малакага эга эмас эди.
5. Аксарият мактабларнинг моддий техника ва ахборот базаси етарли ахволда эмаслиги, Ўрта ва Олий мактабларнинг зарур ускуналар билан таъминланганлиги эса-талаб даражасидан анча паст бўлганлиги, сифатли ўқув-услубий адабиётларни камлиги сезиларли даражада эди.

Маълумот учун қуйидагиларни келтириш лозим топдик: 1988 йилда ўрта мактабнинг битта ўқувчисига СССРда – 58 сўм, ГДРда – 119 марка, Швецияда – 1000 долларга тўғри келган.

Олий ўқув юртининг ҳар бир талабасига СССРда – 2400 сўм тўғри келган бўлса, ривожланган ҳарб давлатларида бу кўрсатгич – 80000 долларгача тўғри келган.

6. Мактабгача таълим ва тарбиянинг ахволи ўониўарсиз даражада ўолди. БоЁча Ёшдаги болаларнинг 25 фоизи мактабгача болалар муассасаларига ўамраб олинган эди, холос.
7. Мактабларда ва бошқа ўқув юртларида таълим жараёнининг ўзидағи ва ўйитиш услугиятидаги жуда кўп камчиликлар ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятини

ривожланмай қолишга сабабчи бўлиб қолган эди. Ўрта мактабни битиргандарнинг 10 фоизигина Олий ўқув юртларига ўйишига киради, холос.

Юқорида кўрсатилган ва бошқа муаммолар таълим жараёнларини чукур ислоҳ қилиш лозимлигини тақозо этди.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1997 йил август ойида «**Таълим тўғрисида**» Конун қабул ўйлди. Бу қонунда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари, таълим тизими ва турларининг хуқуқий асослари белгилаб берилди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳаси, **таълим, устувор деб эълон қилинган**.

**Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат қилиб белгиланган:**

1. Таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик характерда эканлиги;
2. Таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
3. Умумий ўрта, шунингдек қрта маҳсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;
4. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг ўйналишини: академик лицейда Ёки касб-хунар коллежида ўйишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
5. Таълим тизимининг дунёвий характерга эга эканлиги;
6. Давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;
7. Таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
8. Билимли бўлишни ва истеъодни рағбатлантириш;
9. Таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Таълим тўғрисидаги қонунга биноан **Кадрлар Тайёрлаш Миллий дастури** қабул қилинди. У узоқ даврга мўлжалланган бўлиб таълимнинг барча тизимини ва турларини, **тизимини ислоҳ қилишга қаратилгандир**.

**Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қуйидаги таълим турларини белгилайди.**

**Мактабгача таълим** - мактабгача таълим бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шакланишини таъминлайди, унда ўйишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим бола олти-етти ёшга етгунича давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида ҳамда оиласарда амалга оширилади. Мактабгача таълим мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фонdlар фаол иштирок этади.

**Умумий ўрта таълим** Тўқиз йиллик (I-IX синфлар) ўйишдан иборат умумий ўрта таълим мажбурийдир. Таълимнинг бу тури бошланғич таълимни (I-IV синфлар) ўамраб олади ҳамда ўкувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўкув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий ўадриятларга асосланган маънавий-ахлоий фазилатларни, меҳнат кўникмларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради. Умумий ўрта таълим тугалланганидан кейин таълим фанлари ва улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган наъмунадаги атtestat берилади.

**Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими** умумий ўрта таълим негизида ўйиш муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта маҳсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимидағи мустақил турдир. Ўрта маҳсус, касб-хунар коллеки ўкувчилари томонидан ихтиёрий танланади.

**Академик лицей** давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта таълим беради. Ўкувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишиларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чукур, соҳалаштирилган, табаўалаштирилган, касбга ўйналтирилган таълим олишини таъминлайди.

**Касб-хунар коллеки** тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими беради; ўкувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чукур ривожланириш, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

**Олий таълим** ўрта маҳсус, касб-хунар таълими негизига асосланади ҳамда икки (бакалавриат ва магистратура) босқичига эга.

Олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари негизида ва пулликшартномавий асосда амалга оширилади.

**Бакалавриат** - мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Бакалаврлик дастури тугалланганидан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан касб бўйича “бакалавр” даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти билан шуғулланиш хуқукини берадиган диплом топширилади.

**Магистратура** – аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

“Магистр” даражасини берадиган давлат малака аттестацияси магистирлик дастурининг интихосидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-хунар фаолияти билан шуғулланиш хуқукини берадиган диплом топширилади.

**Олий ўкув юртидан кейинги таълим** жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим-касб-хунар манфаатларини ўаноатлантиришга қаратилган.

Олий ўкув юртидан кейинги таълимни олий ўкув юртларида ва илмий-тадўиёт муассасаларида (аспирантура, адъюнктура, докторантурда, мустақил тадўиётчилик) олиш мумкин. Олий ўкув юртидан кейинги таълим босқичлари (аспирантура, докторантурда) диссертация ҳимояси билан якунланади.

Якуний давлат аттестациялари натижаларига тегишли равишда фан номзоди ва фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар топширилади.

**Кадрлар малакасини ошириши ва уларни қайта тайёрлаши** мутахассисларнинг касб билимлари ва кўнималарини янгилаш ҳамда чукурлаштиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги ўзиш натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ва сертификат топширилади.

**Мактабдан ташқари таълим** болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, якка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа ўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг **мақсади**- таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий ўарашлар ва сарўитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишидир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қуйидаги **вазифалар ҳал этилишини назарда тутади:**

1. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат мухитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўкув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

2. Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик хуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш;

3. Кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий маўомини кўтариш;

4. Кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиёбollаридан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуўларидан келиб чиўёнан ҳолда қайта қуриш;

5. Таълим олувчиларни маънавий-ахлоий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

6. Таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўtkазиш ва аккредитация қилиш сифатида баҳо беришнинг холис тизимини жорий қилиш;

7. Янги ижтимоий-иктисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

8. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек, нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;

9. Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

10. Кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

**Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рўёбга чиқарилади.**

**Биринчи босқич** (1997-2001 йиллар) – мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимини ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун хуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

**Иккинчи босқич** (2001-2005 йиллар)- Миллий дастурни тўлий рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий иктисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш.

**Бу босқичнинг асосий вазифалари қўйидагилардир:**

1. Мажбурий умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимига, шунингдек, ўқувчиларнинг қобилияtlари ва имкониятларига ўараб, табаўалаштирилган таълимга ўтиш тўлий амалга оширилади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ижтимоий ривожланишнинг барча соҳаларида таълимнинг устуворлигини билдирадиган давлат сиёсатининг моҳиятини ифодалайди. Республикаизда яратилган ялпи ички маҳсулотнинг 11% и, давлат сарф-харажати бюджет бўйича умумий сарф-харажатдан 35%дан юқорироқ миқдорни таълим учун сарфланаётганлиги буни яўйол исботидир Таълим учун сарф-харажатларнинг бу миқдори бўйича Ўзбекистон жаҳоннинг етук мамлакатларига яқинлашиб бораётганлигини исботлайди.

Тахминларга кўра 2005 йилнинг охирига бориб, Республикаизда жаҳон стандартларига жавоб берадиган академий лицейларни сони 181 ва касб-хунар коллежларини сони 1611 ҳамда улардаги ўқувчиларнинг сони 1,5 млн. кишига етади.

Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш;
2. Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
3. Таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш;
4. Маънавий ва ахлоўий тарбия ва маърифий ишларни такомиллаштириб бориш;
5. Иўтидорли ва истеъдодли Ёшларни аниқлаб бориш ва ўйтиш;
6. Таълим тизимини бошқариш;
7. Касб-хунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш;
8. Таълим тизимини молиялаш;
9. Моддий-техника таъминотини яхшилаш;
10. Таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш;
11. Таълим хизмати кўрсатиш бозорини ривожлантириш;
12. Таълим соҳасида ижтимоий кафолатларни таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан кўллаб кувватлаш;
13. Фан ва таълим жараёни алоқаларини ривожлантириш;
14. Ишлаб чиқариш ва таълим тизим интеграциялашувини ривожлантириш;
15. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Соғлиқни сақлаш-бу жамият аъзолари соғлиғини ҳимоя қилиш ва яхшилаш бўйича давлат томонидан олиб борилган иқтисодий ва тиббий тадбирлар мажмуудир.

Соғлиқни сақлаш тизими бу даволаш ва дори-дармон етказиб берувчи муассаларининг барчасини ўз ичига оладиган ижтимоий-соҳанинг муҳим тармоғидир. Бу муассаларининг ҳолатига инсон салоҳиятини ривожланиши бевосита боғлиқ бўлади. Инсон соғлиғи, инсоний салоҳият мамлакат иқтисодий ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Хозир Республика аҳолисига давлатга ўарашли 1050 касалхона ва 3594 амбулатория-поликлиникаси тиббий ёрдам кўрсатмоуда. 2000 йили Ўзбекистонда «**Соғлом авлод йили**», деб эълон қилинди ва тиббий муассасаларнинг фаолиятини яхшилайдиган, аҳолига тиббий хизматлар сифатини янада кўтарадиган катта ишлар амалга оширилди. **Ўзбекистон Республикасида замонавий, юксак жаҳон талабларига жавоб берадиган ташхис қўйиш ва даволаш тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, юқори малакали врачлар ва ўрга тиббий ходимлари билан таъминланган шошилинч тиббий ёрдамнинг яхлит тизими яратилган ва фаолият кўрсатаяпти.**

Ўзбекистон улкан инсоний салоҳиятга эга бўлган мамлакатdir.

“Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, - дейди Президентимиз, - у мамлакатнинг ислоҳотлари ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради”. Жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши даражаси билан белгиланувчи мазкур омил, ўз навбатида, уни ривожлантириш ва таракқий эттиришда ҳал ўйлувчи рол ўйнайди.

Республика аҳолиси 2004 йилнинг бошланишига 26,0 млн. кишидан ошиди. Бундан 37,2% шаҳар ва шаҳарчаларда 62,8% қишлоқларда яшайди. Ўзбекистоннинг муҳим хусусияти шундан иборатки, бу ерда аҳолининг ўсиш суръатлари юқори. 1990-2003 йилларнинг ўзида мамлакатимиз аҳолисининг сони салкам 24,0% га кўпайди. Аҳоли сонининг ўртacha йиллик ўсиш суръати ана шу йилларда 1,8% ни ташкил этди ёки йилига 400 минг кишидан сал кўпроққа ўсади.

Ўзбекистонга дунё аҳолисининг 0,4%и тўғри келгани ҳолда, у жаҳон аҳолиси табиий ўсишининг 0,5% ни таъминлайди.

«Тренд» агентлиги БССТ-Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига таяниб хабар қилишича, сайЁрамизда одамларнинг ўртacha умри 48,5 йилни ташкил этади. МДХ давлатлари орасида энг кўп умр кўрувчилар Белоруссияда 68,5 йил, Россияда 67,5 йил бўлиб, ундан кейин Арманистон (66,5), Украина (66,3), Молдавия (64,6), Тожикистон (64,2), Ўзбекистон (63,9), Қирғизистон (63,5), Қозоғистон (63,3), ва Туркманистон (61,1)га тўғри келар экан. Собиў Иттифоқ худудида энг узоқ умр кўрадиганлар Болтиўбўйи республикалари – Эстония 70,1 йилни, Литвада 69,2, Латвияда 69,0 йилни ташкил этади. Жаҳон давлатлари рўйхатида энг узоқ яшайдиганлар Андорада 83 йил, Сан-Маринода 81, Японияда 80 йилни ташкил этади. Энг қисқа умр кўрадиганлар Ботсвана ва Мозамбикда бўлиб, улар 35,5 йил умр кўришар экан. (Даракчи газетаси 8(258), 19.02.04).

Аҳолининг соғлиғини сақлаш ҳолати, энг авввло, давлат ва жамиятнинг ижтимоий тузумига боғлиқ бўлади. Шунинг учун мустақил Ўзбекистонда бўлаётган қайта қуришлар соғлиқни сақлаш тармоғини ҳам четда ўлдирмади.

1992 йилдан Ўзбекистонда тармоқни интенсив ривожлантириш принципларига асос солган соғлиқни сақлашни ривожлантириш концепцияси белгиланди. Собиқ Совет давридаги соғлиқни сақлаш тизими самарасиз бўлиб экстенсив принцип асосида ривожланган. Бу тизимда сифат кўрсаткичларига эмас, балки миқдор кўрсаткичларига аосий эътибор берилган. Масалан, мустақиллик даврининг бошларида Ўзбекистонда 22 млн. кишига 70 мингдан оший врач тўғри келар эди. Ана шу даврда Туркияда 60 млн. аҳолига 23 минг врач Малайзияда 18 млн. аҳолига 6,2 минг врач тўғри келган. Ўзбекистондаги врачларнинг кўплиги аҳолини даволаш юқори даражада эканлигини асло билдирилди.

Шундай қилиб, Республика изда қабул қилинган соғлиқни сақлашнинг интенсив йўлга ўтказиш концепцияси на фақат тўғри, балки зарурат эканлигини хаётни ўзи исботлади.

Ўзбекистонда 1996 йил 26 августда “Республика фуқароларининг соЁлиЁини сақлаш хаўида” Конун қабул қилинди.

Мазкур қонун билан Республика ахолисини соғлигини сақлашнинг қуидаги **асосий принциплари аниқлаб ўйилди**:

1. Соғлиқни сақлаш соҳасида инсон хуқуқини таъминлаш;
2. Ахолини барча қатламлари учун тиббий Ёрдам олиш имконияти;
3. Профилактик тадбиrlар устуворлиги;
4. Соғлигини йўётган кишиларни ижтимоий муҳофаза қилиш;
5. Тиббий фан ва амалиётнинг бирлиги.

Бу қонун соғлиқни сақлаш тизимининг институционал тузилмасини ва биринчи даражали фаолият йўналишларини аниқ белгилаб берди. Республикаизда соғлиқни сақлаш тизими ривожлантиришнинг хуқуқий холати ва мулкчилик шакли турлича **институционал тузилмаларни ташкил қилиш ва амалий фаолиятини йўлга қўйиш модели танлаб олинган**. Бир вақтнинг ўзида, қонунда фуқароларнинг ёши, моддий ва профессионал холати, шунингдек, зарурӣ хизмат характери аниқ эътироф этилган тиббий ёрдам олиш хуқуqlари алоҳида белгиланган.

Қонунга мувофиў, ҳалқ саломатлигини сақлаш мақсадида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишни бошқариш давлат зиммасига юклатилади. **Соғлиқни сақлаш бўйича давлат тизими таркибига марказий ва маҳаллий бошқарув органлари**, шунингдек уларнинг тассаруфида бўлган даволаш-профилактика, илмий-тадқиқот муассасалари, ўкув даргоҳлари, фармацевтика корхоналари ва ташкилотлари, санитария-профилактика муассасалари, тез тиббий ёрдам хизмати, суд-тиббиёт экспертизаси ташкилотлари киради.

Давлат ташкилотлари марказий ва маҳаллий бюджет ҳисобидан молия билан таъминланади. Бу ташкилотларда-бепул тиббий хизмат кўрсатилади. Давлат корхоналари ва ташкилотлари томонидан яратилган ҳамда молия билан таъминланадиган **тиббий муассасалар ҳам шу гурухга кирилилади**.

Хусусий тиббиёт муассасалари тизими таркибига даволаш-профилактика, аптека муассасалари, тиббиёт ва фармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек, якка тартибда тиббий ёки фармацевтик фаолият билан банд бўлган жисмоний шахслар киради.

Соғлиқни сақлаш соҳасида барча муассаса ва ташкилотларнинг, шу билан бир вақтда жисмоний шахсларнинг фаолияти давлат томонидан қатъий белгиланади ва назорат қилинади. **Тиббий хизмат билан боғлиқ фаолият олиб бориш учун маҳсус давлат лицензиясига эга бўлиш лозим**.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1998 йил 10 ноябрда тасдиқланган **1998-2005 йилларга мўлжалланган “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури” босқичма-босқич рўёбга оширилмоқда**. Бу дастур республика худудларида турли мулкчилик шаклига асосланган тиббий муассасалар тармоғини кенгайтириш ва соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни кўзда тутади. Бундан кўзланган мақсад республика ахолисини зарурӣ тиббий хизмат билан таъминлаш, тиббий хизмат тизимини такомиллаштириш, ислоҳотнинг ташкилий-стратегик режаларини амалга оширишдан иборат.

**Ушбу дастурга асосан соғлиқни сақлаш соҳасида:**

- она ва бола саломатлигини ҳимоялаш;
- юўумли касалликларга ўарши курашиб ва уларнинг олдини олиш;
- дастлабки тиббий-санитария ёрдами базасини мустаҳкамлаш;
- атроф-муҳитни ҳимоялаш каби **йўналишлар устувор деб белгиланган**.

Мазкур дастурга мувофиў 2005 йилгача соғлиқни сақлаш соҳасида икки босқичли дастлабки ва кейинги тиббий хизмат кўрсатиш шаклига ўтилади. Бу вақтда тиббий ёрдам қуидагича амалга оширилади:

\* **қишлоқ шароитида:** қишлоқ тиббиёт пункти (ЎТП)- марказий худудий касалхона (МХК) ва унинг ўшидаги поликлиника. Чўл, ялов зоналаридаги чорвадорлар учун ва тоЁлиў жойлардаги аҳоли учун участка касалхоналари ҳамда фельдшер-акушерлик пунктлари сақланади;

★ **шашарларда:** маслаҳат- диагностик поликлиника (Ёки диагностика маркази)- шашар касалхонаси.

★ **Тиббий хизмат соҳасида тор мутахассислик йўналишларидан воз кечиб, босқичмабосқич умумий амалиётчи врачларни тайёрлашга ўтилади.** Бундан мақсад, соғлиқни сақлаш тизимининг бошланғич бўғинидан кўп соҳали малакали тиббий ёрдам олишни таъминлаштирди.

**Умумий амалиётчи врач** бу терапевт, отоларинголог, амбулатория шароитида диагноз қўйиб оғир бўлмаган операцияларни бажароладиган хирургдир.

Дастурга мувофиқ **тиббий ҳамшираларни** коллежларда тайёрланади. Улар коллежларда З йил ўўигандан сўнг Олий ўқув юртига киришлари ва хорижий давлатларда бўлгани каби олий маълумотли ҳамшира касбини олишлари мумкин.

★ Республикаизда **пуллик тиббий хизмат қўрсатиш** тизимини шакллантириш ҳам кўзда тутилган. **Бундай тиббиёт муассасалари молиялаштиришнинг икки хили негизида шакллантирилади.** **Биринчиси, хусусий молиялаштириш.** Бунда юридик ва жисмоний шахслардан кўрсатилган тиббий хизматлар учун пул ундирилади. **Иккинчиси, аралаш молиялаштириш.** Бунда сарф-харажатларнинг маълум қисми давлат бюджетидан ажратиладиган дотациялар ҳисобига ўопланади. **Аралаш молиялаштириш** асосида фаолият юритувчи тиббий муассасалар жумласига катталар ва болаларга мўлжалланган кўп тармоқли касалхоналар, ихтиослашган марказ ва клиникалар, соғлиқни сақлаш, санитария, фармакология соҳасида изланишлар олиб борувчи, илмий-тадўиёт ташкилотлари, қисман тиббий кадрларни тайёрлаш билан банд ўқув даргоҳлари киради.

**Хусусий молиялаштириш** принципига асосан, шахсий амалиётчи врачлар, нодавлат даволаш профилактика ташкилотлари, хомила-дорларга ва тугадиган аёлларга тиббий ёрдам қўрсатувчи айрим хусусийлаштирилган муассасалар иш юритади. Суғурта компанияларининг мақсадли пул ўтказмаси, юридик ва жисмоний шахсларнинг хизмат хаёни тўлаши тиббий хизмат қўрсатувчи нодавлат муассасаларининг молиявий таъминот манбаи ҳисобланади.

Республикада 2003 йилда соғлиқни сақлаш манбалари бўлиб давлат бюджети маблағлари – 95,4%, Хомийларни маблағлари – 1,9% пулли хизматлардан тушумлар – 2,7%-ни ташкил ўилган.

★ Соғлиқни сақлаш ишини такомиллаштириш ва «децентрализация» йўли билан бошқаришни ташкил этиш; Бошқариш ва таўсимлаш функцияларини пастки-кўйи бўғинга звенога бериш; Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқаришнинг олий органи сифатида соғлиқни сақлашнинг стратегик масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланиши лозим бўлади.

★ Республикада соғлиқни сақлашни ислоҳ, қилишнинг мухим муаммоларидан бўлиб бу мажбурий тиббий суғурталашга ўтиш масаласидир. Маълумки, кўпчилик ривожланган давлатларда тиббий суғурталаш ўз самарасини кўрсатган. Ўзбекистонда бу масалани ҳал қилишда шошма-шошарликка йўл ўймасдан ахолини иқтисодий, демографик, тарихан вужудга келган урф-одатларни эътиборга олиш лозим.

Тиббий суғурталаш механизмини амалда қўллашни таъминлаш мақсадида Давлат фонди ташкил этилади. Шунингдек, ихтиёрий тиббий суғурталаш билан шуғулланувчи хусусий фондлар шакллантирилади, давлат назорати остида фаолият юритаётган бошқа суғурта ташкилотларига тиббий суғурталаш билан шуғулланишга рухсат берилади.

★ **Соғлиқни сақлаш соҳасида нодавлат ташкилотларнинг шаклланиши ва ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатимиз янги ташкил топган хусусий тиббий муассасаларни икки йил муддатга барча турдаги солиқлардан озод этди.**

Республикада хусусий тиббий муассасаларни шакллантириш мавжуд даволаш-профилактика ташкилотларини давлат **тасарруфидан чиқариш ҳисобига** ҳам амалга оширилмоўда. Хусусийлаштиришга тендер асосида акциялар савдоси орўали Ёки кейинчалик сотиб олиш шарти билан узоқ муддатли ижарага бериш йўли билан эришилмоўда. Хусусийлаштиришнинг асосий шартларидан бири, давлат томонидан белгиланган ва кафолатланган бепул тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлашдан иборат. Бу деган сўз, тиббий муассасалар хусусийлаштирилиши оқибатида худди шу худудда истиқомат қилувчи аҳоли кафолатланган тиббий ёрдамга муҳтоҷ бўлиб қолмайди.

**Нодавлат ташкилотлар** қаторига халқаро ташкилотлар ва соғлиқни сақлаш мақсадлари учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи **қўшма корхоналар ҳам киритилади**.

Республикада **хайр-саҳоват ишлари** билан шуғулланувчи жамғарма ва ташкилотларнинг салмоғи ошиб бормоўда. Бу хусусий тиббий муассасаларни кучли рақобат шароитида ишлашга ундейди. Натижада, бозор муносабатларининг кескин салбий таъсири анча юмшатилади. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш ва нодавлат тузилмаларнинг шаклланиб ривожланишига, улар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатининг юксалишида **хорижий инвесторларнинг роли ҳам бекиёсdir**.

\* Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурига мувофиў даволашнинг янги интенсив шаклларини қўллаш асосида ошиўча касалхона ўринлари сонини қисқартириш назарда тутилган. 1991 йили Республикадаги тиббиёт муассасаларида мавжуд бўлган ўринлар сони 260 мингдан ошиў эди. Соғлиқни сақлашнинг Миллий дастурини хаётга тадбиў қилиш жараёнида уларнинг сони тенг ярмига қисқартирилди ва ўрин оборотини тезлаштириш ҳисобига уларнинг зарур миқдордаги қисми сақланиб ўолинди. Тиббий муассасаларга мурожаат ўилган кишиларнинг 25 %игача бўлган қисми узок муддат давомида стационар ҳолда даволанаар эди. Бу кўрсаткич ривожланган давлатларда 3-4 %ни ташкил қиласди, холос.

Дастурга биноан асосий тиббий хизмат бу поликлиникаларда ва кундузги стационарларда бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 2003 йил 2 декабр куни “Аҳолига шошилинч тиббий ёрдам хизматини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. Унда республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастури муваффақиятли амалга ошираётганлиги қайд қилиниб аҳолига шошилинч тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш, шошилинч тиббий ёрдам тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш назарда тутилган. Бу қарорга мувофиқ республика шошилинч тиббий ёрдам маркази хузурида бюджетдан ташқари шошилинч тиббий ёрдам хизматини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил этилади. 2004-2005 ўкув йилидан бишлаб “Шошилинч тиббий ёрдам” ихтисослиги бўйича Магистратура очилади.

**Коммунал хўжалиги-** уй-жой хўжалигига хизмат кўрсатиш, уни асраш, сув таъминоти ва канализация, иссиқлик ва газ таъминоти, аҳоли яшайдиган жойларни тозалаш билан шуғулланувчи санитария-техника ташкилотлари, электр, газ ва таўсимловчи тармоқлар, шаҳар хўжалигини ободонлаштириш, саноат, таъмирлаш-курилиш, лойиҳалаш корхоналари, ташкилотлари ва бошқаларни ўз ичига оладиган кўп тармоқли соҳалар йиғиндисидир.

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтгунгача республикада коммунал хизмат кўрсатишни **коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги** ва унинг тегишли вилоятлар, шаҳар, туман, бўйинлари амалга оширади. Уларнинг фаолият доираси шаҳар ва шаҳарчалар, туман марказлари билан чегараланаар эди. Айрим шаҳар ва шаҳарчаларда, қишлоқ жойларда коммунал хизмат кўрсатишни қишлоқ хўжалиги, йирик саноат корхоналари ва ташкилотлари ҳам амалга оширади.

Республика коммунал хўжалигига умумий қуввати бир кечакундузда 6,3 млн.  $m^3$  ичимлик сувни олиш қувватига эга бўлган иншотлар, 16238 км узунликдаги сув ўтказгич шахобчалари ва сув ўтказгичлар, бир кечакундузда умумий қуввати 3,4 млн.  $m^3$  чиўинди сувларини тозалаш кучига эга бўлган иншоотлар, 5114 км коллекторлар ва канализация шахобчалари, 3671 км иссиўлик тармоғи, 16 газ тўлдирувчи станция ва 72 минг км.дан ортиў газ шахобчаларидан фойдаланилади. Йилига истеъмолчиларга 2,1 млрд.  $m^3$  ичимлик сув, 36,5 млрд.  $m^3$  дан зиёд таббий газ етказиб берилади.

Мустақиллик йилларидаги Ўзбекистонда коммунал хўжалиги йирик соҳага айланди, саноат ишлаб чиқаришининг ривожи ва аҳолининг тез ўсишига боғлиқ ҳолда илдам суръатлар билан ривожланди. Қишлоқ жойларида аҳоли яшайдиган жойларни обод қилишда лойиҳалаш ишлари йўлга ўйилди, шаҳарчалар, кўплаб экспериментал агрошаҳарлар қурилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 15 июлдаги **”Ўзбекистон Республикасида коммунал хизмат кўрсатишни бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида“**ти Фармонига мувофиў вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий коммунал

хўжалиги ва ундан фойдаланиш бирлашмалари барпо этилди. 1996 йилнинг бошидан бошлаб Республика Коммунал хизмат кўрсатиш визирлиги тизимида қўпгина корхона ва иншоот хусусийлаштирилди, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари негизида 20 акциядорик жамияти барпо этилди.

**Республика уй-жой фонди** жамоат, уй-курилиш кооперативлари, давлат, фуқароларнинг шахсий мулки бўлган уй-жойларни ўз ичига олади. 20-асрнинг 20-йиллари бошларидан Ўзбекистонда давлат йўли билан уй-жой бинолари қурила бошланди. Шаҳар ва қишлоқларда замонавий европача андозадаги бинолар ўад кўтарди. Кейинчалик аҳоли тураг жойларини яхшилаш учун кўплаб маблағлар сарфланди. Республикада шахсий уй-жой қурилишнинг хиссаси катта. Жами уй-жой фонди 300,0 млн. м<sup>2</sup> дан ошиқ бўлиб, унинг 42,6% шаҳарларда жойлашган. Шаҳар уй-жой фонди мараказлаштирилган сув таъминоти билан 75%, канализация билан 56,9%, марказлаштирилган иситиш билан 62,6%, газ билан 92,3% таъминланган, уй-жойларнинг 60,4% ваннахоналар билан жиҳозланган.

Ўзбекистон Республикасининг **"Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида"** ги Конунига кўра республикада давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш асосан тугалланди. Давлат уй-жой фондининг қарийб 99,0% фуқароларига хусусий мулк қилиб берилди. Умумий майдони 57 млн. м<sup>2</sup> бўлган 990,6 минг квартира арzon баҳоларда, шу жумладан, 18,87 млн. м<sup>2</sup> бўлган 318,7 минг квартира бепул (маданият, маориф, соғлиқни саклаш ходимларига) хусусий мулк қилиб берилди.

Шаҳар, шаҳарча ва туман марказларида аҳолини сув билан таъминлаш, шунингдек, ичимлик сувининг сифатини яхшилаш мақсадида суткасига 381 минг м<sup>3</sup> ичимлик суви етказиб берадиган водопровод шахобчалари қурилиб ишга туширилди, 90-йилларда Туямўйин-Урганч, Туямўйин-Нукус, Учқурғон-Намангандан, Дамхўжа ва бошқа сув ўувирлари фойдалинишга топширилди. Республикада водопровод тизимининг умумий қуввати бир кечакундузда 12,0 млн. м<sup>3</sup>, кўча водопроводлари якка тармоғи узунлиги 36231,5 км га етди. Аҳоли жон боши ҳисобига бир кечакундузда истеъмол қилинадиган сув шаҳарларда 536,0 л ва қишлоқларда 240,0 л ни ташкил этди.

Уй-жойларни ободонлаштиришда **канализация** муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда археологик ўазилмалар даврида айрим йирик шаҳарларда (Самарўанддаги Афросиёб ўалъаси, Тошкентдаги Қоратош ҳамоми харобасидан) сопол ўувурли канализация ўолдиё топилган. Аҳоли асосан кир ўралар, хандаклардан фойдаланган. Канализация-тозалаш иншоотларининг бир кечакундуздағи қуввати эса 4,0 млн. м<sup>3</sup> дан ошиўни ташкил этади. Канализация-санитария иншоотлари орўали 1,39 млрд. м<sup>3</sup> оўјава сув ўтказилади.

Мустақиллик йилларида республика шаҳар ва айниўса қишлоқларини **газлаштириш устивор давлат сиёсатига айланди**. Республикасининг шаҳар, шаҳарча ва қишлоқларида узунлиги 65,2 минг км дан ортиў якка тортилган газ шоҳобчалари мавжуд. Жумладан 23,9 минг км дан ортиў ер ости газ ўувури, 27,5 минг газ таўсимлаш пункти (шундан 1573 таси кўчмас) ишлаб турибди. 3,38 млн. хонадон табиий газ билан таъминланган, бу умумий хонадонларнинг 70%га яқинини ташкил этади. Биноларни иситиш соҳасида 935 газ билан ишлайдиган буё ўозонлари ва 3671 минг км узунликдаги иссиёлик тармоғи ишлаб турипти.

Республика коммунал хўжалигининг яна бир муҳим тармоғи – шаҳар, шаҳарча ва туман марказлари санитария ҳолатини яхшилаш, қаттиў ва суюў чиўиндишларни ўз вақтида йиёш ва уларни чиўинди майдонларига олиб бориш заарсизлантиришдир. Бу хизмат 113 шаҳар, 97 шаҳарчада йўлга ўййилган. Умумий майдони 930 гектар бўлган 173 чиўинди заарсизлантириладиган майдонлар бор. Йилига 11 млн. м<sup>3</sup> қаттиў ва 5 млн. м<sup>3</sup> суюў чиўинди йиғилади ва улар 5 мингдан ортиқ машина ва механизмлар (кўча супурадиган, сув сепадиган, ахлат ташийдиган, канализация ва кир ўраларини тозалайдиган ва бошқалар) орқали чиўиндиҳонларга ташилади. Йирик шаҳарлар – Тошкент, Андижон, Бухоро, Намангандан, Учқурғон, Фарғона ва бошқаларда маҳсус ихтисослаштирилган автобазалар бор. Коммунал хўжалик тармоғида уй-жойлар, ижтимоий, маданий-маиший иншоотлар, муҳандислик тизимларини капитал таъмирлаш корхонали мавжуд. Тармоқдаги саноат корхоналари санитария-техника буюмлари, саноат газ жиҳозлари, ностандарт буюмлар, кичик механизация воситалари ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаради. Газ аппаратлари заводи –

Тошкентдаги “Газавтоматика”, Фарғонадаги “Газаппаратлар”, Ангрендаги тажриба механика заводларининг маҳсулотлари МДХ мамлакатларига ҳам чиқарилади.

Республика Президентининг Фармонига асосан (2000 йил 19 декабр) **Республика коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги «Ўзкоммунхизмат» агентлигига айлантирилди**. Бундай қайта қуришнинг асосий мақсади аҳолига хизмат кўрсатиш тизимидағи ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳамда аҳолига хизмат кўрсатишда ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий давлат органларининг ролини ва жавобгарлигини ошириш хисобланади. Худудий коммунал-эксплуатация бирлашмалари вилоят ҳокимиятлари ихтиёрига берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги илоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида» 2001 йил 17 апрелда ПФ-2832 сонли Фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ уй-жой мулқдорларининг ширкатларини самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар сифатини ошириш, коммунал хизматлар ҳаўининг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши юзасидан маъсулиятни кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

2002 йилнинг 26 февраляда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой мулқдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони чиўди. Унда таъкидланганидек республикада аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимидағи иқтисодий илоҳотлар изчил амалга оширилмоуда. Зарур қонунчилик ва норматив хуқуқий база яратилган. Уй-жой мулқдорларининг ширкатларини шаклантириш жаёни фаол давом этмоуда. Уй-жой мулқдорларининг салкам 1400 та ширкатлари ташкил этилган бўлиб, кўп хонадонли жами уй-жой биноларининг 86%ига раҳбарлик қилиш уларга топширилган. Кўрсатилган коммунал хизматларга хисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилиши учун колектив маъсулияти тизими яхшиланди. 1991 йилга ўадар барпо этилган кўп хонадонли уй-жой биноларини капитал таъмирдан чиқариш дастурлари ишлаб чиқилди.

Ушбу ютуқлар билан бирга уй-жой мулқдорлари ширкатларининг фаолиятида қатор жиддий **камчиликлар ва ҳал этилмаган муаммолар мавжуд**. Хусусан, уй-жой мулқдорлари ширкатларини зурур моддий-техника базаси ночор, уларнинг моддий ресурслар, асбоб-анжомлар билан таъминлашда уларга амалий кўмак ва ёрдам кўрсатиш зарур эди, ҳамда уйлар атрофидаги ер участкаларини қонун ўюли билан бириктириб қўйиш каби камчиликлар мавжуд эди. Оқибатда кўпгина уй-жой мулқдорларининг ширкатлари уй-жойларини жорий ҳамда капитал таъмирдан чиқариш, ободонлаштириш ишларини ўз вақтида бажариш учун етарлича маблағга эга эмас эдилар.

“Уй-жой мулқдорларининг ширкатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси 1999 йил 15 апрелдаги Қонуни бажарилишини таъминлаш мақсадида уй-жой мулқдорлари ширкатларининг фаолияти учун ўулай шароит яратиш, уй-жой фондини саклаш, таъмирлаштиклар ишларини ўз вақтида ўтказишида, уй-жойлар атрофидаги худудни ободонлаштиришни яхшилашда мазкур ширкатларнинг ролини ошириш, шунингдек, уларнинг моддий-техникавий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Масалан, Уй-жой мулқдорларининг ширкатлари хизматлар кўрсатишдан тушадиган даромадлардан 2007 йилга ўадар барча турдаги солиқлар ва бюджетга йиғимлар тўлашдан озод этилди ва бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар айланма маблағларни тўлдиришга, уй-жой мулқдорлари ширкатларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, уй-жой биноларини таъмирлашга, худудни ободонлаштиришга йўналтириладиган бўлди.

**Маиший хизмат кўрсатиш.** миллый иқтисодиётнинг ўзига хос соҳаларидан биридир. Хозир Ўзбекистон Республикаси аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш хизматининг ўз анъаналари ва тарихига эга бўлган тизими шакланган. Маиший хизмат соҳасида 130,0 минг киши ёки республика иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган жами ишчи ва хизматчиларнинг 8%дан кўпроғи ишлайди. Республикада 60,0 мингдан ошиў модалар ательелари, салонлар, қабул пунктлари ишляяпти. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш истеъмолчилар билан бажарувчилар ўртасидаги муносабатдир. Бу муносабатларни тартиба солиш учун Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш қоидаларини ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Тизим корхоналари аҳолига 800дан ортиў хизмат турини кўрсатади. Улар пойафзал, кийим-кечак, трикотаж буюмларини якка тартибда тикиш, тўқиши ва таъмирлаш, радио-

телевизион аппаратуралар, рўзгорда ишлатиладиган асбоблар, металл буюмларини тузатиш ва ясаш, шахсий транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, мебелларни таъмирлаш, кийимларни кимёвий усулда тозалаш ва бўяш, кир ювиш, суратга олиш, ҳаммол, сартарошлиқ хизматлари, рўзЁор буюмларини ижарага бериш, транспорт хизматлари, уйжойлар қуриш ва таъмирлаш хизмати, боғ ва полизларда қишлоқ хўжалиги ишларини бажариш хизмати ва бошқа шунга ўхшаш ишларни бажаради.

**Аҳолига майший хизмат кўрсатиш корхоналари давлат, жамоа, кооператив, шахсий, акциядорлик каби турлича мулк шаклларига асосланган корхоналардан иборат.**

Майший хизмат кўрсатиш корхоналарида ҳар йили аҳолига хизмат кўрсатишнинг 150 дан ортиў тури ва усуслари жорий қилинди. Барча хизмат турларининг сони ўарийб 800 га етди. Лекин аҳолига майший хизмат кўрсатиш аҳолининг ўсиб бораётган талабини етарлича қондира олмади. Республиканинг қўплаб қишлоқларида майший хизмат кўрсатиш талаб даражасидан жуда узоқ эди.

Аҳолига майший хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида 1992 йил апрел ойида аҳолига майший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари уюшмаси – “Ўзмаишийхизматуюшма” тузилди. Тизим тармоқларини бозор муносабатларига ўтказиш учун майший хизмат кўрсатиш корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш – уларни ижарага, аҳолига шахсий мулк қилиб бериш ҳамда акциядорлик корхоналари ва кооперативларни тузиш босқичма-босқич амалга оширилди. Айни вақтда мулкчиликнинг аралаш шаклларига асосланган корхоналар ҳам барпо этила бошланди.

1992-95 йилларда майший хизматга қарашли жами 12587 корхона хусусийлаштирилиб, 29 ижара корхонаси, 13 акциядорлик жамиятлари, 565 жамоа корхонаси, 527 шахсий корхона ташкил топди, 4 мингга яқин шахс якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланишга ўтди. Шаҳар ва қишлоқларнинг гузарларида 474 савдо-майший мажмуналари ташкил этилди, майший хизматнинг 218 хил янги шакл ва усуслари ишлаб чиқаришга жорий этилди. 1996 йил бошларига келиб, “Ўзмаишийхизматуюшма”га ўарашибарча давлат корхоналари хусусийлаштирилди ва улар турли мулкчилик шаклларидаги корхоналарга айлантирилди, айрим корхоналар зарурат тақозоси билан **кўнгилли ассоциацияларга, концернларга бирлаштирилди**. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш базан шошилинч амалга оширилганлиги туфайли Республика вилоятларининг яримида майший хизмат уюшмалари тарёаб кетди. Майший хизматга бўлган аҳолини талабини қондириси мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 12 октябрда “Аҳолига майший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор қабул ўйлди. Унга кўра тармоқнинг вилоят ва туман тузилмалари қайтадан тикланди. Барча вилоят марказларида, туманларда ва шаҳарларда майший хизмат соҳасидаги кичик, хусусий ва ўрта бизнесни мувофиўлаштириш ва қўллаб-кувватлаш уюшмалари тузилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 17 сентябрдаги Қарори билан аҳолига майший хизмат кўрсатиш соҳасини марказдан туриб бошқаришни тутгатиш ва рақобат мухитини мустаҳкамлаш, майший хизмат корхоналари ва маҳаллий бошқарув органларининг хўжалик мустақиллигини ошириш мақсадларида “Ўзмаишийхизматуюшма” тутгатилди. Аҳолига майший хизмат кўрсатиш ишларини ҳудудий (вилоят) уюшмалари, майший хизмат кўрсатувчи тадбиркорлар туман (шахар) уюшмалари бошқаради. Республикада аҳолига майший хизмат кўрсатишни ривожлантиришни 1996-2000 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиўилди ва муваффақиятли бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси аҳолига майший хизмат кўрсатиш соҳасидаги чет эл инвестициясини жалб қилиш, янги ишчи ўринларини ташкил этиш мақсадида чет эл фирмалари билан ўўшма корхоналар ташкил этилди. Хозирда Ўзбекистон – Туркия ўўшма корхонаси “Шухрат” (Эркаклар ички трикотаж кийимлари), Ўзбекистон – Афғонистон ўўшма корхонаси “Имкон” (пойабзал ишлаб чиқариш), Корея республикаси, Германия (“Аг Велла” фирмаси), Туркия, Югославия (“Лореаль”, “Легеран”, “Пьер Карден”, “Обреме”, “Филлипс” фирмалари) билан алоқалар ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил сентябрдаги «Аҳолига майший хизмат кўрсатиш тизимида ислоҳотларни чукурлаштириш хаўида»ги Фармонига асосан

«Ўзмаишийхизмат-уюшма» тугатилди. Бундан кўзланган мақсад аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини бошқаришда маҳаллий ҳокимият органлари ва корхоналарни мустақиллигини ошириш ва бу соҳада рақобатчилик мухитини мустахкамлашдир.

Аҳолига майший хизмат кўрсатишни ҳудудий уюшмалари вилоят ва туман (шахар) ҳокимиятлари ихтиёрига берилди.

Хозир Республикада аҳолига майший хизмат кўрсатишни унинг доимий яшаш ва ишлаш жойига яқинлаштириш, майший хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, сифатини яхшилаш борасида катта ишлар қилинаяпти. Майший хизмат кўрсатиш ишларига саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, фермер ва дехўон хўжаликлари жалб қилинган. Бу ўз навбатида қишлоқ жойларидағи майший хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш имконини беради.

### **Таянч иборалар**

- *Ижтимоий сиёсат*
- *Ижтимоий соҳа*
- *Таълим тизими*
- *Таълим соҳасидаги Давлат сиёсати*
- *Таълимни узвийлиги ва узлуксизлиги*
- *Кадрлар тайёрлаши миллий дастури*
- *Академик лицей*
- *Касб-хунар коллежи*
- *Бакавриатура*
- *Магистратура*
- *Соғлиқни сақлаши тизими*
- *Тиббий хизмат*
- *Аралаши ва хусусий молиялаштириши*
- *Хорижий инвесторлар*
- *Шошилинч тиббий ёрдам*
- *Коммунал хўжалиги*
- *Узкоммуналхизмат*
- *Үй-жой мулкдорлари ширкати*
- *Майший хизмат кўрсатилиши тизими*
- *Ўзмаишийхизматуюшма*

### **Ўз-ўзини текшириши учун саволлар**

1. *Ижтимоий тармоқлар мажмуи тўғрисида нима дея оласиз?*
2. *Ижтимоий сиёсат тушунчасини қандай тушинасиз?*
3. *Ижтимоий соҳадаги ислоҳотларнинг вазифалари қандай?*
4. *Таълим тизими ўз ичига нималарни олади?*
5. *Таълим тўғрисидаги қонун нима дея оласиз?*
6. *Таълим тизимини ислоҳ қилиши зарурияти нима?*
7. *Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қандай?*
8. *Кадрлар тайёрлаши Миллий дастурини мақсади ва вазифалари нималардан иборат?*
9. *Кадрлар тайёрлаши Миллий дастурида белгиланган таълим турлари қайсилар?*
10. *Мактабгача таълим тизими моҳияти нимада?*
11. *Умумий ўрта таълим тизими моҳияти нимада?*
12. *Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими моҳияти нимада?*
13. *Академик лицей тизими моҳияти нимада?*
14. *Касб-хунар коллежи тизими моҳияти нимада?*
15. *Олий таълим тизими моҳияти нимада?*
16. *Бакалавриатура тўғрисидаги тушунчангиз?*
17. *Магистратура ҳақида тушунчангиз?*
18. *Олий ўқув юртдан кейинги таълимни қандай тушинасиз?*

19. Кадрлар малакасини ошириши ва уларни қайта тайёрлаши түгристерсіда нима дея оласиз?
20. Мактабдан ташқары таълимни қандай тушунасиз?
21. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рүёбга чиқарши вазифалари қандай?
22. Миллий дастурни рүёбга чиқарши босқичлари ва вазифалари түгристерсіда нима дея оласиз?
23. Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришинг асосий йұналишлары қайсылар?
24. Соғлиқни сақлаш тизими түгристердеги тушунчанғиз?
25. Соғлиқни сақлашнинг асосий принциплари қайсылар?
26. Соғлиқни сақлаш тизимини ислөх қилиши давлат дастури
27. Коммунал ҳұжалиги нимани тушунасиз?
28. Республика уй-жой фонди түгристердеги тушунчанғиз қандай?
29. Давлат уй-жой фонди қандай хусуси ластирилади?
30. Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари түгристерсіда нима дея оласиз?
31. Ақолига мәиший хизмат күрсатиши нима дея оласиз?
32. Ақолига мәиший хизмат күрсатиши турлары қандай?
33. Ақолига мәиший хизмат күрсатиши соңасы қандай ислөх қилинаади?

## **10 –МАВЗУ. СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

### **Режа**

- 1.Стратегик режалаштириш назарияси, унинг моҳияти ва вазифалари.
2. Иқтисодиётни мувофиқлаштиришда давлатнинг роли.
3. Стратегик режалаштиришнинг методологияси. Ўзбекистон Республикасида стратегик режалаштириши ташкил қилиш.

Маълумки, **бозор муносабатлари** ишлаб чиқариш воситаларига ва истеъмол буюмларига бўлган хусусий мулкчиликка, товар ишлаб чиқарувчиларни эркин фаолиятига, эркин рақобат ва иқтисодиётни очиқлигига асосланади.

**Иқтисодиётнинг марказдан туриб бошқарув тизимиға** хос хусусиятлари бўлиб барча босқичларни қамраб олиш, ишлаб чиқаришни юқори даражада концентрациялашуви ва уни давлат корхоналарида монополлашганлиги, ишлаб чиқариш фаолиятини халқ хўжалиги самарадорлигига йўналтирилганлиги, мамлакатнинг ягона халқ хўжалик мажмуини **ёпиқлиги** бўлиб ҳисобланади.

Собиқ СССРда режалаштиришнинг умумдавлат тизими мавжуд эди. У юқоридан токи қуийгача бўлган бошқарув ва хўжалик органларини фаолиятини барча қирраларини назорат қиласар эди. Бозор иқтисодига ўтилиши муносабати билан вазият тубдан ўзгарди. Бозор иқтисодига ҳар қандай маъмурий буйруқбозлик билан киритиладиган режалар ётдир, чунки хўжалик субъектлари ҳам хуқуқий ҳам иқтисодий жиҳатдан давлат бошқарувида эмаслар.

Собиқ Иттифоқ даврида тепадан туширилган режалар конун даражасигача кўтарилган бўлса ҳам улардан самара бўлмади. Шунинг учун иқтисодий ислоҳотлар жараёнини бошланишидан режалаштиришга бўлган эътибор сусая борди. Ҳозир ҳам бу масалага буюрократик камчиликларга эга бўлган ҳол деб қараш учраб туради. Иқтисодий ривожланишни, аҳолини турмуш даражасини яхшилашни асосий вазифа қилиб қўйган ҳар бир давлат унинг механизмларини, бажариш муддатларини олдиндан белгилайди. Ҳолбуки, етти марта ўлчаб бир марта кесган киши ютқазмайди. Ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ бўлган ҳар қандай муаммо пировард натижаларни олдиндан кўра билишни, башорат қилишни ва режалаштиришни талаб қиласади. **Шундай экан, бозор иқтисодиёти шароитида режалаштириш ва прогнозлаштириш ўз аҳамиятини йўқотмайди.**

Ҳозирги замон цивилизациясининг ривожланиш тажрибаси бозор муносабатлари тизимини маъмурий буйруқбозлик, буюрократик тизимга асосланган жамиятга нисбатан хаётий фаолиятнинг барча қирраларини самараси юқори бўлишини кўрсатаяпти. Унинг сабабларидан бири бозор муносабатлари тизимиға асосланган барча давлат ижтимоий-иқтисодий жараёнларни **давлат томонидан тартибга солиш усулларидан кенг фойдаланишидадир**. Масалан, Япония, Фарбий Европа, Жанубий-Шарқий Осиё давлатларини мисол келтирса бўлади.

Японияда урушдан кейинги йилларда иқтисодий ўсиш суръатлари юқори бўлганлиги туфайли дунёда иқтисодий қуввати бўйича иккинчи ўринга чиқиб олди. Японияда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни умумдавлат режалари, конун бўлмаса ҳам, иқтисодиёт таркибининг айrim бўғинларини умуммиллат манфаатларини таъминлашга сафарбар қиласадиган давлат **дастурлари бўлиб** ҳисобланади. Япония биринчи 1956-1960 йилларга мўлжалланган «Иқтисодий ўз-ўзини таъминлаш 5 йиллик режа» Япон иқтисодини асосини ташкил қиласадиган хусусий корхоналар эканлигидан келиб чиқди. Бундан кейинги тузиладиган мамлакатни социал-иқтисодий умумдавлат режалари Япониянинг умуммиллат-иқтисодий режалаштириш шаклига айланди.

Бозор муносабатлари шароитида умумдавлат режалаштириш юзасидан Францияда ҳам қизиқарли тажриба мавжуддир. Иккинчи жаҳон уруши тугаши биланоқ ҳукуматни бошқарган генерал Ш.Де-Голь иқтисодни тиклаш ва ривожлантириш йўлларини қидира бошлади. Шуни таъкидлаш лозимки, 1946 йилгача бозор шароитида режалаштириш тажрибаси йўқ эди.

Француз иқтисодиётини режалаштиришнинг бош маркази 1946 йилда режа тузишни ташкил қиласди. Францияни биринчи давлат режаси-«Моонеплани» 1947-1953 йилларга мўлжалланган эди.

Саноати ривожланган кўпчилик давлатларни, айниқса, Осиёдаги Янги индустрисал давлатларнинг иқтисодини таҳлили шуни кўрсатаяпти, бозор ва режа нафақат муваффакиятли амал килаяпти, балки бир-бирига боғлиқ бўлиб қолган. Чунки тадбиркорликни ва эркин рақобатни ривожланиши учун шароит яратган бозор механизмларини шаклланишига ўз таъсирини ўтказиб туради.

Бу соҳада Жанубий Кореяни мисол келтирса бўлади. Бу ерда динамик ва қаттий ривожланишни бозор моделини тузишда давлат асосий ролни ўйнайди. 1963 йилда Жанубий Кореядаги иқтисодий режалаштириш бошқармаси тузилди. Унга умумий иқтисодий стратегияни ишлаб чикиш, ривожланишни жорий шаклларини тузиш, Давлат бюджетини тузиш ва бажарилишини назорат қилиш, молия ресурсларини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш сиёсатини мувофиқлаштириш, ташқи давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш каби вазифалар юклатилди. Кейин бу бошқарма иқтисодий режалаштириш вазирлигига айлантирилди.

Беш йиллик режа амалга оширилмоқда. Режалаштириш у ерда ривожланган бозор иқтисодиётини яратишнинг муҳим элементи бўлиб қолган.

**Стратегик режалаштиришнинг мазмуни бу миллий иқтисодиёти, унинг барча тармоқлари фаолиятини ривожланишини режа асосида тартибга солишдир.**

**Режалаштиришнинг моҳияти** шундаки, кишилар ўз ҳаракатларини онгли равишда белгилайдилар. Бу ҳаракатларни ресурслар билан солиштириб чиқадилар, ташқи муҳитга бевосита ва билвосита боғлиқ ҳолда олиб борадилар. Хозирги замон цивилизациясини ривожи шуни кўрсатаяпти, режалаштириш ҳар бир меҳнат актига тааллуўли бўлиб жамиятни ривожланишига, меҳнат тақсимоти ва кооперациясига ўараб ривожлана боради. У бир ишлаб чиқариш бирлигидан ажralиб чиўиб тадбиркорлар уюшмаси, миллий корпорациялар, давлатни ўзига ҳам тарўалиб кетади. Шундай қилиб бошқарув, демак режалаштириш моддий неъматлар ва хизматлар ишлаб чиқарадиган тижорат тармоқларига ҳам, жамият ва унинг айrim олинган тармоқларига ҳам тааллуўлидир.

**Режалаштириш турлича шаклда бўлади:**

- Тармоқлар, ижтимоий, илмий-техникавий, экология, молия ва бошқа аспектлар;
- Умумдавлат, регионлар, хўжалик юритувчи субъектлар, уларни бирлашмалари бўйича ва ҳоказо;
- Узок муддатли, ўрта муддатли ва жорий режалар.

Хал қилинаётган муаммолар даражасига ўараб - улар **стратегик** ва **тактик** режаларга бўлинади. Стратегик режалаштириш бу кишиларни алоҳида бажарадиган амалий фаолиятидир. Бу фаолият прогнозлар, дастур ва режалар лойиҳасини тузиш билан боғлиқ бўлган ишлардир.

Мамлакат ривожланишини ва давлат иқтисодий сиёсатини асосий мезони бўлиб режалаштириш, айниқса, тармоқни ривожланишини прогнозлаш ҳисобланади.

**Стратегик режалаштириш қўйидаги хусусиятларга эгадир:**

- Бир йилдан ошиў бўлган ўрта ва узок муддатли истиёб болга интилиш;
- Эътиборни социал – иқтисодий ривожланишни таъминлайдиган энг долзарб масалаларни ҳал этишга қаратиш;
- Белгилangan вазифаларни ресурслар ҳажми ва таркиби билан чамбарчас боғлаш;
- Режалаштирилаётган обьектга таъсир қиласидиган кўпдан-кўп ташқи омилларни ҳисобга олиш ва уларни салбий таъсирини камайтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва ҳоказо.

**Стратегик режалаштиришнинг моҳиятини** унинг жараёнлари белгилайди. Улар қўйидагилардир:

- Стратегик прогнозлаштириш (айрим тармоқларни ва соҳаларни ривожлантириш, демографик прогнозлар, социал прогнозлар, давлат прогнозлари, ташқи иқтисодий прогнозлар, экологик прогнозлар);
- Стратегик программалаш (стратегик дастурлар лойихаси);
- Лойиҳалаш (миллий иқтисодиёти ривожлантиришни стратегик режалари лойиҳаси). Унинг моҳияти, стратегик режалар лойиҳасини ишлаб чиқишидир.

Стратегик режалаштириш орқали, амалда стратегик прогнозлар, дастурлар лойиҳаси ва режалар тузиш, бозор иқтисодиётини белгилайдиган объектив қонунларни ўрганиш, стратегик режалаштиришни кўпгина муаммоларини ҳал ўйлувчи методика ва методологияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳамда уни амалга ошириш имкониятлари яратилади.

**Стратегик режалаштириш обьекти бўлиб** хўжалик субъектларини миллий иқтисоднинг таркибий элементларини ва бутун мамлакатнинг миллий иқтисодини ҳозирги ривожланишидан келиб чиўёнан ҳолда яқин келажақдаги ва истиёрболдаги **фаолияти** ҳисобланади.

#### **Стратегик режалаштириш назариясининг 3 муҳим тамоилилари мавжуд:**

- Социал – иқтисодий.** У социал иқтисодий жараёнларни ривожланишини таъминлайдиган аниқ қонуниятларни ўрганишдан иборат.
- Стратегик режалаштириш методологияси.** У социал-иқтисодий жараёнларни билиш ўуроли ҳисобланади.
- Ташкилий.** У ўз ичига стратегик жараёнида қатнашадиган ташкилотлар тизимини, уни аниқ функцияларини белгилаш каби ишни ташкил қилишни ўз ичига олади.

Ривожланган ва ривожланаётган давлатлардаги режалаштириш ва иқтисодиётни тартибга солиш тажрибаси шуни кўрсатаяптики бу механизmlар орқали **давлат** жамиятни социал-иқтисодий стабиллигини, макропропорцияни ташкил қилишни, иқтисодиётни динамик ривожлантиришни таъминлайдиган асосий омилларни ўз қўлида ушлаб туради. Ҳар бир мамлакатда қарама-қарши манфаатларни, турли хил кучларни бирлаштирадиган, жамиятни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқадиган ва амалга оширадиган **давлатни роли** бекиёсdir. Бу умумий қоидани менсимаслик оғир оқибатларни олиб келиши мумкин. Хусусан, иқтисоддаги узулишлар, макроиқтисодий пропорцияларни ва микроиқтисодий боғлиқликларни бузилиши, молия, баҳо тизимидағи ва ҳоказолардаги вужудга келиши мумкин бўлган муаммолар, шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда бозор иқтисодиётiga ўтишнинг беш тамоилидан бири қилиб республиканинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожланишида **давлат асосий реформатор-ислоҳатчи қилиб белгиланган**.

#### **Давлатнинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти қуйидагичадир:**

1. Давлат иқтисодиётни тартибга солиб турувчи субъект ҳисобланади.
2. Давлат солиқ, субсидия, лицензия, бож тўловлари каби воситалар билан иқтисодиётга таъсир кўрсатади. Давлатнинг қўлида катта молиявий ресурслар тўпланади.
3. Давлат сиёсий ҳокимиятга эга бўлган алоҳида субъектdir. У ўз измини бошқа субъектларга ўтказади. Унинг органлари берадиган буйруқ ва фармойишлар барча иқтисодий субъектлар учун мажбурий ҳисобланади.

Айрим тадбиркор, ишчи ёки хизматчи, фирма, корпорация ёки фермер хўжалиги фақат ўзининг манфаатини кўзлаб фаолият кўрсатади, давлат эса якка ёки гурухий манфаатларни **ягоналика** бирлаштирувчи ва ҳамманинг умумий манфаатини ифодаловчи куч ҳисобланади. Давлат мулк соҳиби, аммо унинг иқтисодиёт учун аҳамияти иқтисодий фаолиятни тартиблай олишидан келиб чиқади. Гап шундаки, иқтисодиёт бир маромда ривожланиб бориши учун унинг турли тармоқлари бир-бирига мутаносиб бўлиши, бир-бирига боғланиб, бир-бирини тўлдириб туриши талаб қилинади. Буни таъминлашнинг **асосий воситаси – бозор механизми**dir. Агар бозор механизми иқтисодиётни нуқсонсиз тартиблаб турганида эди, танглик ва иқтисодий бекарорлик ҳеч юз бермаган бўлар эди. Ҳолбуки, бозор иқтисодиёти мамлакатларида танглик ва инқирозлар учраб турадиган ҳодисалардир. Демак, **бозор механизми мувозанатни тўла-тўқис ва нуқсонсиз таъминлай олмайди, шу сабабдан давлат иқтисодиётни албатта тартиблаши лозим**.

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий (социал) тенгсизлик яъни бойлар ва қамбағаллар мавжуд. Уларнинг ўртасида низо чиқмаслиги учун давлат аҳолинингnochор қатламларига ижтимоий ёрдам беришдек вазифани ўз зиммасига олиши керак бўлади. **Жамиятда ҳамма баҳраманд бўладиган хизматлар бор.** Улар жумласига умумий таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, мамлакат ҳавфсизлигини таъминлаш, юртни обод қилиш, ижтимоий тартибни сақлаш ва бошқалар киради. Бу соҳалар гоят серхаражат, лекин бевосита фойда олиш имконини бермайди. Шу сабабли уларга фирмалар қўл урмайди. Бу иш ҳаммага зарур бўлгани учун мазкур соҳаларни давлат ўз қўлига олади. Демак, давлат иқтисодий вазифани бажариши турган гап.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ўз меъёри бор. Иқтисодиёт муттасил ўсиб бораётган шароитда давлат бозор механизмига халақит бермаслик учун иқтисодиётга камроқ аралашиди. Бозор механизми яхши иш бермай, иқтисодий қийинчиликлар кучайган шароитда давлат иқтисодиётга фаолроқ аралашиди ва унинг танглиқдан чиқиб, яхши ишлаб кетишига кўмаклашади. Масалан, ўтган асрнинг 50-70 йилларида қарб мамлакатларида иқтисодий инқизоллар тез-тез бўлиб турганда давлат иқтисодиётга ўз сиёсати билан фаол аралашган. 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб бозор механизми яхши ишлаб кетганлиги учун давлат иқтисодиётга камроқ аралашиш йўлига ўтди.

**Давлатнинг иқтисодиёт учун аҳамияти унинг тартиблаб турувчи куч бўлиши билан белгиланади.**

**Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш қўйидаги қоидаларга асосланади:**

- а) Давлат иқтисодиётни тартиблаганда умумжамият манфаатларини кўзлаши, умумиқтисодий аҳамиятга молик чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаши лозим;
- б) Иқтисодиётни тартиблашда давлат маъмурий воситалардан эмас, балки хилма-хил иқтисодий воситалар мажмуидан фойдаланиши зарур;
- в) Давлат тадбиркорлар билан рақобатлашмаслиги, балки уларнинг эркин ўзаро рақобат қилишлари учун шароит яратиши талаб қилинади, давлат рақобат курашининг бевосита иштирокчиси эмас, балки унинг олий ҳаками вазифасини бажаради;
- г) Давлат сиёсати мамлакатда ижтимоий барқарорлик, хотиржамлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш орқали иқтисодий ўсиш ва оммавий фаровонликни таъминлашга қаратилиши керак.

Мазкур тамойиллар умумий, лекин улар турли мамлакатларда ҳар хил даражада амалга оширилади.

**Давлатнинг иқтисодиётни тартиблаш воситалари**

Давлат ихтиёрида хилма-хил сиёсий, хукуқий ва социал-иқтисодий воситалар бор. Аммо улардан қайси бирининг устувор бўлиши иқтисодий вазиятга боғлиқ. Биринчи навбатда давлат қонунчилик орқали иқтисодиётни тартиблайди. Қонун чиқарувчи давлат органи томонидан иқтисодий хаётга оид қонунлар қабул қилинади, қонунларда иқтисодиётнинг тартиб-қоидалари белгиланади. Иқтисодий саъй-харакатлар шу қонунларга биноан юз бериши талаб қилинади, давлат қонунларнинг бажарилишини назорат қиласи, қонунбузарларни жазолайди.

Ўзбекистонда ҳам Олий Мажлис томонидан бозор иқтисодиётини шакллантириш, бозорга хос иқтисодий механизмни яратишга оид 400дан ошик қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистонда қонунлар устувор, ҳамма унга баб-баробар риоя этиши шарт.

Қонунчилик иқтисодий фаолиятнинг хукуқий асосларини белгилаб беради. Давлат қонунларни ишлаб чиқиши билан чекланмай, уларнинг амалда жорий этилишини ҳам таъминлайди. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви унинг сиёсатида ифодаланади. Иқтисодий сиёсат кўзлаган мақсадлар ва уларга эришиш воситалари яхлитлигини талаб қиласи.

## Иқтисодий сиёсат

Мақсадлар	Воситалар
Барқарор иқтисодий ўсиш	Солиқлар
Тўлиқ иш билан банд бўлиш	Субсидиялар
Пул қадрини саклаб қолиш	Фоиз ставкасини ўзгартириш
Даромадларни бир меъёрда тақсимлаш	Инфляцияга қарши кураш чоралари
Турмуш даражасини ошириш ва бошқалар	Даромадларни назорат қилиш
	Давлат мулки ва тадбиркорлиги, давлат буюртмалари ва истеъмол

Давлатнинг ихтиёрида кучли молиявий воситалар мавжуд. Шулардан **энг муҳими солиқдир**.

Солиқлар ҳар қандай ишлаб чиқарувчилар ва оддий фуқароларнинг харажатига киради. Давлат солиқларни ошиrsa, харажатлар ҳам ошади, бинобарин, бу фойдани қисқартиради, натижада ишлаб чиқаришни ўстиришда манфаатдорлик камаяди. Солиқлар камайтирилса, харажатлар пасайиб, фойда кўпаяди. Бунда манфаатдорлик кучайиши билан бирга ишлаб чиқаришга фойданинг реинвестициялаш (кайта қўйиш) имкони ҳам кенгаяди. Масалан, фирма солиқнинг ҳаммасини тўлаган шароитида 100 млн. сўмни инвестиция эта олади, бунинг натижасида ишлаб чиқариш кенгайиб қўшимча 60 млн. сўмга тенг маҳсулот яратилади. Агар фирмага солиқдан имтиёз берилса, у 120 млн. сўмни инвестицияга сарфлайди, натижа маҳсулот ишлаб чиқариш 72 млн. сўмга етади. Демак, солиқ имтиёзи туфайли маҳсулот 12 млн. ( $72-60=12$ ) сўмга кўпаяди.

Фан-техника тараққиёти юзага келтирган Янги ишлаб чиқариш соҳалари борки, уларни жадал ўстириш талаб қилинади. Бу соҳаларда чиқарилган товарлар бозорбоп бўлиб, тез сотилади ва катта фойда келтиради. Бу маҳсулотлар саноатнинг бошқа соҳаларида ишлатилганида ҳам катта наф беради. Масалан, ёнилғини тежовчи, ўтга чидамли двигателлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга солиқдан енгиллик берилса, уларнинг харажатлари солиқ хисобидан камаяди. Натижада двигателларни ишлаб чиқариш ва оммавий кўлланиши кўпаяди, улар иқтисодий ўсишга олиб келади.

Солиқлар ўз-ўзидан эмас, балки муқобил танлов қоидасини ишга солиш орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

Давлат солиқлардан тадбиркорликни, хайр-эҳсон ишларини, экспорт-импортни, хориж капиталининг кириб келишини рағбатлантириш учун ҳам фойдаланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси қонунларига кўра янги очилган кичик фирмалар, фермер хўжаликлари маълум муддат давомида (икки йил) солиқдан озод қилинади. Хайрия ишларига сарфланган даромадлардан ҳам солиқ олинмайди. Экспортбоп товар ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам солиқ имтиёzlари оладилар.

Давлат фирмаларга солиқ кредити беради. Бунда солиқ тўлаш муддати кечикирилади, яъни солиқ пули кредитга (қарзга) айлантирилади ва уни инвестиция учун ишлатилади. Масалан, корхона ҳар йили 5 млн. сўм солиқ тўлаши керак. Бу солиқ 5 йил муддатга фоиз тўланмайдиган имтиёзли кредитга айлантирилади, натижада корхона 25 млн. сўмни ишлаб чиқаришга йўллаб уни ўстиради ва солиқни топган пулидан 5 йилдан сўнг тўлайди. Солиқлар иқтисодий вазиятга қараб ўзгартирилиб турилади. Иқтисодий танглик бўлганда инвестицияни рағбатлантириш мақсадларида солиқлар камайтирилади. Иқтисодий ўсиш шароитида солиқларни ошириш мумкин, чунки яхши фойда кўрилган шароитда уларни тўлаш оғирлик қилмайди ва инвестициялаш имконияти катта бўлади.

Давлат томонидан иқтисодиётни тартиблашнинг яна бир муҳим воситаси **молиявий санация** (соғломлаштириш) хисобланади. Санацияда давлат корхоналарнинг молиявий ахволини яхшилашга қаратилган молия ва кредит тадбирларини ишга солади. Санация иқтисодиёт учун аҳамияти катта корхоналарни танг ҳолатдан чиқариб уларни нормал ишлаб туришини таъминлаш ҳамда корхонларни оммавий банкрот бўлишига йўл бермасдан, рақобатчи корхоналар сонини керакли меъёрда сақлаб тuriш мақсадларида амалга оширилади.

Санациялаш йўллари кўп: корхона қарзини кечиб юбориш ёки уни ўзгалар ҳисобидан тўлаш, қарзни тўлаш муддатини кечикириш, қарз учун бериладиган фоизни камайтириш ёки умуман олмаслик, корхонага солиқдан енгиллик бериш, солиқни кредитга айлантириш, корхонага буюртма бериб уни ҳақини олдиндан тўлаш, субсидия ажратиш, корхонага экспорт юзасидан имтиёзлар бериш.

**Давлатнинг санациядаги иштироки икки шартни ҳисобга олади:**

**Биринчиси** – корхонанинг миллий ёки худудий иқтисодиёт учун аҳамияти катта бўлиши керак;

**Иккинчиси** – корхонанинг танг аҳволга тушиб қолишига унинг ўзига боғлиқ бўлмаган бошқа объектив сабаблар бўлиши лозим. Давлатнинг корхонага ёрдами бозор талабига зид келмаган тақдирдагина унга қўл урилади. ёмон ишлаган, бозор талабига мослаша олмасдан молиявий инқирозга юз тутган корхонага давлат ёрдам бермайди, чунки бу бозор коидаларига зид келади.

Субсидия ҳам давлат ўз сиёсатида қўллайдиган асосий молия воситалари сирасига киради.

**Субсидия давлат томонидан аниқ мақсад йўлида ишлатиш учун қайтариб олмаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағидир.**

Субсидиялар иқтисодиётни девирсификациялаш (таркибан ўзгартириш), экспорт-импортни мувозанатлаштириб туриш, инновация, (янгиликни ўзлаштириш) ишларини йўлга қўйиш, айrim худудларга ёрдам бериш. Конверсия (ҳарбий ишлаб чиқаришдан халқка керакли товар ишлаб чиқаришга ўтиш) мақсадларида ажратилади. Айтилган ишлар серхаражат бўлганидан субсидия харажатларни бутунлай ёки қисман қоплаш учун берилади. Масалан, девирсификация катта жорий сарфларни талаб қиласди, шу боис уларни қоплаш давлат субсидияси ҳам иштирок этади. Субсидиялар экспортни қисқартириш ёки тўхтатиб туриш учун ҳам ишлатилади. Жаҳон бозоридаги нархни ушлаб туриш учун бозорга қўшимча товарларни чиқармаслик зарур бўлганда, давлат ўз товарларини захирага ўтказиб турган фирмаларга субсидия бериб, товарларни саклаб туриш харажатларини қоплайди. Субсидиялар миллий саноатни ўстириш учун ҳам берилади. Ташқаридан хом ашё киритиб, ташқарига тайёр маҳсулот чиқарувчи корхоналар ҳам субсидиядан баҳраманд бўладилар.

Давлат техника янгиликларини жорий этиш, ресурсларни тежаш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, ресурсларни иқтисодиёти суст ривожланган худудларга жойлаштириш, экспорт потенциалини ошириш дастурларини ишлаб чиқади. Бу дастурларда давлат тавсияларига биноан иш тутган корхоналар давлатдан субсидия оладилар.

Давлат **миллий иқтисодий чегараларни** белгилайди, иқтисодий чегара вазифасини эса миллий пул ва божхона тўловлари, яъни **бож пули** бажаради. Давлат миллий валютани мамлакат худудидаги ягона ва танҳо тўлов воситаси сифатида киритади. Мамлакат ичидаги товар ва хизматларни фақат шу пулга олиш мумкин, бу билан миллий бозор ҳимоя қилинади. Шундай вазифани Ўзбекистон Республикаси пули – **сўм** ҳам ўтайди.

Давлат иқтисодий ўсиш учун аҳамиятли, лекин серхаражат ишларни ўзи ҳисобидан молиялаштиради.

Шу боисдан давлат ифляцияни иложи борича меъЁрий даражага пасайтиришга қаратилган сиёsat олиб боради. **Инфляцияга ўарши тадбирлар икки йўналишда олиб борилади:** **Биринчидан**, ишлаб чиқаришни ўстириш орўали товар ва хизматларни кўпайтириш ва шу йўсинда пулни моддий жиҳатдан таъминлаш; **иккинчидан**, пул миқдорини керагидан ортиўча бўлишига йўл бермаслик учун пул эмиссияси устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, яъни ортиўча пулни муомалага чиқармаслик. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида инфляция суръатлари пасаяди.

Кучли инфляция кезларида пулни ишлаб чиқаришга қўйиш хатарли ишга айланади. Шу боисдан давлат инфляцияга йўл бермайдиган ўулай инвестиция муҳитини яратиб, иқтисодий ўсишга кўмаклашади, натижада, **бириинчидан**, кредит олишни енгиллаштиради, ўарз беришнинг хатари кам бўлади, **иккинчидан**, пулга унинг қадри пасайиб улгурмасдан ресурс олиб ишлаб чиқаришга жойлаштириш мумкин. Инфляцияни давлат наўадар жиловлай олишига ўараб иқтисодиётда ўзгариш юз беради.

## **Кредит сиёсати**

Иқтисодиётга кучли таъсир этувчи восита – бу фоиз ставкасиdir. Бозор қоидасига кўра фоиз камайса, қарз пулига талаб ошади, бинобарин, кредит кўпроқ олинади ва кўпроқ ишлаб чиқаришга кўйилади. Кредитнинг иқтисодий ўсишга алокадорлигини хисобга олган ҳолда давлат уни арzonлаштириш чораларини кўради. Давлатнинг ўёлида катта пул тўпланади, бу пул банкка ўйилади ва ишлатилишига қадар кредит ресурсини ташкил этади. Давлатнинг пули капитал бозорига чиўиб кредитнинг таклифини кўпайтиради ва бу фоизни камайтиради.

Давлат бўш турган пулнинг таркибини ўзгартириш орқали бозордаги пулга бўлган талаб ва таклифни ўзгартиришга эришади. **Бўш пуллар ҳозир қарз бериш учун ажратилган ва захирадаги кредит резерви сифатида турган пулларга бўлинади.** Захирадаги резерв пулнинг камайиши таклиф этилган пулнинг кўпайишини билдиради ва, аксинча, унинг кўпайиши пул таклифини қисқартиради. Одатда кредит ресурсининг 20 фоизи захирада бўлса, 80 фоизи бевосита кредит ишига ажратилади, яъни сотишга кўйилади. Давлат шу нисбатни ўзгартиради. У пул резервини қисқартириш ҳисобидан унинг кредит сифатида таклифини кўпайтиради. Натижада фоиз пасаяди, бинобарин кредит арzonлашганидан уни кўпроқ олиб, инвестиция учун ишлатиш қулай бўлади.

Давлат кредит ресурсига ўзи номидан чиқарилган қимматли қофозларни, чунончи, акция, облигация, хазина мажбуриятларини сотиш оруали таъсир этади. Бу ўёЁзлар сотилганда бўш пуллар давлат олган ўарзга айланиб ўолади ва улар кредит сифатида берилмайди. Натижада кредит таклифи қисқариб, фоиз ўсади. Давлат бу қофозларни қайтадан сотиб олганда ўз ўарзини узган бўлади, унинг ўёлидаги пул ўимматли қофозларни сотганлар кўлига ўтиб, бўш пулни кўпайтиради, бинобарин, пулнинг кредит сифатида таклифини оширади. Натижада фоиз пасайиб, кредит арzonлашади. Масалан, мамлакатда 50 миллиард сўм бўш пул бўлиб, кредит ресурси сифатида хизмат қиласи. Яратилган миллий маҳсулот 500 миллиард сўмга тенг. Бир сўм инвестиция 0,5 сўмга тенг кўшимча маҳсулот беради. Давлат 20 миллиард сўмга тенг ўимматбаҳо ўёЁзларни сотганда бўш пул шу суммага қисқариб, 30 миллиард сўмга тушади. Бу пул кредит оруали инвестицияланганда 15 миллиард сўмга тенг иқтисодий ўсиш беради, яъни ўсиш 3 фоиз  $\left( \frac{15 \times 100}{500} = 3\% \right)$  бўлади.

Агар давлат олдин чиқарган ўимматли ўёЁзлар сотиб олиш учун 10 миллиард сўм сарфласа, кредит ресурси шу миқдорда кўпайиб 60 миллиард сўмга этади. Бу эса кредитни арzonлаштиради. Инвестицияланган кредит пули 2 марта кўп бўлади ( $50+10:30=2$ ). Бу эса миллий маҳсулотни 30 миллиард сўмга ( $60:2=30$ ) оширади, яъни иқтисодий ўсиш 6 фоизни ( $30 \times 100:500=6\%$ ) ташкил этади.

Давлат тадбиркорлигининг ўзига яраша зиддиятлари бор, бу тадбиркорлик, бир томондан, иқтисодиёт учун зарур, иккинчи томондан, у Ёоят серхаражат.

Давлат бозорга истеъмолчи – харидор сифатида ҳам чиқади. Давлат бюртмачиларига биноан ишлаш фирмалар учун ўулай бозор яратади, чунки товарлар ва хизматлар олдиндан белгиланган миқдорда ва келишилган нархда албатта сотилади. Давлат хусусий секторда жамғарилиб, бозорга чиқмай қолиши мумкин бўлган пулни солиқ ундириш орқали ўз кўлига олиб, уни ўз бюртмасини харид этишга жалб этади, яъни бозорни кенгайтиради. Демак, давлат ўз хариди билан иқтисодий тараққиётга ҳисса қўшади.

**Бозор тизимида давлатнинг иқтисодиёти тартиблашдан иборат фаолияти маъмурий тазијў оруали эмас, балки иқтисодий воситалар билан амалга оширилади.**

## **Ижтимоий (социал) сиёсат**

Давлатнинг ижтимоий сиёсати иқтисодиёти тартиблашга бевосита таъсир этмайди, **балки жамиятда социал тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаб**, иқтисодий ўсиш учун ўулай ижтимоий шароит яратади. Фирма соҳиблари билан меҳнат аҳли ўрасидаги низо иқтисодиёти издан чиқаради, аксинча, уларнинг ижтимоий ҳамжиҳатликда ишлаши-иктисодий ўсиш шарти ҳисобланади. Давлат меҳнат мунособатларига аралашганида иш берувчилар билан Ёлланиб ишловчилар ўртасида зиддият чиўмаслиги чораларини кўради, мабодо чиўўан таўдирда ҳам қонунлар асосида тинч йўл билан ҳал этилишига эришилади. Давлат иш куни ва иш

ҳафтасининг давомийлиги қонун йўли билан белгилаб қўяди, минимал(энг кам) иш ҳаёи миқдорини ўрнатади, ундан кам иш ҳаёи тўлашга ҳеч ким жазм эта олмайди. Давлат ишсизларни янги касбларга ўргатиш учун маблағ ажратади, иш кунини қисқартириш ҳисобидан ўўшимча равишда ишчи ва хизматчиларни ишга олган, янги иш ўринлари яратган фирмаларга соликдан енгиллик беради. Давлат ўз ҳисобидан меҳнат биржалари орўали ишсизларга ишсизлик нафаўаси тўлайди, уларнинг хорижга чиўиб ишлашига шароит ятатади. Хуллас, давлат иш кучини тайёрлашда ҳам қатнашади. Давлат бойлар пулини прогрессив солиқлар воситасида ўайчилаб, уни ночор кишилар ўртасида таўсимлади.

Методология бу ҳақиқатни (воқеликни) билиш мақсадида кўлланилган барча методлар ва усуллар йигиндисидир. У ўз ичига умумфалсафий усулни, ҳамда аниқ фанлар усулларини олади. Фалсафий усул жамиятни ва табиатни ривожланишини умумий қонунларига асоланадиган диалектикани ҳамда илмий фикрлаш принципларини олади:

- индукция-хусусий далиллардан фойдаланиб, айрим фаразлар (гипотезалар)га ўтиш йўли билан **ақлий хulosса чиқариш**;
- дедукция-қонун қоидалар асосида хulosса чиқариш;
- таҳлил;
- синтез-турли элементларни ягона бир бутунга бирлаштириш, қиёслаш;
- Экспримент – тажриба ўtkазиш.

Стратегик режалаштириш методологиясини аниқлаш унинг қуйидаги хусусиятларини ҳисобга олишни тақозо қиласди:

- таркибий бирлик;
- стратегик прогнозлар, дастурлар ва режалар ишлаб чиқаришнинг мантиқи (логикаси);
- маҳсус услубий принцип ва ёндашувлар;
- стратегик режалаштириш жараёнида, прогнозлаштириш ва режалаштириш кўрсаткичларини тузишда ва асослашда фойдаланиладиган усуллар тизими.

Стратегик режалаштириш методологиясининг тизими прогнозлар, дастур ва режалар ишлаб чиқишнинг илмий асоси ҳисобланади. Стратегик режалаштириш **методологияси** қуйидаги бешта муҳим саволга жавоб олиш имкониятини беради:

1. Стратегик режалаштириш объектларини ривожлантиришни мақсади;
2. Прогнозлар, дастур ва режалар ишлаб чиқиш жараёни қандай кетма-кетлиқда бўлиши лозимлиги;
3. Стратегик прогнозлар, дастур ва режалар қандай бўлиши керак ва улар қандай талабларни қондириши керак?
4. Стратегик режалаштириш маълум муаммоларни ҳал қилишда қандай ёндашувлардан фойдаланади?
5. Стратегик прогнозлар, дастур ва режаларни оптималлаштириш қандай методлар ва кўрсаткичлар тизими ёрдамида таъминланади.

Бошқарувни, демак, стратегик режалаштиришни ҳар қандай муаммосини ҳал қилиш ўз мантиқига эгадир. **Стратегик режалаш-тиришнинг мантиқи** деганда, стратегик режалаштиришнинг барча муаммоларини ҳал қилишда тартибли кетма-кетлиқ, ўзаро боғлиқлик ва бажариладиган ишларнинг асосланганлигини тушунилади.

Стратегик режалаштиришнинг мантиқий мазмуни унинг қуйидаги **таркибий элементларини ёритиб беради**:

1. Стратегик режалаштириш даврида субъектнинг мақсадини аниқлаш ва шакллантириш;
2. Стратегик режалаштириш эришилган даражасини ва таркибини аниқлаш, уни таҳлил қилиш;
3. Режалаштириш даврида жамият талабининг ҳажми ва таркибини аниқлаш;
4. Режалаштириш даврининг бошланишига мавжуд бўлган ресурслар ҳажмини ва таркибини аниқлаш;
5. Социал-иқтисодий тармоқлар талаб ва ресурсларини мувозанатлаштириш, бирбири билан боғлаш.

## **Стратегик режалаштириш методологиясининг принциплари**

Стратегик режалаштириш жамиятнинг бошқарув тизимида марказий элемент бўлиб ҳисобланади ва унинг мантиқий режалаштириш принципларига сунади.

Режалаштиришнинг **асосий принциплари** бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

1. Иқтисод ва сиёсатнинг бирлиги принципи
2. Марказлаштириш ва мустақиллик принципларининг бирлиги
3. Бошқарув ечимларини самарадорлиги ва илмий асосланганлик принципи
4. Умумий ва локал (айрим олинган) манфаатларни бирлиги принципи. Стратегик дастурлар ва режаларни бажаришда шахсий ва жамоа манфаатини рағбатлантириш.

## **Кўрсаткичлар тизими ва стратегик режалаштириш методлари**

Прогнозлаштиришда, дастур ва режаларни тузишда кўрсаткичлар тизимидан кенг фойдаланилади. Фақат кўрсаткичлар тизими оркали стратегик режалаштиришни мантиқи, принциплари ва методологик ёндашувларини амалга оширилиши мумкин.

**Кўрсаткич**, деб хозирги замон ҳисботи ва статистикасида жамиятдаги социал-иқтисодий воқелик ва жараёнларни миқдор ва сифат жиҳатидан тавсифлаш тушунилади.

Кўрсаткич тизими қуидаги 4 гурӯхга бўлинади:

1. Миқдор ва сифат кўрсаткичлари
2. Тасдиқланадиган ва ҳисобланадиган кўрсаткичлар
3. Натурал ва қиймат кўрсаткичлари
4. Абсолют ва нисбий кўрсаткичлар

Уларни яна бошқача тизимга ҳам бўлиш мумкин:

- умумий режалаштиришда фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизими;
- мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришда, давлат бюджетида фойдаланиладиган кўрсаткичлар;
- федерация субъектларини ривожланишини ва маҳаллий бюджетни режалаштиришда фойдаланиладиган кўрсаткичлар;
- айрим тармоқни ривожлантиришда фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизими;
- корхона, бирлашма, тижорат ташкилотларини ривожлантириш пронозларини, дастурларини ва режаларини тузишда фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизими.

Стратегик режалаштиришда фойдаланиладиган кўрсаткичлар маълум **талабларга жавоб бериши лозим**:

1. Режалаштиришнинг маълум даражаси учун кўрсаткичларни мажбурийлиги ва уларнинг бирлиги.
2. Режа кўрсаткичлари статистика кўрсаткичлари билан мос келиши керак.
3. Кўрсаткичлар маълум ўлчов бирлигига ўлчанадиган, ифодаланадиган бўлиши керак.
4. Кўрсаткичлар тизими режалаштирилаётган обьектини барча қирраларига комплекс характеристика бера оладиган бўлиши керак.
5. Кўрсаткичлар букиловчан, эгилувчан бўлиши, режалаштирилаётган обьектлар холатини барча ўзгаришларини акс эттира оладиган бўлиши керак.
6. Кўрсаткичлар тизими режа топширикларида бажарувчilar аниқ кўрсатилган, яъни адресли бўлиши керак.
7. Кўрсаткичлар маҳсулдорликни, самарадорликни ўсишига ундаши керак.
8. Кўрсаткичлар тизими сон жиҳатдан чегараланган бўлиши лозим.

Стратегик режалаштиришнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг методикаси ҳисобланади. **Методика** – бу прогнозларни, стратегик дастурларни ва режаларни **режа кўрсаткичларини таҳлил қилишда, асослашда ва тузишда қўлланилган барча методлар, усуллар йиғиндисидир**.

Стратегик режалаштиришнинг **методи** бу прогнозлар, дастур ва режаларни **айрим кўрсаткичларини** хисоблашда режалаштиришда муаммоларини ҳал қилишда фойдаланиладиган **аниқ услугуб, техник ёндашувдир.**

Режалаштиришда норматив метод, баланслаш методи, иқтисодий математика методи ва модели, эксперт (баҳолаш) методи, социал-иктисодий таҳлил қилиш методи, тизимли таҳлил ва синтез ва кўпгина бошқа методлардан фойдаланади.

## **Ўзбекистон Республикасида стратегик режалаштиришни ташкил қилиш**

Ўзбекистонда социал-иктисодий ривожланишни стратегик режалаштириш ва самарали бошқаришни зарур шарти бўлиб маҳсус ташкилотлар тизимининг мавжудлиги хисобланади. Ана шу ташкилотлар тизимида Ўзбекистон Республикаси **Иқтисодиёт вазирлиги алоҳида ўрин тутади.**

Прогнозлар асосан тармоклар бўйича ишлаб чиқилади. Умумиқтисодиёт бўйича эса ҳали бундай прогнозлар ишлаб чиўилмаган.

### **Таянч иборалар**

- Стратегик режалаштириши
- Режалаштириши шакллари
- Стратегик режалаштириши тамоийиллари
- Давлат асосий реформатор
- Бозор механизми
- Итисодиётни тартиблаши воситалари
- Солиқ
- Молиявий санация
- Инфляция
- Монетар сиёсат
- Кредит сиёсати
- Давлат тадбиркорлиги
- Ижтимоий сиёсат
- Индуksия
- Дедукция
- Синтез
- Эксперимент
- Прогноз
- Дастур
- Метод, методика
- Методология
- Мантиқ
- Кўрсатгич

### **Ўз-ўзини текшириши учун саволлар**

1. Стратегик режалаштириши, унинг моҳияти нимада?
2. Стратегик режалаштириши-бошқарув элементи эканлиги?
3. Режалаштириши элементлари нималардан иборат?
4. Стратегик режалаштиришининг ўзига хос хусусиятлари, унинг обьекти ва тамоийиллари қайсилар?
5. Давлат асосий реформатор- ислоҳотчи эканлиги деганда нимани тушунасиз?
6. Давлатнинг иқтисодиётни тартиблаши воситалари нимада?
7. Молиявий санация ва унда давлатни шитироки қандай?
8. Субсидия қандай мақсад ийлида ишлатилади?
9. Инфляцияга қарши қандай чоралар қўлланилади?
10. Кредит сиёсати ҳақида нима дея оласиз?
11. Давлат тадбиркорлиги нима ва у қандай амалга оширилади?
12. Ижтимоий сиёсат иқтисодиётни тартиблашда қандай аҳамияга эга?

## **11-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА УНИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ**

### **Режа**

1. Ўзбекистон мустақиллиги ва унинг ташқи иқтисодий фаолияти принциплари. Очиқ иқтисодиёт модели.
2. Ташқи иқтисодий алоқалар ва ҳамкорликнинг асосий шакллари ва йўналишлари.
3. Ташқи иқтисодий фаолият ва уни бошқаришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг халқаро ҳамжамиятнинг тенг хукуқли аъзоси бўлди. Ўзбекистон халқаро мунособатларда мустақил суверен давлат сифатида фаолият олиб боради. Мустақиллик туфайли кўпчилик хорижий давлатлари билан мустақил иқтисодий ҳамкорлик алоқалари ўрнатди. Бу ҳамкорлик давлат сиёсатининг муҳим қисми бўлиб, республика иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйилган. **Ўзбекистон давлат сиёсатининг мақсади республика иқтисодиётини жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини таъминлаш ва хақиқатда очик иқтисодиётга эришишдир.**

**Ташқи иқтисодий фаолият деганда мазкур мамлакат юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади.**

Ўзбекистон ўтмишда жуда кўп минерал хомашё ресурларига, катта ишлаб чиқариш техника имкониятларига, бой меҳнат ресурсларига эга бўлгани ҳолда, стратегия жиҳатидан жуда ўулай геополитик ҳолатда жойлашган бўлишига қарамай ташқи дунёдан ажralиб қолган эди.

«Шундай бир ғайритабии вазият вужудга келиб қолган эди, дейди Президентимиз И.Каримов - республика умуман «очик» иқтисодиётга эга бўла туриб, етиштирилган маҳсулотнинг 30 фоизига яқини ташқарига олиб чиқиб кетилишига қарамай, амалда ёпик мамлакат бўлиб қолаверди. У жаҳон бозорига тўғридан-тўғри чиқа олмасди ва унинг барча ташқи алоқалари сабиқ Иттифоқ ва Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгаши чегараларидан нарига ўтмасди. Масалан, Ўзбекистон ташқи савдо мунособатларининг 83 фоиздан зиёдрофи Иттифоқ республикалари билан савдо сотик хиссасига тўғри келар эди». («Ўзбекистон- бозор мунособатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Тошкент. Ўзбекистон, 1993йил. 91 бет.)

Республиканинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги халқаро меҳнат тақсимотида, бошқа давлатлар билан тенг хукуқли алоқалар ўрнатишни нафақат имкониятини, балки унинг заруратини ҳам очиб берди.

Президентимиз И.Каримов ўзининг асарлари, маъруза ва нутқларида ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг асосий тамойилларини назарий ва амалий жиҳатдан пухта асослаб берди. Ташқи сиёсатга тинчлик барқарорлик, ҳамкорлик йўли асос қилиб олинди. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини дунёдаги 165 та нуфузли давлат тан олди, улардан 120 таси билан дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди.

- Тошкентда 43 мамлакатнинг элчихоналари очилди.
- Республикада 88 та хорижий мамлакат ваколатхоналари аккредитация қилинган, 24 та хукуматлараро ва 13 та ноҳукумат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.
- Дунёдаги 30 дан ортиқ давлатда Ўзбекистоннинг элчихоналари ва консуллари ишлаб турибди.
- Ўзбекистон 30 та нуфузли халқаро иқтисодий ва молия ташкилотларининг тенг хукуқли аъзоси.
- Жаҳоннинг 140 мамлакати билан савдо-иктисодий муно-собатлар ўрнатилган.
- Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётига 12 млрд. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар жалб қилинди.
- Хорижий сармоя иштирокида 2000 дан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

- Ташки савдо обороти миқдори 2000 йилда 6 млрд. дан ортиқ АҚШ долларини ташкил этди, 2001 йилда бу кўрсаткич 3,1 фоизга ўди.

- Жаҳоннинг 80 мамлакатига Ўзбекистон маҳсулотлари экспорт қилинади ва турли хизматлар кўрсатилади. Экспортнинг умумий ҳажми деярли 2 баравар, узоқ хорижий мамлакатларга эса 2,4 баравар ошди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ташки сиёсий фаолиятнинг асосий принциплари тўғрисида», «Чет эл инвесторлари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Ташки иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Конунлари унинг халқаро майдонда фаол ва кенг кўламли ҳамкорлик қилиши учун хукуқий кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

1992 йилнинг 2 март куни Ўзбекистон Республикаси ўзининг хошиш-иродаси ва таклифига кўра энг нуфузли халқаро ташкилот – БМТига қабул қилинди ва шу куни БМТИнинг Нью-Йоркдаги биноси олидиди Мустақил Ўзбекистон Республикасининг байроғи кўтарилиди.

1993 йилда Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилди. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тўла, тенг хукуқли аъзоси сифатида БМТ фаолиятида иштирок этмоқда.

1992 йилнинг феврал ойида Республикамиз Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)га кирди. Кейин 105 та мамлакатни ўзида бирлаштирган Қўшилмаслик ҳаракати аъзосига айланди. 1992 йилнинг октябр ойида эса дунёнинг энг кекса ташкилотларидан бири Парламентлараро иттифоқнинг 19-аъзоси сифатида тан олинди. 2001 йил июнда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Ўзбекистон кўпгина минтақавий ташкилотлар, Европа иттифоқи ва бошқалар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Ватанимиз, шунингдек, Халқаро валюта фонди, Бутунжаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ), Осиё ва Тинч океани мамлакатлари учун БМТнинг ижтимоий ва иқтисодий комиссияси, Қайта қуриш (тиглаш) ва ривожлантириш Халқаро банки, Қайта қуриш (тиглаш) ва ривожлантириш Европа банкига аъзо бўлиб кирди.

Ўзбекистоннинг БМТ ҳомийлигига таълим, Фан ва маданият билан шуғулланувчи халқаро ташкилот – ЮНЕСКО билан алоқалари кенгайиб бормоқда. 1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКОнинг қароргохи Парижда Ўзбекистон ЮНЕСКОга аъзоликка қабул қилинди. 1994 йил октябрда Парижда ватандошимиз Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган Улуғбек ҳафталиги тантанаси бўлиб ўтди. 1996 йилда Парижда Амир Темурга бағишланган маданият ҳафталиги, «Темурийлар даврида Фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши» мавзусида халқаро конференция ва кўргазмалар бўлиб ўтди. 1997 йилда жаҳон маданиятининг дурдоналари хисобланган қадимий шаҳарларимиз Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик муборак саналари Парижда кенг нишонланди, халқаро анжуман ва кўргазмалар ўтказилди.

Ўзбекистон Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари билан кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорлик қилишда фаол қатнашмоқда. Масалан, Ўзбекистон билан Украина ўртасида сиёсий, иқтисодий, техникавий, маданий алоқалар йўлга қўйилди. Икки давлат ўртасида товар айирбошлиш ҳажми 300 млн. АҚШ долларидан ортди Ўзбекистон Украинага пахта, ранги металл, газ, тамаки, газлама ва бошқа турдаги матолар етказиб беради. Украинадан Ўзбекистонга техника асбоб-ускуналари келтирилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 20 дан ортиў Ўзбек-Украина кўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда ва ҳоказо.

Ўзбекистон ташки сиёсатида Марказий Осиёдаги Янги мустақил давлатлар - Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон муҳим ўрин тутади. Марказий Осиё Ҳамкорлик ташкилоти, унинг Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ташкил этилди. Ҳамжамият давлатлари ўртасида иқтисодий интеграция дастури ва биргаликда сармоя сарфланадиган 53 та лойиха амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда жаҳондаги 80 га яқин мамлакатнинг сармоялари иштирокида барпо этилган 2000 та замонавий кўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Хорижий сармоялар иштирокида ишлаётган кўшма корхоналар жумласига «УзДЕУ авто», «СамКучавто», «Зарафшон-Ньюмонт», Кўкдумалоқ компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуи ва кўпгина бошқалар киради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ўзининг мустақил ташки иқтисодий сиёсатини ўтказмоқда. Қуйидаги принциплар унга асос қилиб олинган:

- мафкуравий қарашлардан қатъи назар ташқи мунособатларда ошкоралик;
- тенг хуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, бошқа мамла-катларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- ўзининг миллий-давлат манфаатлари устуворлигида ўзаро манфаатларни хар томонлама ҳисобга олиш; республика бирон-бир буюк давлатнинг таъсир доирасига кирмаслиги даркор;
- тўла ишонч, ҳалқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш асосида икки томонлама, шунингдек, кўп томонлама ташқи алоқалар ўрнатиш ва уларни ривожлантириш;
- умум эътироф этилган ҳалқаро хуқуқ нормаларига риоя қилиш ва ҳалқаро тартибларга изчиллик билан ўтиш.

Бутун ташқи иқтисодий сиёsat республиканинг жаҳон бозоридаги мавқеларини мустаҳкамлашга, унинг тўлов балансини кучайтиришга, қулай инвестиция мухитини вужудга келтирилишига қаратилгандир.

### **Ташқи савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларда қуйидагилар устувор йўналиш деб белгиланади:**

**Биринчидан**, республиканинг экспорт кудратини ривожлантириш ва янада мустаҳкамлаш, экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш. “Ривожланган экспорт қувватисиз Ўзбекистоннинг келажаги йўқ.”-деган эди Президентимиз И.Каримов.

**Иккинчидан**, экспорт имкониятини кенгайтириш, жаҳон бозорларига кириб бориши учун, аввало, қимматбаҳо хом ашёни қайта ишлаш негизида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналарни ривожлантириш зарур. Хорижий шериклар билан биргалиқда замонавий ихчам корхоналар барпо этиб, уларни меҳнат ресурсларининг манбалари бўлмиш қишлоққа яқинлаштириш лозим. Одатда, уларнинг ҳаммаси илғор технология билан таъминланиши, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаради.

**Учинчидан**, экспортни кенгайтиришга қаратилган стратегияни фаол қўллаш билан бир қаторда импортнинг салмоғини қисқартиришга қаратилган сиёsatни изчиллик билан ўтказиши, ўзимиз ишлаб чиқаришимиз мумкин бўлган товарлар ва маҳсулотларнинг четдан келтирилишини оқилона даражада камайтириш талаб қилинади. Импортнинг салмоғини қисқартиришга қаратилган дастур доирасида эътиборни озиқ-овқат маҳсулотлари ва ресурсларнинг четдан олиб келиш ўрнига серхосил экин навлари уругларини ва уларни етиштириш бўйича саноат технологиясини, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, дехқончилик маҳсулотларини саноат усулида чукур қайта ишлаш ва сақлаш учун замонавий ускуналарни, шунингдек фермер (дехқон) хўжаликлари учун техникани четдан олиб келишга қаратиш зарур.

**Тўртинчидан**, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, хўжалик ишларини юритувчи субъектларга хорижий шериклар билан бевосита алоқалар ўрнатишида, ўз маҳсулотини чет элларда сотишида кўпроқ эркинлик бериш, товарларни экспорт ва импорт қилишида бирмунча имтиёзли тартибни жорий қилиш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёsat ўтказиши.

**Бешинчидан**, хорижий сармояларни, асосан бевосита капитал маблағлар тарзида сармояларни республика иқтисодиётiga кенг кўламда жалб этиш учун зарурӣ хуқукий, ижтимоий-иктисодий ҳамда бошқа шароитларни вужудга келтириш, қўшма корхоналарни ташкил қилишда кўмаклашиш, шунингдек сармояларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш.

**Олтинчидан**, ташқи иқтисодий фаолият таркибий қисмларини мажмуини-иктисослаштирилган ташқи савдо, лизинг, консалтинг ва сугурта фирмалари, ташқи алоқаларни ривожлантириш манфаатлари ва шартларига мос келадиган транспорт, алоқа ва коммуникациялар тизимларини вужудга келтириш.

**Еттингчидан**, ҳалқаро хуқуқ ва ташқи иқтисодий фаолият, банк тизими, ҳисоб-китоб ва статистик ҳисоб соҳасида малакали кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш.

Бундан ташқари, республика фуқаролар ва юридик шахсларнинг ақлий мулкини ҳимоя қилиш учун ўзимизнинг **патент-лицензия ишлари тизимини йўлга қўйиш**, зарур. Маҳсулотни стандартлаш ва сертификатлаш ҳалқаро тизимига изчиллик билан ўтиш зарурдир.

**Ташки иқтисодий фаолиятнинг мана шу ва бошқа йўналишларини амалга ошириш Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятида муносаб ўрин эгаллаш имкониятини беради.**

Шундай килиб, мустақиллик туфайли Ўзбекистонда ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва “**очиқ иқтисодиёт**”га ўтиш учун барча шарт шароитлар яратилди.

**Очиқ иқтисодиёт** – бу шундай иқтисодиёткни, унда мамлакатнинг барча фуқаролари халқаро товар ва капитал бозорида олди-бердиларни чекланмаган ҳолда амалга оширишлари мумкин.

Халқаро савдода иштирок этмайдиган иқтисодиёт **Ёпиқ иқтисодиёт** деб аталади. Жаҳон тарихида шундай воёулар ҳам бўлиб туради. Масалан, бирор бир мамлакат у Ёки бу сабаблар билан ўз ҳудудлари чегарасида ўралашиб қолган бўлади ва хорижий давлатлар билан жуда кам айрибошлаш қиласи. Масалан, Собиў СССРда урушгача бўлган даврда шундай бўлган. Тъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда мутлаў Ёпиў иқтисодиёт мавжуд эмас.

Очиқ иқтисодиёт қуришнинг **асоси** бўлиб халқаро меҳнат тақсимоти, мамлакатнинг жаҳон хўжалик алоқаларида кенг қатнашиши ҳисобланади.

Иқтисодий ривожланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, фақатгина мамлакатлараро иқтисодий алоқалар, капитал ва товар айрибошлаш бозор иқтисодиётига ўтишни ва унинг суръатларини таъминлайди.

Амалиёт **очиқ иқтисодиётинг баҳолаш мезонини ҳам аниқлаб берган.**

**1.** Ташки савдо оборотини ривожланиш даражаси мамлакатда иқтисодий ўсишли рағбатлантиради. Бунга экспорт ва импорт алоқаларини кенгайтириш йўли билан эришиш мумкин.

**2.** Халқаро меҳнат тақсимотида қатнашиш мамлакат ишлаб чиқариш таркибини ташкил қиласи ва такомиллаштиради. Бу ўз навбатида мамлакат бошқа мамлакатларга нисбатан самарали ва арzon товарлар ишлаб чиқаришга эътиборни қаратишга undайди.

Пировард натижада иқтисодиётнинг очиқлиги бу мамлакатни жаҳон иқтисодиёти билан эркин рақобатга кира олишини билдиради

**Очиқ иқтисодиёт** тушунчаси ўзини ривожланиш тарихига эгадир. Бу тушунча мамлакат иқтисодиётини юқори даражада ривожланганлигини ифодалайди.

Очиқ иқтисодиёт миллий иқтисодий тизимларни бирлаштирадиган уч йўлда, яъни **маҳсулот (товарлар) билан савдо қилиш, капиталнинг ҳаракати ва ўзаро миллий валюта алмашинишида ўз аксини топади.**

Республикамида жуда қисқа вақт мобайнида нафақат иқтисодий ривожланишни барқарорлаштирадиган ва уни ўсишини таъминлайдиган балки ташки иқтисодий алоқаларни мувоффакият билан амалага ошириш имкониятини **берадиган тадбирлар ишлаб чиқилди ва хаётга тадбиқ қилинди.**

Ташки иқтисодий фаолиятни ташкил қилиш тизимини қайта қуриш:

1. Ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун халқаро меёъларга ва стандартларга тўғри келадиган ҳуқуқий- меёърий базанинг яратилишига;
2. Ташки савдода демонополизация ва децентрализацияни амалга оширилишига;
3. Бутун жаҳонда қабул қилинган маъмурий жиҳатдан чегараланиладиган усуслан тарифлар орқали бошқариладиган (тартибга солинадиган) иқтисодий усулага ўтилишига;
4. Ривожланган ташки савдо инфраструктурасини ташкил қилиш кабиларга бевосита боғлиқдир.

Юқоридагиларнинг барчаси республиканинг ташки иқтисодий алоқаларини сезиларли даражада фаоллашишига ҳамда экспорт ҳажмини ошишига ва ассортиментини кенгайтиришга имкон яратади.

Ўзбекистонда ташки иқтисодий алоқаларнинг қуйидаги шакллари кенг тарўалган:

1. Ташки савдо;
2. Ўўшма тадбиркорлик фаолияти;
3. Эркин иқтисодий зона;
4. Халқаро туризмнинг ривожланиши;
5. Фан-техника соҳасидаги ҳамкорлик ва ҳоказо

Ташқи савдо давлатлараро иқтисодий ҳамкорликнинг биринчи ва устувор йўналиши сифатида тан олинган.

**Ташқи савдо** – жаҳон меҳнат тақсимотининг зарурий шарт-шароити бўлиб ҳисобланади. Ташқи савдо жаҳон халқларини турли товарлар билан таъминлаш имкониятини беради ва шу билан биргалиқда ҳар бир мамлакатнинг ихтисослашувини ривожлантириш, ўз ресурсларидан фойдаланиш самарасини ошириш натижаси бўлиб хизмат қиласи.

Ташқи савдонинг даражаси, унинг ҳаракати ва аҳамияти мамлакат иқтисодини ривожланиш даражасига, миллий иқтисоднинг таркибига боғлиқ бўлади.

Халқаро савдода миллатнинг диди, қизиқиши ва мамлакат аҳолисининг ҳарид қилиш қобилияти муҳим роль ўйнайди. Қадимдан халқимиз менталитетида **илем олиш иштиёқи кучли бўлган** шу сабабдан истиқлол йилларида таълим давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бундай шароитда АҚШ, Олмония, Япония каби ривожланган давлатлардан замонавий компьютерларни сотиб олишга катта маблағлар сарфланмоқда ва ҳоказо.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ташқи савдо, яъни товарларни четга чиқариш (экспорт) ва четдан товар келтириш (импорт) бизнинг **мамлакатимизда жуда қадим замонлардан буён мавжуд**.

**Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссалом «ризқнинг ўндан тўққиз қисми тижоратдир»,** деб, у билан шуғулланишни буюрганлар.

«Буюк ипак йўли»нинг анчагина қисми мамлакат ҳудудидан ўтганлиги туфайли тадбиркор аждодларимиз хорижий давлатлар билан савдо-сотиқ ишларини яхшигина ривожлантирганлар ва уни халқаро савдода жозибадор мамлакатлардан бирига айлантирганлар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон дунёдаги 140дан кўпроқ давлатлар билан ташқи савдо олиб боради, улардан 80 тасига товар ва хизматлар экспорт қиласи. МДҲ давлатлари ва узок хорижий давлатлар билан олиб борилади.

Ташқи савдонинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини ялпи миллий маҳсулотда экспорт ва импортнинг ҳажмига қараб аниқлаш мумкин. Умуман олганда мамлакат иқтисодий ахволига баҳо беришда экспорт ва импорт ўртасидаги нисбатни аниқлаш зарурати юзага келади. Ушбу нисбат мамлакатнинг **тўлов балансини** тузайтганда аниқланади. Савдо баланси тўлов балансининг таркибий қисми ҳисобланади. **Тўлов балансини умумлаштирувчи кўрсаткич унинг сальдоси ҳисобланади.** У импорт ва экспорт орасидаги фарққа тенг. Балансда импортнинг экспортдан ошиб кетиши тўлов балансини **салбий сальдога** эга эканлигидан далолат беради. У ташқи **савдо дефицитига олиб келади.**

Ташқи савдонинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва самарадорлигига таъсир кўрсатувчи энг **муҳим омил экспорт ва импорт маҳсулотларининг таркиби**, яъни мамлакат нимани четга чиқаради-ю, нимани четдан олиб келаётганидир. Четдан сотиб олинаётган товарлар ичida қайта ишлашга мўлжалланган хом ашёнинг улуши қанча катта бўлса, шу мамлакат импортдан кўриладиган наф шунча юқори бўлади. Четга чиқарилаётган товарлар ичida хом ашёнинг улуши қанча кўп бўлса, шу мамлакат экспорти шунча самарасиз бўлади. Шу нуўтаи назардан Ўзбекистон Республикасининг экспортида пахта толаси улушининг йилдан-йилга камайиб бораётгани ижобий тенденциядан далолат беради.

2001 йилда Республикаизнинг экспорт ҳажми **МДҲ давлатлари билан 35,9 фоизни, узок хорижий давлатлар билан 64,1% фоизни, импортда эса-мос равища -38,2 ва 61,8% фоиз** ташқи савдо алоқаларини олиб борган. 2003 йилда ташқи савдо айланмасининг ҳажми 17,3 фоизга, экспорт ҳажми-24,6 фоизга ўсади. Ташқи савдо айланмасида 760 млн. АЎШ долларидан ортиў микдорда ижобий сальдога эришилди.

Республика экспортида ўрта ҳисобда пахта толаси 27,3%, энергетика (газ ва ҳоказо) 11,5%, хизматлар – 9,5%, озиқ-овқат товарлари 6%, рангли ва қора металл 4,3%, химия маҳсулотлари 3,1%, машина ва ускуналар 3,2%ни ташкил этган.

Республика экспортида Буюк Британия (11-13%), Швейцария (13-14%), импортида Корея (16,18%), Германия (14-11,5%), АҚШ (10-14%) ва ҳоказони ташкил қиласи.

Хорижий мамлакатлар билан савдо-сотиқ ишларини ривожлантириш, экспорт ва импортнинг таркибини такомиллаштириш соҳасида республика ҳукуматининг олиб бораётган

сай-харакатлари ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Бунда озиқ-овқат маҳсулотларининг Ўзбекистон импортидаги улушидан кўрса бўлади. Бу улуш 2002 йилга келиб 2 баробардан ошикроққа камайди.

Энг муҳими, Ўзбекистонда хорижий давлатлардан келтирилаётган товарлар ичидаги технологик асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг салмоғи йилдан-йилга ортиб бормоқда ва эндиликда у жами импортнинг ярмидан кўпроғини ташкил этмоқда. Гап шундаки, миллий иқтисодиётнинг тараққиёти ва Ўзбекистоннинг ривожланган далатлар қаторига чиқиши учун аввалимбор моддий ишлаб чиқаришни янги техника ва технологиялар асосида қайта қуриш талаб қилинар экан, импорт таркибининг бундай ўзгариши ўта ижобий ҳолдир.

Ташки савдонинг мамлакат иқтисодий тараққиётига таъсирини кучайтиришнинг муҳим омили экспорт билан импорт орасидаги ижобий сальдога, яъни экспорт ҳажмининг импорт ҳажмидан ортиқлигига эришишдир. Шунинг учун Ўзбекистон давлат мустақиллигининг илк давридан бошлаб республика хукумати мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, экспортни ҳар тамонлама рағбатлантиришга катта аҳамият бериб келмоқда. Экспортбоп, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланган ва амалга оширилалпти. Хусусан, 2000 йилнинг 1 июнидан бошлаб мулкчиликнинг барча шаклларида экспорт қилувчи корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валутага экспорт қилинган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)дан олинган даромадларидан даромад(фойда) солиғини тўлашдан озод қилинган. Улар учун, шунингдек, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорти улушига қараб мулк солиғи тўлашнинг **қўйидаги тартиби жорий этилган**:

-экспорт улуши 25 фоиздан 50 фоизгача бўлганида, белгиланган мулк солиғи ставкаси 50 фоизгача камайтирилади;

-50 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида, мулк солиғи умуман ундирилмайди.

Бирок шуни айтиб ўтиш керакки, мазкур имтиёзлар пахта толаси, ип газлама калаваси, линт, нефть, нефть маҳсулотлари, газ конденсати, табиий газ, электр энергияси, қимматбаҳо, рангли ва қора металларни экспорт қилувчи корхоналар бундан мустасно.

Ташки савдони амалга оширишда микдорий чекловлар белгиланганни ва товарларнинг айрим турларини экспорт ва импорт қилиш устидан давлат назорати ўрнатилган.

Республикада Кўшма тадбиркорлик фаолияти иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим шакли сифатида кенг ривож топиб бораялпти. Бундай фаолиятнинг кенг тарқалган тури - бу **кўшма корхоналардир**. Улар ишлаб чиқариш, савдо-воситачи йўналишида ҳамда хизмат кўрсатиш ва бошқа йўналишларда тузилган.

Кўшма корхоналарни очиш чет эл капиталини жалб қилишнинг бир шакли бўлиб у ишлаб чиқаришнинг технологик даражасини оширишни, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ишчи кучининг малакасини оширишни таъминлайди.

Ўзбекистонда кўшма корхоналарни тузиш мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бошланган. Масалан, Ҳозирги даврда ҳам фаол ишлаётган «Совпластитал» корхонаси, Асака шаҳрида, Жанубий Корея билан ҳамкорликда тузилган «ЎзДЭУ» автомобил заводи, Самарқанд шаҳридаги «СамКочАвто» кўшма корхонаси (У шинам ва қулай автомобиллар юк ташувчи машиналар, ҳамда ўт ўчирувчи машиналар ишлаб чиқаради), Мурунтов олтин конида Ўзбекистон Америка «Зарафшон-Ньюмонт», Американинг Кейс фирмаси билан ТТЗ кўшма корхоналари ташкил топди. Андижонда зекскаватор ишлаб чиқарадиган ўзбек-рус кўшма корхонаси, Фарғонада немис «Саламандер» фирмаси билан биргаликда «Ўзсаламан» кўшма корхонаси, Тошкент вилоятида Ўзбек-Корейс «Кабул-Тойтепа-текстайлз» каби йирик кўшма корхоналари тузилди. Энг йирик кўшма корхоналардан яна Кабул-Ўзбек, Кизилкум цемент, ЎзДЭУ электроникс, АЙ-Сель, Уздунробита, ДЭУ текстиль ва кўргина бошқалар фаолият кўрсатишшайялди.

Тузилган корхоналарнинг 38-40% саноат тармоғида фаолият кўрсатаялпти, қишлоқ хўжалиги ва қурилишда бундай корхоналарнинг салмоғи ҳозирча, нисбатан камроўдир.

Президентимиз И.Каримов томонидан 1999 йилнинг иқтисодий ва социал ривожланиш якунларига баЁишланган мажлисда, чет эл капитали асосида ташкил қилинган кўшма корхоналар ишида жиддий камчиликлар борлигини таъкидлаган. Унда тузилган корхоналарнинг ярмидан кўпроғи ишламаётганлиги, уларнинг фақатгина 1/3 қисми ишлаб

чиқариш соҳасига тўғри келиши, қўшма корхоналарнинг асосан Тошкент шаҳрида жойлашганлиги қайд этиб ўтилган эди. Шундан кейин бу соҳада қатор тадбирлар белгиланди ва қўшма корхоналарни тузиш, уларнинг фаолиятлари анча яхшиланди. Солиққа тортишда, божхонлардаги расмийлаштириш ишларида ва бошқаларда берилган имтиёзлар экспорт маҳсулотларини сезиларли даражада кўпайишга олиб келди.

Ўзбекистон умумий экспорти ҳажмида қўшма корхоналарнинг улуши 14-15%ни ташкил қиласди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ўшма корхоналарнинг ривожланиши кўшимча иш жойларини яратишга имкон беради. Бу ўз навбатида меҳнат ресурслари кўп бўлган республикамиз учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

**Эркин иқтисодий зона (ЭИЗ)-** бу хўжалик фаолиятини ташкил қилишнинг ҳамда мамлакат ташки иқтисодий алоқаларининг янги шакли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ЭИЗлар учун ташки иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тартиби (божхона, валюта, солиқ ва бошқалар) ўрнатилиши мумкин бўлиб, у эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади.

Эркин иқтисодий зоналарни белгилаш ва тузиш ўйилган мақсадга боғлиқ. Агарда ривожланган давлатларда эркин иқтисодий зоналарни тузишдан мақсад фаолияти асосан ҳалқаро савдони ривожлантириш бўлса, ривожланаётган давлатларда эса хом ашёни қайта ишлашни ташкил қилиш уларнинг асосий мақсади ҳисобланади.

**Ўзбекистонда 1996 йилда «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида» қонун қабул қилинган.**

Мазкур қонунда:

- эркин иқтисодий зоналар;
- эркин савдо зоналари;
- эркин ишлаб чиқариш зоналари;
- эркин илмий-техникавий ва бошқа зоналар тарзида тузилиши мумкин, деб кўрсатиб ўйилган.

Улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таўдимномасига асосан Олий Мажлис ўарори билан тузилади.

Эркин иқтисодий зонани тузиш жараёни Ўзбекистонда алоҳида аҳамият касб этади. Республикада узоқ вақт мобайнида режали марказлашган бошқарув тизими хукм сурган. Бу эркин иқтисодий зонани тузиш хусусиятини, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашда асосий омил бўлиб ҳисобланган.

МДҲ давлатларида эркин иқтисодий зонани тузиш чет эл капиталини жалб қилишни, янги технологиянинг импортини таъминлайди. Охир оқибатда мамлакат иқтисодий потенциалини оширади, уни дунё хўжалигига teng хуқуқли ҳамкор сифатида интеграциялашувини таъминлайди.

Россияда эркин иқтисодий зона сезиларли даражада фаолият кўрсатаётганига ўарамасдан МДҲ давлатларида ҳозиргача ҳам эркин иқтисодий зона тузиш, уларнинг фаолияти принципларини хуқуқий масалалари аниқланган эмас.

Амалиётда эркин иқтисодий зоналар қуйидаги аниқ **принципларга** риоя ўйланадигина самарали ишлашлари мумкинлиги тасдиқланаяти:

1. Ҳар ўандай эркин иқтисодий зона мамлакатнинг мустақил хўжалик бирлиги сифатида тузилиши ва ўз фаолиятини ўз бюджети асосида қуриши лозим.
2. Эркин иқтисодий зона бюджетининг **даромад қисми** қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- Эркин иқтисодий зона ҳудудида жойлашган корхона, бирлашма ташкилотлари ва у ҳудудда яшайдиган кишилардан тушадиган солиқлар;
  - Божхона йиғимлари, мустақил тадбиркорлик фаолиятидан тушадиган тушумлар;
  - Ҳомийлик маблағлари;
  - Эркин иқтисодий зона эҳтиёжларига узоқ муддатли кредит шаклида бериладиган давлат бюджети маблағлари
3. Эркин иқтисодий зона давлат томонидан бериладиган субсидияларсиз, дотацияларсиз фаолият кўрсатишлари керак.

4. Эркин иқтисодий зона худудидан йиғилган барча соликлар ва бюджетга тўловларни худудий бошқармалар ихтиёрида қолдириш лозим.

1990 йилнинг охирларида Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилоятида Зомин, Тошкент шаҳар Сирғали туманида эркин иқтисодий зоналар тузиш бўйича лойихалар тузилган эди. Улар қатор молиявий, ижтимоий ва техник қийинчиликлар туфайли хаётга ўз ижобатини топмади. Мутахассисларнинг фикрича давлат ташкилотининг хулосасидан **ўтаётган лойиха - бу маҳсус Самарқанд ва Самарқанд вилояти халқаро туризм бўйича эркин иқтисодий зонани** ташкил қилиш реал лойиха ҳисобланади. Худди шундай Бухоро ва Хива халқаро туризм бўйича эркин иқтисодий зонани ташкил қилиш мақсадга мувофиў бўлар эди.

**Фан-техника ҳамкорлиги** ташқи иқтисодий фаолиятнинг муҳим шаклларидан биридир.

Республикада ҳал қилинаётган стратегик вазифалар жаҳон ҳамкорлигига илмий-изланиш, лаборатория ва ишлаб чиқаришда иштирок этиш каби шаклларда фаол олиб борилиши керак.

Жаҳон тажрибаси бундай ҳамкорликнинг турли шаклларини ишлаб чиқкан:

1. Ҳамкорликда фундаментал ва Амалий ишланмаларни олиб бориш ва уларнинг натижаларини алмашиниш;
2. Илмий техника имкониятларни бирлаштириб ҳамкорликда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш;
3. Муҳим умуминсоний муаммоларни ҳал қилишда илмий-техника жамотчилиги вакилларини халқаро конференцияларда, симпозиумларда қатнашиши;
4. Технологик ютуклар, ахборотлар ва ҳоказолар билан айрибошлиш ҳамкорлигига қатнашиш;
5. Кадрлар, мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака оширишда қатнашиш.

Юқорида қайд этиб ўтилган ҳамкорликни хаётга тадбиқ қилиш республиканинг интеллектуал ва иқтисодий потенциалини ўстиришга хизмат қиласи, ҳамда жаҳон иқтисодий ҳамжамиятида республика рейтингини сезиларли оширишга шароит яратиб беради.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши, хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан иқтисодий алоқаларни ўрнатилиши ташқи иқтисодий фаолиятни **бошқариш тизимини тубдан қайта қуришни талаф этди**. Бундай зарурият юзага келган қўйидаги икки муҳим ҳолат билан боғлиқ эди:

**Биринчидан**, Ўзбекистоннинг мустақиллиги, ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасида мустақил сиёsat ишлаб чиқиши уни амалга оширишга жавобгар бўлган маҳсус ташкилотлар ташкил қилишни тақозо этди;

**Иккинчидан**, республикада миллий иқтисодиётни тубдан қайта қуриш жараёнининг бошланиши туфайли ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчиларнинг сони кенгайди, уларга турли соҳалар бўйича (савдо, сармоялар, банк ва бошқалар) ташқи иқтисодий битимларни тузишида кенгроқ хукуқлар берилди.

Мустақил Ўзбекистонни Ташқи бозорга чиқиши ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида 1991 йил 14 июнда қабул қилинган қонун билан боғлиқдир. Бу қонунда ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил қилиш тартиби ва асосий принциплари белгиланган. Бу қонун ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда катта рол ўйнади. Ўзбекистонда **Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Республика ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Божхона қўмитаси** ташкил этилиши билан Ўзбекистонда ташқи иқтисодий комплексни бошқариш тизими яратилди.

Хозирги пайтда республикада ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш тизими асосан шаклланган ва унинг таркибига кирган ташкилотлар фаолиятлари такомиллаштирилмоқда.

**Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш тизимининг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади:**

1. Республика миллий манфаатларига жабоб берувчи ва унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини таъминловчи ташқи иқтисодий сиёsatни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
2. Ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг қонуний асосларини ўрганиш;

3. Мулкчилик кўринишининг турли шаклларидан қатъий назар, ташки иқтисодий фаолиятнинг барча иштирокчилари учун энг юқори самарадорликни таъминлаш, уларнинг фаолияти ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
4. Миллий иқтисодиётни муваффақиятли ислоҳ этиш учун ташки иқтисодий омилдан тўлиқ фойдаланиш.

**Хозирги кунга келиб, ташки иқтисодий фаолиятни бошқариш** Республика Президенти, Олий Мажлис ва Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади. Улар Ўзбекистон ташки иқтисодий фаолиятининг ривожланиш стратегиясини аниқлайди, унинг норматив базасини ишлаб чиқади ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг барча иштирокчилари ҳаракатига умумий раҳбарликни ва улар устидан назоратни амалга оширади;

**Ташки иқтисодий алоқалар вазирлиги-ягона ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширишни, халқаро алоқаларнинг барча иштирокчилари, яъни давлат, ширкат, пайчилик, жамоат, хусусий ташкилотлар фаолиятини назорат қилишни таъминлайди;**

- ташки иқтисодий фаолиятни тартибга солишининг давлат усусларини ишлаб чиқади ва қўллайди (божхона тарифлари, экспорт квоталари, ташки иқтисодий фаолият билан шуғулланишга рухсат беради ва бошқалар);

- вазирликка тақдим этилган рўйхатга мос келувчи маҳсулот бўйича экспорт-импорт операцияларини ўтказади;

- ташки иқтисодий фаолият субъектлари томонидан тузиладиган ташки иқтисодий шартнома ва келишувларни текширишни амалга оширади.

«Инновация», «Ўзагроимпэк», «Интерсервис», «Ўзташқитранс», «Ўзэспомарказ»-Ташки иқтисодий алоқалар вазирлиги тизимидағи йирик ташки савдо ва иқтисодий ташкилотлар ҳисобланади. Улар шу ташкилотлар учун белгиланган маҳсулот ва хизмат турлари бўйича тижорат-хўжалик фаолиятини амалга оширадилар.

#### **Ташки иқтисодий фаолият банки ёки Республика Миллий банки:**

- ташки иқтисодий операцияларга хизмат кўрсатади, шунингдек экспорт-импорт, сармоявий ва бошқа битимлар тузади;
- корхоналар, ташкилотлар, хусусий шахсларнинг валюталари ҳисоб-китобларини олиб боради;
- хорижий валюта сармояларини жалб этади, уларга хизмат кўрсатади, валютадаги кредит захираларини йигади ва валютада кредитлашни амалга оширади;
- валюта захираларини яратади, сақлайди ва республиканинг валюта манфаатларини ҳимоя қиласди.

1997 йил, июл ойида Республика Президенти Фармонига асосан **Давлат божхона қўмитаси тузилди**. Унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- Божхона масалалари бўйича меЁърий хўжжатларни ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- Республика ташки иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга ҳамкорлик қилиш;
- Республиканинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;
- Божхона қонунбузарларига, контрабандага қарши курашиш ва бошқалар.

**«Ўзбекинвест» давлат суғурта компанияси** мамлакат ва хорижий инвестицияларни суғурталаш бўйича ташкилотлар ҳисобланади.

**Ташки иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг тармоқ ташкилотлари ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи вазирликлар, идоралар, йирик корхоналар ва ташкилотларнинг маҳсус бўлинмаларидан ташкил топган.** Улар тармоқ, идора, корхона ва ташкилотлар ташки иқтисодий фаолиятини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқади, хорижий шерилклар билан шартнома ва битимлар тузади, ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари бўйича Республика Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тайёрлайди.

Ташки иқтисодий алоқалар ташкилотларининг тузилиши ҳамда уларни ташкилий-хуқуқий механизминининг ишлаб чиқилиши, яратилиши республикада бошқаришни маъмурий усусларини чегаралайдиган либерализация принципларини хаётга тадбиқ қилишни

таъминлади ва ташки иқтисодий фаолиятни тартибга солишни ва бошқаришни бозор инструментларини (дастакларини) ривожланишига шарт-шароит яратди.

**Ташки иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:**

- Ташки савдони либеризациялаш;
- Экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш ихтисослашувининг устуворлигини таъминлаш;
- Ташқаридан республикамизга сотиб олинадиган(импорт) маҳсулотлар рўйхатини мақсадга мувофиқ равишда ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Ташки иқтисодий фаолиятни бошқаришда **функционал ташкилотлар** ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу ташкилотларга иқтисодиёт ва статистика вазирлеклари, Молия вазирлиги, Далат Солик ва божхона қўмиталари, Мехнат вазирлиги ва бошқалар киради. Бу ташкилотларнинг ҳар бири ўз масъулият доирасига киравчи масалаларни ҳал этади ва уларнинг натижаси учун жавобгардир.

Иқтисодиёт вазирлиги ташки иқтисодий фаолиятни таҳлил қилишни ва истиқболини белгилашни амалга оширади, ташки иқтисодий алоқалар самарадорлигини оширишга, иқтисодиётни ички омиллар воситасида кўтаришга асосланган, ташки иқтисодий фаолиятни яхшилашга қаратилган таклиф ва тавсияларни тайёрлайди.

**Республика молия вазирлиги** республика валюта заҳираларини жамлаш, тақсимлаш ва фойдаланишга жавобгар бўлиб, бу жараёнларни бошқариш усулларини ишлаб чиқади ва қўллади. Республика ҳукумати топшириғига кўра ва тузилган битимлар, шартномалар асосида валюта фонди ҳисобидан қандай маблағларни олиш, ўtkазиш ёки қўйишни ҳал этади. Вазирликнинг Валюта бошқармаси, шунингдек, республиканинг тўлов балансини ишлаб чиқади. Унда унинг ташки иқтисодий фаолиятидан келиб тушадиган барча даромадлар ва харажатлар акс эттирилади.

**Республика солик қўмитаси** ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширишдаги солик солиши масалаларини тартибга солади, бу масалалар бўйича меъёрий хужжатларни ишлаб чиқади ва сақланиши устидан назоратни амалга оширади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ташки иқтисодий алоқаларнинг асосий иштирокчилари мулкчиликнинг турли кўринишларидаги корхона ва ташкилотлар бўлиб қолади. Шу жумладан, қўшма корхоналар ҳам ташки иқтисодий алоқа қатнашчиси бўлиб, улар «Ташки иқтисодий фаолият тўғрисида»ги республика қонунига мувофиқ хорижий шериклар билан экспорт-импорт, сармоявий ва бошқа битимларни тузишда маълум ҳукуқларга эгадирлар. Ташки иқтисодий фаолият билан шуғулланишга рухсати бўлган корхона ва ташкилотларга маълум банкларда ўз валюта ҳисблари бўлишига ва бу маблағлардан фойдаланишга рухсат берилган.

Республикада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, умуман иқтисодиёт соҳасини либерализациялаш бўйича сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Республика иқтисодиётида рўй берган ўзгаришларни ҳисобга олиб ва 2000 йил май ойида Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ иккинчи сессиясида **«Республика ташки иқтисодий фаолияти тўғрисида» Янги таҳrirдаги қонун қабул қилинди.**

ТИФ тўғрисидаги қонуннинг **асосий вазифаси** ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширишдир.

Ўзбекистон Республикасининг **иқтисодий хавфсизлигини** таъминлаш унинг **иқтисодий суверенитети ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий иқтисодиёт ривожини рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратишдан иборатdir.**

Мазкур қонунда белгиланганидек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси:

- Ташки иқтисодий фаолиятни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқади;
- Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини, иқтисодий мустақиллиги ва иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;
- Ташки иқтисодий фаолият соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузади;
- Ўзбекистон Республикасининг тўлов балансини ишлаб чиқади;

- Чет элдан олинадиган кредитлар учун Ўзбекистон Республикаси хукуматининг кафолатларини беради;
- Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги мулкига эгалик қиласи, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади;
- Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги **ваколатли давлат органи бўлиб Ташқи иқтисодий алоқалари** вазирлиги ҳисобланади. Унинг номи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002йил 21 октябрдаги Фармонига мувофиқ «Ўзбекистон ташқи алоқалар агентлиги» деб ўзгартирилди.

#### **Ташқи алоқалар агентлиги:**

- Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида давлат сиёсати олиб борилишини, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манбаатлари ҳимоя қилинишига доир вазифалар бажарилишини таъминлайди;
- Ташқи иқтисодий фаолиятнинг қонунчилик негизи такомиллаштирилишига доир таклифларни ишлаб чикади;
- Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва тартибга солиб туради;
- Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқарув органлари ишини мувофиқлаштиради;
- Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

#### **Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга**

#### **солиши қўйидаги йўллар билан амалга оширилади:**

- олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарларни сертификатлаш;
- техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларини белгилаш;
- ташқи иқтисодий фаолият субъектлари учун преференция ва имтиёзлар бериш.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қонун хужжатларига мувофиқ бошқача усуулларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

#### **Таянч иборалар**

- *Халқаро хамжасамият*
- *Ташқи иқтисодий фаолият*
- *Юридик шахслар*
- *Жисмоний шахслар*
- *Ташқи иқтисодий сиёсат*
- *Очиқ иқтисодиёт*
- *Ёниқ иқтисодиёт*
- *Баҳолашиб мезони*
- *Демонополизация*
- *Децентрализация*
- *Савдо инфраструктураси*
- *Ташқи савдо*
- *Эркин иқтисодий зона*
- *Фан-техника хамкорлиги*
- *Халқаро туризм*
- *Кўшима корхона*
- *Ташқи иқтисодий алоқа*
- *Функционал ташкилотлар*
- *Ваколатли давлат органи*
- *Ташқи алоқалар агентлиги*

#### **Ўз-ўзини текшириши учун саволлар**

1. Ташқи иқтисодий фаолият деганда нимани тушунасиз?

- 2. Ташиқи иқтисодий сиёсат, унинг принциплари ва асосий йўналишлари нималардан иборат?*
- 3. Ташиқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишида қандай йўналишлар устувор ҳисобланади?*
- 4. Очиқ иқтисодиёт модели деганда нимани тушунасиз?*
- 5. Ташиқи иқтисодий алоқаларнинг қандай шаклларини биласиз?*
- 6. Ташиқи савдонинг моҳияти нимада?*
- 7. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш зарурати нимада?*
- 8. Ҳалқаро туризмни ривожланишининг қандай йўналишларини биласиз?*
- 9. Фан-техника соҳасидаги қандай ҳамкорликларни биласиз?*
- 10. Ташиқи иқтисодий фаолиятни бошқариишининг асосий вазифалари нималардан иборат?*
- 11. Ташиқи иқтисодий фаолиятни бошқарши тизими тўғрисида нималар дея оласиз?*
- 12. Ўзбекистон ташиқи иқтисодий алоқалар агентлиги, унинг вазифалари нималардан иборат?*
- 13. Ташиқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишининг қандай йўлларини биласиз?*

## **12- мавзу: Жаҳон хўжалиги унинг хусусиятлари, динамикаси ва таркиби.**

Режа:

- 1.Жаҳон хўжалигига таъриф.
- 2.XMT- жаҳон хўжалигининг моддий асоси.
- 3.Мамлакатларининг ривожланиш даражасини белгиловчи кўрсаткичлар.

Жаҳон хўжалиги - инсониятнинг бутун тарихи давомида шаклланган жараёндири. Жаҳон хўжалигининг шаклланиши жамият ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, ижтимоий меҳнат тақсимотининг чукурлашуви, турли мамлакатлар ва регионлар ўртасида савдо-молия, ишлаб чиқариш муносабатларининг мунтазам ўрнатилиши, эски тош қуролларидан энг мураккаб электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланишгача бўлган мураккаб йўлни босиб ўтди.

Жаҳон хўжалиги дунёдаги барча мамлакатлар миллий хўжаликларининг жаҳон иқтисодий алоқалари орқали ўзаро узвий боғланган ва тарихан шаклланган мажмуасидир. У дунё ишлаб чиқариш кучларининг кўп йиллик эволюцияси натижасидир. Жаҳон хўжалигининг шаклланиши бир неча босқичларга бўлинади:

- 1) Жаҳон хўжалигининг XVI асрларгача бўлган босқичи;
- 2) Жаҳон хўжалигининг даври (XVI-XVII) буюк географик кашфиётлар билан боғлик даври бўлиб, халқаро савдо дунёнинг барча мамлакат ва регионларини қамраб олган давр;
- 3) Жаҳон хўжалигининг кенгайиши (XIX-XX) транспорт, қитъалараро алоқалар, дунё бозорининг тез ривожланиши билан боғлик бўлган даври;
- 4) Жаҳон хўжалигининг чукурлашувчи (XX-асрдан ҳозиргacha) йирик машина индустрияли, транспорт ва дунё бозорининг биргаликда ривожланиши даври.

Жаҳон хўжалигининг шаклланиши ва ривожланишида халқаро географик меҳнат тақсимотининг ўрин ва аҳамияти бекиёсdir. Халқаро меҳнат тақсимоти – ижтимоий меҳнат тақсимотининг ҳудудий шаклиdir. Халқаро меҳнат тақсимоти асосида табиий, социал – ихтисодий омиллар ётади. Халқаро меҳнат тақсимоти айrim тарихий даврларда ҳар хил кўрсаткичлар ҳусусиятлар билан ифодаланади. Халқаро меҳнат тақсимоти натижасида меҳнат унумдорлигининг ўсиши, иқтисодий районларининг шаклланиши, ихтисослашув алоҳида ўрин эгаллади. Халқаро меҳнат тақсимоти жаҳон хўжалиги ҳаракатлантирувчи кучи ва негизидир.

Географик меҳнат тақсимотининг энг муҳим натижаси халқаро ихтисослашув тармоғидир. Халқаро ихтисослашув халқаро миқёсда товарлар ва хизматлар билан айирбошлаш заруратини келтириб чиқарди. Ушбу айирбошлаш халқаро иқтисодий алоқаларининг ривожланишида, экспорт – импорт ҳажмини ўсишида ҳамда товар ишлаб чиқарилган жой билан у истеъмол қилинган жой ўртасида доимо маълум микдорда ҳудудий фарқнинг мавжудлигига ўз ифодасини топади.

Ҳар кандай мамлакатнинг жаҳон хўжалиги, XMT га хўжалик ҳаётининг интернационаллашувида тутган ўрни ва аҳамияти кўпгина омиллар билан боғлик. Булар:

- ✓ Мамлакатнинг иқтисодиётининг тараққиёт даражаси;
- ✓ Ўсиш суръати;
- ✓ Ташки иқтисодий алоқалар (ТИА).

Жаҳон хўжалигининг ташки иқтисодий соҳаси мураккаб кўринишга эга. У

- ✓ Халқаро савдо;
- ✓ Ишлаб чиқаришда халқаро ихтисослашув;
- ✓ Ҳамкорлик (кооператсия);
- ✓ Фан техника соҳасидаги ҳамкорлик;
- ✓ Кўшма корхоналар ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш;
- ✓ Халқаро хўжалик ташкилотлари хизмат турларидан иборат.

Жаҳон хўжалигига ўзаро ҳамкорлик энг долзарб муаммо бўлиб турибди. Давр интеграцияни, интеграция бўлганда ҳам кенг миқёсда - капиталлар, ишлаб чиқаришлар, меҳнат интеграциясини тақозо этмода.

Ишлаб чиқаришда ҳалқаро ихтисослашув (ИХИ) – мамлакатлар ўртасида меҳнат тақсимотининг шундай бир шакли назарда тутиладики, бунда дунё миқёсида бир турдаги ишлаб чиқаришнинг жамланиши, меҳнатнинг умумлашуви, миллий ишлаб чиқаришнинг табақалашуви, ички эктиёждан ортган маҳсулотларни тайёрлаш мустақил технологик жараёнларга, алоҳида соҳа, соҳачаларга ажralиши асосида кучайиб, бир – бирини тўлдириб боради. Бу ҳалқаро миқёсда товарлар, хизматлар ва фан - техника билимларини айирбошлашда ўз аксини топади.

Ҳалқаро меҳнат тақсимоти энг аввало моддий ишлаб чиқариш товарларининг ҳалқаро савдоси билан ифодаланади. Шу билан бирга хизматлар айирбошлашни ҳам ўз ичига олади. (Ҳалқаро туризм, молиявий воситачилик фаолияти, транспорт хизмати, кадрларни ўқитиш ва бошқалар)

Дунёнинг кўпчилик мамлакатлари хўжалик киёфасини, уларнинг ҳалқаро ихтисослашувини белгилаб беради. Масалан, Япония радиоэлектроника, робототехника, автомобил, денгиз кемаларининг йирик экспортери хисобланади. Болгария агросаноат маҳсулотлари, кўтарма тр-т жиҳозлари, Саудия Арабистони, Куввайт, Форс кўрфази мамлакатлари нефт экспортига, Замбия миснинг энг йирик экспортори, Бурунди, Уганданинг 80% экспортини кофе ташкил этади.

Ҳар қандай мамлакатнинг ҳалқаро меҳнат тақсимотига жалб этилиши 1-навбатда ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши даражаси билан белгиланади. Шу сабабли индустрисл ривожланган мамлакатлар қимматбаҳо маҳсулотлар, машина ва жиҳозлар, химия саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва ХМТ да етакчи ўринни эгаллайдилар. Ривожланётган мамлакатлар эса минерал ҳом ашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилмоқдалар. Ёки иқтисодий географик ўрнининг қулайлигига (денгиз савдо йўллари) ноқулайлиги (континент ичкарисида жойлашганлиги), қулай табиий шароит, рудали рудасиз қазилма бойликлар, шунингдек кофе, какао, шакар қандга жаҳон бозорида талабнинг мавжудлиги иқтисодиётни юритиши имконини бермокда.

Очик турдаги иқтисодга ўтиш босқичма-босқич амалга ошириладиган жараён бўлиб ФТТ даврида ракобатни кучайтириб юборади. Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, сифатни ошириш, даромадни кўпайтиришда тезкор омил сифатида намоён бўлади.

Мамлакатнинг рақобатбардошлилигини аниқлаш учун кўрсаткичдан иқтисодчи - эксперталар тавсиясидан фойдаланилади. Булар 10 та омилга гурухланади.

1. Иқтисодий салоҳият (потенциал) ва иқтисодий ўсиш суръатлари;
2. Саноат ишлаб чиқаришдаги самарадорлик;
3. Фан - техника ривожланиш даражаси;
4. ХМТ даги иштироки;
5. Ички бозор ривожланиш кўлами;
6. Молия тизимининг тез мослашувчанлиги;
7. Иқтисодни давлат томонидан тартибга солиш сиёсати;
8. Меҳнат ресурсларининг малака даражаси;
9. Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик;
10. Ижтимоий – иқтисодий, ички сиёсит вазият.

Булар АҚШ, Япония, Германия, Швейцария ва бошқа бир қатор мамлакатлар юқоридаги талабларга жавоб беради.

Турли мамлакатлардаги ишлаб чиқариш омиллари тараққиёт даражасининг хилмачиллиги иқтисодий ривожланиш даражасини бирон бир кўрсаткич орқали баҳолашга имкон бермайди. Бунинг иқтисодий ривожланиш суръатлари қуйидагилар:

1. ЯИМ, ЯММ, МД - аҳоли жон бошига хисоби;
2. Тармоклар таркиби;
3. Аҳоли жон бошига хисобланганда асосий маҳсулот турлари ишлаб чиқариш;
4. Аҳоли турмуш даражаси, сифати;
5. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

Иқтисодий тараққиёт даражасини таҳлил этишда ЯИМ, ЯММ нинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлари бош мезон хисобланади. Масалан Саудия Арабистони аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ юкори даражани ташкил этади, лекин боша кўрсаткичлар (иқтисодиётнинг тармоқлар тузилмаси, асосий маҳсулот турлари ишлаб чиқариш) йиғиндисига кўра мамлакатни ривожланган мамлакатлар тоифасига қўшиб бўлмайди. Миллий иқтисодиёт тармоқлари таркиби бўйича хисоб-китоблар қилинганда XXнинг моддий, номоддий тармоқлари ўртасидаги нисбат эътиборлидир, яъни машинасозлик, кимё саноатида ФТТни таъминловчи тармоқларнинг салмоғи юкори эканлигини кўрсатиб беради. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган асосий маҳсулот турлари, уларга доир кўрсаткичлар ҳам мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражасидан далолат беради: булар дон, сут, гўшт, картошка маҳсулотларини аҳоли жон бошига тўғри келиши ҳам муҳим кўрсаткич хисобланади. Ноозик-овкат маҳсулотлари: газлама, кийим-кечак, поябзal, трикотаж кабилар аҳоли жон бошига таксимланиши аҳолининг узок муддатли фойдаланиладиган маҳсулотлар: музлаткич, кир ювиш машиналари, енгил автомобиллар, компьютерлар микдори ўртacha статистик оиласига тўғри келиши, аҳоли турмуш даражасини аниқлаш, “истеъмол савати” (корзина) ва “ҳаёт кечириш минимуми” ни белгилаш аҳолининг турмуш даражасидан далолат беради. Шунингдек, турмуш даражасини аниқлашда

- меҳнат ресурсларининг ахволи (ўртacha умр кўриш аҳолининг маълумот даражаси, асосий озиқ-овкат маҳсулотларининг аҳоли жон бошига истеъмоли-калорияларда, меҳнат ресурсларининг малака даражаси, ҳар 10 минг аҳолига анча ўкувчи-талаба тўғри келиши, ЯИМ да таълим учун харажатлар салмоғи );
- ҳизмат кўрсатиш соҳасининг ривожи (10минг аҳолига тўғри келадиган врачлар сони, ҳар минг кишига тўғри келадиган касалхона ўринлари сони, аҳолининг уй-жой майший ҳизмат турлари билан кай даражада таъминланганлиги)

Жаҳон тажрибасида турмуш сифатини аниқлашда аҳолининг маълумот даражаси, ўртacha умр кўриши, иш ҳафтасининг муддати каби кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси капиталларнинг қуидаги халқаро ҳаракатига оид:

- 1.Мамлакатнинг чет эллардаги инвеститсиялари(активлари) хажмида унинг мамлакат миллий бойлиги билан нисбатига, юксак иқтисодий ривижланиш даражасига эришган мамлакатлар иқтисодиётiga капитал кирғизишда катта имкониятларга эга бўлишига;
- 2.Мамлакатнинг чет эллардаги бевосита (тўғридан - тўғри) инвеститсиялари хажмининг ўз ҳудудларидағи бевосита чет эл инвеститсиялари хажмига нисбати. Бу нисбат халқаро интегратсия жараёнлари анчалик ривожланиб бораётганлигини кўрстади.
- 3.Мамлакат ташки қарзи ҳамда шу қарзининг мамлакатдаги ЯИМ нинг микдорига нисбатан салмоғи кўрсаткичларида акс этади.

Булардан келиб чиқиб, дунёдаги жами мамлакатлар халқаро тажрибада 3 гурӯхга бўлинади: ривожланган мамлакатлар, ривожланаётган мамлакатлар ва бозор иқтисодиётiga ўтиш босқичидаги мамлакатлар.

Ривожланган мамлакатлар гурӯхи 20 мамлакатдан иборат. Иқтисодиёти юкори даражада ривожланган мамлакатларга “саккизлик” мамлакатлар киради: АКШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франсия, Канада, Италия, Россия.

Ривожланаётган мамлакатлар ўзларининг географик ҳолатига қараб турли миңтақаларга, яъни капитални энергияресурсларни экспорт ва импорт қилувчи мамлакатларга бўлинади.

- 1) Уларнинг бирламчи энергия қувватлари (тошкўмир, нефт хом-ашёси, табиий газ, гидроэнергия, атом энергияси) ни ишлаб чиқариши ўз эҳтиёжларидан камида 20%га ортиқча бўлса ;
- 2) Энергия қувватларининг экспорти мамлакатнинг умумий экспорт хажмининг камида 20%ини ташкил этса.Булар янги индустрисал мамлакатлар гурӯхини ташкил этади (Аргентина, Бразилия, Мексика, Тайван, Гонгконг, Сингапур, Жанубий Корея, Туркия, Венесуела ва к).

Ривожланиши орқада қолаётган мамлакатлар гурӯхига 48 та мамлакат киради.Улар хўжаликда тор, якка хокимлик тузилмаларига эга бўлиб, ижтимоий-иктисодий соҳадаги чоратадбирларни молиялаштиришда кўп жиҳатдан ташки манбаларга қарам бўлади. БМТ да

мамлакатларнинг ушбу гуруҳига мансублигини аниқлаш борасида 3 та белгидан фойдаланилади:

1. ЯИМ аҳоли жон бошига ҳисобланганда \$350 дан ошмайди.
2. Ўкиш-ёзишни биладиганлар, ўрта таълим маълумотига эга бўлганлар катта ёшли аҳоли ўртасида 20% дан ортик бўлиши керак.
3. ЯИМдаги қайта ишлаш саноати улуши 10%дан юкори бўлмайди. Бу гурухга Осиёда 8 та, Африкада 28 та, Лотин Америкаси ва Океанияда 5 та мамлакат киради.

**Назорат учун саволлар:**

1. Жаҳон хўжалиги нима?
2. Жаҳон хўжалигининг шаклланиш босқичларига таъриф.
3. Жаҳон хўжалигининг ташқи иқтисодий соҳаси кандай қисмларга бўлиниди?
4. Мамлакат рақобатбардошлигини аниқловчи қандай омилларни биласиз?
5. Мамлакатлар ривожланганлик даражасига кўра қандай гуруҳларга бўлинади?

**13-мавзу.**

## **Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви ва иқтисодий муаммолар.**

Режа:

1. ХИМ моҳияти, ривожланиши босқичлари.
2. Глобализация тушунчаси..
3. Глобал муаммоларнинг даражаси..
4. Глобал муаммоларнинг классификацияси..

Маълумки, ҳар бир давлат бошқа давлат билан маҳсулот айрибошлашни йўлга кўймасдан туриб вужудга келиши ва ривожланиши ҳалқаросавдо муносабатларини келтириб чиқарди. Ишчи кучни таррақий этиши, бир томондан , ишчи ҳажмни кенгайишига олиб келган бўлса , 2 чи томондан мамлакатлараро хўжалик алоқаларининг янада чуқурлашувига имкон туғдирди. Бу, ўз навбатида , ёнилғи, турли хилдаги ҳом-ашёларга , машина асбоб ускуналарга бўлган талабни кескин ошириб , ташқи савдо-сотиқни ривожлантириш, маҳсулотлари айри бошлашни мухим эканлигини тақазо қилди, ҳамда ҳалқаро иқтисодий муносабатларда қатнашишни заруриятга айлантириди. Ҳозирги шароитда ташқи иқтисодий муносабат янада мухим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. ФТТ иқтисодиётдаги структуравий ўзгаришлар ривожланган мамлакатларда янги тармоқлар , ишлаб чиқаришларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу эса баъзи ҳом-ашё турлари , ёнилғи – энергетика маҳсулотлар сотиш импортни кўпайтиришга, маҳсулотлар сотиш бозорларини миллий чегаралардан кўра кенгайтиришга олиб келди.

Жаҳон ишлаб чиқаришининг ва жаҳон савдосининг асосий ўсиши XX асрнинг 2 чи яримиға тўғри келади. Агарда 1900-1950 йиллар ичидаги жаҳон ЯИМ ва савдо 3 мартағи кўпайган бўлса , кейинги 10 йилларда ( 1950-2000 йиллар) жаҳон ишлаб чиқариш ва экспорти мос равишида 6 да 11 мартағдан кўпроқга ошли. Ташқи иқтисодий омил ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётда мухим рол ўйнамоқда. Бу мамлакатлар жаҳон хўжалагига ўзларини табиий ресурсларини арzon ишчи кучларини етказиб бериш билангина чекланиб қолмай , янги технологияларни ўзлаштириб , ўз хўжаликларини интенсив ривожлантириб борадилар.

Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар жаҳон хўжалиги муносабатлари тизимида тез-тез тармоқлашиб турувчи ҳар хил даражадаги комплекс , алоҳида олинган бир мамлакат ва уларинг худудий бирлашмалри , субъектлари , алоҳида ташкилотлар (ТМК) ўртасидаги алоқаларни ўз ичига олади.

Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар механизимига ҳуқуқий нормалар уларини амалга ошириш воситалари ( шартномалар, келишувлар, битимлар, резомоция ва конвенсия) ҳалқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган йўл –йўриқларни амалга оширишни мувофиқлаштирувчи ҳалқаро иқтисодий ташкилотлар киради. Ҳалқаро иқтисодий муносабатларнинг объектив асосини ҳалқаро меҳнат тақсимоти ва жаҳон хўжалиги ташкил қиласи, лекин ХИМ жаҳон хўжалиги вужудга келмасидан аввал ҳам мавжуд бўлган.

Ҳозирги замон жаҳон хўжалиги миллий иқтисодиётлар йиғиндисиданиборат бўлган глобал иқтисодий организм бўлиб ,бозор иқтисодиётининг объектив қонунларига , ҳалқаро меҳнат тақсимотига ишлаб чиқариш ва капиталнинг ҳалқаро аҳамиятга эга бўлиш жараёнига бўйсинади .

Ҳозирги замон жаҳон хўжалигининг ҳусусияти

- Глобаллашув;
- Ривожланишнинг бирлиги ва қарама-қаршилиги ;
- Рақобатнинг кескинлашуви; ва глобал ҳамкорликни ривожлантириш ;
- ТМК нинг ўсиб бориши;
- Давлат ташқи иқтисодий фаолиятини либераллашуви;
- Аксарият мамлакат миллий иқтисодиётининг ёпиқ тизимдан очик тизимга ўтиши;
- Ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётиниг барқарор ривожланишига хос ҳусусиятлар:
  - Иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги;

- Иқтисодий ўсишда ташқи иқтисодий омилнинг ахамиятини ошиши ;
- Молия бозорини глобаллашуви ва миллий иқтисодиётларнинг ўзаро ўзвий боғлиқлигини кучайтириши;
- Худудий интеграция жараёнларининг ривожланиши.

## 1.2 Жаҳон иқтисодиятининг глобаллашуви.

“Глобаллашув” термини 1980 йилда юзага келди ва 1990 йилда расман ишлатила бошлади. Қабул қилинган келишув бўйича қараладиган бўлса, ҳозирги замон коммуникация ва технология маълумотлари асосига кирилган барча мамлакатлар, корхоналар, одамларнинг молиявий- иқтисодий , ижтимоий- сиёсий ва маданий алоқалари қўринишидир.

Иқтисодий глобаллашувни ишлаб чиқарувчи кучлар ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологиялар ва инсон фаолиятининг бошқа соҳаларида эришган ютуқларидан қонуний равишда келиб чиқадиган бир жараён деб қараш керак.

Дунё иқтисодиёти глобализация жараёни ишлаб чиқариш ва капитални интернационалаизациялашнинг қонуни натижасидир. Ҳозрги замон иқтисодиётга консолидация , интеграция ва конвергенция жараёнларини тезлаштириш билан янги сифат кўрсаткичларини берди.

Жаҳон хўжалигининг бош гояси капитал , товарлар ва ҳизматларнинг бир бутун яҳлит бозорини ташкил этиш , мамлакатлар иқтисодиётини бир-бирига яқинлаштириш ва бирлаштириш билан бутун дунё хўжалик кўмплекси мажмуасига асос солишdir.

Глобаллашувни 2томони мавжуд:

Макроиқтисодий даражада глобаллашув мамлакатлар ва алоҳида ҳудудлар чегарасидан ташқарида иқтисодий фаоллика интилишни билдиради. Бу либераллаштириш савдо ва инвестиция тўсиқ ғовлариниг олиб ташланишни эркин тадбиркорлик макомини ташкил этиш ва бошқаларда кўзга ташланади.

Микроиқтисодий даражада глобаллашув деганда корхона ўз фаолиятини\_ички бозордан ташқарига қараб кенгайтириб бориши ва жаҳон бозорига аста-секин чиқиши тушунилади.

ФТТ таъсири остида бўлган ишлаб чиқаришнинг интернационаллашувига олиб келади. Натижада ишлаб чиқаришда ҳалқаро иҳтисослашув ва кооперативлашув суръати кескин ўсти. Айниқса, моиля бозорининг интеграцияси ва глобаллашув жараёни кенг –кулоч ёйди . Ҳалқаро молиявий оқимларнинг хажми ҳалқаро савдо хажмига нисбатан 60 : 1 ни ташкил этди. Умум жаҳон савдоси хамжамиятининг ўсиши умумжаҳон ЯММ ҳажмининг ўсишидан 5 % га кўпроқ ни ташкил етади .

Глобаллашувнинг асосий хусусиятлари:

- Унификациялаштириш (бир ҳил шаклга келтириш) ва стандартлаштириш ;
- Ҳалқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан макроиқтисодий сиёсат солиқ сиёсати, бандлик соҳасидаги сиёсатга нисбатан ягона ўлчамлар жорий қилинди .

Иқтисодий глобаллашув жараёни миллий иқтисодиётлар ва ҳалқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига таъсири хусусида турли фикрлар мавжуд.

1-навбатда саноати ривожланган мамлакатларнинг мавқейини мустахкамлаб уларга кўшимча устунликлар беради ҳамда ривожланишдан орқада қолиб кетган давлатларга цивилизация ютуқларидан баҳраманд бўлишлари учун шароит яратади. Лекин глобаллашув жарайонининг демография, экология ва ҳудудий жиҳатдан ўзининг салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунадай қилиб глобаллашув ижобий ва салбий жиҳатларга эга бўлган жараён деб тушуниш мумкин.

Глобаллашувнинг асосий нуқтаси қуйидаги жиҳат ҳисобланади: бир давлатнинг бошқасига тобеълигига бархам берилиб унинг ўрнига давлатларнинг бир –бирига ўзаро боғлиқ муносабатлари вужудга келади.

Глобаллашув дунёдаги барча коммуникациялар , ер йўлдоши орқали бўлаётган алоқалар реактив авиатранспорт ва бутун дунё ахборот тармоғига уланган шаҳсий компььютерларни хар- бир мамлакатнинг ўз имкониятлари асосида бунёд этиш, ахборотларни қабул қилиш , қидирув ишларини олиб бориш, саралаш, қайта тиклаш, маълумотларни узатиш ва қабул қилишда юксак сифат ўзгартиришларни таъминлайди .

Аста –секин бир-бирига боғлиқ бўлган ягона глобалл иқтисодиёт вужудга келади. Ички маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари ташки савдонинг эҳтиёжига қараб аниқланади, молиявий оқимларнингва капитал ҳаракатининг тезлашиши рўй беради, ишчи кучи миграциясикучаяди. Электрон тармоқлар орқали боғланган технологик айрибошлашларни соддалаштирувчи кўп миллатли корпарациялар мавқе янада мустаҳкамлашади.

Иқтисодиётни глобаллаштиришнинг ҳаётий эканлигини “Саккизлик мамлакатлари геёсиёсий манфаатлари ўзида акс эттириб турибди. Буни аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯММ ҳажмининг аҳоли жон бошига тўғри келиши айтиб ўтиши мумкин.

Дунё тараққиётининг ҳозирги шароитида хеч бир мамлакат, катта энг қудратли ҳисоблангани ҳам якка ҳоким бўлишга қодир емас. Ҳар йили маҳсус эксперталар томонидан дунё мамдакатларининг 64 мамлакати бўйича “Глобаллашув миқёси “Эълон қилинди. Бу мамлакатлар ҳиссасига жаҳон ҳўжалигиниг 84%, жаҳон ЯММнинг 96% тўғри келади.

Глобаллашув рейтингини тузишда 4та асосий параметр ҳисобланган:

1. Иқтисодий интеграция ҳалқаро савдо интеграция ва тўловлар ҳажми бўйича;
  2. Шаҳсий алоқаларни ҳалқаро туризм, ҳалқаро телефон сўзлашувлари, почта жўнатмалари ва пул ўтказмалари ҳажми бўйича;
  3. Ҳалқаро алоқаларни таъминловчи технологияларни – интернетдаги фойдаланувчилар интернет серверлар сони бўйича;
  4. Мамлакатни ҳалқаро сиёсатга тортилганлиги давлатни ҳалқаро ташкилотларга аъзолилиги, чет эл элчиҳоналари ва ваколатхоналари сони бўйича;
- “Глобаллашув индекси” бўйича сўнгги 10та ўринни Эрон, Ҳиндистон Миср, Индонезия, Венесуэлла, Ҳитой, Бангладеш, Туркия, Кения, Бразилия каби мамлакатлар эгаллади. Ўзбекистон Республикаси ҳам глобаллашувнинг турли параметрлари бўйича тобора юқори ўринларни эгаллашга ҳаракат қилмоқда.

### 13-Мавзу.

#### Савол ва топшириқлар:

1. Ҳалқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланишиш босқичини таърифланг.
2. Ҳозирги замон ҳўжалигининг ривожланишини ўзига хос хусусиятлари қай тарзда намоён бўлади?
3. “Глобаллашув иборасининг келиб чиқиши хақида нималар биласиз?
4. Макроиқтисодий даражада глобаллашувни тушинтириб беринг.
5. Глобаллашувнинг асосий хусусиятлари натижаси қандай кўринишда бўлади.
6. Иқтисодий глобаллашувнинг натижаси бўлган “Сакизлик мамлакатлари” иқтисодиётига қиёсий характеристика беринг.



## 14-Мавзу. Иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатлар Режа

### **1. Ривожланаётган мамлакатларнинг гурухланиши ва ўзига хос хусусиятлари 2. Жаҳон иқтисодиётида янги индустрисал мамлакатлар**

XX асрнинг иккинчи яримларидан бошлаб халкаро иқтисодий муносабатлар ривожланишининг купрок ахамияти томонларидан бири, уларнинг собик колониялар ва караш терриорияларидағи роли ва ахамиятини кучайтиришдан иборат булиб хисобланади. Бу мамлакатларни хозирда ривожланаётган мамлакатлар ёки уларни тез тез озод этилган мамлакатлар, “учинчи дунё мамлакатлари”, “жануб” мамлакатлари, “Периферия” мамлакатлари сифатида тилга олишади.

Бу мамлакатларда 3,2 млрд га тенг ахоли яшайди ва улар турли тумандир. Уларда жуда мураккаб ижтимоий-иктисодий жараёнлар кечмокда.

Шунга мувофик, озодликка эришган ммолакатлар ривожланишининг бош тенденциялари XX асрнинг 60 йилларидан бошланиб, тобора ўсиб борувчи характер касб этди. Уларнинг энг илгорлари 1950 йилга келиб, ривожланаётган мамлакатларнинг иктисодий муносабатларида “уртачаларидан” (54 мамлакат) 2,4 марта, нисбатанюксакликка эришди. Асрнинг урталаридан бошлаб, юкорида зикр этилган мамлакатлар ўртасидаги ривожланиш даражисидаги фарқ сезиларли даражада ортиб борди. Шунингдек, 1992 йилга келиб ривожланаётган мамлакатларнинг биринчи гурухига киравчи (19 та мамлакат) мамлакатлардаги ахоли жон бошига “тўғри келувчи уртacha фойда” ўртачаларининг мос даражалигига нисбатан 2,9 баробар, куйи гурухлариникига нисбатан эса 12,2 баробар юкори булди. Ривожланаётган мамлакатларнинг айнан шу гурухларининг таркибида хам узгаришлари вужудга келди. Шунингдек, улар хар бирининг доирасидаги мамлакатларнинг ривожланиш даражалари уртасидаги боялиқда хам узгаришлар юзага келди.

Бу жараёнларнинг натижасида табакалашув иккита асосий кутбдан ташкил топди. Кутбнинг озодликка эришган ммолакатларнинг купрок ривожланганлари жойлашган булиб, уларнинг асосийлари форс курфасида жойлашган бир катор мамлакатлар – Катар, Кувайт, ОАЭ, Багама, Бермуда шунингдек Жанубий-Шаркий Осиё ва Лотин Америкасидаги янги индустрисал мамлакатлари булиб хисобланади. Кутбнинг иккинчи томонидан эса мутлако тургунлик холатидаги камбагал мамлакатлар жойлашгандир. Бу категорияга 48 та мамлакат таъллуклидир. Улар орасида бир катор Африка мамлакатлари, шу жумладан Мозамбик (ЯИМ йилига киши бошига 80 доллар), Эфиопия (100 доллар), Сьера Леоне (140 доллар), Берунди (180 доллар), Уганда (190 доллар), Чад ва Руанди (200 доллар) каби малакатлар мавжуд. Бу гурухга таъллукли мамлакатлардан ташкири, гурух руйхатининг куйи кисмида бир канча Осиё мамлакатлари кайд этилади. Булар: Непал (160 доллар), Бутан ва Вьетнам (170 доллар), Маянма ва бошқалардир.

Ушбу кутблар орасида ривожланаётган дунёнинг колган кисмлари жойлашади. Бу хам уз навбатида, бир хил типа булмаган гурухдир. Унинг таркибида киравчи мамлакатлар куплаб ижтимоий иқтисодий параметрлар буйича фаркланди. Россия омилларининг гувохлик беришича, энг сунгги кутблар орасида хам, уз навбатида табакалашув тенденциялари намоён этувчи ривожланаётган мамлакатларнинг конгломерати жойлашади. Ривожланаётган мамлакатлар табакалашувининг бундай гурухлари баъзи бир мамлакатлар, баъзи бирларининг иқтисодий усиш денамикаларини аниклаб берса, бошка бирларининг эса замонавий халкаро иқтисодий доирасида ахамиятсиз эканлигини курсатади.

Иқтисодий усиш жихатидан анча муваффакиятига эришган ривожланаётган мамлакатлар орасида олдинрок озод булишга улгурган мамлакатлар танлаб олган йуналиш кузга яккол ташланади. Усишнинг янги кутблари пайдо булади “Янги индустрисал” шаклланади.

Ривожланаётган мамлакатларга хос булган барча турли туманликларда характерли томонлар ва ўзига хос хусусиятларида, уларнинг умумийлик сифатида карашга имкон берувчи бир катор умумийликлар ва характеристикаларни алоҳида ажратиб курсатиш мумкин.

Булар каторига куйидагиларни киритиш мумкин:

- Ривожланаётган мамлакатлар иктсодиётнинг куп укладлилик характерини касб этиши;
- Ишлаб чикари кучлари ривожланиши паст даражада эканлиги, саноат, кишлок хужалиги ва ижтимоий инфроструктуранинг колок эканлиги (биринчи гурӯҳ “юкори кутб” мамлакатларини хисобга олмаганда).
- Улар иктисодиёти жаҳон хужалиги системасига бөглиқ эканлиги, капитализмни периферик характер касб этиши.

Бу хилдаги жихатларни атрофлича караб чикамиз.

Ривожланаётган мамлакатлар иктисодиёти куп укладли ижтимоий иктсодий таркибга асосланади. Бир катор мамлакатларда капиталистик уклад билан бир каторда ҳамон ургаймогчилик ва патреалхал муносабатлар ҳам мавжуддир. Ривожланаётган мамлакатлар иктисодиётида давлат ва давлат уклади мухим рол уйнайди давлат секторини ривожлантириш боскичи, капиталистик ишбилармолнликни кенгайтириш сиёсати билан олиб борилади. Бунинг натижасида эса давлат капитализми пайдо булади ва ривожланади.

Ривожланаётган мамлакатларнинг куп укладлиги ҳакида гаприлганда шуни алоҳида таъкидлаб утиши лозимки улар асосан кишлок хужалиги ишлаб чикишининг мавкеи юкори булган кишлок хужалиги мамлактлари хисобланади.

Кичик товар хужалиги бевосита патриархал ва натурал муносабатларнинг кенг таркалганлиги боис, кишлок хужалигига юкори ахамиятга эгадир.

Озодликка эришган мамлакатларда амал килувчи хусусий капиталистик уклад уз ичига капиталистик мулкчиликнинг турли формаларини камраб олади.

Ривожланаётган мамлакатлар бир-биридан хусусий капиталистик муносабатларнинг ривожланиш даражаси буйича фарқ килади. Иктисодий жихатдан анча илгарилаб кетган ривожланаётган мамлакатларнинг капиталистик бозор муносабатлари системали тузилиш аломатларини касб этади. Шунингдек бир катор мамлакатларда давлат – монополистк капитализми аломатларининг шаклланиши руй беради. Нисбатан паст даражада ривожланаётган мамлакатлар гурухларида миллий-хусусий капиталистик уклад эндиғина шаклланиш палласида турибди.

Миллий хусусий капиталистик уклад аломатларининг ривожланиш ва шаклланиши, жамғариш муаммолари (яъни пул ресурсларинингтишмовчилиги билан) ва жамғарилган маблаглар, асосан савдога, (ички ва ташки), кучмас мулкларни сотиб олишга, машиналарни таъмирлашга страхованияга, бензин куйиш ва бошқалар, шунингдек сармояларни катта кисми айланадиган жойларга йуналтирилади. Ишлаб чикириш соҳасида капитал факатгина кулай шарт-шароитларни яратиш максадида сарф килинади. Аммо аксарият холларда озодликка эришган мамлакатлар иктисодиётида хорижий сармоялар асосий мавкеини эгаллаган булиб, улар одатда махаллий тадбиркорларга нисбатан ен беришни истамайдилар.

Озодликка эришган мамлакатларнинг купчилигига пайдо буладиган ва ривожланиб борадиган капитализм периферик характер касб этади. Бу шуни англатадики, у саноати ривожланган мамлакатлар капитализмидан нафакат ривожланиш даражаси буйича, балки энг мухими, ишлаб чикириш усуулларнинг модели ва моддий неъматлар таксиоти буйича ҳам тубдан фарқ килади. Капитализм марказлари, жамғарининг органик ва узаро алокадор доимий усиш жараённида, миллий заминда пайдо булади ва ривожланади. Бу ерда жадал элементлари ривожланишидаги бөгликлек мавжуд эмасдур. Мослашувчанлик (имитация) ахолининг бой, катламлари узлари учун зарурий булган барча нарсаларни кулга кирита оладиган махсус бозорларнинг ташкил топишидан бошланди. Бундай вазият. Ахолининг асосий кисмини камбагалликка махкум этиб, уларни бозорларда эркин муомалада булиш имкониятидан маҳрум этади.

Трансмиллий корпорациялар томонидан жорий килинган янги техникалар одатда кечангич кун мос келади, аммо уларнинг бозор нархлари жуда юкоридир.

Периферик капитализмининг ривожланиши асинхроник, нотенг холатда амалга ошади. Иктисодий усиш ва сиёсий демократия паралел равишда ривожланмай, балки купинча тескарихолатда булиб, бир-биридан сезиларли кадарузолашиб боради. Баъзи бор ривожланаётган мамлакатлар приферик капитализм моделини жорийкилар экан, уни четлаб

утиш максадида купчилик холларда узига хосликларни хисобга олиб, ички кучлар ва маблагларни топиш оркали тараккиётнинг юкори чуккилари томон, харакат килмокдалар.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларнинг ухшаш томонлари, уларнинг кашшоклиги, ахолисининг колоклиги, ишсизлик даражасининг юкорилиги, саноати ривожланган мамалакатларда катта микдорда карздорлиги булиб хисобланади. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар узининг тулаконли ижтимоий ривожланиши, ахолисининг яшаш даражаси буйича. Шимолнинг саноатлашган илгор мамлакатларидан 20-50 маротаба оркада колмокда.

Халкаро меҳнат таксимотида актив иштирок этиш, жаҳон хужалиги алокаларининг анча ривожланган системаси, оддий ва молиявий ресурсларнинг мамлакатлар аро оқиб юрадиган кисми, иктсадий тараккиётнинг чексиз шарт-шароитларига айланаб колди. Мустакил давлат сифатида жаҳон хамжамиятида иштирок этиш оркали, ривожланаётган мамлакатларнинг барчаси 70 йилларнинг бошларидан эътиборан халкаро меҳнат таксимотида катнашиш учун актив равишда интилмокдалар.

Уларнинг халкаро меҳнат таксимотида актив иштирок этиш зарурияти шундай асосланиб бериладики, улар тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун заркрый булган барча нарсаларни етишириш имкониятига эга эмасдирлар. Хозирги пайтда улар саноати ривожланган мамлакатлар учун хом ашӣ етишириб берувчилар хамда нисбатан арzon ишчи кучларининг манбаи булиб хисобланадилар.

Халкаро меҳнат тақсимотида кўплаб хўжалик фаолияти доиралари жамлангандир. Энг муҳими, халкаро савдо базаларини ташкил этувчи хом ашёлар ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш барча иктисадий ресурсларнинг тасарруф этилиши мумкин бўлган қисмларини ривожланаётган мамлакатлар ва бошка дунёлар ўртасидаги алмашинувини таъминлайди. Халкаро савдо асосан, энг камбагал ривожланаётган мамлакатлар учун ташки даромадларнинг анча ишончли манбаи бўлиб қолади. Аммо, материал ва энергия сифимининг камайиши муносабати ривожланган мамлакатнинг ўсишида табиий хом ашёларнинг халкаро савдодаги тутган ўрни пасайиб бориш аник тенденцияларга эгадир. Шунга мувофик, у 1991 йилда жаҳон экспорти умумий улушининг 25% ини ташкил этади. Бир вактнинг ўзида, бир катор анъанавий товарларни кузда тутганда айнан уша ривожланаётган мамлакатлар уртасида улашларнинг кайта таксимланиши содир бўлаётир. Шунга кура, 70 йилларда 90 йилларга кадар, Африкадаги ривожланаётган мамалакатларнинг умумий экспорт хажмидаги улуши кискариб борганлиги кайд этилади. У Осий мамлакатларидан жўнатилаётган молларнинг доимий ўсаётганлигига карамасдан, 2 баробардан кўпроқ пасайиб кетади. Экспортни асоси хам ашёлардан иборат булган ривожланаётган мамлакатларда, уларнинг жаҳон бозорида эгаллаб турган позицияларининг ёмонлашувини тухтатиш имкониятига эга булган кўшимча экспорт ресурсларини излаб топишга кучли эҳтиёж сезилмокда. Бунинг учун, экспортнинг хилмасхиллигини таъминлаш: яъни чикариладиган хом ашёларни кайта ишлаш, бошка турдаги саноат маҳсулотлари ва бошкаларнинг жаҳон бозоридаги эркин харакатини таъминлаш, энг муҳим устувор йуналишлардан бири булиб колмокда.

Анъанавий товарлар экспорти хажмини кенгайтириш борасидаги кўпчилик муаммоларга карамасдан, ривожланаётган мамлакатларнинг умумий жаҳон экспортидаги улуши секин асталик билан ошиб бормокда. Шунингдек, у 1987 йилдаги 22% урнига 1992 йилга келиб 24,7% га кадар ортди. 1993 йилга келиб, улар экспортнинг физик хажми, саноати ривожланаётган мамлакатларда 1,2 % га кискарғанига карамасдан, яна 10% га ортди. Ривожланаётган мамлакатлар жами экспортни таркиблаштириш жараёни содир булмокда. Шунингдек, ривожланаётган мамлакатлар экспортидиги саноат молларнинг улуши (рангли материалларни хисобга олганда) 1991 йилда 57,7% га етди. (минералли иситгичлар хисобга олинмаган 77,3%). Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон саноати экспортидаги улуши хам усиб бормокда. У 1991 йилда, 1980 йилдаги – 11: ва 1970 йилдаги – 7,6% га нисбатан таккослаганда 19,5%га етди. 90 йиллар ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон экспортидаги улуши доимий усиш тенденциясига эга, бўлганлиги хакида гувоҳлик беради. 90 йилларнинг ўрталарида уларнинг улуши саноат моллари экспорт хажмининг ўсиши муносабати билан 25% га купиди.

Саноат экспорт хажмининг усишида, машина ва асбоб – ускуналар энг муҳим роль уйнайди. Уларни экспорт килиш 1970-1991 йиллар оралгидан 90 маротаба якин усиб боради ва

уларнинг усишида саноатнинг умумий улуси 35,7% ни ва товар экспортининг умумий хажми 22% ни ташкил этади. Умумий маълумотларга караганда, жаҳон саноати экспортида ривожланаётган мамлакатлар улушининг ортиб бориши, мохият ва масштаб жихатдан алоҳида мамлакатлар эришган турли хилдаги ютуклардан ташкел топади. Шунингдек, баъзи бир мамлакатлар 1980-1992 йиллар мобайнида хом ашёларни четга чиқариш хисобига узларининг халкаро меҳнат таксимотида катнашиш имкониятларини кучайтиришга эришдилар. (тахминан. Уларнинг сони 12 мамлактни: Эрон, Конго, Боливия, Парагвай ва бошкalarни узичига олади). Бошка мамлакатлар эса, узларининг жаҳон экспортидаги шахсий улушларини, саноатда кайта ишланадиган махсулотларнинг ташки бозордаги актив харакати хисобига ошириб бордилар. Ўз навбатида, мазкур гурухлар уртасидаги алоҳида мамлакатлар эришган муваффакиятлар хам алоҳида ажратиб курсатилади. Олдинги ўринда “янги индустрналмамлакатлар” бормокда. Бошка ривожланаётган мамлакатлар эса, экспортнинг асосини ташкил этувчи саноатни кучайтириш ва кенгайтириш борасида энг кам улушни кулга киритдилар. Баъзи бирлари эса, масалан, Африканинг энг йирик мамлакати хисобланмиш Нигерия, узларининг саноат экспортидаги улусларини кискаририб ташладилар.

Халкаро савдо мисолида, ривожланаётган мамлакатларнинг халкаро меҳнат таксимотида иштирок этиш натижаларини баҳолаш орқали жаҳон хужалиги тизимининг бутунлай нотенглик асосида курилганлигини куриш мумкин. Баъзи бир мамлакатлар ФТТ ютукларидан фойдаланаётган бир пайтда, ривожланаётган дунёнинг колган кисми олдиндек анъанавий индустрналлашувига, баъзи бир кисми эса индустрналлашувигача бўлган технологияларга асосланиб тараккий этмокда.

Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон иктисадиётидаги ахволи билан бөглиқ булган умумий холатларни характерлаш орқали шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, колок ривожланган мамлакатлар борган сари халкаро иктисадий муносабатлар тизимидан “ажратиб” куйилади. Бу билан бөглиқ булган фикрлар 1996 йилда савдо ва ривожланишга бағишилаб ўтказилган (ЮНКТАД). БМТ конференциясида тақдим этилган (доклад) маърузаларининг авторлари томонидан келтириб утилган.

Доклад авторларининг фикрича Уругвай, Раунди, доирасида амал килучви глобал савдо битими маконини олган ГАТТ – кишлок хужалиги махсулотларини экспорт килишда субсидитларини кискаририш кераклигини таъкидлаб утади. Бундай вазият, кучизз ривожланган мамлакатларга нисбатан кучли зарба булиб туради. Бугодай. Канд, гушт ва бошка турдаги озик-овкат махсулотларининг бозор нархлари ошиб бормокда. 2000 йилга бориб, энг камбагал мамлакатларнинг жами йиллик савдо камомади 300-600 млрд. долларга усади.

Дунё савдосида хом-ашёлар ва озик-овкат махсулотлари улушининг кискариши муносабати билан уларни ишлаб чиқаришга булган ихтисослашув ўзининг етакчилик ролини йукотди. Иктисадий усиши куллаб-куватлаш максадидаги хом-ашёвий ихтисослашув вактигина узининг ёрдамчилиги ролини бажаришга кодирдир. Иктисадий усишига нисбатан зарурий булган денимикани беришда, халкаро иктиодий алмашувиниг оддий саноат товарлари ва хизматлари бозор каби шундай доирасини узлаштириш лозимки, бунда меҳнат сигими анча юкори булади. Халкаро савдонинг ривожланиш тенденциялари гувоҳлик берадики; сунгги ун йилликларда турли хилдаги хизматларнинг хажми ва ахамияти бекиёс даражада усиб даражада усиб бормокда.

Ривожланаётган мамлакатлар узларининг бу йулдаги имкониятларидан актив равишда фойдаланишлари мумкин ва фойдаланмокдалар хам. Масалан, сайёхлик ва меҳнат билан бөглиқ хизматлар турли хилдаги “ифлос” ва паст маош туланадиган ишлар учун ишчи кучларини экспорт килиш шулар жумласидандир.

Сайёхлик куп пайтдан бўён, кўпчилик ривожланаётган малакатлар учун хорижий валюталар тушумининг асосий манбаларидан бирига айланаб колди. Шунингдек, Египит учун туризм СКВни манбаларининг ахамияти буйича, хорижий мамлакатларда вактинчалик банд бўлган египитлик ишчилар хисобидан ўтказиладиган валюталар ва хорижий ёрдамлардан кейинги учинчи ўринни эгалайди. Сунги йилларда туризм Туркияда юкори суратлар билан ривожланиб бормокда. Бу кўрсаткич туризмнинг умум жаҳон микиёсидаги 4% ли усиш курсаткичи билан такосланганда, йилига 8%ни ташкил этади. Туркия купрок миллий

иктисодиёт ушбу тармогининг динамик ривожланиши билан фарк килувчи беш мамлакат каторига киритилади. Шу нарса кутиладики, 2005 йилга бориб бу мамлакат сайёхликдан тушадиган даромаднинг улчами буйича дунёда бчи уринни эгалайди.

Туркия рекрацион хизматларнинг паст баҳолари билан боғлик бўлган имкониятларига мөффиқ асосий ракиблар хисобланиш Греция ва Испанияда булган ракобатда галаба козониш эҳтимолига эгадир. Сунги йилларда ишчи кучларини экспорт килишдан келадиган валюта тушумлари айнан ривожланаётган мамлакатларда анча юкори суратлари билан ўсилига 10% ни ташкил этди. Бу манбаларда сезиларли суммаларни кулга киритаётib, купчилик ривожланаётган мамлакатлар ишчи хизматлар бўйича узларига мос булган экспорт ихтисослашувларини яратмокдалар. У кисман, валюта булиб хисобланади. 80 йилларнинг бошлардан эътиборан токи хозирги вақтга кадар ишчи кучларини экспорт килиш, Покистон иктиносидиётига антисасарали таъсир курсатмокда. Покистон учун хорижий мамлакатлардаги ишчилар хисобидан ўтказилаётган валюта тушумлари, товарлар ва хизматларни экспорт киладиган тушумлардан беш маротаба ортиқдир. Бу курсаткич Египт учун 4040ни, Марокко учун – 50%, Туркия учун – 60 Хиндистон учун – 80%ни ташкил этади.

“Кашшоқлик боткоги”дан кутилишга интилиш, иктиносидиётнинг илгор тармоклари ривожланишга имконият яратиш, иктиносидиётнинг барча тармокларини ривожлантириш, ривожланаётган мамлакатлардан хорижий сармояларни изчил жалб килишни талаб этади. Бундай максадларда, инвестиция мухим кафолат шарт-шароити мавжуд булган маҳсус иктисодий зоналар ташкил этилади.

Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларни кучайтириб бериш жарёни осон кечмади. Шунингдек 1992 йилда ривожланаётган мамлакатларга киртилган тўғридан-тўғри инвестицияларнинг микдори 51,5 млрд. долларни ташкил этган даражасига нисбатан иккى баробардан ҳам кўпроқдир. Жаҳон банкининг маълумотига караганда, ривожланаётган мамлакатлар иктиносидиётига хусусий капиталларни жалб килиш 1994 йилга келиб янада кучайди ва 1990-93йиллари оралигидаги даврлар билан таққослагандан унинг ўсиш даражаси тез кискарғанлигига карамасанд, унинг микдори 173 млрд. долларга teng булган рекорд натижага эришди. Шунга карамасдан, янги фонд бозорларидағи акцияларга банд этилган партфель куйилмалар 1993 йилдаги 46,9 млрд. долларга teng бўлган рекорд даражадан 39,5 млрд. долларга кадар пасайиб борди. Ўз навбатида банкларда депонинтланган ва облигацияларга куйилган хусусий сармояларнинг киймати 45,7 млрд. доллардан 55,5 млрд. долларга кадар ўсиб борди, тўғрисидан тўғри хорижий инвестициялар эса 66,6 млрд. доллардан 77,9 млрд. долларга кадар ошди. Кайд этиб ўтиш жоизки, 1993 йилда ривожланаётган мамлакатларнинг ўзлари ҳам 14 млрд. доллар микдоридаги сармояни хорижий мамлакатларга экспорт қилдилар.

“Эрнест ва Янг” америка консолтинг фирмаларнинг берган баҳоларига кўра яқин йилларда ривожланаётган мамлакатлардан энг кўзга кўринганлари: Хитой, Хиндистон, Индонезия, шунингдек Мексика ва Бразилия каби мамлакатлар бўлиши мумкин.

Ривожланаётган мамлакатлар хусисий сармояларини жалб килар экан энг мухими, улар динамикали ўсиш имкониятига эга бўлган ва иктиносидиётнинг истикболи порлок бўлган мамлакатлар томон илгарилаб бормокда. Бугунги кунда хусусий инвестицияларнинг 80% ривожланаётган мамлакатларнинг 20404га тўғри келмоқда. Бунда асосий ўринни Шаркий Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатлари эгалламокда. Кучсиз ривожланаётган мамлакатлар иктиносидиётининг туйргунлиги ва энг мухим сиёсий вазиятнинг барқарорлиги, купинча саноати ривожланаётган мамлакатлардан келаётган ишбилармон доираларни чучитиб куймоқда. Ушбу мамлакатлар томонидан уюштирилаётган давлат ёрдамлари, сунги йилликлар давомида етарли даражада баркарор амалга оширилган булиб, 90 йилларининг урталаридан этиборан уларнинг микдори сезиларли даражада кискартирилган. Халкаро валюта фонди анализатор маълумотларга караганда 1994 йилда бутун дунё буйича инфляциянинг олдини олиш максадида давлат йкллари оркали 59 млрд. долларга teng булган расмий ёрдамлар уюштирилган булиб, бу кўрсатгич 1993 йилдагига нисбатан 3 млрд долларга камдир. Ривожланган мамлакатларнинг ривожланаётган мамлакатлар билан узаро давлат микиёсида ҳамкорлиги узининг мёрига етган 1990 йилдаги даражаси билан таққослаб курилганда, бу ракам 12 млрд. долларга камайиб борган. Бу пайтда иктисодий ҳамкорлик ва ривожланиш

ташкилоти томонидан уюштирилаётган ёрдам хаммаси булиб, улар жами ялпи миллий маҳсулотнинг 0,3% ини ташкил этган мухим томони шундаки, Африка мамлакатларига нисбатан уюштирилаётган барча ташки ёрдамнинг карзларнинг фоймзлари шаклида гарбги томон койтиб кетмокда, 90 йилнинг ургаларида Африканинг Сахарадан жанубга булган минтакасидаги мамлакатларнинг карзлари 211млрд. долларни ташкил этган булса, 1984 йилдан бўён Африка давлатлари кредитларига карзларининг 150млрд долларига якини тулашга мувофак булдилар . Африканинг барча минтакаларидағи умумий карзлари 303 млрд. долларни ташкил этиб, у Африка мамлакатлари йиллик экспорт даромадларининг 204% гача тенгdir.

1994 йилнинг охирига келиб энг катта ташки карз Мексика ва Хитойда бўлиб, унинг микдори Мексикада 5 млрд. долларни , Хитойда 111 млрд. долларни ташкил этади. Осиё мамлакатлари булиб хисобланувчи- Тайланд, Жанубий Корея, Хиндистон, Филиппин каби давлатларнинг ташки қарзлари тез суратлар билан ўсиб борокда. Осиё минтакаси ривожланаётган мамлакатларнинг дунё микёсида усиб бораётган карзларининг ярмисига якинини ўзи жамлаган бўлиб, унинг микдори 1994 йилнинг охирига келиб, 1,7 трлн. долларни ташкил этди ёки 1993 йилги даражага нисбатан 10% юкоридир. Ташки карздорларнинг бундай ўсиши, янги давр тарихада эришилган рекорд натижка булди.

Лотин Америка мамлакатлари ташки қарзларининг ўсиб бораётганлиги ҳам бир неча бора кўрсатилди 3% мавжуд ташки қарзларни аҳоли жон бошига нисбатан ҳисобланганда мазкур мамлакатлари бошқа мамлакатларга караганда анча олдинда туроди бу кўрсатгач Осиёда 250 долларга тенг булса, Лотин Америкасида эса 1000 долларни ташкил этади.

Ривожланаётган мамлакатлар амалдаги карзлари хусусий капитал қўйилмалари хисобтдаги мулкий муносабатлар оркали тўпланиб боради. Кредитор мамлакатлар орасида Япония биринчи ўринни эгаллаган булиб, унинг ривожланаётган мамлакатлардаги , биринчи навбатда Осиё мамлакатларидаги кредитларининг микдори 236 млрд. долларга етди. Кейинги ўринни – 147 млрд. доллар микдоридаги кўрсаткич билан АКШ эгаллаган бўлиб, уларнинг ярмиси Лотин Америкаси мамлакатларига тўғри келади. Учинчи ўринда эса Германия туроди – 106 млрд. доллар микдоридаги сармояларни четга чиқарган мамлакат булиб хисобланади. Ўз навбатида Франция хамхорижий мамлакатларга унча катта микдорда булмаган кредитларни берувчи давлат хисобланади – унинг микдори 103 млрд. долларни ташкил этади. Унинг карздорлари булиб, асосан Африка ва Осиё мамлакатлари булиб хисобланади.

Ривожланаётган мамлакатлар томонидан карзларнинг кайтарилиши энг оғир муаммо бўлиб колаётган бир пайтда, карздорликка карши курашнинг бирдан-бир йули, бу кредитормамлакатлар карзларининг кечиб юбориладиган умумий микдорини 75-100%га етказиш кўзда тутилган бўлиб, бундан кўзланган бош максад, 80 йиллардан бўён карзларининг микдори юкори суръатлар билан ўсиб келаётган мамлакатларга нисбатан енгиллик беришдан иборатdir.

Юкорида таъкидлаб ўтилганидек, янги халқлар меҳнат таксимоти, кўпчилик холларда трансмиллий корпорациялар томонидан шакллантирилади. Улар айнан ривожланаётган мамлакатларни ўз манфаат зоналари деб билиб, уз ишлаб чиқаришларини ушбу зоналарга жойлаштирадиларки, у ерда ишлаб чиқаришни ташкилд этиш иктисадий ва технологик жихатдан юкори фойда келтиради.

Трансмиллий корпорациялар ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг кенгайиши асосан 80 йиллардан бошлиди. Бунга куп жихатдан , ривожланаётган мамлакатларда қабул қилинган тўғридан-тўғри ҳорижий инвестициялар ҳакидаги бир катор конунларнинг кайта кўриб чиқилиши , катта имкониятлар яратди. Бу йилларда трансмиллий корпорациялар ва ривожланаётган мамлакатлар уртасида пайдо буладиган хар хил келишмовчилик холатларнинг суд оркали мухокама этилиши камайиб бераётганлиги ва кандай холатларга бархам бераётганлиги кайд этилади.

Трансмиллий корпорациялар кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда юксак ўзгаришларни вужудга келтираётганлиги билан бар каторда, ушбу корпорациялар техник тараққиётининг ички омилларига жуда катта имкониятлар очиб бермокда. Амалиёт шуни курсатмоқдаки, трансмиллий корпорациялар “учинчи дунё” мамлакатларининг ривожланишида юксак ахамият касб этмоқда. Булар куйидагиларни ўз ичига олади:

◆ Бир қатор тармокларда кўлланиладиган техника ва технологиялар етказиб бериш (енгил саноат, тукимачилик саноати, электрон саноати). Трансмиллий корпорациялар инвестор сифатида хам, шунингдек инвестиция товарлари ёки технологияларини (лицензияларини) етказиб берувчилар сифатида хам мухим роль уйнайди.

◆ Ривожланаётган мамлакатларни хом ашё экспорт килувчилардан тайёр маҳсулотларнинг сотувчиларига айлантириш. Бундай бевосита қўйилма, ривожланаётган мамлакатлар ишлаб чикаришдаги таркибий ўзгаришлар учун тўғридан тўғри инвестициялар йўналишидаги молиявий ресурсларни оддий жойлаштиришга нисбатан анча мухим ҳисобланади.

◆ Шу жумладан, трансмиллий корпорациялар анъанавий жараёнларининг тезлашувини таъминлайди. Технологик инновацилар асосан саноати ривожланган мамлакатларда тупланган булиб, сунгги 10 йилликларда улар бир қатор мамлакатларда, асосан “янги индустрисал мухитда” купрок таркалгандир. Технологияларни кулланиши, атроф-мухит билан боғлик бўлиши мумкин. ТМК филиалларининг фаолияти улар танлаган мамлакатларнинг табиати учун, шунингдек инсонларнинг манфаати ва уларнинг хаётига таҳдид солмаслиги лозим. Шу муносабат билан хусусий шунингдек хорижий корхоналар устидан назоратни ўрнатиш аксадида ривожланаётган мамлакатлардаги тартибот миллий органларининг фаолиятини кучайтириш талаб этилади.

◆ Шунингдек, ТМКлар ривожланаётган мамлакатлардаги мавжуд бандлик муаммоларини хам бартараф этадилар. Шунга қарамасдан таъкидлаб утиш жоизки, тугридан – тугри инвестициялар билан бевосита боғлик булган ишчи уринлар унчалик куп булмасдан ривожланаётган дунёдаги иктисодий актив ахолининг 1% идан камрок кисмини таъминлай олади.

◆ Халкаро ташкилотлар ривожланаётган мамлакатларга техник ёрдамларини кўрсатиша ТМКлар имкониятидан фойдаланиши таклиф этадилар. Уз навбатида ривожланаётган мамлакатлар хукуматлари хам ТМКларни уз иктисодиётигага кўпроқ жалбэтиш борасида кураш олиб бормоқдалар. Бунга куйидаги мисолни келтириб утишимиз мумкин:

“Женерал моторс” америка компанияси 2005 йилга бориб узининг осиё –тинч океани минтакаси бозоридаги улушкини икки баробарга ошириш максадида, унинг 10% га кадар купайтиришга харакат килмоқда. Бундай максадларда компания Филиппинда ёки Таиландда киймати 1 млрд. Долларга тент булган машина ва эҳтиёт кисмлар ишлаб чикарувчи заводни бунёд этишга харакат килмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, Таиланд автомобил бозорларининг ривожланиши учун энг кулагай жой булиб ҳисобланади. Шунинг билан бир қаторда, Филиппин хам “Женерал моторс” компаниясига солик ва бож енгилликлари билан боғлик булган бир қатор шарт –шароитларни таклиф этмоқдаки, буларнинг барчаси завод курилиши билан боғлиқдир.

Жаҳон хужалиги ва халкаро иктисодий муносабатлар ривожланишининг объектив конунларига буйсунган холда, ривожланаётган мамлакатлар хусусий максадлар билан ижтимоий –иктисодий муаммоларнинг хамда ТМКларнинг мамлакатлар иктисодиётидаги манфаатларига мос келувчи зарурий параметрларни излаб топмоқдалар.

### **Ўз-ўзини текшириши учун саволлар**

1. Ривожланаётган мамлакатларнинг ҳақаро меҳнат тақсимотидаги роли, қай тарзда ва нима сабабдан ўзгариб борди?
2. Ривожланаётган мамлакатлар иктисодини замонавийлаштиришнинг асосий йўл ва усуслари
3. Саноат маҳсулотлари халкаро бозорида ривожланаётган мамлакатларнинг ўрни ва аҳамияти
4. Жануби-Шарқий Осиё янги индустрисал мамлакатлар иктисоди ва ривожланишининг хусусиятлари.

## **15-Мавзу. Ривожланган мамлакатлар**

### **Режа**

- 1. Ривожланган давлатларнинг умумий тавсифи**
- 2. Халқаро корпорацияларнинг жаҳон иқтисодиётидаги роли**

БМТ экспертларининг фикрича Трансмиллий корпорациялар (ТМК) “жаҳон иқтисодининг двигателлари”дир. БМТнинг транслацион корпорациялар хакидаги докладларидан бири худди шундай деб номланган эди. 90-йилларнинг урталарида келиб жаҳонда 40 мингта ТМК мавжуд эди. Улар уз давлатларидан ташкарида 250 мингга якин шуъба корхоналарини назорат киладилар. Уларнинг сони охирги йигирма йил мобайнида 5 баробар купайди (1970 йилда 7мингта бундай фирма руйхатга олинган эди).

100та энг йирик халқаро компанияларнинг 40% мулки (шу жумладан молиявий мулки) бошка давлатлар худудмда жойлашган. Трансмиллий корпорацияларнинг асосий кисми АКШ, ЕИ давлатлари ва Японияда жойлашган. ТМК жаҳон саноат ишлаб чикишининг 40%игача, халқаро савдонинг ярмини назорат киладилар. ТМК корхоналарида ишлаб чикирган маҳсулотларнинг микдори йилига 1 трлн. долл.дан ошиб кетади. Уларда 73 млн.дан ортик киши ишлайди, яъни жаҳонда банд ахолининг ундан бир кисми.

Хуш, трансмиллий корпорациялар нима, уларга канака компаниялар киради? Анъанавий равишда халқаро корпорациялар фаолиятини ўрганадиган БМТ узок вакт мобайнида уларга йиллик айланмаси 100 млн. долл.дан ошувчи ва камида 6 давлатда филиали булган фирмаларни кушарди. Кейинги йилларда бошка бир курсаткич: резидент-давлатдан ташкарида сотилган маҳсулотлар микдори киритилди. Бу кўрсаткич бўйича жаҳонда Швейцариянинг “Нестле” фирмаси (98%) илғорлардан бири саналади.

БМТ методологиясига кўра халқаро корпорацияни унинг активлари структурасига қараб хам аниқлаш мумкин. Трансмиллий корпорациялар ичида энг кўп хорижий активга (молия сектори-трансмиллий банклардан ташкари) Англия-Голландия концерни “Рояль-Датч шелл”, кейин АКШнинг 4 фирмаси: “Форд”, “Женерат моторс”, “Эксон” ва “ИБМ” эгадирлар.

Гарб иқтисодий адабиётида халқаро монополияларнинг кўплаб турларини учратиш мумкин: кўпмиллий корпорациялар, байналмилал корпорациялар, Трансмиллий корпорациялар, глобал корпорациялар ва х.к. Ф.Котлер ташкилий тамойиллар асосида айнан ана шундай халқаро компанияларни кўрсатади.

Россиялик иқтисодчилар, одатда, куйидаги классификацияни берадилар.

1. Трансмиллий корпорациялар - бу хорижий активга эга булган миллий монополиялар. Уларнинг ишлаб чикиш ва савдо-сотик фаолиятлари бир давлат чегарасидан чишиб кетади.

Корпорация деб АКШда хиссадорлик жамиятини айтишади. Замонавий Трансмиллий корпорацияларнинг кўпчилиги Америка компанияларининг экспансияси туфайли вужудга келганлиги туфайли бу термин кириб келди.

Трансмиллий корпорацияларнинг хукукий режими филиаллар ва шуъба корхоналари ташкил этиш оркали турли давлатларда фаолият юритишни назарда тутади. Бу компаниялар нисбатан мустакил бўлган ишлаб чикиш ва тайёр маҳсулотларни сотиш, илмий тадқикот, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш хизматларига эгадирлар.

Умуман улар ягона ишлаб чикиш-сотиш мажмуини ташкил этадилар ва бу мажмууда хиссадорлик капиталга фактат таъсисчи давлат эгалик қиласи. Шу билан бирга филиал ва шуъба корхоналари аралаш корхоналар булиши ва уларда миллий капитал устунлик килиши мумкин.

Купмиллий корпорациялар (КМК) - ишлаб чикиш ва илмий тадқикотчилик асосида бир неча давлат миллий корпорацияларини бирлаштирувчи халқаро корпорациядир. Бунга 1907 йилдан буён мавжуд булган Англия - Голландия “Рояль-Датч шелл” концернини курсатиш мумкин. Бу компаниянинг хозирги капитали 60:40 нисбатда таксимланган. Купмиллий корпорацияларга машинасозлик, электрон инженерияга ихтисослашган, Европада машхур Швейцария-Швеция АВВ (Asea Brown Bovery) компаниясини курсатиш мумкин.

Европанинг илгор Купмиллий корпорациялари каторига Англия-Голландия химия-технология концерни “Юнилевер”ни хам кушиш мумкин.

Трансмиллий ва Купмиллий корпорацияларга халкаро компаниялар ичида ажралиб турувчи глобал корпорацияларни (ГК) хам кўшиш керак. Улар 80-йилларда вужудга келдирилар ва кучга кириб бормоқдалар. Глобал корпорациялар замонавий жаҳон молия капиталининг бутун курдатини намоён киладилар. Глобализацияга купрок химия, электротехника, электрон, нефть, автомобиль, ахборот, банк ва бошка бир неча соҳалар мойилдирлар.

Трансмиллий корпорациялар пайдо бўлишига сабаб нима?

Улар пайдо булишининг энг умумий сабаби миллий-давлат чегараларидан чиқиб кетган ишлаб чикариш кучларининг ривожланиши асосида ишлаб чикариш ва капиталнинг байналмилаллашуви.

Ишлаб чикариш ва капиталнинг байналмилаллашуви йирик компаниялар томонидан хорижда уз булимларини ташкил этиши ва миллий корпорацияларнинг трансмиллий корпорацияларга айланиши оркали экспансия характеристига эга булади. Капитал олиб чикиш халкаро корпорацияларнинг шаклланиши ва ривожланишининг энг муҳим омилига айланмоқда.

Трансмиллий корпорациялар вужудга келишининг аник сабаблари каторига хаддан ошик фойда олишга интилишни курсатиш мумкин. Уз навбатида, утқир ракобат, бу курашда тирик колиш зарурияти хам халкаро микёсда ишлаб чикариш ва капиталнинг концентрацияси ва ТМК пайдо булишига олиб келди.

Жаҳон хужалигида руй берувчи иктисадий жараёнларнинг объектив натижаси сифатида вужудга келган трансмиллий корпорациялар кайор узига хос хусусиятларга эга. ТМК халкаро меҳнат таксимотининг фаол иштирокчиси булиб унинг ривожланишига уз хиссаларини кушадилар.

Трансмиллий корпорациялар капиталининг характеристи, одатда, корпорация жойлашган давлатда булаётган жараёнлардан мустакил равишида руй беради.

Трансмиллий корпорациялар йирик инвестициялар ва юкори малакали персонал талаб килувчи юкори технологияли, илмталаб соҳаларга кириб боришади. Бунда ушбу соҳаларни трансмиллий корпорациялар томонидан монополия килиш тенденцияси сезилмоқда.

80-йиллар урталарида капиталистик дунё саноат маҳсулотининг 3/4 қисми 2 мингга якин энг йирик корпорациялар томонидан ишлаб чикарилган. Уларнинг бир неча юзтаси энг муҳим маҳсулотларнинг 50%идан 80%игача қисмини ишлаб чиқарғанлар.

500та энг кучли трансмиллий корпорациялардан 85таси барча хориждаги инвестицияларнинг 70%ини назорат қиладилар. Бу 500 гигант электроника ва химиянинг 80%, фармацевтиканинг 95%, машинасозликнинг 76% маҳсулотини сотадилар.

Ғарбий иктисадчиларнинг прогнозларига кура 2000 йилда жаҳон хўжалигида 300-600 трансмиллий корпорациялар хукмронлиги урнатилади. Бунда 300 корпорация жаҳон ялпи маҳсулотининг 75%ини назорат қиладилар, ўз ишлаб чикарилари ва хизматларини сезиларли равишида диверсификация қиладилар. Масалан, Швециянинг “Вольво” автомобиль концерни ҳозирдаёт нафакат автомобиль чиқармоқда. Бу трансмиллий корпорация Швецияда 30 та, хорижда бир неча унта турли иктиносли йирик шуъба корхоналарига эга бўлиб, катерлар учун моторлар, авиадвигателлар, маҳсулотлар ва хатто миво (“Припс”) ишлаб чиқармоқда. Ўз навбатида АҚШнинг 500 энг йирик трансмиллий корпорациялари урта хисобда 11 соҳада, энг кучлилари эса 30-50 соҳада корхоналарга эга. 100 илгор саноат фирмаларидан Англияда 96 таси, Германияда-78таси, Францияда-84таси, Италияда-90таси куп сахалидир.

Кучли ишлаб чикариш базасига эга булган трансмиллий корпорациялар ишлаб чикаришни, товар бозорларини самарали режалаштиришни таъминловчи ишлаб чикариш-савдо сийсатини юргизадилар. Режалаштириш боҳ компания доирасида амалга оширилади ва шуъба корхоналарига таркатилади.

Халкаро корпорациялар вужудга келиши ва ривожланишига мисол килиб, ўз кулида жаҳон кундалик электр жихозлари ва саноат ускуналари бозорининг 25%ини ушлаб турган “Электролюкс” ТМКни курсатиш мумкин. 1912 йилда икки швед компанияларининг

бирлашиши натижасида вужудга келган “Электролюкс” 20-йилларда ёк Австралия ва Янги Зеландия бозорига чиқиб, у ерда ўз ишлаб чиқаришини ташкил қилди. Охирги ун йилликда “Электролюкс” АКШда учинчи уринда турувчи, “Вестингауз”, “Гибсон” ва бошка маркалар остида кундалик техника ишлаб чиқарувчи “Уайт Консолидейтед” компаниясини, Италия ва бутун жанубий Европада энг йирик электр товарлари ишлаб чиқарувчи “Занусси” фирмаси ва шунингдек ГФР асосий электр товарлари ишлаб чиқарувчи “АЭГ” фирмасини сотиб олди.

Бу уч фирмани кўшиб олганидан кейин “Электролюкс” 75 мамлакатда кундалик электротехникани ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш буйича ривожланган тизимга эга бўлган, ўз соҳасида жаҳонда лидер компанияга айланди.

90-йилларнинг ўрталарида бу трансмиллий корпорациянинг корхоналарида 110мингдан ортик киши ишлаб, уинг йиллик обороти 1994 йилда 16 млрд. долл.ни ташкил этди.

Ўз экспансиясини кенгайтира бориб, трансмиллий корпорациялар жаҳон бозорини ўзлаштиришнинг турли шаклларидан фойдаланадилар. Бу шакллар кўп жихатдан шартномага асосланади ва хиссадорлик капиталида бошка фирмаларнинг катнашишига боғлик эмас. ТМК иктисодиётининг бундай шаклларига кўпинча куйидагилар киритилади: 1) лицензия бериш; 2) франчайзинг; 3) бошкарув шартномалари; 4) техник ва маркетинг хизматлари курсатиш; 5) корхоналарни “калит остида” топшириш; 6) вакт буйича чекланган кушма корхоналар тузиш хакидаги шартномалар ва алоҳида операцияларни амалга ошириш буйича келишувлар.

Лицензион келишувлар айникса кенг таркалган. 1990 йилда ТМКнинг лицензион келишувларининг хажми 1970 йилдагига нисбатан карийб ун баробар ошди.

Лицензион келишув юридик шартнома булиб, унга қўра лицензиар лицензиантга бир канча муддатга маълум тулов эвазига маълум хукуклар беради. Лицензия бериш трансмиллий корпорациянинг ички фирма шартномалари буйича ҳам, технология беришнинг ташки каналлари буйича ҳам амалга оширилади.

Франчайзинг-узок муддатга мўлжалланган лицензион келишувдир. Бунда франчайзер клиент-фирмага маълум хукуклар беради. Бу хукуклар ўз ичига маълум тўлов эвазига савдо маркаси ёки фирма номидан фойдаланиш, шунингдек техник ёрдам курсатиш, ишчи кучи малакасини ошириш, савдо ва бошカリш бўйича хизмат кўрсатишни олади.

80-йилларнинг охиридан бошкарув ва маркетинг хизматларини курсатиш каби трансмиллий корпорациялар экспансияси шакли кенг таркалмокда. Бошкарув хизматлари курсатиш буйича шартномага кура, корхонани оператив назорат килиш маълум тулов эвазига бошка кохонага берилади.

Техник хизмат курсатиш хакидаги шартномага кура трансмиллий корпорациялар ушбу фирма фаолиятининг қандайдир маҳсус томонига боғлик булган техник хизматларни амалга оширадилар. Купинча бундай шартномалар машина ва ускуналарни ремонт килиш, “ноухау”дан фойдаланиш буйича маслаҳатлар, аварияларни тугатиш ва сифатни назорат килиш билан боғлик булади.

Заводларни “калит остида” топшириш хакидаги шартномалар кенг таркалди. Бунда трансмиллий корпорация маълум объектни режалаштири ва куриш зарур булган барча (ёки асосий купчилик) фаолиятни амалга ошириш жавобгарлигини оладилар.

Трансмиллий корпорациялар томонидан ҳалкаро бозорларни эгаллашнинг энг янги шаклларидан бири хорижда маҳсус инвестицион компаниялар ташкил килишдир. Бу компанияларнинг вазифаси ТМКнинг шуъба ва хамкорликдаги корхоналарининг маҳсулотларини минтакавий бозорларга чиқаришни рагбатлантириш учун уларни инвестициялашдир. Бундай усуслдан алкоголсиз ичимликларни сотиш бўйича энг йирик ҳалкаро компаниялар “Песи-кола” ва “Кока-кола” Африкада фойдаланишади.

Трансмиллий корпорациялар замонавий жаҳон хужалигининг муҳим иштирокчиларига айландилар.

Саноати ривожланган давлатлар учун айнан ТМКларининг хориждаги фаолияти уларнинг ташки иктисодий алокаларинг характерини белгилаб беради. Бу давлатлар экспортида миллий компанияларнинг ўзларининг хориждаги филиалларига товар етказиб беришлари ва хизмат курсатишларининг улуши каттадир. 80-йилларнинг иккинчи ярмида бундай фирма ичидаги савдонинг улушкига АКШ экспортининг 14-20%и, Япония экспортининг 23-29%и ва ГФР экспортининг 24-28%и тугри келарди. ТМК жаҳондаги хусусий ишлаб

чиқариш капиталининг 1/3 кисмини, хориждаги тўғридан-тўғри инвестицияларнинг 90%ини назорат киладилар.

Трансмиллий корпорацияларнинг соҳавий структураси хам турли тумандир. Халкар корпорацияларнинг 60%и ишлаб чиқариш соҳасида, 37%и хизматда ва 3%и казиб чиқариш ва кишлек хужалиги соҳасида банддир.

Американинг “Форчун” журнали маълумотларига караганда жаҳоннинг энг йирик 500 корпорацияси ичидаги 4 мажмуя: электроника, рефтни кайта ишлаш, химия ва автомобилсозлик асосий рол уйнайди. Улар савдоси ТМКлар фаолиятининг 80%ини ташкил этади.

Трансмиллий корпорациялар инвестицияларининг минтакавий-соҳавий йуналиши жуда характерлидир. Одатда улар, “янги индустрисал давлатлар”, нисбатан ривожланган ва ривожланаётган давлатлар кайта ишловчи саноатига капитал куядилар. Бунда капитал олувиши давлатлар орасида инвестичилик учун ракобатчилик кураши руй беради.

Камбагал давлатларга нисбатан сиёсат бошкacha - трансмиллий корпорациялар бу ерда капитални казиб олиш соҳасига кўйсаларда, аммо асосан бу ерга экспортни кучайтиришга харакат киладилар. Бу холда ТМКлар уртасида маҳаллий бозорни эгаллаш учун кураш бошланади.

Трансмиллий корпорациялар у ёки бу давлатнинг халкаро иктисадий алокалар тизимидағи тақдирини аникловчи омилга айланишмокда. ТМКнинг фаол ишлаб чиқариш, инвестицион, савдо фаолияти туфайли улар ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни таксимлашнинг халкаро тартибга солувчисига айланишмокда ва хатто БМТ экспертларининг фикрича жаҳонда иктисадий интеграциясига шароит яратишмокда.

Трансмиллий корпорацияларининг жаҳон хужалиги ва халкаро иктисадий муносабатлар тизимидағи фаолиятининг яхши томонларини айтганда, уларнинг фаолият курсатада давлатлар иктисадиётiga негатив таъсирини хам айтиб утиш лозим. Мутахассислар куйидагиларни алоҳида курсатадилар:

-ТМК фаолият курсатадиган давлатларнинг иктисадий сиёсатини амалга оширишга халакит бериш;

-давлат конунларини бузиш;

-монопол нархлар урнатиш, ривожланаётган давлатларнинг хуқуқини чекловчи шартларга мажбурлаш.

Умуман, трансмиллий корпорациялар- хужаликлараро алокаларнинг доимий эътибор, урганиш ва халкаро назорат талаб қилувчи етарли даражада мураккаб ва доимий равишда ривожланиб бораётган феноменидир.

XX асрнинг 60-80 йиллари ривожланаётган мамлакатларнинг умумий тузилишида глобал ўзгаришларни вужудга келтирган давр бўлиши билан бир каторда, ЯИМ ижтимоий – иктисадий тузилишида хам юксак ўзгаришлар даври булди.

“Янги индустрисал мамлакатлар” ривожланаётган мамлакатларнинг купчилигидан параметрларнинг барча системалари буйича ажралиб туради.

ЯИМни ривожланаётган мамлакатлардан фаркланиб турувчи томонлар, уларни ривожланган капиталистик мамлакатлардан хам ажратиб туради. Улар ривожланишнинг “Янги индустрисал” модели сифатида мавжуддир. Бу характерли томонлар, Лотин Америкасидаги хамда Осиёдаги ЯИМнинг ривожланиш тажрибасини анализ килиш жараёнida аник кузга ташланади.

Лотин Америкасидаги ЯИМ ривожланиш тажрибасининг муҳим ролини пасайтирмасдан туриб шу нарсани таъкидлаб утиш жоизки, Осиёдаги ЯИМ, айнан: Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур, купчилик озодликка эришган мамлакатлар учун халк хужалигининг ички динамикаси буйича хам, ташки иктисадий муносабатларнинг экспансияси буйича хам, ривожланишнинг узига хос намунаси булиб колдилар. Одатда, “Янги индустрисал мамлакатлар” каторига Осиёдаги туртта кайд этилиб утилган Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур шу билан бир каторда Лотин Америкасидаги ЯИМ –Аргентина, Бразилия, Мексика каби мамлакатлар таалукли бўлиб хисобланади. Номма –ном санаб утилган барча мамлакатлар ЯИМларнинг биринчи авлодлари ёки биринчи калдиргочлари булиб ҳисобланади. Уларнинг оркасида “ЯИМ”нинг сунгги авлодлари этишиб чикмокда. Масалан:

иккинчи авлод мамлакатларига Филиппин, Хитойнинг Жанубий чегаралари ва бошқалар киради. “Янги индустрисаллашувнинг” бутун бошли зоналари, яқин минтакаларда ўз таъсирини утказаётган иктисодий усувланилиги юкори булган кутблар пайдо булмокда.

БМТ томонидан ишлаб чиқарган методика буйича ЯИМ категорига кирувчи мамлакатлар у ёки бу кретериялар буйича алоҳида ажралиб туради. Улар куйидагилардан иборатdir:

- ◆ Ахоли жон бошига тугри келадиган ялпи ички маҳсулотларнинг микдори;
- ◆ Унинг уртача йиллик усиш суръати;
- ◆ ЯИМ таркибидаги кайта ишлаш саноатининг умумий микдори. У 20% атрофида булиши керак;
- ◆ Чиқариладиган товарлар умумий микдорига нисбатан саноат маҳсулотларининг улуши ва экспорт микдори;
- ◆ Хорижий мамлакатларга чиқариладиган тугридан –тугри инвестицияларнинг умумий микдори;

Бу курсаткичлар буйича ЯИМ нафакат ривожланаётган мамлакатлар олдида ажралиб туради, балки айрим холларда бир катор саноати ривожланган мамлакатлар хам ушбу курсаткичлар буйича устунликка эга бўлади. Масалан, Тайвань, 1952-93 йиллар оралигига ЯИМ хажмини 170 маротаба устирди. (ахолининг усишига нисбатан 2,5 маротаба ортикроқдир), ташки савдо хажмини эса 543,6 маротабага оширди. Инфляциянинг паст даражада сакланганлиги шароитида -3,6%, иктисодий ўсишнинг уртача йиллик суръати 8,7% ташкил этди. Тайвань ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича дунёning илгор мамлакатлари категорига киритилади. Ахолисининг жон бошига тугри келадиган ЯИМ нинг хажми 12 минг долларни ташкил килади. (90 йилларнинг урталарида).

Осиё регионидаги мамлакатларнинг 30 йил оралигидаги иктисодий ривожланиш суръати хисоблаб курилганда (1960-1990) унинг микдори йилига 5%ни ташкил этган, уша пайтда бу кўрсаткич Европа мамлакатларида 2%га teng булган. Бу пайтда, Тайванда усиш суръати жуда юкори булган. Шунингдек, 90 йилларда Ж.Корея 8%, Сингапур 8%, Малайзия 9% йиллик усиш суръатига эга булган.

“Янги индустрисал мамлакатлар” иктисодий ривожланиш суръатининг юкорилиги улар ахолисининг яшаш шароитлари яхшилаб бораётганилиги билан уйгуналашиб кетади. Шунингдек, 60 йилларнинг урталаридан 90 йилларнинг бошларига кадар утган давр ичидаги ахоли жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад бу мамлакатларда 4 маротаба усди. Халкаро экспортларнинг прогноз килишича, 2010 йилга бориб шаркий Осиё Гарбий Европани ялпи миллий маҳсулотнинг хажми буйича куввию утади, 2020 йилга борганда эса Шимолий Американи кувиб утади.

13 –жадвал.

Осиёнинг “Янги индустрисал мамлакатлар”идаги ялпи ички маҳсулотнинг усиш суръати (%)да

Мамлакатлар	1980-90 йиллар урталарида	1991 й.	1992 й.	1993 й.	1994 й.
Ж.Корея	9,9	8,3	7,3	6,4	7,6
Тайвань	8,3	7,3	6,7	6,7	6,9
Гонконг	7,1	4,0	5,8	5,4	5,5
Сингапур	6,3	7,0	6,1	6,0	6,1
Маглайзия	5,1	8,6	8,5	7,6	7,5

Сингапур хакида шуни алоҳида таъкидлаб утиш жоизки, у 1995 йил Жанубий шаркий Осиё давлатлари ичидаги биринчи булиб “индустрисал ривожланган мамлакат” статусини кулга киритди. Бундай унвон унга иктисодий хамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) томонидан расман эълон килинди. Баркарор иктисодий ўсишнинг 3 йиллиги давомида Сингапурга нисбатан паст ривожланган 10 мамлакат доирасидан ажралиб чиқиб, дунёning бой давлатлари категоридан жой олди. (ахоли жон бошига тугри келадиган ялпи миллий маҳсулот хисобига). Сиёсий баркарорлик шароитида мамлакатнинг саноати йилига уртача 8,4% тезлик

оборотига эга бўлди, мамлакатдаги ахолининг хам бири эса ўз яшаш даражасини ўртacha етти маротаба орттириди. Сингапурдаги хар бир ахолининг ўртacha статистик даромади 1995 йилда 22,3 долларни ташкил этди. АКШ собик метрополиялар хисобига Буюк Британиядан анча юкори туради.

Ўз навбатида Гонконг хам Буюк Британиянинг собик колонияси бўлиб хисобланар эди, кейинчалик эса у кўпчилик ижтимоий-иктисодий курсаткичлар буйича узининг метрополияли даражасидан юкори погонага кутарилди.

“ЯИМ”нинг иктисодий модели ва унинг муваффакиятли ривожланиш томонлари караб чикилаётганда, унинг муваффакиятларини таъминлаб берувчи ташки ва ички даражасидан юкори омиллар хусусида хам тухталиб ўтилади. Кўриниб турибдики, омилларнинг бу икки грух, ЯИМ хукуматлари томонидан олиб борилаётган нозик, максадли сиёсатлар оркали тулдириб турилади. “ЯИМ”нинг ички тузилишидаги муаммоларга, хамда уларнинг хужалик механизмлари тадрижига асосий эътиборни каратмасдан, ЯИМ ташки иктисодий омилларининг узига хос томонлари ва унинг Осиё “аждархолари”нинг кучайиб боришидаги хамда Лотин Америкаси ЯИМининг ривожланишидаги рол хусусида тухталиб утамиз.

Жаҳон тажрибаси гувохлик бермоқдаки, халкаро иктисодий хамкорликка актив киришаётганда, у ёки бу мамлакатлар асосий ишни хорижий инвестицияларни жалб этиш хамда ташки савдонинг усига зарурӣ булиб хисобланадиган шароитларни яратишдан бошлайди. Шундай экан, бу мамлакатлар уз иктисодиётлари доирасида технологик халкларнинг барча бугинларидан фойдалангандан холда таркибий кайта куришларга –хом ашёлардан эса технологик сифими юкори бўлган тайёр маҳсулотларга ўта бошлайди. Тармокларни ривожлантириш ва кайта таъмирлаш учун экспортдан тушган даромадлардан кенг фойдаланиш, халкаро меҳнат таксимоти кўламида анча истикболли ва “фойдали” усул бўлиб хисобланади.

АКШ, Гремания, Япония каби бир қатор мамлакатлар худди мана шу йуллар оркали тараккий этган. Шунингдек, АКШ асосан хом ашё, мевалар, пайта, асал, қумир ва шунга ўхшаш бир канча маҳсулотларни экспорт килишдан бошлаган. ГФР эса, 50 йилларда -кумир, кора металлар, химиявий маҳсулотлар сингари бир канча маҳсулотларни экспорт килган. Япония тукимачилик, металургия, химия маҳсулотларини экспорт килишдан бошлаган.

60 йилларда Шаркий Осиё ва Лотин Америкасидаги бир қатор мамлакатлар –“ЯИМ” худи шу йул оркали харакат килдилар.

Уларнинг барчаси иктисодий усигининг ташки омилларидан самарали фойдаландилар. Шу ўринда, саноати ривожланган мамлакатлардан хорижий сармоялар, техника ва технологияларни кенг микёсда жалб килинганинг таъкидлаб ўтиш лозим булади.

Кайси сабабларга кура “янги индустрисал мамлакатлар”ни ривожланаётган дунёдаги бошка мамлакатлардан ажратиб курсаиш мумкин?

Бир қатор сабабларга кўра, “янги индустрисал мамлакатлар” нинг баъзи бирлари саноати ривожланган мамлакатнинг мухим сиёсий ва иктисодий манфаатлари таъсир доирасига тушиб колди. Шунингдек, АКШнинг сиёсий манфаатлари таъсир доираси, асосан Шаркий Осиё мамлакатларининг “коммунистик таъсирига” карши турувчи Тайвань ва Жанубий Корея мамлакатларига карши каратилди.

Бу мамлакатларга чексиз иктисодий ва харбий жихатдан кўллаб куватлаш ёрдамлари кўрсатилди. Масалан, Тайванга 1,5 млрд. доллар микдорида ёрдам курсатилди. 1950-1965 йиллар оралигидаги АКШ нинг ёрдами, Тайванда жалб этилган жами инвестицияларнинг 34% ини ташкил этди, шу жумладан 74% инфраструктурага, 59% кишлек хужалигига ва 13% саноатга жалб этилди. Буларнинг хаммаси Тайван иктисодиётининг ривожланишида ташланган ижобий кадам булди.

“ЯИМ” замонавий иктисодий таркибининг шакланишида, тугридан –тугри инвестицияларнинг таъсири катта булди. 80 йилларнинг биринчи ярмида “ЯИМ” иктисодиётидаги тугридан –тугри инвестицияларнинг микдори, ривожланаётган мамлакатлардаги тугридан –тугри сармоя куйилмаларининг 42% ига етди. Саноати ривожланган мамлакатлар орасида АКШ “янги индустрисал мамлакатлар” даги ишбилиармонлик сармояларининг энг кузга куринган инвестори булиб хисобланади. Улардаги тугридан –тугри инвестицияларнинг усиги, хорижий мамлакатлардаги худди шундай

инвестициялар умумий микдорининг 10% ини ташкил этади. “ЯИМ” даги тугридан –тугри инвестицияларнинг микдори бўйича Япония иккинчи ўринда туради.

Япония инвестициялари, “ЯИМ” нинг индустрислашувига ва улар экспортининг ракобатбардошлигини оширишга имконият яратди. Улар “ЯИМ” ни саноатда кайта ишланадиган махсулотларнинг йирик экспортларига айланишида муҳим роль уйнайди. Бундай инвестициялар факат 1982-1985 йилларнинг ўзида Тайванда 2 мартадан купрок, Гонконгда 61%га уеди.

Бу пайтда Япония сармояларининг иштирокида, ушбу мамлакатларни юкори сифатли тайёр махсулотларнинг экспортёлари булиб колишига имкон берувчи йирик ишлаб чикариш базаси ташкил этилди. 80 йилларнинг бошларидан эътиборан, Япония инвестициялар умумий микдорининг ярмисидан купрогини ташкил этди ва улар иштирокида станоклар, электроника жихозлари, дengиз кемалари ва бошкаларни ишлаб чикариш буйича комплекс барпо этилди.

Осиёдаги “ЯИМ” учун ну нарса характерли булдики, улардаги тадбиркорлик сармоялари, биринчи галда кайта ишлаш саноати ва хом ашё тармокларига томон йуналтирилди. Уз навбатида, Лотин Америкасининг “ЯИМ” даги ишбилармонлик сармоялари эса, купрок савдо, хизмат курсатиш соҳаси ва кайта ишлаш саноатига жалб этилди. Хориж хусусан сармояларининг кенг микёсда таркалиши шу нарсага олиб келдики, “ЯИМ” да хорижий сармоялар иштирок этмаган бирорта хам иктисадий тармок коламди.

Куйида 1993 йилдаги Лотин Америкаси ва Осиёнинг “ЯИМ” бозоридаги куйилмаларнинг даромадлилик даражаси курсатилган (%) ларда:

Аргентина	-57,96
Бразилия	-83,5
Мексика	-39,87
Чили	-38,92
Индонезия	-78,67
Ж.Корея	-26,03
Тайвань	-103,98
Тайланд	-121,27
Филиппин	-165,18

Куриниб турибдики, Осиёнинг “ЯИМ” идаги инвестицияларнинг даромадлилик даражаси Лотин Америкаси мамлакатлариникидан сезиларли даражада юкоридир.

Конуний шундай савол тугилади: нима учун хориж хусусий сармояларнинг барчаси Осиё минтакасидаги баъзи бир мамлакатларга нисбатан активрок кириб боради?

60 йилларнинг охиригина келиб, дунё хужалиги ривожланишидаги вазият шу кадар мураккаблашдики, трансмиллий корпорациялар ривожланишнинг манфаатлари ва стратегиялари Осиёдаги бир катор давлатларнинг имкониятлари ва интилишлари билан мослашиб борди. Ривожланаётган мамлакатлар импортидаги турли хилдаги чеклашлар ва уларнинг унча катта булмаган тулов кобилиятига дуч келаётган трансмиллий корпорациялар, жойларда мос ишлаб чикаришларни йулга кувиш максадида, сармояларни четга чикариш оркали товарлар экспортини кисман янгилаш томон кадам кўймокда. Трансмиллий корпорацияларнинг худди шу йўналишлардаги фаолияти, ривожланган мамлакатлар тўйинган бозорларининг конъюктураси, ракобатнинг авж олиши ва ишлаб чикариш харажатларини пасайтириш учун курашиш оркали амалга оширилмоқда. Трансмиллий корпорациялар, ўзлари фаолият курсатаётган жойларда ишлаб чикаришни илмий асосда ривожлантиришга муҳим эътибор қаратади. Характерли томони шундаки, “Осиё аждархолари” халкаро иктисадий конъюктураларининг бундай ўзгаришларни қабул қилишга ва улардан ўз максадлари йўлида фойдаланишга тайёр эканлиги маълум бўлди.

Трансмиллий корпорацияларни, айнан Осиё минтакасига жалб килишда куйидаги шарт –шароитлар муҳим ахамият касб этди.

1. “Янги индустрислам мамлакатлар” нинг фойдали жуғрофий ахволи. Уларнинг барчаси дунё савдо иктисадий йулларининг чоррахасида, яъни жаҳон хўжалиги марказлари бўлмиш – АҚШ ва Японияга якинрок жойлашган.

2. “Янги индустриал мамлакатлар” нинг барчасида саноати ривожланган мамлакатларга нисбатан муносаб бўлиб хисобланадиган автократик ёки шунга якин бўлган сиёсий мухитлар яратилди. Уларда сиёсий баркарорлик таъминланди ва сиёсий хамда демократик ўзгаришлар иктисадий ислохотлар фойдасига томон каратилди. Хорижий инвесторларга улар инвестицияларининг хавфсизлиги учун юкори даражали кафолатлар таъминланди.

3. Осиёдаги “янги индустриал мамлакатлар” ахолисига хос бўлган меҳнатсеварлик, интилувчанлик, тартиблилиқ, матонатлилиқ сингари ноиктисодий омиллар хам катта ахамият касб этади. Бу омилар маълум даражада Осиё ва Лотин Америкасидаги –ЯИМ нинг икки модели ўртасидаги ўзига хос бўлган беллашувда хал қилувчи ахамиятга эга бўлди.

Бу моделларнинг узига хос томонлари нимада?

Биринчиси -миллий иктисадиётнинг ташки бозор ва экспортга томон устивор йўналишлар орқали ривожланишини тушунтириб беради.

Иккинчи модель –импорт урнини эгаллашга каратилган.

Юкорида биринчи моделда кўрсатиб ўтилгандек, асрнинг охирига келиб АКШ, иккинчи жаҳон ўришудан кейин –Фарбий Овропа давлатлари, Япония, кейинчалик эса Осиёнинг ЯИМ хам шу йулдан боришиди. Иккинчи модель эса сезиларли даражада Лотин Америкасининг Рим томонидан ўзлаштириб олинди.

3. Ривожланган ва “янги индустриал мамлакатлар” халкаро меҳнат таксимоти системасида

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, импорт ўрнини эгаллашга каратилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегиялари бир катор ривожланган мамлакатларнинг ик тараккиётида мухим роль уйнайди. Импорт урнини эгаллаш стратегиялари хўжалик таркибининг хилма –хиллигини таъминлаш имкониятини яратади. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда улар учун янги ва мухим булиб хисобланувчи мамлакатларда, улар учун янги ва мухим булиб хисобланувчи бир катор ишлаб чиқариш тармоклари барпо этилди, кўпчилик мухим йуналишлар бўйича ўз –ўзини таъминлаш даражаси ўсади.

Шунингдек, импорт ўрнини эгаллашнинг динамика ва самарали даври, вактнинг кўп оралигини банд этмайди. Иктисадиётни тубдан ислоҳ килишда асосий йул булиб хисобланувчи импорт ўрнини эгаллашга мўлжалланган ишлаб чиқаришни ривожлантиришни асосий уринга куйувчи барча мамлакатларда ўз-ўзидан жиддий инкиrozлар булиб утмоқда. Гап шундаки, хорижий компанииялар имтиёзли кредитлар ва бошка томондан ракобатлилик мухитининг йўклиги ва протекционизмга асосланган миллий иктисадиёт фаолият кўрсатишнинг “куллаб –куватлаб турилувчи” мухити, тез мослашувчан ва самарали иктисадий тизимларнинг вужудга келишига йул куймади. Умуман олганда, импорт урнини эгаллаш сиёсати, ривожланаётган мамлакатлар фаолиятининг дунё хўжалигида туб узгаришлар ясашига йул куймайди.

Бундан ташкари, импорт урнини эгаллаш сиёсати нафакат ташки омилларни пасайишига йул куймайди, балки унинг усишини хам таъминлади. Импорт урнини эгаллаш принципларига узок вакт таянилганда, колоклигини бартараф этиш имконияти пайдо булади хамжа микёсидаги тараккиётга эришишни таъминловчи иктисадиётдаги етакчи тармокларни вужудга келишга халакит берувчи тусикларга бархам берилади.

Протекционизм, ички бозорларни ва бизнесни химоя килиш соралари сифатида кисман самарасиз ишалётганига карамасдан, унинг монопол холати ва баҳоларининг кескин усаётлганлигдан фойдаланиб фойда олаётган махаллий корхоналарни куллаб –куватлайди.

Импорт урнини эгаллаш даври, купчилик, ривожланаётган мамлакатларда, шу жумладан “янги индустриал мамлакатлар” да хам уз нихоясига етди.

4. Импорт урнини эгаллаш стратегияси Лотин Америкасидаги ЯИМ (Бразилий, Аргентина, Мексика) учун хилма –хил миллий иктисадиётни барпо этиш ва бир катор товарларни ишлаб чиқариш буйича жаҳонда салмокли уринни эгаллаш учун имкониятлар яратиб, узининг ижобий ролини уйнайди. Нима бўлганда хам бу мамлакатлар саноати ривожланган мамлакатларга нисбатан колоклик даражасини бартараф этиш учун зарурият бўлган шарт –шароитларни яратадилар. Лотин Америкасидаги ЯИМ қуайиб иктисадий потенциалга эга булишларига карамасдан, Осиёдаги ЯИМга нисбатан анча колок булиб

хисобланади. Масалан, Бразилияниң ялпи ички махсулоти (ЯИМ) Шаркий Осиёдаги “янги индустрисал мамлакатлар” нинг умумий ялпи ички махсулотига нисбатан бироз камроқдир. Лотик Америкасидаги экспортининг салмокли узишига эга булмасдан туриб, уз иктисодиётларини талаб даражасида тубдан ислоҳ килишга эриша олмадилар.

Иктисодий узиш суръатларининг натижаларига караб, ички иктисодий муаммоларни бартараф этиш учун камчиликларга йул куйилди. Бир вактнинг узида ташки муаммолар хам вужудга келди, экспортнинг паст даражада узиши, тулов баланси дефицитнинг хамда барча янги кредитларга булган талабларнинг узишига имконият яратди. Бу мамлакатлар саноати тараккий этган мамлакатлардан энг илгор булмаган техника ва технологияларни колоклик амалга оширилган бундай сиёсатда мустажкамланиб колаверади.

Кайд этиш жоизки, Лотин Америкасидаги янги индустрисал мамлакатлар 90 йилларнинг урталарига келиб 80 йилларнинг узок давом этган инкирозидан чишиб олди. Амалга оширилган либераль иктисодий узиш суръатлари кайтадан ортиб бормокда, савдо балансининг ижобий савдосига эришилмокда (Бразилия, Чили).

Лотин Америкасидаги йирик ЯИМ дан бири булиб хисобланувчи Бразилияда олиб борилаётган сиёсат –бу ерда янгидан очик иктисодиётни яратишга мулжаллангандир. Бунинг учун ички бозорларда ракобат курашуви мухити яратилаётган булиб унга bogлик холда импорт тарифларида пасайиш кузатилмокда. 1995 йилга бориб МЕРКОСУР мамлакатлари уртасида божхона чекланувчиларини тулик олиб ташлаш хакида режалаштирумокда. Ушбу эркин савдо зоналарининг таркиби: Бразилия, Аргентина, Парагвай ва Уругвай мамлакатлари киради. Янги ислохотларнинг канчалик муваффикиятли кечишини якин келажак курсатади.

Осиёдаги “янги индустрисал мамлакатлар” иктисодиётининг экспортга мулжалланган анча самарали ва тез мослашувчан моделини жорий этдилар. Бу модель, маълум давр мобайнида бир вактнинг узида импорт урнини эгаллаш сиёсатини уз ичча олади. Экспортга мулжалланган сиёсат урнини эгаллашга мулжалланган индустрисаллашувнинг тугалланган даврини кайта содир этишни талаб этмайди. Импорт урнини эгаллаш ва экспортга мулжалланган сиёсат бир –бири билан тенгма –тенг холда хакарат килиб, баъзи даврларда эса улар бир –биридан устунликка хам эга булиши мумкин. Шу билан бир каторда экспортни кенгайтириш даврига еппасига утиш олдидан, импорт урнини эгаллаш мамкалар ишлаб чиқаришининг замонавий тизимлари шаклланишининг бошида халқ хужалиги анъанавий секторини кайта куриш учун харакат килишди. Бунинг натижасида эса, индустрисаллашувга утиш мумкин буласади.

Шаркий Осиёдаги, шунингдек жанубий Шаркий Осиёдаги купчилик мамлакатларда (Тайванда, 50 –йилларда Ж.Кореяда; 60 йилларда –Малайзияда; 60 йиллар 70 йилларнинг бошларида –Тайландда; 50 йилларнинг бошлари 60 йилларнинг охирида Филиппинда;) импорт урнини эгаллаш сиёсати устувор йуналишга эга булди. Гонконг ва маълум даражада Сингапур, узларининг тарихий шарт –шароитлари, жуғрофий жойлашуви ва ички талабнинг секланганлиги таъсирида ишлаб чиқаришни купрок экспортга каратдилар. Махаллий ишлаб чиқаришни рагбатлантирувчи чора –тадибрлар, кайта ишлаш саноатидаги фойда меъенини оширишга олиб келиши, истеъмол махсулотлар, сунгра эса оралик талабга эга товарлар ва узок муддатли фойдаланишга мулжалланган товарлар ишлаб чиқарувчи тармокларнинг аста – секинлик билан импорт урнини эгаллашга олиб келиши керак.

Жанубии Корея шу йилларнинг узида жаҳон бозорига худди шу махсулотларнинг мос равишида 2,9; 3,4; 9,6; 9,3; 11,1 ва 9,6% ини етказиб берди. Бундан ташкари, унинг жаҳон кемасозлик саноати экспортидаги улуши 13,1% га тугри келди.

Осиё “Янги индустрисал давлатлари” саноат экспортининг юкори динамикасини таъкидлаган холда, айтиш керакки, анъанавий товарлар экспорти ташки савдо оборотида аввалгидек мухим, айрим товарлар буйича эса хал килувчи уринни эгалларди. Масалан, хом ашё ва озик-овкатнинг Жанубии Корея ва Тайван экспортидан улуши мос равишида 7,1 ва 7% га тенг эди. 1990-91 йилларда экспортда киймати буйича иккинчи уринни Жанубий Кореяда пояфзал, Тайванда эса уйинчоклар ва спорт товарлари эгалларди.

Жанубии Корея экспортида туртинчи уриннда хамон синтетикадан тайёрланган текстил товарлари, Тайванникида еттинчи уриннда пояфзал туради.

Осиё “Янги индустриал давлатлари” экспорти айникса машина ва ускуналар экспорти фондида Хинdistон ва Лотин Америкаси ЯИД нинг кучсизланиши сезиларлидир. Агар Лотин Америкаси ЯИД товар экспортиниг ривожланган давлатлар умумий экспортидаги улуши 1992 йилда 1980 йилга нисбатан унчалик камаймаган (-0,5%) булсада, машина ва ускуналар улуши кариб 1,8 баробар камайди. Айнан шу машинтехник маҳсулотлар экспорти ривожланган давлатларнинг халкаро меҳнат таксимотидаги холатлари яхшиланишининг энг муҳим омилидир.

Осиё “Янги индустриал давлатлари”нинг фаол ташки савдо сиёсати 90-йиллар бошида АКШнинг Осиё-Тинч океани региони давлатлари билан йиллик узаро савдоси хажми (128,4 млрд. долл.) биринчи марта Гарбий Европа билан савдо обороти (117,1 млрд. долл.) юкори булди. Бунда Осиё ЯИД (Японияни кушиб хисоблаганда) АКШ бозорида автомобиллар ва электронтехниканинг 30% ини, текстил ва тикувчилик маҳсулотларининг 50% ини эгаллади. Ривожланган мамлакатлар орасида энг йирик чет эл капитали импортёри булган “Янги индустриал давлатлар” 80-йиллар охиридан чикишнинг географияси анча кенг. Бу аввало, илгор саноати ривожланган давлатлар, Осиё-Тинч океани регионидаги ривожланаётган давлатлар, капиталнинг янги бозорларидир. Масалан, Жанубий Корея фирмалари АКШда аник максадга йуналтирилган экспорт экспансиясини утказмоқдалар. Америка иктисодиётiga капитал куйиб, Жанубий Кореяликлар энг янги технологияларга йул очмоқдалар. Бошка Осиё “аждархо”ларига хам капитал олиб чикишни купайтироқдалар. Масалан, Тайваннинг китъадаги кариндоши Хитойга булган кизикиши жуда сезиларлидир. 90-йиллар урталарида Тайваннинг XXРдаги инвестициялари 9 млрд. долл.дан ошиб кетди. Уз навбатида Гонгконглик ишбилармонлар XXРда руйхатга олинган кушма корхоналарнинг ярмидан купогини ташкил килганлар. Кейинги йилларда Осиё ЯИД Россия товар ва инвестициялар бозорларида хам фаоллик курсатмоқдалар. Бу ерда олдинги уринда Корея Республикасининг ишбилармонлари бормоқдалар. Айтиб утиш керакки, Осиё-Тинч Океани региони давлатларининг ички регионал товар айирбошлаш (1,9-2,1 трлн долл.)дан Россия хисобига бор-йути 1% тугри келади. Бу эса, Россиянинг буюк Осиё-Тинч океани давлати деган мавкеига мос келмайди. Шунинг учун “янги индустриал давлатлар” билан хам, Осиё-Тинч океани монтакасининг бошка давлатлари билан хам савдо-иктисодий алокаларни фаоллаштириш Россиянинг муҳим стратегик вазифасидир.

XX-асрнинг 50-йилларида руй берган жаҳон хужалиги байналмиллалашуви жараённинг тезлашиши ривожланаётган давлатларни, биринчи навбатда “янги индустриал давлатлар”ни хам камраб олди.

Ишлаб чикириш, меҳнат ва капитал бозорлари товар айирбошлаш жараёнларининг байналмиллалашшига молия бозорларининг байналмиллалашуви кушилди. Бу ЯИД нинг валюта ахволи кучайиши ва уларнинг кредит имкониятининг усиши, миллий молия бозорларининг ривожланиши, молиявий салоҳиятининг ошиши билан бөглиқ. Купгина “янги индустриал давлатлар” миллий молия бозорлари ташкил топишининг биринчи боскичидан утдилар ва улар фаолиятини либераллаштиришнинг иккинчи боскичига киришдилар. Бу эса уларнинг халкаро молия муносабатлари тизимиға фаол интеграциялашувига асос яратилди. Капитал харакати байналмиллалашуви жараёни хатто ривожланган давлатлар орасида хам яқунланишдан узок, ривожланаётган давлатлар хакида гапирмаса хам булади. Шунга карамасдан, баъзи бир “янги индустриал давлатлар” бу йулда сезиларли кадамлар куйдилар. Бунга 70-йилларда янги халкаро молия марказларининг хосил булиши ва тез усишини киритиш мумкин. Аввало Сингапур ва Гонконгда. Тайван XXI аср бошида Осиё-Тинч океани регионидаги йирик валюта-молия марказига айланишни уз олдига максад килиб кўйди. Осиё ЯИД халқаро молия марказлари кредит-молия операциялари утказиш миқёси буйича Лондон, Париж, Цюрих каби йирик молия марказлари билан бир каторга чикиб, уларни ссуда капитали бозоридан жиддий сикиб чикардилар.

Осиё ЯИД иктисодий эвалюциясининг характерли томони, уларнинг бир-бирига кизикишининг тобора ошиши булиб колмокда. Факат саноати ривожланган Farb давлатларига йуналтириш устивор тенденцияси, уз региони ва якин булган субрегионда савдо-иктисодий хамкорлар кидирилиши билан тулдирилмоқда. Аммо бу Осиё ЯИДнинг уз маҳсулотлари ракобатбардошлилигини оширишга эътибор бермаяпти дегани эмас. 90-йиллар урталарида

товарларнинг ракобатбардошлиги буйича жахондаги биринчи бешлиқда Сингапур, Гонконг, Тайван бор.

Бу давлатларда кабул килинган иктисодий стратегиянинг асосий йуналиши булиб илмталаб махсулотлар ишлаб чикариш колмокда. Мехнат талаб ва паст рентабелли ишлаб чикаришлар “иккинчи оқим” ЯИД, шунингдек, Хитой ва Въетнамга “топширилмокда”. Натижада бу ишлаб чикаришларни бир пайтлар содир булган саноати ривожланган давлатлардан биринчи авлод “янги индустрисал давлатлар”га кучиш жараёни амалда кайтарилмокда.

ЯИД ривожланишидаги кулга киритилган ютуқдар, уларнинг жахон хужалигига интеграцияси улар, иктисодий усишининг истиқболлари, холқ, турмуш даражасининг усиш ва уларнинг ташки иктисодий экспансияларининг ошиши етарли даралжада кулай деб ишонч билан айтишга имкон беради. XXI асрда бу давлатлар жахон иктисодий хукмронлигига юкорирок, урин эгаллайдилар ва янги мухим натижаларни намойиш қиладилар. Жахон банки прогнозларига Караганда, яккин 10 йил мобайнида усишнинг уртача суръатлари Жанубий Осиёда - 5,49%, Шаркай Осиёда - 7,7%, Лотин Америкасида - 3,5% ни ташкил қлади. Шаркай Осиёда киши бошига тугри келадиган даромаднинг усиши 1996-2004 йилларда йилига 6,6% га teng булиши кутилмокда. Урта хисобда ерда яшайдиган хар бир кишига тугри келадиган даромад йилига 1,9% га усади.

### *Ўз-ўзини текшириши учун саволлар*

1. *Мамлакатлар ривожси даражасини белгиловчи қўрсаткичлар*
2. *Ривожланган мамлакатларга умумий таъриф*
3. *Трансмиллий корпорацияларнинг роли ва аҳамияти*

## **17-мавзу. Ҳозириги замон жаҳон хўжалигининг ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари.**

1. Жаҳон хўжалиги ривожланишининг босқичлари ва тенденциялари
2. Очиқ иқтисодиётнинг моҳияти
3. ХИМ ривожланишининг характеристи ва ўзига хос томонлари.

Жаҳон хўжалигининг XX аср иккинчи ярмидаги фаолиятининг ўзига хос томонларидан бири халқаро иқтисодий муносабатларнинг интенсив равишда ривожлантиришдаир. Давлатлар, давлат гуруҳлари, иқтисодий гуруҳлар алоҳида фирма ва ташқилотлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар кенгаймоуда ва чуқурлашмоуда. Бу жараёнлар халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашишида, хўжалик хаётининг байналминалашувида, уларнинг бир-бирига боғлиўлигига ва яўинлашувида, миңтаўавий халқаро тизимларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишида намоён бўлмоуда.

Шуниси характерлики, ушбу ўзаро ҳамкорлик, яўинлашиш жараёнлари қарама-қарши, диаллектик характерга эга. Халқаро иқтисодий муносабатларнинг диаллектикаси шундайки, айрим мамлакатларнинг иқтисодий мустаўилликка, миллий хўжаликларни мустаҳкамлашга интилиши оўибат натижада жаҳон жўжалигининг янада кўпроў байналминалашувига, миллий иқтисодиётларнинг очиқлигига, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига олиб келади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар икки асосий қисмдан иборат: халқаро иқтисодий муносабатларнинг ўзи ва уни амалга ошириш механизими.

Халқаро иқтисодий муносабатлар ўз ичига алоҳида мамлакатлар, уларнинг миңтаўавий бирлашмлари, шунингдек, алоҳида корхоналарнинг (трансмиллий, кўп миллатли корпорациялар) жаҳон хўжалиги тизимидағи бир-бирига қарама-қарши бўлган иқтисодий муносабатларнинг мажмууни олади. Хорижий давлатлар иқтисодиётини эмас балки, улар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос томонлари тадўиў ўилинади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар механизими ўз ичига хуқуқий нормаларни ва уларни амалга ошириш воситаларини (халқаро иқтисодий шартномалар, келишувлар, “кодекслар”, хартиялар ва х.к.), халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш максадларини амалга оширишга йўналтирилган халқаро иқтисодий ташкилотларнинг фаолиятини олади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар тизимиға ўйидагилар киради:

1. Халқаро меҳнат тақсимоти.
2. Халқаро товар ва ҳизматлар савдosi.
3. Халқаро капитал ва хорижий инвестициялар характеристи.
4. Халқаро ишчи кучи миграцияси.
5. Халқаро валюта- молия ва кредит муносабатлари.

Халқаро иқтисодий муносабатлар (асосан савдо) жаҳон хўжалиги вужудга келмасдан олдин ҳам мавжуд эди. Масалан: Европа давлатлари ўртасидаги ХИМ миңтақалар (Европа-шимолий Африка, Европа-Яўин Шарў ва х.к.) ўртасидаги халқаро иқтисодий муносабатлар. Бу муносабатлар миңтақавий характеристерга эга эди. Жаҳон хўжалигининг вужудга келиши ва ривожланиши билан халқаро иқтисодий муносабатлар кенгайди ва чуқурлашиб, глобал характеристерга эга бўлди. Алоҳида давлатлар иқтисодиётига ёки, жаҳон хўжалигига асосланган халқаро иқтисодий муносабатлар кўпроқ уларга қарамадир. Аммо халқаро иқтисодий муносабатлар амалга ошириш жараёнида ўз қонуниятларига бўйсинувчи ҳолатга , жаҳон иқтисодиётининг мавжудлик ва ривожланиш шаклига, унинг ички механизимига айлануб боради.

**Жаҳон хўжалиги нима?** Замонавий жаҳон хўжалиги бу- бозор иқтисодиётининг объектив конунларига бўйсинувчи, ўзаро боғлиў бўлган миллий иқтисодиётлар бирлашмаси глобал иқтисодий организмдир.

**Жаҳон хўжалиги ривожланишининг босқичлари.** Вужудга келиш ва ривожланишда ЖХ узоқ ва қийин йўл босиб ўтди. Айрим тадқиқотчилар унинг вужудга келишини Рим империяси даврига боғлашади. Бунда улар Рим империясини ўша вактдаги бутун жаҳон хўжалик тизими деб баҳолайдилар. Бошқа олимлар жаҳон хўжалиги фаолият кўрсата бошлаган вақтни XV-XVI асрлар, яъни буюук география кашфиётлар билан боғлайдилар. Айнан шу кашфиётлар қимматбаҳо тошлар, металлар, ширинликлар, қўл меҳнати билан халқаро савдонинг тез ривожланишига сабаб бўлди. Аммо бу даврдаги жаҳон хўжалаги чекланган бўлиб, фақат савдогарлар сармоялари ишлайдиган соҳа эди.

Замонавий жаҳон хўжалиги саноат инқилобидан кейин капитал монополь босқичга ўтиши давомида вужудга келди. XIX аср охири- XX аср бошидаги ЖХ XX асрнинг 60-90-йиллардаги ЖХдан сезиларли фарқ қиласди.

XX асрдаги жаҳон хўжалиги “капитал кучига” нисбатан кўп жихатдан оддий кучга иқтисодиётга ёт бўлган мажбуриятларга асосланган эди. Бу эса уни нобарқарор қиласди. Бу империалистик мамлакатлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар (иккита жаҳон уришига олиб келган), шунингдек, саноати ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги қарама-қаршиликлардир. XX аср ўрталарида келиб жаҳон хўжалиги икки қисмга: жаҳон капиталистик ва жаҳон социалистик хужаликларига бўлинган эди. Жаҳон иқтисодий алоқалари тизимида жаҳон капиталистик хўжалиги устунлик қиласди. 90-йиллар бошда халқаро савдо товар айланмасининг 10дан 9 қисими жаҳон капиталистик хўжалиги доирасида рўй беради; 80-йиллар охирида халқаро иқтисодий айрибошлиш каналлари орқали капиталистик дунё умумий ялпи маҳсулотининг бор –йўғи бешдан бир қисми сотиларди халос.

Собиқ социалистик мамлакатларда жаҳон миллий даромадининг учдан бир қисми, шу жумладан УИғК давлатларида -4дан 1 қисми ишлаб чиқарилади.

60-йиллардан бошлаб жаҳон хўжалиги тизимига ривожланаётган давлатлар қўшилди. 70-йиллрнинг ўрталарида улар орасида ЯИД – “янги индустирил давлат”, яни Жанубий-Шарўий Осиё (1-оўим Осиё йўлбарслари- Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур) ва Лотин Америка давлатлари: Бразилия, Аргентина, Мексика сезиларли даражада ажralишиди.

СССР тарқалиб кетгандан кейин ва Шарқий Европада инқилобий ўзгаришлардан кейин жаҳон хўжалиги яхлит бутун организм кўринишини олди. Шаклланаётган глобал жаҳон хўжалиги бир теккис бўлмаган ҳолда, ўз ичига саноати ривожланган давлатлар, ривожланаётган давлатлар ва ўтиш шаклидаги иқтисодий тизимли давлатларнинг миллий иқтисодиётларини ўз ичига олади.

Кўплаб қарама-қаршиликлар ва турлича тенденцияларни сақлаб қолган ҳолда XXI-аср бўсағасидаги ЖХ XX-аср ўртасидаги ЖХдан солиштириб бўлмайдиган даражада кўпроқ ажralmas **интеграциялашган ва динамиқдир**.

**Замонавий ЖХнинг** характеристи қанақа, унинг ўзига ҳослиги нимада, кўрсаткичлари ва ривожланиш омиллари қанақа?

**XXI-аср бўсағасидаги ЖХ-** бу ўз миқёсига кўра глобалдир; у тўлиқ равишда бозор иқтисодиётининг тамойиллари, халқаро меҳнат тақсимотининг объектив қонуниятларига, ишлаб чиқаришнинг байналминаллашувига асосланади.

Урушдан кейинг 10 йилликда ЖХ ривожининг етакчи тенденцияларидан бири, бу кўплаб давлатларнинг бирин-кетин ёпиқ миллий хўжалиқдан ташки бозорга юз тутган иқтисодий очиқ типдаги хўжаликга ўтиш ҳисобланади.

Айнан АҚШ “Очиқ савдо”, “Очиқ иқтисодиёт” деган тезислари билан чиўдилар. Бу аввало жаҳон бозорида ўз хошишларини ўтказиш учун эди. Иккинчи жаҳон уришидан ғолиб ва янада бойиб чиқсан жаҳоннинг энг илғор савдо мамлакати сифатида янги иқтисодий тартиб қўлланмалари таклиф этилди. Бундай “эркин савдо” ва “очиқ иқтисодиёт” хукумрон иқтисодиётнинг камроў ривожланган давлатларга қарши куроли, Америка корпорацияларининг тутиб бўлмас экспансиясига интилишлари эди. Бундай “очиқ” иқтисодиёт хакида тезис бир томонламалиқ, Америка экспансонизмнинг манфаатларига йўналтирилганликни йўқотди ва объектив, чукур омиллар фаолиятига асосланган жаҳон хўжалик алоқаларини байналминаллашуви маъносини ола бошлади.

Очиқ иқтисодиётни шакллантиришда давлат катта роль ўйнади. Давлат товар ва хизматлар олиб чиқиши рағбанлантириб, хорижий фирмалар олиб кооперацияларга, ташқи иқтисодий алоқалар ривожланишига ёрдамлашиб ўзига экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариши рағбатлантириш функциясини олди. Чет элдан инвестициялар, технологиялар, ишчи кучи ва ахборот ойиб келишини йенгиллаштирилган мустаҳкам хуқуқий асос яратилди.

Мамлакатларнинг очикроқ иқтисодиётга ўтишлари трансмиллий корпорациялар (ТМК) фаолияти билан тезлашди. Янги бозорларни ўзлаштиришга интилиб, турли мамлакатларда кўплаб филиаллар, шуъба корхоналари ташқил этиб, ТМК чет давлатларнинг протекционистик тўсиқларни айланиб ўтардилар ва халқаро иқтисодий айирбошлишни баналмиллаштирилар.

ХХ асрнинг иккинчи ярмида транспорт, ахборот-алоқа воситаларининг сезиларли ривожланиши ҳам миллий иқтисодиётлар очиқлиги ривожланишда, аҳолихаракатчанлигининг ошишида катта рағбатлантирувчи роль ўйнади.

Аста –секин, узоқ вақт мобайнида давлатларнинг бир-биридан ажратиб турган савдо-иқтисодий, валюта-молиявий тўсиқлар олиб ташланди. Халқаро айирбошлишни эркинлаштирилиши миллий хўжаликларнинг ташқи шароит ва таъсирларга мослашишини йенгиллаштириди, уларнинг халқаро меҳнат тақсимотига янада фаол қўшилишига имкон яратди.

60- йиллардан бошлаб очиқлик жараёнлари ўатор ривожланаётган мамлакатларга тарқала бошлади. 80- йиллар бошидан Хитой ҳам очиқлик сиёсатига тарафдорлигини эълон ўилди. “Очиқлик термини” дунёнинг кўплаб мамлакатлари луғатига кирди. Масалан: арабча-“инфитах”, хитойча-“кайфан”.

Шундай ўилиб “очиқ иқтисодиёт” тушунчасига нималар киради?

“Эркин савдо” ва “очиқ иқтисодиёт” тушунчаларини фарқлаш лозим. “Эркин савдо” ҳаўидаги тезис. А.Смит сиёсий иқтисодиётидан бошланади ва замонавий Америка иўтисодчиларининг кашфиёти эмас. “Очиқлик термини” тушунчаси ишлаб чиқариш омиллари, ахборот, миллий валютанинг ўзаро алмашувинининг эркин харакатини ўз ичига олган товарлар савдоси сифатида “эркин савдо” тезисидан кенгроў тушунчадир.

Очиқ иқтисодиётни автаркия, ўз- ўзини таъминлаш иқтисодиёти, хаддан ташўари ўз кучига суюнишнинг антиподи сифатида тушуниш лозим. Очиқ иқтисодиётининг вужудга келишибу жаҳон ривожланишининг объектив тенденциясидир. Очиқ иқтисодиёт тамойилларига мос равишда харакат ўилиш бу-жаҳон бозори стандартларини тан олиш, унинг қонунлари асосида харакат ўилишдир.

Очиқ иқтисодиёт иқтисодиётнинг яхлитлигини, жаҳон хўжалигига, жаҳон бозорига интеграциялашган ягона иқтисодий мажмуани назарда тутади. Очиқ иқтисодиёт бу турли хамкорликдаги тадбиркорлик шаклларидан фаол фойдаланиш, эркин тадбиркорлик зоналар ташқил ўилиш, ташқи савдода давлат якка хокимлигини йўқотиши (кўп соҳалар бўйича), халқаро меҳнат тақсимотида давлатнинг нисбий устунликларидан самарали фойдаланишдир.

Иўтисодиётнинг энг муҳим ўлчовларидан бири маълум иқтисодий маўсадга мувофиўлик ва халқаро раўобатдошлилик доирасида (соҳа ва макроиқтисодий даржада) капитал қўйилмалар, технологиялар, ахборот оқимини рағбатлантирувчи ўрай инвестицион мухитдир. Очиқ иқтисодиёт ички бозорнин чет эл капитали, товарлари, технологиялари, ахборотлари, ишчи кучининг оқими учун аўлга тўғри келадиган даражада очиқлигини назарда тутади.

Очиқ иқтисодиётининг афзалларини куйидагилардир:

- ишлаб чиқариш ихтисослашуви ва коперациялашувининг чукурлашиши;
- ресурсларни мулоҳазакорлик билан самарадорлик даражасига қараб тақсимлаш;
- халқаро иқтисодий алоқалар тизими оркали жаҳон тажрибасининг таркалиши;
- жаҳон бозоридаги ракобат томонидан рагбатлантириладиган миллий ишлаб чиқарувчилар орасида ракобатнинг кучайиши.

Шаклланиб булган очик иқтисодиёт ва очик иқтисодиётга утиш бир хил нарса эмас. Очик иқтисодиёт унинг аклга сигадиган даражада амалга ошириш механизмини

шакллантиришда давлатнинг сезиларли аралашувини талаб килади. Хеч бир мамлакатда иқтисодиётнинг абсолют очиклиги йук.

Стихияли очиклик нафакат иқтисодий ривожланишга ёрдам бермайди, балки иқтисодий хавфсизликка хавф тугдиради. Самарадорлик, ракобатбардошлиқ, миллий хавфсизлик тамойиллари асосида курилган очиклик экспорт структураси ва капитал харакати, шунингдек улар ташқи дунё билан узаро таъсирининг факат шаклига эмас, балки валюта, солик, кредит ва инвестиция сиёсатини хисобга олмасдан туриб тушуниб булмайди.

Очиқлик миқдорининг 1-даражали индикаторига экспортга импортнинг ички ялпи маҳсулотидаги улушини киритиш мумкин. Уларнинг комбинацияси алоҳида миллий иқтисодиётларнинг жаҳон бозори билан алоқаларининг миқёси хакида тушунча беради. Шундай қилиб, экспортнинг ЯИМга муносабати экспорт квотаси сифатида аникланади:

**Эк- Э/ЯИМ x 100%**

Бу ерда ЭК- экспорт квотаси, Э- экспорт хажми.

Агар Эк 10% булса, иқтисодиётнинг очиклиги максадга мувофик хисобланади. Иқтисодиёт очиклигининг бошка курсаткичи импорт билан ЯИМ муносабатидан келиб чикувчи импорт квотаси курсаткичидир:

**Ик к И/ЯИМ x 100%**

Бу ерда ИК – импорт квотаси, И- импорт хажми.

Очиқликнинг комплекс курсаткичларидан бири деб одатда ташқи савдо квотаси курсатилади:

**ТС к ТС/ЯИМ x 100%,**

Бу ерда ТСк-ташқи савдо квотаси, ТС – ташқи савдо оборотининг хажми.

Бу курсаткичнинг камчилиги унда капитал экспорти катталигининг хисобга олмаганлигшидир.

Куйида «ката саккизлик» давлатлари учун ташқи савдо квотаси курсаткичлари келтирилган:

Англия – 41,8%

Германия – 50,8%

АКШ -17,0%

Япония – 17,8%

Мамлакат ички бозорнинг хажми, унинг иқтисодий ривожланганлик даражаси, шунингдек мамлакатнинг халкаро даражаси ва халкаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши даражасига таъсир килувчи омиллардир.

Айрим иқтисодчилар куйидаги қонуниятни алоҳида таъкидлайдилар: иқтисодиёт структурасида асос соҳалари (энергетика, металлургия, тог-кон во бош.) улуши канча куп булса, мамлакатнинг халкаро меҳнат тақсимотида иштироки, иқтисодиётнинг очиклиги шунча кам булади.

Замонавий халкаро иқтисодий муносабатлар ривожланишнинг характер ива тенденциялари канака?

Интенсив давлатлараро иқтисодий алоқаларнинг хозирги даражаси куйидагиларни курсатади:

1. жаҳон хўжалигида халкаро меҳнат тақсимоти даражасининг чуқуригини,
2. анъанавий халкаро тайёр маҳсулотлар савдоси миқёсларининг кенгайиши ва характерининг узгарганлигини (у куп жихатдан миллий ишлаб чиқариш жараёнларига туридан-тури хизмат кила бошлади),
3. капитал миграцияси интенсивлашганлигини,
4. илмий-техник билимлар алмашувининг тезлашганлиги, хизматлар соҳасининг ривожланганлигини,
5. ишчи кучи миграциясининг сезиларли даражада усганлиги. (Халкаро ишчи кучи миграцияси халкаро хужалик хаётини байналмиллашувининг мухим кисми булиб колмокда);

6. давлатларва мінтакалар иқтисоди интеграциялашуви жараёнининг тезлашиши ва кенгайишини. Саноати ривожланган давлатларнинг савдо, ишлаб чиқариш ва кредит-молия соҳасида эришилаган бирлик даражаси жаҳон хужалиги мажмуи шаклланишининг куриниши булиб хизмат килади. Унинг иштирокчилари давлат тизимининг таркибий кисми сифатида фаолият курсатадилар. Хужалик хаётининг байналмиллашуви тушунчаси ортида алоҳида давлатларниглобал жаҳон алоқалари бирлаштирувчи куп даражалижаҳон хужалик алоқалари тизимининг самарали ишлаши туради.

Байналмиллашув алоҳида миллий иқтисодий тизимларнинг ошиб бораётган узаро алоқа ва узаробоғлиқлигини характерлайди. XX асрда айирбошлашнинг байналмиллашуви капитал ва ишлаб чиқаришнинг байналмиллашувига айланади, ИТИ таъсирида ривожланишда сезиларли туртки олади (XX аср 50-йилларнинг урталари). Халкаро ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперацияси кескин ошади. Йирик миқёсидаги ихтисослашган ишлаб чиқариш учунички бозорлар доираси торлик кила бошлайди. У объектив равишда миллий чегаралардан чика бошлайди.

ИТИ таъсирида ишлаб чиқариш байналмиллашуви шундай холатни юзага келтирадики, хар қандай мамлакат учун «шахсий ишлаб чиқаришга» эга булиш фойдасиз булиб колади. Алоҳида миллий иқтисодиётлар янада купрок жаҳон хужалигига ривожланишининг асосий тенденцияси булиб капитал, товар ва хизматларнинг ягона планетар бозорини ташқил килиш ва алоҳида давлатларни ягона жаҳон хужалиги мажмуига бирлаштиришга булган харакат хисобланади. Бу эса глобал иқтисодиёт масалаларини халкаро иқтисодиёт муносабатлар тизими мажмуи сифатида ўрганиш заруриятини келтириб чикади. Бу халкаро иқтисодий муносабатларнинг бошкача, юкорирок даражасидир.

Глобализация феноменини икки томонлама куриб чикиш мумкин. Макроиқтисодий даражада глобализация давлатлар ва алоҳида мінтакаларнинг чегараларидан ташқарида иқтисодий фаолият курсатишга булган умумий интилишлари тушунилади. Бундай интилишларнинг куринишлари куйидагилар: либерализация, савдо ва инвестицион тусикларининг олиб ташланишиЮ эркин тадбиркорлик зоналари ташқил этиш ва х.к.

Микроиқтисодий даражада глобализация деганда корхона фаолиятининг ички бозор чегараларидан ташқарида кенгайиши тушунилади. Тадбиркорлик фаолиятининг миллатлараро ёки купмиллий йуналғанлигидан фарқли равишда глобализация жаҳон бозори ёки «жаҳон учлиги» (Шим. Америка, Гарбий Европа, Япония) бозорларини узлаштиришда ягона ёндашушни тушунилади.

Кандай омиллар замонавий ХИМга сезиларли баъзида хал килувчи ахамият касб этади? Хозирги даврнинг карама-каршиликларига карамай, унинг асосий томони купрок ракиблик эмас, балки хамкорлик ва узаро келишув тенденцияси булмоқда. Турли давлатлар иқтисодий ривожланиш даражасининг яқинлашуви руй бермоқда. Албатта вуж уда мураккаб харакатdir.

Бу харкатга:

1. Индустрнал жамиятнинг постиндустриал (информацион) жамиятга утиши;
2. Технологик инқилоблар (1-схема);
3. Энергия хом-ашё ва озиқ-овқат муаммоларининг кескинлашуви;
4. Экологик муаммолар таъсир курсатади.

1-схема

Илмий-техник инқилоб ривожланишининг босқичлари ва ушбу босқичларга мос келувчи жамият турлари

1945й.

Автоматика билан  
боғлик инқилоб  
1974й.

Кибернетика билан  
боғли инқилоб

Автоматлаштириш  
жамияти

Кибернетика  
жамияти

2004й.	
Бионика билан боғлиқ инқилоб 2025й.	Оптимизация жамияти
Психонетика билан боғлиқ инқилоб 2033й.	Автоном жамият
Метапсихонетика билан боғлиқ инқилоб	Табиий жамият

Иркий, диний асосдаги иқтисодий миллатчилик алохида хавф тугдиради. Яъни, эркитн ракобат асосидаги иқтисодий устунлик эмас, бир иркнинг бошкасидан устунлиги эълон килиш билан ткисодий устунликка эришишга интилиш.

XX- асрнинг охири- XXI аср халкаро меҳнат тақсимоти, халкаро капитал ресурслар бозорида миллий иқтисодиётлар иерархиясига кетма-кетлигига асосланган Янги жаҳон хужалиги тизимининг шаклланиш даври хисобланади.

### **Таянч иборалар**

Очиқ иқтисодиёт  
Ёпик иқтисодиёт  
Янги индустрисал мамлакатлар  
Жаҳон хўжалиги  
Трансмиллий корпорациялар

### **Саволлар**

1. Жаҳон хўжалиги-байналмиллашуви нима?
2. Очиқ иқтисодиёт деганда нимани тушунасиз?
3. «Халкаро меҳнат тақсимоти»- тушунчасига таъриф беринг.
4. ХИМга қандай омиллар таъсир этади.

## **18-мавзу Ҳозирги босқичда халкаро-иктисодий муносабатлар**

Режа:

1. Иктиносодий интеграциянинг объектив асослари ва босқичлари.
2. Иктиносодий интеграциянинг босқичи.
3. МДХ доирасидаги интеграция.

XX асрнинг иккинчи ярмида хўжалик ҳаётининг байналминаллашуви замонавий жаҳон хўжалиги ривожланишининг илғор анъанасига айланади. Жаҳон хўжалиги глобал байналминаллашувининг асосий анъаналиридан бири у ё бу давлат ёки энг ривожланган давлатлар гурухининг кенг таъсир зонаси вужудга келишида намоён бўлмоқда. Бу давлатлар гурухи жаҳон хўжалиги алоқалари океанида ўзига хос қитъалар хосил қилиб бошқа давлатларни ўз атрофида бирлаштирувчи ўзига хос интеграция марказларига айланмоқдалар.

Иктиносодий интеграция ўз навбатида, бу жараён катнашчилари давлатлар ўртасида ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашувига имкон яратмоқда. Иктиносодий интеграцияга бошловчи жараёнларни схемали тарзда қуидаги ўзаро боғлик (қайта боғлик) занжирда тасвирлаш мумкин: ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши; - халкаро меҳнат тақсимоти - ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашуви; Иктиносодий интеграцияга иккита омил катта таъсир кўрсатади: илмий - техника инқилоби ва трансмилий корпорациялар.

Жаҳон хўжалигида интеграцион жараёнлар ривожланишининг тўпланган тажрибаси иктиносодий интеграция хосил бўлиши ва ривожланишининг қуидаги тўрт босқичда ўтишига гувохлик беради:

1. Тариф ва бошқа чекланишларни бекор қилиш билан эркин савдо зonasини таъсис килиш;
2. Савдо меҳнат ва капитал харакатида ягона тарифлар ўрнатиш билан божхона иттифоқи ташкил килиш;
3. Қатнашувчи давлатлар иктиносодий сиёсатини мувоффиклаштириш билан хеч кандай дискриминациясиз иктиносодий иттифок;
4. Ягона иктиносодий сиёсат, умумий валюта ва давлатдан юкори турувчи тартибга солувчи органларга эга тўлиқ интеграция.

Охирги икки боскич ўзида у ёки бу интеграцион гурухига хос бўлган томонлар билан боғлик маълум кичик боскичларни жамлаш мумкин.

Минтақавий интеграция иккита даражада рўй беради. Ўз хўжалик фаолиятида интеграцион жараёнларга киришув компаниялари. Давлатнинг бир томонлама бир максадга йўналтирилган фаолияти ёки бу давлатлар гурух доирасида меҳнат ва капитални бир-бирига боҳланиш интеграцион жараёнларга шароит яратганда.

Иктиносодий интеграция Фарбий Европада тўлиқ ривожланган. Обектив иктиносодий жараёнлар билан бир каторда Фарбий Европа интерацияси В. Гюго,

И. Кант каби Европа сиёсий, жамоат арбоблари ва файласуфлари томонидан олға сурилган ягона Европа ғояси билан хам суғорилган.

Жаҳон тажрибасидан маълумки иктиносодий интеграция жараёнлари ишининг қийин кечишининг асосий сабаби, интеграцион гурух борасида мамлакатнинг ўзаро алоқали замирида ётган ички зиддият ва манфаатларининг турли хил даражада эканлигидир. Интеграциянинг ягона қатъий қонунияти йўқ. Бу муайян тарихий шароитга алоҳида олинган малумот ва унинг иктиносодий ва сиёсий манфаатига боғлик. Буни жаҳонда мавжуд бўлган интеграция моделининг турли -туманлиги кўрсатиб турибди. Бу моделлар мамлакат минтақа ҳамда субминтақавий иктиносодий тизим такрор ички механизмни ва ривожланишнинг бошқа параметрлари дифференциланувида катта фарқ борлигини кўрсатади.

Интеграция-моҳиятига кўра давлатнинг у ёки бу даражада ҲИМ фаолиятига аралашиб, тартибга солиш жараёни хисобланади. Интеграция гурухи доирасида бир-бирига мослашаётган давлатларнинг ижтимоий- иктиносодий, сиёсий жихатдан ўртасидаги фарқнинг катталиги. Иктиносодий интеграциялар Фарбий Европа мамлакатларида сиёсий-хуқуқий,

тармоклар, давлатларо ва давлатлар устидан тартибга солишининг институционал тизимлари тасирида ўтади.

Осиё Тинч-океан миңтақасида силлиқ кўринишида кечади.

Шимолий Америкада-ТМК таъсири остида вужудга келган бир неча йилдан бери амалий жихатдан расмийлашмаган.

Колок мамлакатлар-бу миңтақа мамлакатларининг ўзаро иқтисодий алокалари паст даражада. Бу муносабатларини интесификация (кучайтириш, ривожлантириш) учун шарт-шароит яратиш талаб этилади. Ушбу мамлакатларда сиёсий омилларнинг хам ўзига яраша ўрни бор. Иқтисодиёти паст даражадаги мамлакатлар иқтисодий интеграцияси олдида қуйидаги максадлар белгиланган:

- Иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш;
- Хўжаликларнинг кулай(оптималь)тузилмасини яратиш;
- Илгарига метрополия (хукумронлик)га тобеликни бўшаштириш;
- Халкаро меҳнат таксимоти вазиятини ўзgartириш;

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий интеграцияси ривожи суратига бир катор омиллар салбий тасир этади. Булар:

- Моддий базасининг кучизлиги, инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги, бир хил типдаги хўжалик ва тармок тузилмасининг пастлиги, миңтақавий кўшма лойихани амалга ошириш учун маблағ, молиявий ресурсларнинг камлиги.
- Ташки тартиб-интизом омиллари (саноати ривожланган мамлакатларнинг ташки савдо ва экспорт ишлаб чиқариши устидан ТМКлар назоратининг устунлиги)
- Сиёсий баркарорлик.

Европа иттифоки (ЕИ)ташкил топиши ва ривожланишини янги тарихи 1951-йилдан бошланди. Шу йилнинг апрелида 6 давлат - Франция, ГФР, Италия, Белгия, Нидерландия ва Люксембург аъзо бўлиб кирган. Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси (ЕКПБ) хақидаги битим имзоланди. Бу Farbий Европа интеграсиясининг ўзига хос кириш кисми эди. Унинг хосил бўлиши ва ривожланишининг реал бошланиш вақти юкоридаги давлатларда 1957-йилдан Европа Иқтисодий Хамжамияти (ЕИЖ) ва атом энергияси бўйича Европа Хамжанияти (Евроатом) хақидаги битимлар имзоланган. Жамият таркибига ривожланиш даражаси юқори бўлган давлатлар кирган. Бу эса, кейинги 15-йил мобайнида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатида бўлишини кўп жихатдан таъминлайди. Farbий Европа интеграциясининг ривожланиши 50-йиллар охиридан хозирги вақтгача нотекис ва қарама-қаршиликлар билан кечди. Шу билан бирга Европа Иқтисодий Хамжамияти ташкил килишда максад ва вазифалар, унинг бутун фаолияти давомида етарли даражада тўлиқ ва мувоффакиятли амалга оширилди. Farbий Европа интеграцияси ривожланишини рамзий равишда тўрт босқичга бўлиши мумкин.

- Биринчи босқич (50-йиллар охири-70-йиллар ўрталари) Хамжамият хаётида “Олтин аср” хисобланди. Унда божхона иттифоки муддатдан олдин тузилди, ягона аграр бозор муваффакиятли яратилди, ЕИХга учта янги давлат: Буюк Британия, Дания ва Ирландия кирди. ЕИХ ёки “Умумий бозор” ни ташкил қилишнинг аник, мақсадлари қуйидагилар:
- Қатнашувчи давлатлар ўртасида савдода барча чекланишларни олиб ташлаш;
- Учинчи давлатлар билан савдода умумий бож таърифларини ўрнатиш;
- “Одамлар ишчи кучи, капитал, хизматлар” нинг эркин харакатига тўсикларни олиб ташлаш;
- Транспорт ва кишлоқ, хўжалиги соҳасида умумий сиёсат ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Валюта иттифоки тузиш;
- Солик, тизимини унификация қилиш;
- Конунчиликни яқинлаштириш;
- Иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш тамоилларини ишлаб чиқиш.

Буларни амалга ошириш максадида бошқарув структураси мажмуи ЕИХ Вазирлар Кенгаши, Европа Хамжамиятлари комиссияси, Европа кенгаши, Европа Суди, Европа парламенти ташкил қилинди. Ўзининг биринчи вазифаси қилиб ЕИХга, аъзо давлатлар товарлар, капитал, хизматлар ва ишчи кучининг умумий бозорини ташкил килиш вазифасини

күйди. Бунинг учун божхона иттифоки тузилди. Айнан божхона иттифоки ЕИХ, иттифоки доирасида:

- Қатнашувчи давлатлар ўзаро савдосида савдо чекланишлари йўқотилди;
- Учинчи давлатларга нисбатан ягона божхона таърифи ўрнатилди;
- Капитал, кредитлар, пул кўчирмаларининг эркин харакатига эришилди;
- Ишчи кучи миграцияси эркинлиги ва турар жой танлаш эркинлиги таъминланди.

Бу чоралар саноат интеграциясининг тезлашишига имкон берди. Бир вақтда комплесацион йиғимлар ва кишлөк хўжалиги фонди оркали аграр интеграциясини амалга оширишга харакат қилинди. ЕИ аграр сиёсати ЕИга аъзо давлатларнинг умумий бозорнинг шаклланиши ЕИХ, давлатлари миллий монополияларининг трансмиллийга айланиш жараёнини тезлаштирди, шерик давлатлар иқтисодиётига киришига имкон яратади. ЕИХ ривожланиши Хамжамият аъзо давлатларининг ёпик, миллий хўжалиқдан ташки бозорга юзланган очик типдаги иқтисодиётига интисив ўтишни билдиради.

- Иккинчи босқич( 70-йиллар ўрталари 80-йиллар ўрталари ) ЕИ тарихга асосан турғунлик даври сифатида кирди. Бу даврда ЕИ аъзо давлатлари Европа валюта хамкорлиги дастури, ташки сиёсий консультациялар механизмини қабул килишига мувофик бўлсаларда, Фарбий Европа Иттифоки иқтисоди интеграциясининг жиддий инқирозга олиб келди. Бу инқироз Евросклероз номини олди. 70-80-йилларининг бошида ЕИ давлатлари ўртасида ривожланишидаги фарқ ўсади. 1981-йил ЕИга Грециянинг билан бу анъана янада ёркинрок бўлди, чунки бу давлат иқтисодиётини жуда паст даражада эди;

Учинчи босқич (80-йилрнинг 2-ярми 90-йилларнинг боши) хамжамият таркибининг янада кенгайиш боскичи. 1986-йилда Испания ва Португалиянинг қўшилиши давлатлар ўртасидаги диспропорциянинг кучнайишига олиб келди. ЕИХга аъзо бўлган вақтда Португалияда киши бошига тўғри келадиган даромад ЕИХдаги ўртача даромаднинг тахминан ярмига, Испанияда эса 3\4 кисмига тўғри келарди. Янги қатнашчи давлатларда тахминан бешдан бир киши ЕИХда эса ўн учдан бир киши қишлоқ хўжалигига ишдарди. Айнан шу давр Фарбий Европа интеграцияси ривожланишидаги авваламбор Ягона Европа акти (ЕЯ)нинг қабул қилиниши билан боғлик бўлган янги туртки билан характерланади.

ЯЕАда Ҳамжамият қатнашчи давлатларининг умумий мақсади Европа иттифоки хамжамият катнашчиларининг сиёсий альянсини намоён қилувчи юқори даражадаги иқтисодий, валюта-молия, гуманитар хамкорликни ташки сиёсатни, хавфсизликни таъминлашни кўзда тутувчи бирлашма тузишни тасдиқлади. ЕЯнинг Марказий холати шундаки, унда ЕИХ, аъзолари ягона хўжалик организмини ташкил қиладиган ягона иқтисодий худуд қайд қилинди. ЕЯнинг қабул қилиниши билан Ҳамжамият аъзо - давлатларининг микро - ва макроиқтисодиёт, сиёсат ва хуқуқ, фан ва экология, минтақавий ривожланиш, ижтимоий муносабалар соҳасидаги интеграцион жараёнлар кучайди.

- Тўртинчи босқич (90-йилларнинг ўрталари - XXI аср боши). Ягона Европа Актида мувофик, 1993-йил 1-январдан бошлаб Ҳамжамият чегаралари ичида ишлаб чиқариш воситаларининг эркин харакати киритилди. Амалда хамжамият доирасида ягона иқтисодий худуд вужудга келди. Бу ЕЯнинг иқтисодий интеграциясининг сифат жихатдан янги босқичга кирганини англатади.

Маастрихт Битими (1992-йил феврал)га мувофик, 1994-йил 1-январдан ЕИХ Европа Иттифокига айланди ва унинг аъзолари 15 тага этди. ЕЯнинг доирасида тўлиқ ягона ички бозорининг тузилишни амалга оширилди. Кейинги интеграцион хамкорликнинг мақсадлари эълон қилинди. Улар ўз ичига ягона валюта ЕВРОни эмиссия қилиш хуқуқига эга ягона Европа банкини тузиш, ички чегараларсиз ягона Фарбий Европа худудини ташкил қилишни олади.Хозирда 26та давлат аъзо.

ЕИ хужумкор ривожланиши бу жараёнда қарама-қаршиликлар ва қийинчиликлар мавжуд эмаслигини билдирамайди. Юқорида ЕИга янги аъзолар кириши муносабати билан юзага келган давлатлараро давлат ичидаги диспропорсиялар қайд қилинган эди. ЕИ мумкин бўлган янги кенгайиши билан хам сезилар муаммолар пайдо бўлди: ЕИга киришни Туркия, Малта ва Кипр кутмоқда.ЕИ ичида хам хаммаси “бир текисда” эмас. Энг катта қийинчиликлар Европа валюта тизимини шакллантириш давомида намоён бўлди. 1992-йилдаги 7% га

Британия Фунт Стерлинги ва Италия Лираси девальвацияси оқибатида рўй берди ЕВТ инқизорзи Буюк Британия ва Италияни автоматик тарзда ЕВТдан чиқариб ташлади. Валюта Иттифоқини шакллантириш унга қарши мезонларига эришиш қийинчиликлар билан бирга борди. Талаб килинадиган алмашув курси инфляциянинг дарражаси, фоиз ставкалари дарражаси, бюджет дифицити ва давлат қарзига фақат Люксембург жавоб беради. ЕИ аъзолари орасида Иттифоқни кенгайтириш, интеграцияни чуқурлаштириш йўли ҳақидаги қарама-қаршиликлар мавжуд. Фарбий Европа иқтисодий интеграцияси фақат чегаралари билан чекланмайди: 60-йиллар бошидан бошлаб Европа эркин савдо ассоциацияси мавжуд (ЕЭСА). ЕЭСА Еидан фарқли равишда давлат усти функциларига давлатларро мувофиқлаштируви институтларга эга эмас. ЕЭСА аъзо -давлатлари (80-йилларда улар 7 та эди; бу давлатлар ўртасидаги божсиз савдо товар чиқарилган жойга караб ишлаб чиқилган мураккаб коида тизимиға асосланади. Ягона божхона таърифи йўқлиги сабабли ЕЭСА ичида божсиз савдо эркинлиги фақат аъзо давлатлар ишлаб чиқарган товарлар учун мавжуд. ЕЭСАга киривучи давлатлар ва улар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг юкори даражада ривожланганинг қарамасдан, ЕЭСАга тўлақонли интеграцион гурухига айланмайди. ЕИХ/ЕИ учун яъни, янги аъзолар етказиб берувчи бўлиб қолди. Хозирги вактда ЕЭСАнинг кўпгина аъзолари уни Шаркий ва Фарбий Европа ўртасида истикболли эркин савдо зонаси сифатда қарамокдалар.

Америка минтақаси Жанубий Америка мамлакатлари денгиз қирғоқлари зонасида жойлашганлиги билан ажralиб туради. Минтақавий ички савдо унга ривожланмаган, минтақа иқтисодиёти асосан бир хил товарларни ишлаб чиқариши ва экспорт килишига йўналтирилган. Бу мамлакатларда бир мамлакатда йўқ маҳсулотни иккинчиси томанидан тўлдирилиб туруш, таъминлаш имкониятлари етарли эмас, бу мамлакатлар ўртасида транспорт коммуникациялари яхши ривож топмаганлиги оқибатидир, шарт-шароитининг табиий омиллари (тўлиқ худудларнинг кўплиги, экватор ўрмонзорлари, ер рельефи турли туманлиги) минтақавий интеграцион жараёнлар ривожига жиддий тўсик бўлиб туради.

Фарбий Европа иқтисодий интеграцияси ривожланишининг мувофакияти жаҳоннинг ривожланаётган минтақалари эътиборни жалб қиласи. Лотин Америкасида, Африкада ва Осиёда ўттиздан ортиқ эркин савдо зоналари, божхона ёки иқтисодий иттифоқлар юзага келган. Сезиларли, ривожланаётган интеграцион жараён Шимолий Америка эркин савдо зонаси - НАФТАни ташкил килиш ва фаолият кўрсатиш жараёни бўлади. АҚШ билан Канада ўртасидаги иқтисодий интеграция ва уларнинг Фарбий Европадаги шериллар билан хамкорлиги АҚШни конкитирмай кўйди. Натижада, Шимолий Америкадаги интеграцион жараёнларе икки давлат доирасидан чиқиб кетди, 1994-йил 1-январда кучга кирган Шимолий Америка савдо зонаси ҳақидаги шартнома имзоланди. НАФТАга АҚШ ва Канададан ташқари Мексика хам кўшилди. Блок худуди 400млн. аҳоли кучли иқтисодий салоҳиятига эга худудни қамраб олади. Бу давлатлар томонидан ишлаб чиқариладиган товар ва хизматлар 7 трл. Долларни ташкил ҳиласи. Улар улушига жаҳон савдоси умумий хажмининг 20% га яқини тўғри келади.

Шартноманинг асосий холатлари куйидагиларни ўз ичига олади.

- АҚШ, Канада ва Мексика ўзаро савдо киладиган товарларга нисбатан божларни бекор ҳилиш;
- Шимолий Америка бозорини ўз товарларини Мексика орқали АҚШга экспорт қилиш йўли билан Америка божларини тўламасликка харакат қилувчи Осиё ва Европа компаниялари экспансиясидан ҳимоя қилиш;
- Мексикада банк ва суғурта ишида Америка ва Канада компаниялари капитал кўйилмалари ва рақобатларга бўлган тақиқларни олиб ташлаш; -Атроф-муҳитни ҳимоялаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишучун З томонлама гурухлар ташкил қилиш. Беш йил мобайнида АҚШ Мексикадан импорт қилинадиган маҳсулотлар турнинг учдан икки қисми учун импорт таърифларни бекор қилди.

Имзоланган келишувлардан энг кўп фойдани савдо блоке истеъмолчилари олади, чунки рақобатнинг кучайиши ва таърифларнинг пасайтирилиши натижасида кенг товарлар доирасида нархлар пасаяди. Америка саноатчилари фойда олишади, чунки арzon ишчи кучи оқими кучаяди. Кафолатланган даромаднинг ўсиши Америка иқтисодиётининг, электроника компьютер таъминоти, курилиш метериаллари, автомобил эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш

ва бошқа соҳаларда қутитмокда. Айни пайтда, шакар, ситрус мевалари, қишики сабзавотлар етиштирувчи Америка фермерлари зарар кўрадилар. Мексикага келганда, у НАФТА ёрдамида ўз иқтисодий ўсиши суръатларини оширмоқчи тахминан ЯИМнинг 1.6% - 2.6% йиллик ўсиши. Натижада, Мексика иқтисодиётини ислоҳ килиш ва саноати ривожланган давлат каторига қўшилиш муддатини ярим асрдан 10-15 йилга кискартириши мумкин. НАФТАдан энг кам фойдани олдинига Ранада олади. Унинг иқтисодиёти АҚШники билан чамбарчас боғлик, Мексиканини билан жуда кам. Аммо, НАФТА ривожланиб бориши билан Канада интеграцион жараёнга янада кўпроクトрилади ва кенгаётган бозордан дивидентлар олади. НАФТА фаолиятининг биринчи икки йилида экспорт хажмининг ошириш хисобига қўшимча иш ўринлари хосил бўлишига бўлган умид оқланмади. Бундан ташкари, АҚШнинг Мексика билан савдодаги ижобий салдоси йўқолиб, 1995-йилда дефицит пайдо бўлди. Умуман олганда, НАФТА ташкил қилувчиларнинг режасига кўра, тўлаконли шимолий Америка бозори 2010-йилда ташкил қилиниши мумкин. Хозирдаёқ, Америка иқтисодчиалри Аляскадан Оловли Ергач чўзилган панамерика савдо блоки тузишни моделаштирмокдалар, интеграцион жараёнлар Жанубий Америкада хам фаоллашмоқда. Ўз даврида (60-йиллар бошида) бу ерда “еркин савдо зонаси”ни яратиш, сўнгра Марказий Америка умумий бозори - МАУБни ташкил килиш режалаштирилган эди. Бирок, сиёсий ва иқтисодий инкиroz бу режаларни амалга оширишга имкон бермади.

90-йиллар ўрталарида интеграцион жараёнлар 1991-йилда Аргентина, Бразилия, Уругват (кейинрок қўшилган) ўртгасида тузилган ва 1995-йил 1-январда кучга кирган “МЕРКОСУР” савдо пакети тузиш орқали фаоллашди. Бу пакет умумий ахолиси 200 млн. Кишидан кўп бўлган ва умумий ЯИМси 550млрд. Доллар бобўлган давлатлар бирлаштирувчи янги йирик минтақавий савдо - иқтисодий блок тузилишига олиб келиши керак.

МЕРКОСУР гурухи тузилиши натижасида тўрт давлат ўзаро савдосининг 90% хар бир таърифли тўсиклардан озод қилинади, учинчи давлатлардан импортга эса, умумий таъриф структурасии ва божхона қоидалари қиритилади.

Минтақада савдо кўрсатаётган савда ташкилотлари:

- Шимолий Америка эркин савдо асоссацияси-НАФТА 1994-йил ўз ичига учта давлатни олади. АҚШ, Канада, Мехико
- Лотин Америка эркин савдо асоссацияси-ЛАА 1960-йил Лотин Америка эркин савдо асоссацияси ЛАЕТ 1980-йил 11 давлатни ўз ичига олади.
- Анд гурухи 1969-йил 5 мамлакатни: Боливия, Винисуелла, Колумбия, Перу, Эквадор.
- Кариб ҳамжамияти ва Кариб умумбозори (КАРИКОМ) 1973-йил, 14 та давлат
- Марказий Америка умумбозори 5 та мамлакат: Гватемала, Гандурас, Коста-Рика, Никарагуа, Салвадор.
- Жанубий Конус мамлакатлари умум бозори (МИРКАСУР) 1991-йил 4 та мамлакат, Аргинтина, Бразилия, Парагвай, Уругвай, Осиё Тинч океани минтақаси. Бу минтақа дунё хўжалиги мамлакатларининг жадал ривожланаётган зonasига киради, Мамлакат миллий иқтисодиётида ривожланиш суръатининг юкори даражадалиги, юкори технология тармоқлари ривожланиш даражаси устунлиги, ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг юкори сифатлилиги, рақобатбардошлилиги, осиёликларнинг бирдамлик анъаналарини саклаб қолган. Минтақавий интеграциянинг учта асосий йўналиши АСЕАН базаси ва доирасида ишлаб чиқарилган.

1-йўналиши ўзаро савдо-сотик таърифларини пасайтириб бориши орқали эркин савдо мақоми зонасини яратишни кўзда тутган. Бу табиий ресурслардан унумли фойдаланишга олиб келади. Ички тармоқлараро савдони эркинлаштириши (Либерализация), алоҳида катигорияли товарлар учун таърификацияни босқичма-босқич пасайтириб бориши ёки бекор қилишга асосланиб олиб борилади. Сингапур шу концепсияга амал қиласди.

2-йўналиш Бу бозор институционал йўналиши бўлиб, мамлакатларо тартибга солиб туришнинг баъзи бир шаклларини қўллаши савдони эркинлаштириш либерализациялашни ораллатиб ўтказиш, қўшиб олиб борилиши характерланади. Интеграцияни ривожлантиришнинг бу йўли индустря-саноат мақсадига мувофик тартибга солиш

тарафдорлиги томонидан таклиф этилган. Бу консепция миңтақа бүйича саноат соҳасида хамкорлик қилишга асосланган бўлиб, АСЕАНга аъзо ривожланиш даражадаги келишиб олган ривожланиш режасига мувофик хамкорликда ишлаб чиқилган лойихалари амалга оширилишини, бунда мамурий ва сиёсий йўл-йўрик билан қўллаб-куватлаб туриш кўзда тутилган. Бу консепция Индонезияда ишлаб чиқилган.

З-йўналиш Хўжалик юритишнинг миқёсидаги айрим лойиҳаларини амалга оширишнинг тавсия этади. Бу йўналиш доираси соғ спекторга алоҳида эътибор қаратилган, кўп миллатли йирик компанияларини ўсиши учун қулай шарт-шароитлар ятиб бериш кўзда тутилган. Бу миңтақавий интеграцияларни жорий этишда аниқ ва равshan назарий ёндошув режасининг йўлигидан далолат беради. Бу миңтақа иқтисодий ривожланиш суръатининг юқорилиги, бир томондан, чет элнинг инвестицион ва инновацион таъсири остида бўлса иккинчи томондан Осиё мамлакатларида хом-ашё ва ишчи кучининг кўплигига бўлади. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришга ёрдам берувчи бу экстенсив омилларини ривожлантиришининг ички интенсив омилларини қидириб топишга ҳаракат қилмокда. Бу миңтақавий интеграциялашни янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Ўз миңтақаларида интеграцион жараёнларини ривожлантиришга Африка давлатлари ҳам интилмокда.

Африка миңтақаси бу миңтақа мамлакатлари кўп жиҳатлари табиий иқлими, тарихий, иқтисодий ва сиёсий ривожланиши билан ажралиб туради. Бу миңтақа давлатлари жаҳон хўжалигидаги энг кам тараққий қилган давлатлар мамлакатлар қаторида туради. Бу миңтақа доирасида интеграция жараёнинга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. XX асрнинг 60-йилларида интеграциялаш бошланган эди. 1960 -йилдан кейин миңтақада кенг камровли интеграцияни ривожлантириш мақсадида 40 дан ортик халкаро иқтисодий ва молиявий йўналишдаги ташкилотлар тузилди.

Дастлаб асосий дарёлар (Сенегал, Ганбия, Катера) ва бошқаларнинг табиий ресурсларини ўзлаштиришга шунингдек алоҳида монокултура (ўрмонлари, какао, шоли гуруч ва бошқаларга) қаратилган эди. Интеграция жараёнларининг ривожига товарлар оқимининг бозорга келиб тушишидан тортиб сотиб бўлиннишигача назорат қилиб турувчи ТМКлар салбий таъсир кўрсатади.

- Фарбий Африка мамлакатлари иқтисодий хамжамияти (ЭКОВАРС) 1976-йил 16 та мамлакат аъзо

- Шаркий ва Жанубий Африка умумбозори (КОМЕСА) 1994-йил 20 тк давлат.

1989-йилда, Африка қитъасининг шимолий қисмида Жазоир, Ливия, Мавритания, Марокко ва Тунис иштирокида Араб Мағриби Иттифоқи ташкил қилинган. Бу иттифоқ, ҳақидаги шартнома миңтақавий интеграция даражасида кенг миқиёсида иқтисодий хамкорликни назоратда тутади. Аммо, Шимолий Африка худуди бешта миллий чегаралардан ёпик, бирбиридан ажралган бозорлардан иборат.

Бошқа Африка давлатларининг иқтисодий интеграцияга интилиши ривожланган, амалда бирбири билан иқтисодий алоқалари бўлмаган давлатларнинг Африканинг ярим субмиңтақаларида ички бозорининг эхтийёжларини кондиришга йўналтирилган саноатни ривожлантириш учун шароит яратишга ҳаракатни англатади. Иқтисодий ва божхона иттифоқларини ташкил этиб Африка давлатлари мувофиқлаштирилган сиёsat асосида ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни режалаштирилган эди. Натижада, алоҳида мамлакатларда иқтисодиётни модернизациялаш базаси сифатида катта сифимли ички бозорлар ташкил қилиш мўлжалланган. Интеграция ривожланишининг мукобил йўли, кўп холда “ўз кучлари билан” ривожланишга эришиш йўли сифатида караларди. “ўз кучлари билан” консепцияси иқтисодиёт структурасини кайта куриш авалло махаллий ресурслар, ички ривожланиш омилларини сафарбар килиш хисобига эришиш мумкинлигини кўзда тутади. Бу ғоя Африка бирлиги ташкилотининг 2025-йилга келиб Африка иқтисодий хамжамиятини тузиш режасида ҳам бор. Африка интеграцион жараёнларининг амалиёти, Африка давлатлари раҳбарлари томонидан эълон қилинган чукурлашган хамкорлик мақсадларининг амалга ошириш имкониятлари асосан бу мақсад ва вайфалар факат яхши ният бўлиб қолаётганлигини кўрсатади. Камбағал ва ривожланмаган давлатларнинг ананавий шаклдаги иқтисодий хамкорлиги “камбағаллик доирасидан” чиқишига олиб келмайди, сезиларли бир ривожланишни

таминалайди. Шу билан бирга, Африка умумий бозори ғояси, уни ташкил қилишдаги мувофакциялизиларга қарамасдан хамон қитъада машхурдир.

- Жанубий Африка тараққиёти ҳамжамияти (САЛҚ) 1992й 11та давлат.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасидаги интеграция 1993-йил Иқтисодий иттифок тузиш ҳақида шартнома имзоланди.

Шартномада интеграциянинг узоқ муддатга мўлжалланган мақсадлар ўз ифодасини топади. Шартномага кўра товарлар, хужжатлар капитал ишчи кучларининг умумбозорини ташкил этиш босқичма-босқич амалга ошириш белгиланади, эркин савдо зонасини яратиш, божхона, тўловлар ва валюта биржасига ўтиш. Бу муаммони ҳал этиш жамоа ташкилоти бўлиш давлатлараро иқтисодий комитетига топширилди. Умуман МДХ доирасидаги интеграция амалий кўринишда эмас, фақат қоғоздагина қайд этилган.

МДХ даги мавжуд муаммо ва қийинчиликлар

- ижтимоий иқтисодий ривожланиш даражасининг, иқсодий стратегияси хар хиллиги;
- давлатлар бошидан кечираётган ижтимоий-иктисодий инқизорзининг давомийлиги;
- ўтказилаётган ислохатлар йўналишлари суръатларидағи катта фарқлар;
- давлатлар миллатлараро зиддиятлар тартибга солинмаганлиги;
- ягона илмий техника мақомининг йўклиги;
- инфратузилмани заиф ривожлангамлиги;
- божхона ва транспорт таърифида миллий тизим бир - биридан фарқ қилиши.

2001 йил 15 июн саммитида Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Ўзбекистон бошликлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) тузилиш хакидаги деклорацияни терроризм, спаратизм ва экстраметизм қарши курашиб конвенсиясини имзоладилар.

1. Иқтисодий интеграциянинг объектив асослари ва босқичлари нимадан иборат?
2. Фарбий Европа иқтисодий интеграцияси ривожланишининг ўзига ҳос томонларини изоҳлаб беринг?
3. НАФТА нинг аҳамияти?